

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қ.С. ҲАМДАМОВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ – 2003

THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF  
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

K.S.HAMDAMOV

MANAGEMENT OF THE ACTIVITY OF AGRICULTURAL ORGANIZATIONS

This manual is recommended by the group of “controlling scientific organizations activities of higher education” of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

TASHKENT – 2003

Ҳамдамов Қ.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш - (Ўкув қўлланма) -Т.: ТДИУ, 2003 - 163 бет.

Ушбу қўлланмада «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш» фанининг мавзуи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари, қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодида тутган ўрни ва роли, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг турли-туманлиги, ташкилий-иқтисодий асослари, умумийлиги ва ўзига хос хусусиятлари баён этилган; қишлоқ хўжалиги корхоналарини ихтисослаштириш, тармоқларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, корхоналарнинг мақсадга мувофиқ ҳажмини белгилаш, корхона ишлаб чиқариш ресурсларини, айниқса, ер фонди, корхона ҳудудини ташкил қилиш, аҳоли пунктларини режалаштириш, уларни корхона ҳудудида жойлаштириш масалалари батафсил ёритилган.

Қўлланмада шунингдек, корхона ишлаб чиқариш воситаларини, айниқса, механик ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган; корхона фаолиятини режалаштириш, режалаштириш тизими, бизнес-режа, уни ишлаб чиқиш усуллари, меҳнатга ҳак тўлаш, меҳнатни рағбатлантириш, хўжалик ҳисобини ташкил этиш, корхонада ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархи, фойда ва рентабеллик масалалари ҳақида фикр юритилган; дехқончилик ва чорвачилик тармоқларини, дехқончилик ва чорвачилик тизимини, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш масалаларига тўхталиб ўтилган.

Масъул муҳаррирлар: и.ф.д., проф. Ш.Р.Холмўминов;  
и.ф.д., проф. Б.Т.Салимов.

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Қ. Хасанжонов;  
и.ф.н., доц. Н.Т. Ўрмонов.

Hamdamov Q.S., “Management of the activity of agricultural organizations” (manual) – T.: TSEU, 2003 – 163 pages.

The manual is about the essence of “ Management of the activity of agricultural organizations”, main characteristics of agricultural production, the role and place of agriculture in country’s economy of the country; the types of agricultural organizations, their organizational-economical basis, and characteristics;

The manual also covers organizational structure of mechanical production, and the ways of their utilization. Planning of the activity of organization, planning systems, business plan, and the ways of preparing it , payments , awarding , creation of household account, expenditures in organizations, product costs, profit and profitability problems are presented as well.

Responsible editor: doctor of economic science, professor Holmuminov Sh. R.  
doctor of economic science, professor Salimov B.T.

References: doctor of economic science, professor Khasanjonov Q.;  
candidate of economic science, senior lecturer Ormonov N.T.

## КИРИШ

Мамлакат аҳолисининг истеъмол буюмларига ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондириш, энг аввало, агросаноат мажмуаси ва бу мажмуанинг асоси бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароити, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётимиздаги, ҳаётимиздаги ўрни бу соҳани ислоҳ қилишни янада чуқурлаширишни тақозо этмоқда. Чунки қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолиси ҳаётида ҳам ииқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий аҳмиятга эга. «Бугун биз шуни тобора чуқур англаб етғанмизки, жамиятимизнинг умуман янгиланиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар нечоғли самарали кечеётгани, қишлоқ ҳаётининг барча жабҳаларига нечоғли кириб бораёттгани билан боғлиқ» (И.Каримов, «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи», «Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 26 декабрь).

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ва арзигулик ишлар килинди. Мулк муносабатлари шакллантирилди, кўп укладли, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган турли корхоналар вужудга келди, улар мақсадга мувофик фаолият кўрсатишлари учун ҳуқукий асослар яратилди, кадрлар тайёрлашнинг замон талабларига жавоб берадиган тизими ташкиллаштирилди. Ҳозирги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигида 3,2 миллиондан ортиқ дехқон, 74 минг фермер ҳамда пайчиликка асосланган 1960 дан ортиқ ширкат хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон омилининг роли ва аҳамиятини, унинг ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини юксалтиришдан мафаатдорлиги ва жавобгарлигини оширишдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, уни дунё талаблари даражасида ташкил қилишни таъминлаш бу соҳага фан ва техника ютуқларини кенг жорий этишини тақозо қиласди. Бунинг учун кадрлар турли шаклдаги корхоналарни ташкил этиш ва бошқаришнинг илгор усулларига, иқтисодий қонунлар бозор иқтисоди шароитида амал қилишининг ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда корхона фаолиятини чуқур таҳлил қилиш, хulosалар чиқариш ва қарорлар қабул қилиш йўллари ва усулларини билишлари керак.

Қишлоқ хўжалигига меҳнатни **ташкил этиш**, уни **рағбатлантириш шакллари ва тизимларини яратиш** ислоҳотларнинг энг долзарб йўналишидир. Хўжалик юритишнинг оиласвий пудрат, ижара шакллари қишлоқдаги ер муносабатлари каби мураккаб масалани муваффақиятли, одилона ҳал қилувчи иқтисодий-сиёсий ва ташкилий воситадир.

Юқорида фикр юритилган масалаларни ҳал қилиш раҳбар ва мутахассислардан турли шаклдаги корхоналар фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш ва бошқаришнинг илгор усулларини билишни талаб қиласди. Шунинг учун «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш»

фанининг асосий вазифаси талабаларга, қишлоқ хўжалигини бошқариш билан шуғулланувчи раҳбар ва мутахассисларга, бозор иқтисоди шароитида иқтисодий қонунларнинг турли шакллардаги корхоналарда амал қилишининг ўзига хос хусусиятларини, шу қонунлар талаби нуқтаи назаридан корхоналарнинг ташкилий-иқтисодий асослари мустаҳкамлигини, уларни ихтисослаштириш, тармоқ таркибини мақсадга мувофиқ шакллантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, корхона истиқболини, рақобатбардош корхонага айлантириш йўлларини белгилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш йўллари ва усулларини иқтисодий жиҳатдан баҳолашни ўргатишдан иборат.

Муаллиф ўқув қўлланма юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни, таклифларни миннатдорчиллик билан қабул қиласди.

## I боб

# «ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ» ФАНИНИНГ МАЗМУНИ ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

## 1.1. Қишлоқ хўжалигининг жамиятда тутган ўрни ва вазифалари

Ҳар қандай жамият асосини ишлаб чиқариш ташкил этади. Чунончи, ишлаб чиқариш кишилик жамиятининг яшаси ва ривожланиши учун моддий неъматлар яратади. Инсоннинг моддий неъматлар ишлаб чиқаришга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолияти – меҳнат жараёни. Ишлаб чиқариш учун кишилар бир-бирлари билан ўзаро алоқа ва муносабатга киришадилар, худди шу ижтимоий алоқа ва муносабатлар орқали табиатга таъсир қиласадилар, шу тариқа ишлаб чиқариш содир бўлади. Шунинг учун ҳар қандай ишлаб чиқариш бошқаришни тақозо қиласади.

Моддий ишлаб чиқаришнинг энг дастлабки ва йирик соҳаси – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидир. Бу соҳанинг асосий вазифаси мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса хомашёга бўлган талабини қондиришdir. Шунга кўра, қишлоқ хўжалигининг тараққиёти ҳар бир мамлакат учун ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ҳамда сиёсий аҳамиятга эга. Чунки ҳар қандай жамиятнинг, шунингдек, муайян мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳам шу мамлакат аҳолиси турмуш шароитларини яхшилашдан иборат.

Иқтисодий нуқтаи назардан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги аҳоли ва қайта ишлаш саноати эҳтиёжларини қондириш билан бирга мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (**ЯИМ**) ва жами инвестициянинг 30%дан ортигини бермоқда. Ижтимоий нуқтаи назардан шуни таъкидлаш керакки, мамлакат аҳолисининг 60%и қишлоқ жойларда яшайди, унумли меҳнат билан шуғулланаётган аҳолининг 40-45%и қишлоқ хўжалигида банд. Бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 4-5%ни ташкил этади. Масалан, АҚШда 3,5%, Германияда 3,0%, Белгия ва Голландияда 2,5%дан ошмайди. Шунинг учун қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашдек энг йирик ижтимоий масалани ҳал қилиш, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги, қишлоқ хўжалиги меҳнати билан индустрлашган меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни тугатиш қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаларидан биридир.

Қишлоқ аҳолисининг моддий турмуш даражаси, умуман, мамлакат аҳолисини арzon ва сифатли озиқ-овқатлар билан тўла таъминлаш уларнинг қадриятини, сиёсий тузумга бўлган муносабатини ифода қиласади. Дарвоқе, қишлоқда амалга оширилаётган ислоҳотлар, мулк муносабатлари, табиий ўзгаришлар, мулкдорлар синфининг шаклланиши одамларни янгича фикрлашга ўргатаётгани, янгича муносабатларга бўлган ишончини ортираётгани бежиз эмас.

«Энг муҳими, муаммонинг сиёсий жиҳатидир. Бугун биз шуни тобора чуқур англаб етаяпмизки, жамиятимизнинг умуман янгиланиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар нечоғли самарали кечеётгани, қишлоқ ҳаётининг барча жабҳаларига нечоғли чуқур кириб бораётгани билан боғлиқ», – деб айтган эди Президент И.Каримов Ўзбекистон Олий Мажлисининг 1-чақириқ X сессиясидаги маърузасида. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдан асосий мақсад мулк муносабатларини ривожлантириш, қишлоқда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш орқали мавжуд табиий, ер, сув, меҳнат ресурсларидан тўла фойдаланишин таъминлашдан иборат. Экинларнинг ҳосилдорлиги, чорва молларининг маҳсулдорлиги борасида биз ҳали илфор, ривожланган мамлакатлар эришган даражадан 3-4 баробар орқадамиз. Ресурслардан самарали фойдаланиш, уларнинг қайтиши борасида ҳам фойдаланилмаётган имкониятларимиз ҳали кўп. Чунки ҳар бир жамият чекланган ресурслар шароитида чекланмаган эҳтиёжларни тўлароқ қондиришга ҳаракат қиласи. Қайси жамият шу масалани ижобий ҳал қиласа, аҳоли шу жамиятни, шу мамлакатни қадрлайди, унинг ватанпарвари бўлади.

## **1.2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари**

Иқтисод – чекланган ресурслар шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш учун уларни тўғри тақсимлаш жараёни, демакдир.

Иқтисодий фан – инсон ва жамиятнинг турли муқобиллар ўртасида кўйилган мақсадга эришишида камёб ресурсларни тақсимлаш йўлларини ўрганувчи фандир. Бу фан у ёки бу соҳага қўлланилганда тўғри хulosалар чиқариш ва қарорлар қабул қилиш учун ҳар бир назария ва моделни, иқтисодий қонунларни шу соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўллашни тақозо қиласи. «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш» фани ҳам бундан мустасно эмас. Ҳар бир индивиднинг ўзига хос хусусияти унинг ўзлигини билдиради. Ҳар бир предмет, соҳа ва жараён бошқа предмет, соҳа ва жараёнларда бўлмайдиган ўзига хос хусусиятига кўра, бир-биридан фарқланади. Қишлоқ хўжалиги ҳам ўзига хос туб хусусиятларига кўра, йирик тармоқ сифатида шаклланган. Бу хусусиятларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

**1. Қишлоқ хўжалиги асосини биологик жараён ёки биологик усул ташкил этади.** Бунинг моҳияти шундаки, қишлоқ хўжалигида маҳсулот этишириш жараёни инсон меҳнатини меҳнат предметига бевосита таъсир этишидан эмас, балки меҳнат предмети сифатида қатнашаётган ўсимликлар ва чорва молларининг ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи шароитлардан иборат. Масалан, саноатда бирон маҳсулот, айтайлик, пойабзал ишлаб чиқариладиган бўлса, ишчи меҳнат қуролини эгаллаб олиб, механик усул билан хомашёга таъсир этиб, уни турли катталиктаги ва шаклдаги пойабзалларга

айлантиради. Қишлоқ хўжалигида бундай усулда маҳсулот етишириб бўлмайди.

**2. Маҳсулот етишириш табиий равишда биологик усулга асосланганлиги учун ишлаб чиқариш даври билан иш – меҳнат даври бир-биридан фарқ қиласди.** Ишлаб чиқариш даври бошқа соҳаларда фақат меҳнат жараёни давридан иборат бўлса, қишлоқ хўжалигида эса, ишлаб чиқариш, меҳнат жараёни ҳамда табиий жараёндан иборат. Табиий жараён деганда инсон меҳнати таъсисиз, ўсимлик ва чорва молларининг биологик хусусиятларига кўра ўзгариши тушинилади. Масалан, экин экилгандан кейин маълум вақт ўтгач, навбатдаги меҳнат жараёни амалга оширилиши керак.

**3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўсимликлар ва чорва молларининг ўсиши ва ривожланиши учун талаб этиладиган биологик шароитлар кўпчилик ҳолларда табиий кучлардан фойдаланилган ҳолда яратиб келинмоқда.** Тўғри, кейинги йилларда иссиқхоналар ташкил этиш орқали йилнинг хоҳлаган ойларида айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (асосан сабзавотларни) етиширишга эришилмоқда. Бунга, таъкидлаётганимиздек, экинларнинг биологияси талаб этган шароитларни сунъий кучлар ҳисобига яратиш орқали муваффақ бўлинмоқда. Табиий кучлар табиат қонунига биноан содир бўладиганлари учун ишлаб чиқариш мавсумий хусусиятга эга. Бугина эмас, ишлаб чиқариш даврининг бир қисми бўлган меҳнат жараёнлари ҳам мавсумий хусусиятларидир. Меҳнат жараёнлари экинларнинг турли ривожланиш даврларидағи биологик талабини қондиришга қаратилган шароитларни яратишга йўналтирилгани учун ҳар бири турли босқичларда ўзига хос меҳнат қуроллари билан амалга оширилади. Масалан, ғаллани экиш бир даврда маҳсус меҳнат қуроли – сеялка билан, суғориш ва ўғитлаш бошқа даврда бошқа меҳнат қуроллари билан, ҳосилни ўриб-йифиб олиш эса яна бошқа даврда – комбайн билан бажарилади. Ҳар бир меҳнат жараёнини бажариш муддати қанча қисқа бўлса, маҳсус меҳнат қуролларидан фойдаланиш муддати ҳам шунча қисқа бўлади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилдиган меҳнат қуроллари, айникса, машина ва ускуналарнинг универсаллигини оширишга, маҳсулот етишириш хажмини шу воситалардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган даражада оширишга катта эътибор берилмоқда.

**4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёни меҳнат ва табиий жараёнлардан иборат бўлганлиги учун ишлаб чиқариш жараёнининг пировард натижаси – маҳсулот етишириш ва харажатлар миқдори ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳамма меҳнат жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлмайди.** Меҳнат жараёни табиий-биологик жараёнлар билан кўшилиб кетганлиги учун меҳнат табиий жараёнлар билан уйғунликда олиб борилгандагина пировард натижа юқори бўлиши мумкин, акс ҳолда меҳнат жараёнлари натижаси қисман ёки мутлақ йўқолиб кетади. Масалан, экинга ўғит солиниб, вақтида суғорилмаса, ўғитлар таъсири йўққа чиқиши, сув танқислиги ёки қурғоқчилик ҳосилни бутунлай нобуд қилиши мумкин. Шунингдек, ўз

вақтида ем-хашак бўлмаслиги чорва моли маҳсулдорлиги камайиб кетишига олиб келади. Ўсимлик ва чорва молининг ривожланиши ва ўсишининг муайян даврида ўғит ёки ем-хашакка бўлган талаби қондирилмасдан, бу тадбир маълум давр (бир-икки ой) ўтганидан кейин ўтказилса, у ижибий натижа ўрнига, салбий оқибат келтириши мумкин. Саноат ёки қурилишда бунинг унчалик катта таъсири сезилмайди. Масалан, тикувчилик фабрикасида кўйлакларга қадаш учун тугмалар ёки бошқа фарнитура маҳсулотларида узилиш кузатилса, кўйлакнинг истеъмол қийматига унча катта таъсир этмайди. Бир-икки ойдан кейин тугмалар олиниб, кўйлакларга қадалиши, тайёр кўйлаклар тегишли даромадни келтириши мумкин. Шунингдек, қурилишга маълум бир материални (ғишт, цемент ва ҳ.қ) етказиб бериш жараёнидага узилиш қурилиш маҳсулоти қиймати ва истеъмол қийматига путур етказмайди. Қишлоқ хўжалигининг бу хусусияти қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш, иқтисодий рафбатлантириш шаклларига, кадрларга бўлган талаб ва уларни танлаш, мулк муносабатларини шакллантиришга жуда катта таъсир этади.

**5. Экинлар ва чорва молларининг ўсиши ҳамда ривожланишини таъминловчи биологик жараён ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси – етиштирилган маҳсулотда ҳам ифодасини топажаги боисдан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари у ёки бу даражада тезда бузилувчан, уларни узоқ масофаларга ташиш ноқулай.** Бу эса маҳсус транспорт ва мосламалар бўлишини тақозо қиласи. Талаб ва таклиф амал қилган эркин бозор шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчилар бу турдаги маҳсулотлар айнан шу хусусиятга эгалиги учун бошқа соҳалардаги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан баробар рақобат қила олмайдилар. Қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларда ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга баҳони шакллатиришда ҳал қилувчи мавқега эга. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига баҳони шакллантиришда эса, юқорида кайд этилган сабабга кўра, истеъмолчининг таъсири, мавқеи юқори. Мисол учун, трактор ишлаб чиқарувчи завод ўз маҳсулоти бўлган тракторни бозорга олиб чиқиб, маълум бир баҳода таклиф қилса-ю, харидор бу баҳога рози бўлмаса, у ўз маҳсулотини мақсадига мос баҳо даражасини шакллантиргунича сақлаб туриши мумкин. Чунки тегишли муддат орасида саноат маҳсулотининг истеъмол қиймати ўзгармайди.

Муайян маҳсулот ҳақиқатдан ҳам харидорга зарур бўлса, унинг баҳоси ишлаб чиқарувчи таъсири остида шаклланади. Лекин бозорда эркин рақобат бу хусусиятни бутунлай йўқ қилмайди, балки товар баҳоси юқори ёки паст бўлишига олиб келади, холос. Сут етиштирувчи эса бозорга сут олиб чиқиб, унга маълум бир баҳони таклиф қилса-ю, истеъмолчи бу маҳсулотни таклиф этилганидан арzonроқ баҳода сўраса, сотувчи шу заҳотиёқ сутнинг янги баҳоси тўғрисида ўйлай бошлайди. Вақт ўтиши билан бу ташвиш орта боради. Сут тезда бузиладиган маҳсулот бўлганлиги учун етиштирувчи баҳони белгилаганда истеъмолчи таклифиға ён беришга мажбур бўлади. Бу хусусият турли маҳсулотларда турича бўлсада, бироқ масаланинг моҳияти ўзгармайди.

Тұғри, қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлашни ташкил қилиш бу хусусият келтириб чиқарадиган салбий оқибатларни қисман бартараф этади, ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштириш, тармоқ таркибини мақсадға мувофиқ шаклда ташкил этишни тақозо қиласы.

**6. Қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариши кенг майдонларда ва очиқ шароитларда олиб борилади.** Бу хусусият меңнат ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишга турлича, күп ҳолларда салбий таъсир күрсатади. Қулай об-хаво шароитларида меңнат ва ишлаб чиқариш воситаларининг унумдорлиги юқори бўлса, нокулай об-хаво шароитларида паст бўлиши мумкин. Катта майдонларда меңнат жараёнлари олиб борилганлиги учун нокулай об-хаво шароитларини (иссиқ, совуқ, чанг ва ҳ.к) сунъий йўл билан бартараф этиш иқтисодий жиҳатдан ўзини етарли оқламайди. Бундай ҳолда табиий шароитларининг салбий таъсири камроқ бўладиган ташкилий чоратадбирлар қўлланилади.

### **1.3. «Қишлоқ хұжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш» фанининг мазмуни ва бошқа фанлар ўртасида тутган ўрни**

Ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шакли корхона ва фирмалардир. Корхона ёки фирма – талаб ва таклиф қонунига қўра, у ёки бу турдаги маҳсулотни этиштирувчи ва хизмат кўрсатувчи хұжалик субъекти.

Қишлоқ хұжалиги корхонаси – дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини этиштирувчи хұжалик субъекти. Корхона мамлакат иқтисодининг энг бошланғич, қуи бўғинини, микродарражасини ифода қиласы. Шунинг учун қишлоқ хұжалиги корхоналари қишлоқ хұжалигининг қуи, асосий бўғини ҳисобланади. Қишлоқ хұжалигининг юксалиши ва самараси қишлоқ хұжалиги корхоналари қай йўсинда ташкил этилганлигига, уларнинг самарали фаолият юритишига боғлиқ. Бу эса корхона фан ва техника тараққиётининг сўнгги ютуқлари билан қанчалик қамраб олиниши билан белгиланади.

Бошқа соҳалардаги каби қишлоқ хұжалиги корхоналари олдида уч муаммо туради:

1. Қандай маҳсулот ва қанча ишлаб чиқариш керак?
2. Қандай қилиб, қанча ва қандай ресурсларни жалб қилган ҳолда, қандай усувларни қўллаб?
3. Ким учун ишлаб чиқариш натижаларини ким олиши керак?

Корхонада бу саволларга жавоб топишда «Қишлоқ хұжалиги корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш» фанини ўрганиш зарур.

*«Қишлоқ хұжалиги корхоналари фаолиятини бошқариши» фани иқтисодий фан бўлиб, айрим олинган корхоналарда иқтисодий қонунлар, назариялар, моделлар ҳаракати механизмининг ўзига хос хусусиятларини, улардан фойдаланган ҳолда корхоналар фаолиятини мақсадға мувофиқ ташкил қиласы ва юритиши йўллари ва усувларини ўргатади.* Бу тушунча фанининг асосий

мазмунини, мавзуини ифода этади. Шундан келиб чиққан ҳолда фаннинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- мавжуд корхоналар фаолиятини чуқур таҳлил этиш асосида эришилган мулк муносабатларини тўла намоён қиласиган корхоналар шаклини танлаб олиш ва асослаб бериш;
- қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ихтиослашиш, тармоқларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлай бориш, корхона ва ишлаб чиқариш бўлимларининг мақсадга мувофиқ ҳажмларини аниқлаш, уларни асослаш ва жорий қилиш усулларини ишлаб чиқиши ва татбиқ этиш;
- меҳнатни ташкил этиш, уни рағбатлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг муқобил тизимларини жорий қилиш усулларини ишлаб чиқиши, жорий қилиш усулларини кўрсатиш;
- техникавий-иктисодий фан сифатида ишлаб чиқариш жараёнларида содир бўладиган қонуниятларни аниқлаш, ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнларига техник-иктисодий баҳо бериш йўллари ва усулларини ишлаб чиқиши ва асослаш. Масалан, пахтани қандай усулда этиштирган маъқул: плёнка остидами ёки очиқ ҳолдами? /алланинг қайси навларини эккан маъқул? Хуллас, маҳсулот этиштириш жараёнидаги турли муқобилликларни аниқлаш, уларга баҳо бериш, энг муқобилини кўрсатиш. Чунки «Иктиносидиёт» – инсон ва жамиятга муқобиллар ўртасидаги мақсадга эришиш учун чекланган (камёб) ресурсларни тақсимлашнинг самарали усулларини қандай қилиб танлашни ўргатувчи фандир.

Ишлаб чиқариш жуда мураккаб жараён бўлиб, меҳнат, меҳнат қуроли ва меҳнат предметларини қамраб олади. Қишлоқ хўжалигида эса у табиий омиллар билан боғлиқ муносабатлардан иборат. Шунинг учун, «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш» фани мақсади ва зиммасидаги вазифаларни ҳал қилишда ишлаб чиқаришнинг турли томонларини ўрганувчи фанлар ютуқларига суюнади. Бу фанларни шартли равища 3 гурӯхга бўлиш мумкин:

- иктиносидий фанлар;
- техника ва технология фанлари;
- педагогика ва психология фанлари.

Иктиносидий фанлар жумласига «Иктиносидий назария», «Микроиктиносидиёт», «Макроиктиносидиёт», «Маркетинг», «Менежмент асослари», «Статистика», «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» ва айниқса, «Қишлоқ хўжалиги иктиносидиёти» фанлари киради.

Техника ва технология фанлари ўз қамровига «Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналари», «Ер ва ер кадастри», «Тупроқшунослик», «Ўсимликшунослик», «Чорвачилик», «Мелиорация асослари» каби фанларни олади. Бу фанлар меҳнат қуроллари ва меҳнат предметларининг айrim хусусиятлари, уларнинг қуввати, унумдорлиги, биологик хусусиятлари,

ишлатиш тартиби ҳамда ишлатиш түғрисидаги ахборотларни беради. Бу маълумотларсиз улардан самарали фойдаланишини ташкил этиб бўлмайди.

Педагогика ва психология фанлари жумласига «Инсон психологияси», «Педагогика асослари», «Шахсни бошқариш» каби фанлар киради. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш билан шуғулланувчи раҳбар ва мутахассис инсонни, ишлаб чиқариш воситаларини, ишлаб чиқариш натижаларига муносабатни, бу муносабат турли шахсларда турлича бўлишини англаб етиши ва билиб олиши, шунга кўра, улар фаолиятини энг унумли ташкил этиши ва бошқариши керак. Масалан, аҳолининг моддий турмуш даражаси паст бўлган шароитда оддий ходим раҳбарнинг ҳақоратига чидаши мумкин. Моддий турмуш шароити меъёрида бўлган ҳолларда ҳар бир ходим ўз қадрини билади, хурмат қилинишини истаб қолади. Ҳар бир раҳбар шу хусусиятларни инобатга олган ҳолда бошқариш усулларини танлаб олиши керак. Бунинг учун «Педагогика» ва «Психология» фанлари асосларини билиши шарт.

#### **1.4. «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш» фанининг услубияти ва ўрганиш усуллари**

Бизни ўраб турган борлиқни ўрганиш усуллари фан усулинни ташкил этади. Бошқа фанлар каби «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш» фанининг услубияти асосини илмий тафаккур, илмий дунёқараш ташкил этади, асосий усули диалектика ҳисобланади.

Диалектик усул ҳамма ҳодиса, жараёнлар, тафаккуримиз ҳар доим ўзгаришда, ривожланишда, ўзаро боғлиқликда, деб тушунтиради. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, корхонанинг ҳозирги даражаси мутлақ эмаслигини, маълум шароитлар ўзгариши билан ўзгариб туриши, ҳамма ишлаб чиқариш тармоқлари ва омиллари ўзаро боғлиқликда ҳаракатланишини тушуниб етиши керак. Масалан, чорвачилик тармоғи дехқончилик(ўсимликчилик)ка бевосита боғлиқлигини, ўз навбатида, чорвачилик тармоғи дехқончилик тармоғининг ривожланишига таъсир этишини тушуниб етиш лозим. Ишлаб чиқариш ҳажми ер майдони ва унинг унумдорлигига, меҳнат ва капитал ҳажмига боғлиқ. Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажми билан корхонанинг пул маблағларига, бошқа турдаги моддий-техника воситаларига бўлган талаби ўртасида ёки минерал ўғитлар ва ем-хашак сарфи билан экинлар ҳосилдорлиги ҳамда чорва моллари маҳсулдорлиги ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Минерал ўғитлар ва ем-хашак сарфининг ортиб бориши ҳар доим ҳосилдорлик ва маҳсулдорлик ҳам мутаносиб равища ортиб боришига олиб келадими? Бу қандай даражагача бўлиши мумкин?

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни түғри ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигига тармоқлар, ишлаб чиқариш омиллари (ер, меҳнат ва капитал) ўртасида түғри ўзаро алока ва боғлиқликни такомиллаштириш орқали эришиш мумкин. Диалектик усул воқеалар ва

ходисалар ҳар доим ҳаракатда, ривожланишда, деб тушунтиради. Шунинг учун «Кишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини бошқариш» фани корхоналарни, ишлаб чиқаришни доимо ҳаракатда, ривожланишда, ривожланиш асоси – зиддият, деб тушунтиради, яъни ер майдонларини бир сифатдан бошқа сифатга ўтиб туриши (ер трансформацияси)ни тупроқ унумдорлигининг ўзгариши, экинлар ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги ҳамда техника воситалари сонининг ўзгариб туриши сифатида кўради.

Диалектиканинг яна бир қонуни – микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунидир. Қишлоқда мулк муносабатларининг ўзгариши натижасида олдинги йирик ҳажмдаги давлат (совхоз) ва жамоа (колхоз) хўжаликлари ўрнида дехқон, фермер ва ширкат (кооператив) хўжаликлари ташкил топди. Олдин ҳар бир хўжаликда йўлга қўйилган хизмат соҳаларини энди унча катта бўлмаган бу шакллардаги корхоналарда самарали юритиш имконияти йўқ. Шунинг учун улар кооператив, хусусий ёки давлат мулкига асосланган мустақил хизмат кўрсатувчи корхона сифатида ташкил топмоқда. Бунга қишлоқларда ташкил этилган давлат машина-трактор парклари (МТП) ҳамда муқобил МТПлар мисол бўла олади.

Бу жараён диалектиканинг инкорни инкор қонунини ҳам ифода қиласи. XX асрнинг 25-30-йилларида собиқ СССРда ташкил этилган, унчалик катта бўлмаган қишлоқ хўжалик кооперативларида юқори унумли техникадан фойдаланиш мақсадида давлат машина-трактор станциялари (МТС) тузилиб, улар жамоа хўжаликларига техник хизмат кўрсатишни то 1958 йилгача – улар техникани сотиб олишга қурбли бўлгунга қадар давом эттирилар. Ҳозирги МТПлар бутунлай янги техника базаси ва янгича муносабатларга асосланган.

Ҳамма фанлар учун умумий услубияти асос бўлган *диалектика илмий ўрганишда индуктив ва дедуктив, позитив ва меъёр, анализ ва синтез усулларидан фойдаланишини тақозо қиласи*. Энг аввало, иқтисодчилар маълум иқтисодий муаммога таалуқли далилларни аниқлайдилар ва тўплайдилар. Далилларни таҳлил қилиш орқали иқтисодий хулоса ёки иқтисодий назария яратилади. Иқтисодий хатти-ҳаракатларни ўрганишда иқтисодий тадқиқот назариядан айрим далилларга ва аксинча, далиллардан назарияга қараб ҳаракатланиши мумкин. Айрим давлатлардан иқтисодий назарияга қараб ҳаракат қилганда индуктив, назариядан айрим далилларга қараб ҳаракат қилганда дедуктив усулдан фойданилади.

**Индуктив усул** – айрим ҳодиса ва далиллардан умумийга, **дедуктив усул** эса, умумийдан айримликка қараб ҳаракат қилишdir.

**Анализ** усулидан фойдаланишда ҳодисаларни майда бўлакларга, алоҳида-алоҳида далилларга ажратиб ўрганилса, **синтез** усулида ҳодисалар, айрим далиллар ўзаро боғлиқликда ўрганиш орқали умумлаштирилади ва хулоса қилиниб, турли назариялар яратилади.

**Позитив** усулда ҳақиқий маълумотлар ва далиллар ўрганилиб, маълум хулосалар чиқарилади.

**Норматив** усулда бирон хulosанинг миқдорий ечими кўрсатилади ва асосланади. Масалан, позитив усул орқали солиқ юкининг фермер хўжаликлари шаклланишига таъсири аниқланади. Норматив усул орқали фермер хўжаликларини 2 йил муддатта ҳамма солиқлардан озод қилиш тавсия этилди.

«*Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқарши*» фани ахборотларни, далилларни тўплашида, уларни қайта ишланишида статистик, монографик, ҳисоб-аналитик, тажриба ҳамда иқтисодий-математик усуллардан кенг фойдаланади.

**Статистик** усулнинг динамик қаторлар, ўртача сонлар, гуруҳлаштириш усуллари орқали корхонада содир бўладиган миқдор ўзгаришлари қандай сифат ўзгаришларига олиб келиши, айрим оммиллар ва далиллар ўртасида қандай алоқа ва боғланишлар борлиги анқланади.

**Монографик** усул орқали бирон-бир воқеа ёки далил унга таъсир этувчи ҳар бир жараённи ўрганшни таъминлайди.

**Ҳисоб-аналитик** усул эса меъёр усулини ифода қилиб, ундан бирон тадбирни белгилашда ёки корхонанинг истиқболи билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқишида кенг фойдаланилади.

**Тажриба** усулида меъёр асосда белгиланган меъёрий тадбирни ёки бирон назарияни кенг миқёсда қўллашдан олдин уни кичик доирада синаб кўриш, амалда ўзини оқласа, худди шундай шароит бўлган жойларда кенг қўллашга тавсия этиш тушунилади. Чунки амалиёт – хақиқат мезонидир.

Маълумки, бирон натижа, масалан, корхонанинг фойдалилик даражаси жуда кўп омилларга боғлиқ. Айрим ҳолларда турли-туман омиллар бир-бирларига қарама-қарши таъсир этиши мумкин. Бундай вазиятда **иқтисодий-математик** усулдан фойдаланилган ҳолда ҳамма омилларнинг таъсирини миқдор жиҳатидан ҳисобга олиш имкониятини берадиган моделлардан фойдаланилади. Масалан, корхонада фойдани максималлаштириш ва харажатларни минималлаштириш учун қишлоқ хўжалик ишларини трактор маркалари бўйича оптимал тақсимлаш керак бўлади.

## Қисқача хulosалар

Қишлоқ хўжалиги мамлакат моддий ишлаб чиқаришининг дастлабки ва муҳим соҳасидир. Қишлоқ хўжалиги – мамлакат иқтисоди ва ислоҳотларнинг устувор йўналишидир. Қишлоқ хўжалигининг асосини биологик жараён ташкил этади

Мамлакатда ижтимоий – иқтисодий, сиёсий масалаларни ҳал қилиш, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши қишлоқ хўжалиги ривожланишига боғлиқ.

«*Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқарши*» фани қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини мақсадга мувофиқ юритиш, уларни рақобатбардош корхоналарга айлантириш йўлларини ўргатади.

## **Назорат ва мухокама учун саволлар**

1. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва вазифалари нималардан иборат?
2. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари-чи?
3. «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш» фанининг мавзуи нималардан иборат?
4. Бу фан бошқа фанлар орасида қандай ўрин тутади?
5. У ўз мақсади ва вазифаларини ўрганишда қандай услугуб ва усуллардан фойдаланади?

## **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти - тўкин ҳаёт манбаи. Ўзбекистон Олий Мажлисини 1997 йил 27 декабрда бўлиб ўтган 1-чақириқ X сессиясидаги нутқи. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Олий Мажлиснинг 1999 йил апрель ойида бўлиб ўтган XIV сессияда сўзлаган нутқи. -Т.: «Маърифат» газетаси, 1999 йил, 17 апрель.
3. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш – фаровонлик манбаи. Сайланма асарлар. Том 1. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
4. Жалилов Х., Ҳамдамов Қ., Закиров О. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва планлаштириш. -Т.: Мехнат, 1986.
5. Ҳамдамов Қ. Қишлоқ хўжалиги хусусиятлари, иқтисодни эркинлаштириш ва бозор муносабатлари, Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжаликларининг мева-сабзавотларини экспорт қилиш: эришилган натижалар ва ривожланиш истиқболлари. Илмий мақолалар тўплами. -Т., 2002.
6. Ҳамдамов Қ. Қишлоқ хўжалиги ва бозор муносабатлари. -Т.: Билим, 1993.
7. Ҳамдамов Қ., Махмудов Э. Янгича йўллар: муваффақиятлар ва муаммолар. -Т.: «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. 6-сон, 2001.
8. Ҳамдамов Қ. Қишлоқ хўжалигини эркинлаштириш ва ривожлантиришнинг янгича (инновацион) йўли: ютуқ ва муаммолар. Илмий тўплам. -Т.: ТДИУ, 2002.

## **II боб**

### **ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ**

#### **2.1. Корхоналар, уларнинг умумийлиги ва ўзига хос хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалиги корхоналари маълум ишлаб чиқариш воситалари билан қуролланган, ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи меҳнаткашлар гурухи ёки хўжалик юритувчи субъектлардан ташкил топади. Улар ўз фаолиятларини «Корхоналар тўғрисида»ги қонунга, ҳукуқий ва меъёрий ҳужжатларга асосан олиб борадилар. «Корхоналар тўғрисида»ги қонунда корхоналарнинг иқтисодий, ҳукуқий ҳамда ташкилий асослари кўрсатилган. Бу асосларга кўра, қандай мулк негизида ташкил этилганлигидан қатъиназар корхоналар қўйидаги умумий хусусиятларга эга:

- қандай шаклда ва қандай мулкка асосланганидан қатъиназар ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида ташкил этиши ва юритиши шарт. Хўжалик ҳисоби фаолияти билан боғлиқ харажатларни ўз даромадлари ҳисобидан қоплашни ифода қиласди;
- ўз фаолиятини ривожлантириб бориш учун етарли маблағга эга бўлиши ҳамда рақобат асосида фаолият юритиши;
- ўз фаолияти давомида амалдаги қонун-қоидаларга амал қиласди ва биринчи навбатда ижтимоий инфратузилмани яратишга ҳисса қўшади;
- қандай шаклда бўлишидан қатъиназар давлат томонидан белгиланган минумум иш ҳақидан паст ҳақ тўлаши мумкин эмас.

Шу билан бир қаторда корхоналар турли мулк негизида ташкил топганлиги учун шу мулк хусусиятларидан келиб чиқадиган айrim тафовутларга эгаки, бу хусусиятлар уларни ташкил этиш ва юритишида ҳисобга олиниши талаб этилади. Бу ўзига хос хусусиятлар турли шаклдаги мулкка асосланган корхонанинг ҳукуқий асосларини ифода этувчи қонунларда ҳамда корхона низомида кўрсатилади.

Корхона низомида шунингдек, унинг мақсад ва вазифалари, фаолият доираси-ишлаб чиқариш, хўжалик, молиявий, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш ва бу жараёнларни ташкил қилиш, бошқариш ва тугатиш масалалари акс эттирилади.

Жамоа, ширкат хўжаликлари, умуман, жамоа меҳнатига асосланган корхоналарда уларнинг низоми шу хўжаликни ташкил этувчи ва унинг фаолиятида қатнашувчи ижтимоий ва юридик шахслар томонидан қабул қилиниб, туман ҳокимиятида рўйхатдан ўтказилади.

## **2.2. Мулк муносабатлари ва корхоналарнинг турли-туманлиги ҳамда ташкилий-иқтисодий асослари**

Қишлоқ хўжалигига ҳозирги вақтда амалда бўлган мулк муносабатларига кўра, корхоналарнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- давлат корхоналари;
- жамоа корхоналари;
- ширкат корхоналари;
- фермер хўжаликлари;
- дехқон хўжаликлари;
- ижара корхоналари;
- акционерлик корхоналари;
- қўшма корхоналар.

**Фермер хўжалиги** – ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалигини юритувчи, ягона бошқариш ва аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектdir («Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун, 1-БОБ, 1-модда).

**Дехқон хўжалиги** – оилавий, майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларнинг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиради ва реализация қиласи («Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун, 1-БОБ, 1-модда).

**Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)** – товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун қай усулга ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига, бошқаришнинг умумийлигига, юридик шахс ҳуқуқига асосланган мустақил хўжалик юритувчи субъектdir («Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонун, 1-БОБ, 1-модда).

**а) Кооператив (ширкат хўжалиги).** Қишлоқ хўжалиги корхоналари таркибида асосий ва етакчи хўжалик юритиш шакли кооператив (ширкат) хўжалиги ҳисобланади. Бу шаклдаги корхоналар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари – пахта ва ғалланинг кўпчилик қисмини етиштирмоқдалар. Қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат) хўжалиги – бу, товар хўжалик бўлиб, маҳсулот етиштирувчи, пай усулига ва оила пудрати (ижараси)га, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектdir. Кооператив (ширкат) хўжалигининг моҳиятини унга берилган таърифдаги қўйидаги тушунчалар ифода қилиб турибди: «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)» тушунчаси биринчидан, хўжалик шаклини, унинг ташки кўринишини, иқтисодий мазмунини ифода қилса, иккинчидан, мулкий пай, хусусийлик белгиси, хўжалик аъзоси корхона мулкининг маълум қисмига

эгалик қилишини, мулк эгаси эканлигини ва хўжалик фаолияти якунига кўра, маълум даромад олишини тасдиқловчи миқдорни англатади. Учинчидан, оилавий пудрат (ижара) корхонанинг ички ташкилий иқтисодий механизмини ифода этади. У маъмурият билан ширкат аъзолари ўртасидаги муносабатларни акс эттирувчи, ички ишлаб чиқариш бўғинларида меҳнатни ташкил қилишнинг асосий шаклидир.

Республика Президенти 1996 йил 3 апрелда имзолаган «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга мувофиқ 1996 йилда республикадаги 26 жамоа хўжалигини ёпиқ турдаги қишлоқ хўжалик акциядорлик жамоаларига айлантириш ва улар фаолиятини бозор муносабатлари доирасида ташкил қилиш бўйича тажриба ўтказилди.

Бироқ қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусияти, давлат мулки бўлган ернинг асосий восита эканлиги, қишлоқ аҳолисининг менталитети бу масалага, яъни қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантиришга бошқача ёндашишни талаб этади.

Узок йиллар давомида қишлоқдаги кооператив мулк асосини ташкил қилган, дастлабки йиллари яхши натижа берган пайчиликка кейинчалик эътибор сусайган эди. Яна дехқонлар учун анча тушунарли бўлган пай муносабатини янгича ташкил этиш уларда мулкчилик ҳиссини ўйғотишга ёрдам беради, деб топилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни (1998 й.) ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга мувофиқ қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 299-сонли қарорига биноан барча жамоа хўжаликларини ширкатларга айлантириш тадбирлари ва муддати белгиланди. Бу ишга мутасадди ташкилотлар жамоа хўжаликларини ширкатларга айлантириш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқдилар. Энг аввало, кооператив (ширкат) хўжаликларининг низоми, намунавий устави, ширкатга аъзолик тартиби ва меъёри, бўлинмас жамғарма ҳамда пай жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи низомлар яратилди.

Жамоа хўжаликларини ширкатларга айлантириш натижасида 1499,9 минг кишидан 1113,5 минг нафари ширкатларга аъзоликка қабул қилиниб, 359,4 минг нафари меъёрлардан ортиқча бўлганлиги учун ишдан бўшатилди. Улардан 151,4 минг нафари янги ишга жойлаштирилди.

Ширкатларда ички хўжалик юритиш механизми оила пудрати асосида қайта ташкил этилмоқда.

Ширкат раҳбарлари билан пудратчи оилалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар икки томонлама тузилган шартномага асосан олиб борилади.

Кооператив (ширкат) хўжалигининг ҳар бир аъзоси ўзига берилган мулкий пай ҳажмида ширкат хўжалиги мулкига эгалик қиласиди. Шу асосда мулкка эгалик ҳисси шакллантирилади. Кооператив (ширкат) хўжаликларининг

намунавий уставида уларнинг ташкилий-иктисодий асослари, бошқариш тартиби кўрсатиб берилган.

**б) Фермер хўжалиги** – ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи аъзоларнинг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Фермер хўжалиги аъзолари жумласига фермер хўжалигини биргаликда юритаётган, бу хўжалик асосий меҳнат фаолияти жойи бўлган фермер хўжалигининг бошлифи, унинг хотини (эри), болалари, ота-онаси, бошқа қариндошлари киради.

Фермер хўжалиги меҳнат шартномаси асосида бошқа шахсларни ишга ёллаши мумкин. ёлланганлар фермер хўжалигининг аъзолари ҳисобланишмайди. Фермер хўжалигининг бошлифи шу хўжаликнинг 18 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича тегишли малака, мутахассислик, иш тажрибасига эга бўлган, муомалага лаёқатли аъзоларидан танланади. Фермер хўжалиги бошлифи вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганда ёки узоқ вақт бўлмаганда у ўз вазифасини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига беради. Фермер хўжалиги ихтиёрий равишда хўжалик бошлигининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ва туман ҳокимига ёзма мурожати (ариза) асосида ташкил этилади.

Ариза билан бирга сўралаётган ер участкасининг жойлашуви, майдони, фермер хўжалигининг таркиби, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг бизнес-режаси тақдим этилади.

Ширкат хўжалиги бошқаруви тушган аризаларни кўриб чиқиб, умумий мажлис муҳокамасига тақдим этади. Умумий мажлис бу хусусда тегишли қарор қабул қиласди. Туман ҳокимлиги ширкат хўжалиги умумий мажлисининг қарори асосида ер участкасини ажратиб бериш бўйича туман комиссиясининг хulosасини инобатга олиб, фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Фермер хўжалигини ташкил этиш, ер участкасини ажратиб бериш шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади. Фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомини олади, банкда ҳисоб-китоб рақамига, номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи(ширкат хўжалиги)нинг бу хўжалик таркибидан чиқиши ва мустақил фермер хўжалигини юритиш истагида бўлган аъзолари ширкат уставига биноан ўзларига тегишли мулкий пай қийматини ҳамда даромад(фойда)дан меҳнат иштироки инобатга олинган ҳолда аниқланадиган улушкини олишга ҳақли.

Фермер хўжалиги юридик шахснинг барча ҳуқуқларига, чунончи, бошқа шаклдаги корхоналар, тадбиркорлик фаолияти олиб борувчилар билан тенг ҳуқуққа эга. Фермер хўжалиги ўз фаолиятини ўзи белгилаган мақсадга асосан олиб боради, фаолияти натижасини ўзи тасарруф этади, этиштирган маҳсулотига ўзи мустақил равишда нарх белгилайди: маҳсулот сотиш, моддий

таъминот бўйича турли корхона ва ташкилотлар билан мустақил ҳолда шартнома тузади, қонунда белгиланган мажбуриятларини бажаради.

Фермер хўжалигининг иқтисодий асоси хусусий мулк – фермер хўжалиги аъзоларининг мулки ҳисобланади. Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича ҳар хил даъволарга ўз мол-мулки билан жавоб беради, кичик ва ўрта тадбиркорлик учун белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланади.

Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фермер хўжалиги хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса, ер участкасини ижарага олиш ҳукуқидан ихтиёрий воз кечса, ер участкасининг ижарага берилган муддати тугаганда, ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмагандан, хўжалик банкрот деб эълон қилинганда ҳамда шартнома шартлари доимий бузилгандан, хўжаликни тартибга солувчи қонун хужжатлари сурункали бузилгандан тугатилади.

Фермер хўжалиги тугатилганда унинг аъзолари ўз мулкидаги мол-мулкка ҳамда томорқа ер участкасига бўлган ҳукуқларини сақлаб қоладилар.

**в) Дехқон хўжалиги** – оиласи майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдирилган, умрбод эгалик қилиш учун оила бошлифига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириб, реализация қилувчи субъект – кичик корхонадир. Дехқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради, у аъзоларининг истагига кўра, юридик шахс мақомига эга бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин.

Дехқон хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланишга ҳақли эмас. Дехқон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган оила аъзолари, эр (хотин), уларнинг болалари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли бошқа қариндошлари киради. Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатда дехқон хўжалиги номидан шу хўжалик бошлифи иш қўради. Дехқон хўжалиги бошлифи – қонун хужжатларида белгиланган тартибда ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилиш ҳукуқи берилган оила бошлифи ёки оиласининг муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир. Дехқон хўжалиги бошлифи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт дехқон хўжалиги жойлашган худудда бўлмагандан ўз мажбуриятини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига (муомалага лаёқатли) беришга ҳақли.

Дехқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида хўжалик бошлифининг ширкат хўжалиги бошқарувига ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг маъмурияти ҳамда туман ҳокимиға ёзма мурожаати (ариза) асосида ташкил этилади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, дехқон хўжалигининг таркиби ҳамда қишлоқ

хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланиш йўналишлари кўрсатилади.

Ширкат хўжалиги бошқаруви дехқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий мажлис муҳокамасига киритади, мажлис бу хусусда тегишли қарор қабул қиласди. Бошқа қишлоқ хўжалиги муассасалари ва ташкилотларида дехқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор шу корхона муассасаси ва ташкилотлари маъмурияти томонидан қабул қилинади.

Ширкат хўжалиги умумий мажлиси, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари маъмуриятининг қарорлари асосида ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг хulosасини инобатга олган ҳолда туман ҳокими дехқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Бу қарор туманнинг ҳамма ижтимоий-иктисодий тузилмалари учун мажбурийдир.

Дехқон хўжалигини давлат рўйхатига олиш дехқон хўжалиги бошлигининг доимий яшаш жойидаги туман ҳокимлиги томонидан зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза берилган пайтдан эътиборан уч кун ичida амалга оширилади. Дехқон хўжалиги рўйхатга олинган кундан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Дехқон хўжалиги бошлиғига ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади. Ширкат хўжаликлари аъзоларининг, бошқа қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг оилаларига, шунингдек, қишлоқ жойларида яшовчи турли касб эгалари ва мутахассисларининг оилаларига дехқон хўжалигини юритиш учун қонун билан белгиланган тартибда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшиб ҳисоблагандага суғориладиган ерларда – 0,35 гектаргача, суғорилмайдиган (лалми) ерларда – 0,5 гектаргача, чўл ва саҳро ерларда – 1,0 гектаргача берилади. Фуқароларга дехқон хўжалиги юритиш учун томорқа ер участкалари мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи 0,06 гектар доирасида «ким ошди» савдоси асосида сотилиши мумкин.

Дехқон хўжалигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган томорқа ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айрибошлаш обьекти бўлиши мумкин эмас.

Дехқон хўжалиги ўзига берилган ердан фойдаланганлиги учун давлатга ер солиғи тўлайди. Дехқон хўжалиги тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида ўзига берилган томорқа ер участкасида дехқон хўжалиги фаолиятини мустақил ташкил этиш, ўз маҳсулотига мустақил равишда баҳо белгилаш, маҳсулотларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш, турли шартномалар, ҳатто фьючерс битимлари тузиш ҳамда қонунлар билан тақиқланмаган хўжалик ва молиявий фаолият юритиш ҳуқуқларига эга.

Ўзига қарашли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатлар, дов-дараҳтлар, маҳсулдор чорва моллар, паррандалар,

иш ҳайвонлари, қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб ва ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, ишлаб чиқариш натижасида етиштирилган маҳсулот, олинган даромад (фойда) ҳамда қонунда тақиқланмаган йўллар билан топилган мулк дехқон хўжалигининг мол-мулки ҳисобланади. Дехқон хўжалигининг мол-мулки давлат ҳимоясидадир.

Дехқон хўжалиги пул маблағларини сақлаш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш учун банк муассасаларида ҳисоб-варақлар очади. Дехқон хўжалигининг ҳисоб варагидаги маблағларни фақат унинг розилиги ёки суднинг қарори билан ҳисобдан чиқариш мумкин.

Бу хўжалик ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилиши ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди.

Давлат ва бошқа идора ҳамда ташкилотларнинг, мансабдор шахсларнинг, фуқароларнинг ғайриконуний харакатлари натижасида дехқон хўжалигига етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда қонунда белгиланган тартибда қопланиши керак.

Юридик шахс тариқасида рўйхатга олинган дехқон хўжалиги ташқи иқтисодий фаолиятни бошқа шаклдаги корхоналар билан teng амалга оширади. Дехқон хўжалиги ер-сув, мулк солиги тўлайди, бошқа ажратмаларни амалга оширади, кичик ва ўрта тадбиркорлик учун белгиланган имкониятлардан фойдаланади, ўз фаолияти натижаларини ҳисобга олиб боради. Дехқон хўжалиги қонунда белгиланган тартибда тутатилади.

## **Қисқача хulosалар**

Қишлоқ хўжалигида ихтисослаштиришнинг асосини кўп укладли иқтисодиёт ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида мулк муноасабатлари ўзгарди. Давлат мулки билан бир каторда хусусий, ижара, ширкат ва қўшма мулклар вужудга келди.

Қишлоқ хўжалигида корхоналарнинг 3 та асосий шакли вужудга келди:

- а) пайчиликка асосланган ширкат хўжаликлари;
- б) фермер хўжаликлари;
- в) дехқон хўжаликлари.

Ҳозирги вақтда (2001 йил бошига) республикада пайчиликка асосланган 1963 та ширкат хўжалиги, 74 мингдан ортиқ фермер хўжалиги, ва 3,2 млн. дехқон хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Қишлоқ хўжалигида қандай мулк шакллари мавжуд?
2. Қишлоқ хўжалигида корхоналарнинг қандай асосий шакллари мавжуд?
3. Қишлоқ хўжалигида корхоналар қандай ўзига хос ва умумий хусусиятларга эга?
4. Корхоналарнинг иқтисодий асосини нима ташкил этади?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонуни. -Т., 1991.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида»ги қонуни. -Т., 1991.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжаликлари) тўғрисида»ги қонуни. «Ўзбекистон республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари». -Т.: Иқтисод ва ҳукуқ, 1999.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни -Т., 1998. Юқорида келтирилган манбада.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. -Т., 1998. Юқорида келтирилган манбада.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси». -Т., 1999.
7. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзланган нутқ. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 30 август.
8. Каримов И.А. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги тадбирлари. Сайланма асарлар, 9-том. -Т. 2001.
9. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. Сайланма асарлар. 9-том. -Т., 2001.
10. Америка иқтисоди асослари. -Т., 2001.
11. Ҳамдамов Қ. Деҳқон эркин ва масъулиятли бўлсин. «Қишлоқ ҳаёти» газетаси, 2001 йил, 26 апрель.
12. Ҳамдамов Қ. и др. Курсом реформ (материал научной конференции) газета «Деловой партнер Узбекистана», 15 март, 2001.

### III боб

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА ТАРМОҚЛАРНИ ЎЗАРО БО/ЛАБ БОРИШ

### 3.1. «Тармоқлар» ва «ихтисослаштириш» тушунчалари. Ихтисослаштириш кўрсаткичлари

**«Тармоқ» тушунчаси.** Қишлоқ хўжалигига турли-туман маҳсулотларни (ғалла, пахта, савзавот, полиз, сут ва ҳ.к.) етиштириш жараёнлари қўлланилаётган меҳнат қуроллари, маҳсулот етиштириш усули, меҳнатни ташкил қилиш хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қиласди. Шунинг учун қўлланилаётган воситалар, ишлаб чиқариш технологияси, ташкил қилиши хусусияти ҳамда маҳсулотлардан фойдаланиши тартибига кўра, бир-биридан фарқ қиласдиган ишлаб чиқаришининг бир қисмига тармоқ деб айтиласди. Қишлоқ хўжалигидаги турли-туман тармоқлар юқорида айтилган белгиларга кўра, иккита катта гурухга бўлинади: **ўсимликчилик ва чорвачилик**. Бу катта гурухлар, ўз навбатида, кичик гурух ва гурухчалардан ташкил топади.

*Ўсимликчилик тармоғи* – деҳқончилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик ва ҳ.к.ларга, чорвачилик эса - қорамолчилик, қўйчилик, пиллачилик, паррандачилик, йилқичилик ва ҳ.к.ларга бўлинади.

Тармоқлар шаклланишида қўлланиладиган воситалар, айникса, меҳнат қуроллари, уларнинг қанчалик такомиллашганлиги алоҳида ўрин тутади. Масалан, ғалла ёки пахта етиштиришда қўлланиладиган меҳнат қуролларининг такомиллашуви юқори унумли экин машиналари (комбайнлари)нинг яратилиши мамлакатда бу турдаги маҳсулотлар кўплаб етиштирилиши натижасида ғаллачилик ва пахтачилик тармоқлари шаклланишига олиб келади.

Тармоқлар шаклланиши – меҳнат тақсимоти билан боғлиқ жараён, шу меҳнат тақсимотининг амалий қўринишидир. Қишлоқ хўжалигининг тармоқ таркиби мамлакатда ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши билан шаклланиб борувчи жараён бўлиб, шу жараён натижасида юқорида айтганимиздек, меҳнатнинг ўзи ва меҳнат қуроллари такомиллашиб бориши билан корхоналар алоҳида тармоқ сифатида ажralиб чиқиб, айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга чуқурроқ ихтисослашиб боради.

**«Ихтисослашиш» тушунчаси.** Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасида бир неча тармоқ мавжуд. Улар орасида корхонанинг мақсади ва вазифасини, асосий йўналишини ифода этувчи тармоқ бўлади.

У ёки бу қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштиришга нафақат қишлоқ хўжалиги корхонаси, балки бутун бир худуд, вилоят, иқтисодий худуд ва зоналар ихтисослашиши мумкин. Кўриниб турибдик, ихтисослашиш маълум мазмунда жойлашиш билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мамлакат ҳудудида жойлашишини, яъни ижтимоий меҳнат тақсимоти шаклини ифода этади.

Ихтисослаштириш ва жойлаштириш бир жараённинг икки томонини акс эттириб, ихтисослаштириш бу жараённинг сифат томонини, яъни биринчи навбатда, қандай маҳсулот етиштириш керак, деган саволга, жойлаштириш эса унинг микдор томонини, яъни у ёки бу маҳсулотдан қанча етиштириш керак, деган саволга жавоб беради. Масалан, 10 хилдан ортиқ маҳсулот етиштирилиб, пахта шу маҳсулотларнинг 70%ини ташкил қилганда корхона, ҳудуд ёки вилоят пахта етиштиришга йўналтирилган ёки ихтисослаштирилган ҳисобланади.

Ихтисослаштиришнинг ташкилий-иктисодий асоси бўлган меҳнат тақсимоти ижтимоий-иктисодий жараён сифатида турли кўринишларда намоён бўлиб, асосан қўйидаги уч гурухга бўлинади:

1. **Умумий меҳнат тақсимоти** – халқ хўжалигининг йирик тармоқларга (қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, капитал қурилиш ва ҳ.к.) ёки фаолиятнинг йирик соҳаларга бўлиниши (врач, муҳандис, иқтисодчи ва ҳ.к.).

2. **Қисмий меҳнат тақсимоти** – йирик тармоқларнинг кичик тармоқларга, тармоқчаларга, айрим қисмларга бўлиниши. Масалан, қишлоқ хўжалигининг ўсимликчилик, чорвачилик тармоқларига, саноатнинг оғир ёки енгил саноат, машинасозлик ёки металлургия, машинасозликнинг автомобилсозликка ва ҳ.к.ларга бўлиниши.

3. **Мануфактура** ичida ёки корхона ичидаги ишлаб чиқариш бўлинмаларининг ихтисослашуви. Масалан, бирон йирик қишлоқ хўжалиги корхонасининг бир бўлимида – боғдорчилик, бошқасида – чорвачилик, учинчисида – савзавотчилик, саноат корхонасининг бирон цехли – қуюв ишларига, бошқаси – йигувчиликка ва ҳ.к.ларга бўлиниши. Меҳнат тақсимотининг ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириши кишилар меҳнат фаолиятининг дастлабки даврлариданоқ маълум бўлган. Ҳамма жамиятларда ихтисослаштиришга жуда катта эътибор берилганлиги кишини ҳайратга солади.

Ҳозирги даврда кўпчилик истеъмолчилар ўзлари истеъмол қилаётган товарлар ва хизматларни амалда ишлаб чиқармасликлари, аксинча, ўзлари ишлаб чиқарганларининг эса жуда оз қисмини ёки умуман биронтасини ҳам истеъмол қиласликлари мумкин. Бир умр бўрдоқичилик корхонасида қорамолларни семиртириб, гўштга топшириш билан шуғулланаётган ишчи бозордан бошқа қорамоллар гўштини сотиб олиши мумкин. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳозирги даврда ҳеч ким ўзи озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой тайёрлаб олишни ҳаёлига келтирмайди. Жамият аллақачон тушуниб етдики, ўзини ўзи ҳамма нарса билан таъминлаш, яъни натурал хўжалик юритиш ўта самарасиз фаолиятдир. Ҳамма нарсани қила оладиган киши жуда ёрқин талант эгасидир. Лекин унинг меҳнати юқори унумли бўлмайди. У фан ва техника жуда ривожланган ҳозирги даврда катта ютуқларга эриша олмайди.

Халқ хўжалигининг бошқа соҳалари каби қишлоқ хўжалиги корхоналарини мақсадга мувофиқ ихтисослаштириш учун уларнинг

ихтисослаштириш даражасини аниқлаш ва шу даражани ифода этувчи кўрсаткичларни белгилаш талаб этилади.

Корхоналарнинг ихтисослаштириш даражасини куйидаги кўрсаткичлар ифода этади:

- корхона товар маҳсулотининг маркиби, яъни жами таъсисатининг маркиби, яъни жами таъсисатининг маркиби;
- маҳсулотидаги у ёки бу турдаги маҳсулотнинг салмоғи. Корхонанинг асосий мақсади товар маҳсулоти бўлганлиги учун бу ихтисослаштириш даражасини ифода этувчи асосий ва тўла кўрсаткич ҳисобланади;

- корхона ялпи маҳсулотининг маркиби;
- ер майдони, экин майдони маркиби, чорва ва пода маркиби;
- ииҷи кучлари ва меҳнат сарфининг маркиби ва тақсимланиши;

Корхонанинг ички хўжалик ихтисослашишини аниқлашда ялпи маҳсулот таркибидан асосий кўрсаткич сифатида фойдаланилади.

### **3.2. Ихтисослаштиришга таъсир этувчи омиллар ва ихтисослаштириш шакллари**

Нима учун кишилар, бутун бир жамият ходимларни ихтисослаштиришга, меҳнат тақсимотини жорий этишга ҳаракат қиласи? Нима учун ходимларни ихтисослаштириш, меҳнат тақсимотини жорий қилиш меҳнат унумдорлигини оширади? Бунда нималар ҳисобга олинади, қандай йўллардан фойдаланилади?

Биринчидан, ихтисослашиш ҳар бир кишида мужассамлашган табиий қобилият ва чаққонлик хусусиятларидан тўлароқ фойдаланиш имконини беради. Агар ибтидоий А киши кучли, тез югурадиган, найзани нишонга аник тегизадиган, ибтидоий В киши эса кучсиз, нимжон, секин ҳаракат қилувчи, лекин ўта қобилиятыни бўлса улар қобилиятидаги бундай фарқлардан самарали фойдаланиш учун А кишидан овчи, В кишидан эса балиқчи сифатида фойдаланиш тақозо этилади.

Иккинчидан, А ва В кишининг қобилиятлари бир хил бўлганда ҳам уларни ихтисослаштириш ҳар иккаласининг меҳнати унумли бўлишини таъминлайди. Чунки бир киши кўп меҳнат турларини бажаргандан кўра, бир меҳнат жараёни билан шуғулланганда шу меҳнат жараёнининг сирасорларини чуқур ўрганган, шу ишни такомиллаштириш йўллари ва усусларини ихтиро қилган бўларди. Бир иш турини доимо ва сурункали бажариш кишининг маҳоратини оширади, шу ишнинг устасига айлантиради. Уста футболчи бўлиш учун сурункали футбол билан шуғулланиб туриш керак. Бундан ташқари ихтисослашув, яъни инсоннинг бирор ишни сурункали бажариб туриши, бир ишдан бошқа ишни бажаришга ўтиш жараёнидаги қўшимча вакъларни бартараф этиш имконини беради, ҳар бир иш жараёнини бажариш учун зарур бўлган меҳнат қуролларини тежайди, уларнинг унумдорлигини оширади.

Масалан, этикдўз этикни тайёрлаш билан боғлиқ ҳамма ишни ўзи қилса, яъни хомашёни келтириш, бичиш, тикиш, михлаш, қолиплаш, пардозлаш

ишларини ўзи бажарса, *биринчидан*, ҳар бир ишни бажариш учун маҳсус қуролларга – қирқиши, бичиши учун қайчи, тикиши учун игна ва бигиз, миқлаш учун болға ва ҳ.к.ларга эга бўлиши керак, *иккинчидан*, бир иш жараёни (бичиши)дан иккинчи иш жараёни (тикиши)га ўтиши учун бўш – унумсиз вақт сарфлайди. Чунончи, қайчини жойига қўйиш, игна ва бигизни қидириб топиш учун вақт сарфлайди. Бир маҳсулотни етиштириш учун қанча кўп турли-туман иш турлари бўлса ва бир киши шу ишларни бажарадиган бўлса, шунча кўп унумсиз вақт сарф қиласди. Энди 4-5 та мустақил этикдўз бирлашиб, ўз меҳнатларини ихтисослаштирса, бири бичиши, бири тикиши, бошқаси михлаб, қолиплаш ва яна бири пардозлаш ишлари билан шуғулланса, улар бир жараёндан бошқа жараёнга ўтиш билан боғлиқ унумсиз вақт сарфини камайтиради, меҳнат унумдорлиги ошади. Бундан ташқари меҳнат қуролларидан фойдаланиши интенсивлиги ортади, уларга бўлган талаб камаяди. Кам меҳнат қуроллари билан кўпроқ иш бажаришга эришилади.

Ихтисослашиш қандай шаклларда намоён бўлиши мумкин? Ихтисослашув меҳнат тақсимотини ифода этганлиги учун халқаро меҳнат тақсимоти негизида халқаро ихтисослашув амалга ошади. Бунда у ёки бу давлат ўз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан тўла фойдаланиш мақсадида айrim турдаги маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариб, дунё бозорини эгаллашга ҳаракат қиласди. Масалан, АҚШ самолётлар, компьютерлар, Япония енгил автомобиллар ва видеотехника, Италия пойабзаллар, Болгария сабзавотлар, Ўзбекистон пахта толаси, Бразилия қорамол гўшти етиштиришга ихтисослашган ва ҳ.к.лар.

Мамлакат ичида айrim ҳудудлар ва зоналар у ёки бу тардаги маҳсулотларни етиштиришга ихтисослашув мумкин. Шунга кўра, ҳудудий ва зоналар бўйича ихтисослашув мавжуд. Масалан, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари – Сурхондарё ва Қашқадарё ингичка толали пахта, суптропик мевалар ва эртанги сабзавотлар етиштиришга ихтисослашган. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг ҳар бир кичик ҳудуди аҳолининг узоқ йиллик тажрибаси ва улар одатига кўра, бирон турдаги маҳсулот етиштиришга ихтисослашиб, юқори натижаларга эришиб келмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри атрофидаги ҳудудларда қулупнай, Фарғона водийсининг Риштон ҳудудида ўрик, Олтиариқда бодринг ва туруп, Марғилон ва Тошлоқда узум, Бағдод тумани ҳудудида болғар қалампири кўпчилик томонидан етиштирилмоқда ва мамлакат пойтахти Тошкентгагина эмас, ҳатто хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

Кишлоқ хўжалиги корхонасини ихтисослаштириш икки катта турга бўлинади:

- хўжаликни ихтисослаштириш;
- тармоқни ихтисослаштириш.

**Хўжалик ихтисослаштирилиши,** ўз навбатида, *хўжаликлараро ихтисослаштириши ва ички хўжалик ихтисослаштиришига бўлинади.*

**Хўжаликлараро ихтисослаштиришда** бир неча мустақил корхоналар ўз маблағларини, етарли самара бермаётган соҳани биргаликда бирлаштириш

орқали ишни мақсадга мувофиқ ташкил этиши тушунилади. Бундай ихтисослашиш хўжаликларо корхона сифатида намоён бўлади. Бундай корхона акциядорлик корхонаси сифатида ҳам ташкил этилиши мумкин.

**Ички хўжалик ихтисослаштиришининг моҳияти** – корхона ишлаб чиқариш бўлинмалари ёки худудларини бирон турдаги маҳсулот етиштиришга йўналтириш, бирор турдаги маҳсулотни мақсадга мувофиқ ҳажмда жойлаштиришdir. Бундай ихтисослаштириш корхона ишлаб чиқариш ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш имконини беради, ресурсларнинг корхона худудида самарасиз ҳаракатини чеклайди.

**Тармоқ ихтисослаштириши,** ўз навбатида, **тармоқ бўйича ихтисослаштириши ва тармоқ ичида ихтисослаштиришига бўлинади.**

**Тармоқ бўйича ихтисослаштиришда** корхонада бир ёки бир неча (чекланган) тармоқ мақсадга мувофиқ ҳажмда жойлаштирилади. Масалан, корхона ўсимликчилик ёки боғдорчилик ёхуд чорвачиликка, ё бўлмаса, пахтачиликка ёки сабзавотчиликка ёки сутчиликка ёинки кўчат етиштиришга ихтисослашиши мумкин. Тармоқ ичида ихтисослашувнинг чуқурлашиб бориши ва унинг чегараси маҳсулот етиштириш билан боғлиқ бўлган жараённи мустақил ажралиб, натижада бу маҳсулот сифатида намоён бўлишидир.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларда, масалан саноатда маҳсулот етиштириш жараёни фақат меҳнат жараёнидан иборат бўлганлиги учун бутун бир корхона ёки унинг бўлинмаси ҳатто айrim технологик жараёнга ихтисослашиши мумкин: подшибник заводи, тўкув фабрикаси, қуюв цехи, пардозлаш цехи ва ҳ.к.лар.

Қишлоқ хўжалигига маҳсулот етиштириш жараёни меҳнат ва табиий-биологик жараёндан иборат бўлганлиги учун айrim меҳнат жараёнлари тўлалигича мустақилликка эга бўлмайди. Шунинг учун технологик ихтисослаштириш имконияти чекланган. Чорвачиликда ўсимликчиликка қараганда имконият кенгроқ. Масалан, хўжаликлар қорамолчиликнинг ҳамма йўналиши билан шуғулланиб, ҳам сут, ҳам гўшт етиштириш ўрнига, бир хўжалик сут етиштириш, сутчилик билан, иккинчиси, қорамолларни семиртириш ва гўштга сотиш билан шуғулланиши мумкин. Худди шу тартибда ихтисослаштиришни кенг жорий қилиш орқали Америка Кўшма Штатлари ва Европадаги ривожланган мамлакатларда қорамолчилик, паррандачилик, умуман, чорвачиликда ўтган асрнинг 60-70-йилларидан бошлаб жуда катта ютуқларга эришилди.

Ихтисослаштиришга нималар таъсир этади, деган саволга жавоб беришда шунга эътиборни қаратиш керакки, турли даражадаги хўжалик субъектларининг ихтисослашишига турлича омиллар таъсир этиши мумкин. Лекин уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган омиллар ҳам мавжуд. Бундай омиллардан бири – мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражаси, биринчи навбатда саноатнинг тараққиёт даражасидир.

Саноат қишлоқ хўжалиги учун юқори унумли ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарса, қишлоқда малакали кадрлар етишиб чиқса турли

шаклларда ихтисослашган хўжаликларни ташкил этиш ва самарали юритиш мумкин.

Иккинчи умумий омил – коммуникация тизимининг мавжудлиги. Масалан, мустақил Ўзбекистон давлатини оладиган бўлсак, у ташки бозорга чиқиши учун камида иккита давлат худудидан ўтишга тўғри келади. Бунинг натижасида қулай табиий ва меҳнат шароитларида эришилган ютуқ самараси, ноқулай коммуникация оқибатида кўриладиган харажатларни қоплашга кетади. Аммо чегарадош қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш орқали ихтисослаштиришни чуқурлаштириш ва бунинг натижасидан умумхалқ манфаатлари учун фойдаланиш мумкин. Масалан, пахта етиштириш учун Қозогистон ва Қирғизистонга қараганда Ўзбекистонда табиий-иқтисодий имконият катта. Бу маҳсулотларни етиштиришга ихтисослашиб, қулай имкониятларни ишга солиш натижасида олинган ортиқча маҳсулотларни ўзаро айрибошлаш ҳар учала давлатга ҳам катта наф келтиради.

Ихтисослашувга таъсир этувчи омиллардан яна бири – қишлоқ хўжалиги учун ҳал қилувчи омил – бу, мамлакат, худуд ва корхонанинг табиий-иклим шароити ва ресурслариридир. Чунки ҳозирги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишда табиий кучлардан кенг фойдаланилади. Чўл зоналарда, табиий ёғингарчилик жуда кам ҳудудларда сувни кам талаб этадиган соҳалар ривожлантирилади. Шунинг учун чўл зоналарида жойлашган корхоналар кўйчилик, шунда ҳам қоракўлчилик йўналишига, тоғ ёнбағрида жойлашган корхоналар боғдорчиликка ихтисослашган. Бу омилнинг талабай шундаки, ижтимоий зарурий меҳнатни кам сарф қилган ҳолда энг юқори микдордаги маҳсулотни етиштириш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳар бир тармоғи энг қулай табиий-иклим шароитига жойлаштирилиши керак.

Корхоналарнинг қандай ҳудудда жойлашиши ҳам ихтисослаштиришга жуда катта таъсир этади. Бу омил қишлоқ хўжалиги учун яна ҳам аҳамиятлироқ. Чунки айrim қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тез бузилувчан ҳамда уларни узоқ масофага ташиш қийин бўлганлиги учун йўл харажатлари ортиши билан бирга маҳсулот сифати пасайишига, айrim ҳолларда истеъмол сифати қисман ёки тўла йўқолиши мумкин. Шунинг учун бирламчи истеъмол этиладиган бундай маҳсулотлар етиштиришни истеъмолчиларга яқин ҳудудларда жойлаштириш, шу ҳудудлардаги корхоналарни ҳудди шундай маҳсулотлар етиштиришга ихтисослаштириш лозим.

Маҳсулотларни қайта ишлаш, маҳсус транспорт воситаларини яратиш орқали бу камчиликни қисман бартараф этиш мумкин, лекин тўла йўқ қилиб бўлмайди. Бозор иқтисоди шароитида корхонанинг ихтисослашиши, яна бирон тармоққа кириши ёки тармоқдан чиқиб кетиши у ёки бу тармоқнинг фойдалилигига, тармоқ ёки бирор маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги корхонанинг ихтисослашишига таъсир этувчи асосий омиллардан биридир. Иқтисодий самарадорлик эса талаб ва таклиф қонунига амал қилинишига, аҳолининг у ёки бу маҳсулотга бўлган талаби қандай даражада қондирилишига боғлиқ. Агар бирор маҳсулотга талаб етарли

қондирilmаган бўлса, яъни таклиф ҳажми талаб ҳажмига қараганда кам бўлса, унинг бозор баҳоси юқори бўлади. Бу нисбатан ноқулай табиий-иклим шароитида бўлган корхоналарни шу маҳсулотни етиштиришга ундейди ва ихтисослаштиради.

### **3.3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида тармоқ таркиби ва тармоқларни боғлаб бориш талаблари**

Ихтисослашиш, биз юқорида кўрсатган ижобий томонлар ҳамда ютуқлар билан бирга, ҳар қандай жараён сингари маълум камчиликларга, салбий оқибатларга ҳам эга. Ихтисослашган меҳнатнинг бир хиллиги, доимо бир маромда такрорланиб туриши, зерикарлилиги ҳаммага маълум. Бир умр конвойерда бир ишни бажарадиган ишчининг аҳволини ҳатто Чарли Чаплин ўз фильмида жуда яхши кўрсатиб берган. Бундан ташқари меҳнат тақсимотига асосланган ихтисослашиш ва меҳнат кооперацияси бир жараённинг икки томонидир. Меҳнат тақсимотисиз меҳнат кооперацияси ёки меҳнат кооперациясиз меҳнат тақсимоти йўқ. Ҳар биримиз ўзимиз учун қанча кам турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарсак, бошқа ишлаб чиқарувчига шунчалик боғланиб қоламиз. Шунинг учун бир ихтисослашган ишлаб чиқарувчидаги содир бўлган муаммолар у билан боғлиқ ишлаб чиқарувчиларга тўппа-тўғри таъсир этади. Масалан, пахта хомашёси етиширувчи қишлоқ хўжалик корхонаси шартномада белгиланган маҳсулот ҳажмини етиштирмаса, пахта тозалаш, тўқимачилик, тикувчилик саноати корхоналари ишида узилиш содир бўлади, уларнинг самараси пасаяди, охир-оқибатда истеъмолчи жабр кўради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ихтисослашув ва кооперацияга асосланганда пировард натижа учун жавобгарлик пасаяди, чунки ҳар бир ихтисослашган ходим оралиқ натижа учун жавоб беради, холос. Бу камчилик, айниқса, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин (Бу ҳақда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган 1-мавзуда тўхталганимиз).

Яна бир муаммо – ихтисослашган ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маҳсулотларини ўзаро айрибошлиш жараёнида содир бўлиши, ички ва ташқи бозорда пул муомаласининг қанчалик тўғри ташкил қилинишидир. Ўзаро товар айрибошлиш маълум босқичдаги ихтисослашган корхонанинг тўлов қобилияти пасайиши шу боғланишдаги корхоналар ўртасида дебитор ва кредитор қарзларни келтириб чиқаради, хисоб-китобнинг энг қолоқ бартер усулларини қўллашга мажбур қиласди. Оқибатда ишлаб чиқариш самараси пасаяди, корхонанинг молиявий фаолияти танг аҳволга тушади. Ихтисослаштиришнинг камчиликлари, уни келтириб чиқарадиган салбий оқибатларни маълум даражада бартараф этиш учун ҳар бир корхонада тармоқ таркибини тўғри белгилаш, тармоқларни ўзаро боғлаб бориш талабларига риоя қилиш керак. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ташкил этилган тармоқлар уларнинг иқтисодий-ташкилий мавқеи ва аҳамиятига кўра, қуйидаги гурӯхларга бўлинади:

- асосий тармоқ;
- ёрдамчи тармоқ;
- хизмат кўрсатувчи тармоқ;
- қўшимча тармоқ.

**Асосий тармоқ** деб, корхонанинг жами товар маҳсулотида ёки ялпи маҳсулотида энг катта салмоққа эга бўлган, унинг мақсад ва вазифаларини ифодаловчи ҳамда ихтисослашиши – йўналишини белгиловчи тармоққа айтилади.

Асосий тармоқ бир ёки бир неча хил маҳсулотлар етиштириши, бир неча кичик тармоқларни ўз ичига олиши мумкин. Асосий тармоқ ўз маҳсулоти корхонанинг товар маҳсулотида 50%дан кам бўлмаслиги билан характерланади.

**Ёрдамчи тармоқ** – корхонанинг товар маҳсулоти бўйича асосий тармоқдан кейинги ўринда турадиган, асосий тармоқ билан технологик ҳамда ташкилий жиҳатдан боғланган, асосий тармоқнинг муттасил ривожланиб бориши учун бевосита ёрдам кўрсатадиган тармоқдир. Масалан, пахтачилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган йирик корхоналарда сут қорамолчилиги ёрдамчи тармоқ сифатида ташкил қилинади. Чунки пахта ҳосилдорлигини сурункали ошириб бориш пахта далаларига катта ҳажмда органик ўғит (гўнг) солишни тақозо этади. Бундай катта ҳажмдаги гўнгни факат сигирлардан олиш мумкин. Пахтачилик тармоғи эса чорвачиликни пахта чиқиндилари, алмашлаб экиш далаларидан олинган ем-хашиб билан таъминлайди. Пахтачилик, сабзавотчилик сут қорамолчилиги тармоғи билан технологик жиҳатдан жуда мустаҳкам боғланган.

**Хизмат кўрсатувчи тармоқ** – корхонада асосий ва ёрдамчи тармоқларга хизмат кўрсатадиган, товарлилик хусусиятига эга бўлган ёки бўлмаган тармоқлардир.

Йирик кооператив (ширкат) корхоналарида хизмат кўрсатувчи тармоқларни ташкил этиш иқтисодий самара бериши мумкин. Адабиётларда кўпинча хизмат кўрсатувчи тармоқлар инфратузилма тармоқлари деб ҳам аталади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида хизмат кўрсатувчи тармоқларга машина-трактор парклари(МТП), таъмир устахонаси, электр, сув ҳамда моддий таъминот хизматлари, мелиорация отрядлари, автомобиль саройи ва ҳоказолар киради. Йирик қишлоқ хўжалик корхоналарида, айниқса, кооператив (ширкат) хўжаликларида бундай хизмат турлари ташкил этилиши ва уларнинг мақсадга мувофиқ шаклда бўлиши корхона учун самара бериши мумкин. Кўлами жиҳатидан кичик қишлоқ хўжалиги корхоналарида, яъни фермер хўжаликларида ва айниқса, дехқон хўжаликларида хизмат кўрсатувчи тармоқларни мақсадга мувофиқ ҳажмда ташкил этиш имконияти йўқлиги, лекин бу кичик ва ўрта тадбиркорлик шаклларининг турли-туман хизмат турларига эҳтиёжи мавжудлиги туфайли бу эҳтиёжни ва уни тўла қондириш мақсадида хизмат соҳалари мустақил тадбиркорлик (хусусий ёки кооператив асосда) сифатида шаклланиши мумкин. Дарвоқе, Ўзбекистон Республикасида фермер ва дехқон хўжаликларининг тез суръатлар билан шаклланиб бориши, уларга унумли техника хизматини кўрсатиш мақсадида давлат машина-трактор парклари (МТП), муқобил машина-трактор парклари(ММТП) ташкил этилишини тақозо қилди ва улар шаклланиб бормоқда. Хусусий ва кооператив

асосда иш юритувчи ихтисослашган хизмат корхоналари фермер хўжаликларигагина эмас, балки қишлоқдаги ўрта ва кичик тадбиркорларга хизмат кўрсатиши орқали нафақат қишлоқда ишлаб чиқариш юксалишига, шу билан бирга қишлоқ билан шаҳар ўргасидаги муҳим тафовутларни қисқаришига ҳам хизмат этади.

**Қўшимча тармоқ.** Йирик қишлоқ хўжалиги корхоналарида шу корхонани табиий, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни янада тўлароқ таъминлаш мақсадида қўшимча тармоқлар ташкил этилиши мумкин. Улар таркибиға саноат, капитал қурилиш характерига эга бўлган тармоқлар кириши, бу тармоқлар қишлоқ хўжалигининг асосий ва ёрдамчи тармоқлари билан технологик жиҳатдан боғланган бўлиши ёки ташкилий ва иқтисодий талаблардан келиб чиқиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнлари пахтани дастлабки қайта ишлаш, сут ва гўштни қайта ишлаш, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва ҳоказолар сифатида ташкил этилиши мумкин.

Корхона худудида турли мақсадлар учун фойдаланса бўладиган хомашё заҳиралари (шағал, қум, тупроқ, оҳак ва ҳ.к.) бўлган тақдирда улардан маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи цехлар ташкил этилиши аҳолини иш билан таъминлаш имконини ҳам беради.

Ихтисослашувнинг чуқурлашиши натижасида, айrim тармоқлар, айниқса, саноатда кенг табақалашув юз бериши, соҳалар бирон маҳсулот, ҳаттоқи ишлаб чиқаришнинг бирор жараёнига мустақил ҳолда ажралиб чиқиши мумкин. Агросаноат эса алоҳида тармоқ ёки бирор турдаги маҳсулот етиштиришга мустақил ажралиб кета олмайди, балки айrim ҳолда айrim турдаги бозор маҳсулоти етиштиришга ихтисослашиб, қишлоқ хўжалигининг бошқа томонлари шу асосий (бош) бозор-товар маҳсулоти етиштиришга мослашиб боради.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини ихтисослаштириш ва тармоқларни ўзаро боғлаб боришни тақозо этадиган талаблар қўйидагилардир:

**1. Корхонанинг ер фондидан тўла ва самарали фойдаланиш мақсадида.** Ҳар бир корхонанинг ер худуди яхлит бир массив сифатида ташкил этилиб, турли сифат кўрсаткичларига эга бўлади. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар турли сифат ва кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, корхона ерининг асосий қисмини экинзор ташкил этганда ҳам маълум ҳажми, қўриқ, яйлов, кўл, нотекис ерлар бўлиши мумкин. Ерларнинг сифати турлича бўлиши улардан турлича фойдаланишни тақозо этади. Шунинг учун сифати турлича ерларда энг юқори натижа берадиган маҳсулотлар етиштиришни ташкил этиш корхонанинг жами ер фондидан тўла фойдаланишни таъминлайди. Экинзорларда паҳта, ғалла, савзавот етиштириш, қўриқ ер ва яйловларда чорвачилик, табиий ва сунъий кўлларда балиқчилик, нотекис, ёнбағирлик ерларда боғдорчиликни ташкил этиш юқори самара бериши мумкин. Иккинчидан, корхона ер худуди бир хил сифатга эга бўлган ердан – экинзордан иборат бўлса ҳам, экинзор

унумдорлигини доимо сақлаб туриш, орттириб бориш учун илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этиш талаб қилинади.

Алмашлаб экиш ердан самарали фойдаланишнинг асосий омилларидан биридир. Корхонада алмашлаб экишнинг мавжудлиги бир неча асосий ва ёрдамчи тармоқ шаклланганидан далолат беради.

**2. Асосий тармоқни муттасил ривожлантириб бориш мақсадида.** Қишлоқ хўжалигида шундай тармоқлар ва маҳсулотлар борки, уларни етиштириш, албатта, бошқа тармоқнинг бўлишини тақозо этади. Бинобарин, чўчқа болалари етиштирувчи репродуктив чўчқачилик хўжалигида чўчқа болалари нобуд бўлмаслиги учун сут қорамолчилигини ташкил қилиш талаб этилади. Бундай хўжаликларда соғин сигирлар фермаси бўлиши шарт. Ўзбекистон шароитида пиллачилик тармоғи ҳам худди шундай тармоқлар сирасига киради. Пилла қурти боқиши билан шуғулланувчи корхонада, албатта, тут плантациялари бўлиши шарт.

**3. Асосий тармоқдан олинган қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилардан фойдаланиш мақсадида.** Дехқончиликда бир турдаги экинлардан, чорвачиликда эса бир турдаги чорва моллардан бир неча турдаги маҳсулотлар олиниб, улар фойдаланиш аҳамиятига кўра, асосий, қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндиларга бўлинади. Масалан, бошоқли дон экинларидан дон, дон чиқиндилари ва сомон (похол) олинса, маккажўхорини донга экиб, дон, поя ва сўта, сигирлардан эса сут, бузоқ ва гўнг олинади.

Агарда корхона дончиликка ихтисослашиб, бошоқли дон етиштириш билан шуғулланса, дон етиштириш унинг асосий мақсадини ифода қилганлиги учун етиштирилган дон асосий маҳсулот, дон чиқиндиси ва сомон қўшимча маҳсулот ва чиқинди ҳисобланади.

Корхона дон чиқиндиси ва сомонни ташқарига товар маҳсулоти сифатида сотиши мумкин. Лекин шу маҳсулотлар чорвачилик учун озуқа ролини ўтаса, унда чорвачилик тармоғини ташкил этиб, чорва маҳсулотларини етиштиrsa ва чорвачилик чиқиндиси гўнгдан яна даланинг унумдорлигини ошириш учун фойдаланса, қўшимча ва чиқиндиларни сотиб, гўнг харид қилишдан кўра афзал бўлган тақдирда ёрдамчи тармоқни ташкил этиш катта самарага эга бўлади. Бу жараён экологик нуқтаи назардан ҳам маъқулдир. Чунки у чиқиндисиз технологияни жорий қилишга қаратилган тадбирдир.

**4. Корхонанинг меҳнат ресурсларидан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан тўла ва самарали фойдаланиш мақсадида.** Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мавсумий хусусиятга эга бўлганлиги учун корхонанинг ишчи кучларидан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш мавсумий характерга эга. Шунинг учун ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнлари бир даврга тўғри келмайдиган тармоқларни ташкил этиш ҳам ишчи кучларидан, ҳам ишлаб чиқариш воситаларидан тўла ва унумли фойдаланиш имконини беради. Бунда меҳнат ва воситалардан фойдаланишнинг мавсумийлиги пасаяди, меҳнат унумдорлиги ортади, ишлаб чиқариш воситаларининг эскирган қисмига тўғри келадиган қиймати кўпроқ

маҳсулотларга тўғри келганлиги учун уларнинг маҳсулот бирлигидаги салмоғи камаяди, маҳсулот таннархи пасаяди.

**5. Корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш, рақобатбардошлигини ортириш мақсадида.** Қишлоқ хўжалиги мавсумий хусусиятга эга бўлганлиги учун кўпчилик маҳсулотлар бир йилда бир маротаба етиштирилади. Натижада маҳсулот етиштириш учун қилинган сарф-харажатлар билан даромад ўртасида вақт нуқтаи назардан катта тафовут ҳосил бўлади. Шунинг учун маҳсулот етиштириш даври турли мавсумларга тўғри келадиган тармоқларни ташкил этиш ва уларни мақсадга мувофиқ боғлаб бориш корхонанинг турли мавсумлардаги молиявий ресурсларга (пулга) талабини ўз маблағлари ҳисобидан қондиришга, қарз маблағларга талабини камайтиришга, кредиторлик қарзларини бартараф этишга имкон беради. Бундан ташқари, бозор иқтисоди шароитида бир неча турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона рақобатчилик кучайиши натижасида бирор турдаги маҳсулот бозори касот бўлган тақдирда ҳам бошқа турдаги маҳсулоти даромадлилиги натижасида иқтисодий инқирозни бартараф этиш мумкин. Бундан ташқари монополияни чеклаш тўғрисидаги қонун талабига кўра ҳам йирик корхона ва фирмалар бир неча тармоқни ташкил этишга ҳаракат қиласидар. Ривожланган давлатлардаги катта ютуққа эришган фирмалар худди шундай амалиётга эгалар. Масалан, Германиянинг «Мерседес-Бенс» автомобилсозлик фирмаси енгил автомобиллар билан бир қаторда автобуслар ҳамда турли русумдаги юқ автомобиллари ишлаб чиқаради. АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Франция, Швеция давлатларининг автомобилсозлик компаниялари ҳам ўз фаолиятларини шу тартибда юритадилар. Қишлоқ хўжалигида унинг ўзига ҳос хусусиятига кўра, ишлаб чиқаришни бундай ташкил қилиш икки карра зарурдир.

### **3.4. Корхонанинг мақсадга мувофиқ тармоқ таркибини шакллантириш**

Корхонанинг мақсадга мувофиқ тармоқ таркиби деганда, унинг мавжуд табиий, иқтисодий ресурсларидан тўғри фойдаланиш орқали маҳсулот бирлигига кам сарф-харажат қилган ҳолда ресурслар бирлигига кўпроқ маҳсулот етиштириш тушунилади. Корхонанинг тармоқ тараққиётини мақсадга мувофиқ ташкил этиш узоқ вақтни ўз ичига оладиган жуда мураккаб жараёндир. Корхонанинг мақсадга мувофиқ тармоқ таркибини шакллантириш катта маблағни жалб қиласиган тадбирдир.

Бу тадбир корхона ташкилий-хўжалик ва иқтисодий тараққиёти комплекс режасининг таркибий қисми бўлиб, унга кўра, корхонада ички хўжалик ер тузиш ишлари лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиши керак. Узоқни кўзламаган, узоқ муддатга фойдани максималлаштириш чора-тадбирини қурмаган корхонанинг бозор иқтисоди шароитида келажаги бўлмайди. У кучли рақобат курашида ютиб чиқа олмайди...

Корхонанинг ташкилий-хўжалик тузилиши, тармоқларни мақсадга мувофиқ боғлаш ишлари бир неча босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичда

маркетинг тадқиқотларини ўтказиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини, унинг турли сегментларини чуқур таҳлил қилиб, корхонанинг бозордаги ўрни аниқлаб олинади. Ҳар бир қишлоқ хўжалик экинига ва чорва турига амалдаги ва истиқбол технологик нұқтаи назаридан техникавий ва иқтисодий баҳо бериб, ўз шароити имкониятига мос келадиган асосий тармоқ ва маҳсулотларни етиштиришга йўналтирилган, яъни корхона ўсимликчилик маҳсулотлари – пахта, ғалла етиштиришга ихтисослашган бўлса, шу экинлар талабига мос келадиган алмашлаб экиш тизими танлаб олинади. Бунда асосий эътибор асосий экин – пахта ва ғалла ҳосилдорлигини муттасил ошириб боришига қаратилиши керак. Узоқ муддатли тадқиқотлар, илфор хўжаликларнинг қўп йиллик иш тажрибасига кўра, пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган хўжаликларни алмашлаб экиш тизимида қўп йиллик экин – беда ва маккажўхори экиладиган алмашлаб экиш тизимидан олинадиган ёндош, қўшимча маҳсулот ва чиқиндилар, пахта чигитини сотиш эвазига олинадиган шулуха ва кунжара чорвачилиги, сут, сут-гўшт йўналишини ташкил этиш, ихтисослаштириш ва тармоқларни боғлаб бориш юқоридаги мавзуларда баён этилган талабларга тўлароқ жавоб беради. Бунда биринчидан, тупроқ унумдорлиги ортади, иккинчидан, қўшимча маҳсулот ва чиқинди ўсимчиликда, гўнг чорвачиликда мақсадга мувофиқ утилизация қилинади, учинчидан, маҳсулотлар турли даврларда етиштирилиб, пул тушуми корхона маблағлари айланишини тезлаштиради.

Умуман олганда, бу икки тармоқ – ўсимликчилик ва чорвачилик тармоғи бир-бирини тўлдириб, технологик жиҳатдан бир-бирига мос келади. Сўнгра бу асосий ва ёрдамчи тармоқлар талабига кўра, хизмат кўрсатувчи тармоқлар шакллантирилади. Бунда асосий эътибор хизмат соҳаларининг иқтисодий самарадорлигига қаратилади. Агарда корхона ҳудудида мустақил хўжалик субъектлари мавжуд бўлиб, уларнинг хизмати корхонада ташкил этилгандан кўра самаралироқ бўлса, ихтисослашган мустақил хўжаликлар хизматидан фойдаланиш кўзда тутилади. Агарда шу ҳудудда фаолият юритувчи бир неча қишлоқ хўжалик корхоналари шериклик асосида кооператив негизда айrim турдаги хизмат соҳаларини ташкил этиши самарали бўлса, яъни бир неча ширкат, фермер ва дехқон хўжалиги, техникага хизмат кўрсатиш, маҳсус техникалар паркини ташкил этиш, сув таъминоти ва мелиорация, кимёвий воситалар таъминоти ва кимёлаштириш ва ҳ.к. хўжаликларро корхоналарни ташкил этиш ва шериклик асосида фойдаланиш мумкин. Қўшимча тармоқлар эса корхонадаги мавжуд табиий ресурслар кўламига кўра аниқланади.

Агарда корхонанинг асосий йўналиши, мақсад ва вазифаси чорвачилик маҳсулотларини етиштириш деб белгиланган бўлса, чорвачиликнинг иқтисодий самарали йўналиши ва ҳажми белгилаб олиниб, дехқончилик тармоғи шу асосий тармоққа тўла жавоб берадиган тартибда ташкил этилади. Ҳозирги вақтда янги ахборот тизимлари, технологияларнинг кириб келиши бошқа масалалар каби корхоналарда ихтисослаштириш ва тармоқларни боғлаб бориш масаласини турлича моделлар тузиш орқали ҳал қилиш имконини бермоқда.

Бунда асосан корхона ресурсларидан максимал фойдаланиш ва маҳсулот бирлигига минимал сарф-харажат қилиш кўзда тутилади.

### **Қисқача хуносалар**

Ихтисослаштириш меҳнат тақсимотининг ифодаси сифатида қишлоқ хўжалигини самарали ташкил этишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ихтисослаштириш моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидан кескин фарқ килади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини корхоналарда айрим маҳсулотга, шу маҳсулотнинг бирор қисмига ёки технологик жараёнига тўла ихтисослаштириб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалиги биологик жараёнларга, табий кучларга асосланганлиги учун унда турли тармоқлар ташкил қилинади ва улар ўзаро боғлаб борилади. Шундагина корхонанинг мавжуд табиий-иктисодий ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш мумкин.

Корхоналарни ихтисослаштириш ва уларнинг мақсадга мувофиқ йўналишини белгилашда турли омиллар (табиий, иқтисодий, шахсий) ҳисобга олинини керак.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. «Ихтисослаштириш», «тармоқ» тушунчалари нимани англатади? Уларнинг даражаси қандай аниқланади?
2. Иқтисослаштиришнинг афзаллиги ва камчиликлари нимада? Қишлоқ хўжалигида унинг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?
3. Қишлоқ хўжалигида ихтисослаштиришнинг қандай омиллари ва шакллари мавжуд?
4. Корхонада тармоқларни боғлаб бориш нималарни талаб этади?
5. Корхонанинг мақсадга мувофиқ тармоқ таркиби ва уни белгилаш усуллари қандай?

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Олий Мажлисининг 1-чақириқ X сессиясида сўзланган нутқ. Қишлоқ хўжалик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. -Т., 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Кэмпбелл Р., Макконелл, Стенли Л. Брю. Экономикс. Гл. 3. стр. 54-60. - М.: Республика 1992.
4. Уилья Ф., Шарп и др. Инвестиции. -М.: 1997.

5. Америка иқтисоди асослари. IV қисм – «Кичик ишбилармонлиқдан корпорация сари». -Т., 2001.

## IV боб

### ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БҮЛНИМЛАЛАРИ ҲАЖМИ

#### 4.1. «Ишлаб чиқариш концентрацияси» ва «корхоналар ҳажми» тушунчалари

Қишлоқ хўжалигига ихтисослаштириш тобора чуқурлашиб, корхоналарда ишлаб чиқаришнинг мужассамлашиб бориши, корхоналар, улардаги ишлаб чиқариш бўлинмаларининг мақсадга мувофиқ ҳажмини белгилашни тақозо этади.

Бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалигига ҳам ишлаб чиқаришни йириклишиши, яъни корхоналар ҳажмининг катталашиб бориши икки йўлдан – концентрация – мужассамлашиш ва марказлашув орқали боради.

Ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучлари ва бунинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг мужассамланиб бориши **концентрация жараёни**, деб аталади. Концентрация жараёни ҳар бир корхонада ишлаб чиқаришни интинсевлаштириш натижасида ишлаб чиқариш воситаларини жамғариш ёки ташқаридан инвестиция жалб қилиш орқали амалга оширилади.

Корхоналарнинг ихтиёрий ёки рақобат кураши асосида ўзаро бирлашиши йириклишиб боришига **марказлашиш**, деб аталади. Қундалик ҳаётда бу икки жараён ўзаро диалектик алоқада бўлиб, бир-бирини тўлдиради, яъни ишлаб чиқариш концентрацияси жараёни маълум бир босқичга етганда, ишлаб чиқаришнинг марказлашувини тақозо этса, марказлашув эса, ўз навбатида, концентрация жараёнининг янада тезлашувига таъсир қиласади.

Бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалигига кечаётган йириклишиш жараёни объектив асосда техник-иқтисодий жиҳатдан йирик ишлаб чиқаришнинг майда ишлаб чиқаришдан афзаллигини исбот қилмоқда.

Йирик деҳқончиликнинг афзаллиги шундаки, у деҳқончилик учун маданий, унумли ерларни, асбоб-ускуналарни тежаш, улардан самарали фойдаланишини таъминлаш билан чекланиб қолмасдан, кенг кўламда машиналарни қўллаш, катта ҳажмда кредитлар олиш, тижорат ишларида устунликка эришиш, илмий-амалий салоҳиятга эга бўлган раҳбар ва мутахассислардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Йирик ишлаб чиқаришнинг майда ишлаб чиқаришдан афзаллиги яна шундан иборатки, йирик корхоналарда меҳнат тақсимоти ва кооперациясини, мукаммал ва унумли техника ва технологияларни жорий қилиш, фан юутуқлари ва илгорлар тажрибасини кенг оммалаштириш имкони юқори. Корхоналарнинг ҳажми ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига, кучли рақобат шароитида корхонанинг барқарор ривожланиши унинг келажагини шакллантиришга бевосита таъсир этади.

Үзига хос хусусиятларига кўра, қишлоқ хўжалигининг оптимал ва самарали ҳажмини белгилаш жуда долзарб ва мураккаб масаладир. Бу борада проф. А.В.Чаяновнинг қишлоқ хўжалик корхоналарининг мақсадга мувофиқ кўламини белгилашга доир услубий ёндашуви жуда катта илмий ва амалий аҳамият касб этади. У йирик ишлаб чиқаришнинг майда ишлаб чиқаришдан афзаллигини тўла тан олган ҳолда, йирик ишлаб чиқариш айрим тармоқларда жуда кенг миқёсда бўлса, бошқаларида унчалик катта эмаслигини кўрсатиб берди. А.В.Чаяновнинг фикрича, дехқончиликда йирик ишлаб чиқариш майда ишлаб чиқаришдан саноатдаги каби катта афзалликка эга эмас. Саноатда корхонанинг ҳажмига табиий кучлар таъсир этмайди, фақат иқтисодий самара ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Дехқончиликда эса иқтисодий омиллардан ташқари табиий омиллар, яъни корхона рельефи, ер участкаларининг катта-кичклиги, турли табиий тўсиқлар, фаолият очиқ ва кенг майдонларда олиб борилиши, айрим маҳсулотлар етиштириш технологияси мавжудлиги кабилар таъсиридаги йўқотишлар корхона ҳажмининг катталиги натижасида эришиш мумкин бўлган иқтисодий ютуқларни қоплаб кетиши мумкин.

Корхоналар ҳажмининг ортиши ва йириклишиб бориши сабабли хизмат соҳалари меъёрлаштирилиб, уларнинг соҳалашга боғлиқ харажатлари камайтирилиши, кенг меҳнат тақсимоти ва кооперацияси туфайли ҳар бир қисмий иш жараёнини бижаришга ихтисослашган ходимнинг ишлаб чиқариш пировард натижасига жавобгарлиги ва меҳнат манфаатдорлиги йўқлиги натижада паст бўлишига олиб келади. Бу собиқ СССР давридаги йирик ҳажмли давлат ва жамоа хўжаликлари фаолиятида тўла-тўқис тасдиқланган. Чунончи, бундай йирик ҳажмли қишлоқ хўжалик корхоналарида экинлар ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги узоқ вақт паст ҳолда сақланиб келди.

Ривожланган /арбий Европа ва Америка қитъаси мамлакатларида корхоналар ҳажми қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий оқибат натижаларига кўра шаклланади, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўп қисми фермер хўжаликларида етиштирилади. Бир фермер хўжалигига ўртacha Канадада 215 гектар, АҚШда 145 гектар, Германияда 19,5 гектар, Белгия ва Голландияда 17,0 гектар, Италияда 8,5 гектар ер тўғри келади. Тўғри, бу мамлакатларнинг табиий шароитлари қулай бўлган ҳудудларида катта кўламдаги қишлоқ хўжалик корхоналари фаолият кўрсатади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ўзига хос салмоқقا эга бу корхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Хулоса шуки, қишлоқ хўжалигига ҳам иқтисодий, табиий-иқлим, ер ва географик, инсон омили хусусиятларига кўра, бир хил ҳажмдаги эмас, балки турли ҳажмдаги йирик, ўрта ва кичик корхоналар ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир. Дехқон ва фермер хўжаликлари кичик корхона ҳисобланади.

## **4.2. Корхоналарнинг ҳажми кўрсаткичлари. Корхона, унинг ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар**

Қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларнинг ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳажми жуда кўп кўрсаткичлар билан аниқланиши мумкин. Булар жумласига ер майдонлари ҳажми ва чорва моллари бош сони, ялпи ва товар маҳсулоти ҳажми, асосий воситалар микдори, корхонада ишловчи ходимлар сонини киритиш мумкин. Лекин қайси кўрсаткичнинг асосий кўрсаткич сифатида қўлланилиши қўйилган мақсадга ва қандай тадбир амалга оширилишига боғлиқ. Чунончи, бозор иқтисоди шароитида корхона товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчи сифатида ташкил этилади. Шунинг учун ижтимоий-иктисодий нуқтаи назардан товар маҳсулотининг ҳажми корхона ҳажмини ифода этувчи асосий кўрсаткич хизматини ўтайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши мавсумий хусусиятга эга бўлганлиги учун унинг бир йилда ишлаб чиқарган товар маҳсулоти ҳажмини ифода этувчи кўрсаткичдан асосий кўрсаткич сифатида фойдаланилади. Бу кўрсаткич турли ихтисослашиш ва интенсивликдаги корхоналарни ўзаро қиёслашда, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги йирик кооператив корхоналар раҳбар ва мутахассисларни рағбатлантириш, яъни уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланишида ҳам кенг қўлланади.

Хўжалик мустақиллигига эга бўлмаган, бевосита тижорат ишлари билан шуғулланмаган ишлаб чиқариш бўлинмаларида маҳсулот ҳажми улар етиштирган янги маҳсулот микдорини ифода қиласди. Корхонанинг ихтисослаштириш тармоқларини тўғри боғлаб бориш, корхона келажагини белгилаш, тармоқларни ташкил қилиш билан боғлиқ тадбирларни ҳал этиш, ер майдони ва чорва моллари бош сони билан боғлиқ бўлгани учун амалда ер майдонлари кўрсаткичидан кенг фойдаланилади. Ер қишлоқ хўжалигига асосий ишлаб чиқариш воситасидир. У алмаштириб бўлмайдиган, кўчмас ва шунга кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг доимий омили ҳисобланади. Чунки ишчиларга, машина-ускуналарига, хизмат турларига бўлган талаб ер майдонига кўра аниқланади. Шунинг учун ўсимчиликда ер ва экин майдонлари, чорвачиликда чорва молллари бош сони, боғдорчиликда кўп йиллик экинлар майдони корхона ва ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳажмини ифода этиши мумкин.

Бундан ташқари корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳажмини айrim ҳолларда меҳнат сарфи ва ишчилар сони сарф-харажатлари микдори ҳам ифода этиши мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир хўжаликдаги ҳажмини белгилаш шу хўжаликдаги мавжуд иқтисодий ва табиий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Аммо қишлоқ хўжалиги корхоналари ва уларнинг ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳажмига жуда кўп омиллар ва шароитлар таъсир этади. Уларни шартли равищда тўрт гурӯхга бўлиш мумкин:

- иқтисодий омиллар;

- табиий омиллар;
- техникавий омиллар;
- ташкилий, ижтимоий омиллар.

Иқтисодий омилларга мамлакат ишлаб чиқарувчи кучлари, айниқса, саноатнинг ривожланиш даражаси, хўжаликнинг ихтинослашиши ва интенсивлиги, ресурслар билан таъминланиши ва бозор эркинлиги;

табиий омилларга корхона рельефи, далалар (ер участкалари) ҳажми ва конфигурациянинг қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг сифат жаҳатидан таркиби ва корхона ҳудудида жойлашиши;

техникавий омилларга корхона ва унинг ишлаб чиқариш бўлинмалари техника воситалари билан таъминланганлги, уларнинг унумдорлик даражаси, ишлаб чиқариш жараёнларининг механизацияси ва бошқалар;

ташкилий-ижтимоий омилларга аҳоли пунктларининг сони ва корхона ҳудудида жойлашиши, йўл ва алоқа воситаларининг даражаси ва жойлашиши, аҳолининг касб-корлик ва сиёсий онги даражаси, малакали мутахассис, раҳбарлик қилиш қобилиятига эга бўлган кадрлар билан таъминланганлиги ва бошқалар киради.

Бу омилларнинг айримлари корхона ҳажми ортиб боришига ижобий таъсир этса, айримлари, аксинча, корхона ҳажмининг кичик бўлишини тақозо қиласди. Масалан, ҳар бир ходимга ер бириктириш меъёри ўзгармаган ҳолда корхонани катта ҳажмда ташкил қилиш унда ишловчилар сони кўп бўлишига олиб келади. Натижада улар фаолиятини бошқариш қийинлашади, ҳар бирига топшириқ бериш, ишини назорат қилиш имконияти камаяди, оқибатда меҳнат унумига путур етади, корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари пасаяди. Тўғри, бошқаришнинг илгор усуслари, техника воситаларидан кенг фойдаланиш орқали бу камчиликларни қисман бартараф этиш мумкин. Бунда асосий эътибор ҳар бир ишловчига бириктириладиган ер меъёрини оширишга қаратилиши керак. Бизнинг шароитимиздаги қишлоқ хўжалигига бир ишловчи ўртача 2-4 гектар ер майдонига (сугориладиган) ишлов берса, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 100-200 гектарни, ҳатто, ундан ҳам ортиқни ташкил этади.

Корхонанинг катталашувига салбий таъсир этувчи омиллар – ер участкалари, далалар ҳажмининг кичикилиги, турли конфигурациялар сунъий йўл билан, меҳнат ва маблағ сарф қилиш орқали бартараф этилиши мумкин. Лекин катта маблағ сарф қилиш эвазига ҳажми катталаштирилган корхона берган қўшимча даромад шу мақсад учун қилинган харажатлар қоплагандагина наф келтириши мумкин.

Аҳоли эҳтиёjlари етарли таъминланмаган, уларнинг ижтимоий, ҳатто сиёсий онги ва қарашлари етарли бўлмаган шароитда, йирик ишлаб чиқариш самарасига эришиш учун бир неча мустақил хўжаликларни, аҳоли пунктларини бирлаштириш етарли ижтимоий-иқтисодий самара бериш ўрнига, тараққиётни орқага суриб юбидор иши яқин тарихимиздан маълум.

Корхоналар ва ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳажмини тўғри танлаш ва кўллаш учун уларнинг турли муқобил вариантларига ташкилий-иктисодий жиҳатдан баҳо бериш керак. Ишлаб чиқариш асосини ресурслар ташкил этганлиги, иктиносид эса чекланган ресурслар бирлигига иложи борича кўпроқ натижа олиш мақсадида бўлганлиги туфайли қўлланиладиган ресурсларнинг 1 сўмига етиширилган ялпи маҳсулот, олинган ялпи даромад, соф даромад, рентабеллик даражаси, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларидан самарадорликни аниқлашда фойдаланилади.

#### **4.3. «Корхоналарнинг мақсадга мувофиқ ҳажми» тушунчаси.**

##### **Уларнинг мақсадга мувофиқ ҳажмини аниқлаш усуллари**

Ҳар бир корхона у хусусий мулк ёки корпоратив мулк ёинки бошқа шаклдаги мулк бўлишидан қатъиназар максимал фойда олишга интилади ва шу мақсадда юқори фойдани таъминловчи оптимал ҳажмни шакллантиришга ҳаракат қиласди. Хўш, умуман, мақсадга мувофиқ ҳажмнинг ўзи қандай ҳажм?

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, улардаги ишлаб чиқариш бўлинмаларининг мақсадга мувофиқ ҳажми деганда, корхоналарда, улардаги айrim бўлинмаларда ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари – ер, меҳнат, капитал (ишлаб чиқариш воситалари) ўртасида ҳам микдор, ҳам сифат жиҳатидан тўғри нисбатларни белгилаш орқали, улардан тўла ва самарали фойдаланиш ва муттасил меъёрий фойда олишни таъминловчи ҳажм тушунилади. Корхонанинг мақсадга мувофиқ ҳажмини белгилашда бу ҳажм ўзгариши билан харажатларнинг ўзгариши ўртасидаги боғлиқликка эътибор бериш керак.

Харажатларнинг ўзгариши уч турга бўлинади. Бу ўринда гап ўртача умумий харажат (AC) устида кетади.

**1. Корхона ҳажми ўзгариши билан маҳсулот бирлигига ўзгармайдиган харажатлар.** Бунда корхона ҳажми ортиши билан, унга мутаносиб тарзда умумий харажалар (TC) ҳам ортиб боради, лекин умумий ўртача (AC) ҳамда ўртача даромад (AR) ўзгармайди.

Бунга асосан хизмат кўрсатиш соҳаси маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар киради. Қишлоқ хўжалигида уруғлик, ем-хашак ва ҳ.к.


**2. Корхона ҳажми катталashiши билан маҳсулот бирлигига камайиб борувчи харажатлар.** Бунда умумий харажатлар (TC) ортиб бориши билан ўртача харажатлар (AC) камайиб боради.

Бунга машина ускуналари, инвентарларни сақлаш, умуман, асосий капитални сақлаш, бошқарув харажатлари ёки ўртача доимий харажатлар (AFC) ҳамда иш ҳақи харажатлари киради.

**3. Корхона ҳажми ортиб бориши билан маҳсулот бирлигига ортиб борувчи харажатлар.** Бунда умумий харажатларга (TC)га қараганда айrim ўртача ўзгарувчи харажатлар (AVC) кўпроқ ўсади.

Бунга асосан транспорт харажатлари, бошқариш билан боғлиқ айрим харажатлар, маҳсулотлар реализацияси харажатлари киради.

Бунда асосий эътибор учала турдаги харажатлар ўртасида тўғри мутаносибликни белгилашга қаратилиши керак. Мисол учун, пахта етиштиришда харажатларни камайтириш мақсадида мақсадга мувофиқ ҳажмни танлаш керак бўлса, бу учала харажат турининг ўзаро кесишган нуқтаси мақсадга мувофиқ ҳажмни ифода этади. Буни қўйидаги шартли графикда кўриш мумкин. Агарда ўртача харажатни –  $AC$ , ўртача ўзгармайдиган харажатни –  $AC_0$ , ўртача камайиб борувчи харажатни –  $AC_1$  ва ўртача ортиб борувчи харажатни –  $AC_2$  деб фараз қилсак, унда график қўйидагича бўлади:



Ҳар бир корхона ўз фаолиятини таҳлил қилган, бир неча йиллик далиллар, маълумотларни ўрганган ҳолда ёки кўплаб корхоналар фаолиятини кўриб чиқиб, у ёки бу турдаги маҳсулот етиштиришнинг самарали ҳажмини танлаши мумкин. Агарда маҳсулотни сотиш баҳоси ўзгармасдан, узоқ муддат мувозанатда бўлиб, бир бирлик маҳсулот баҳоси ўртача даромадга ( $AR$ ) тенг бўлган тақдирда Е нуқтани ифодалаган ҳажм максимал фойдани, К нуқта эса меъёрий фойдани ифода қилади. Бунда корхона К нуқта ифода қилган ҳажмни танлаши мумкин. Маҳсулотнинг баҳоси арzonлашиб, 3 бирликдан 2 бирликка тушганда корхона, 5 бирликдаги ҳажмдан кўра, 3 бирликдаги ҳажмни танлагани маъқул.

Корхоналарнинг ҳажми ўзгариши билан маҳсулот бирлигига ортиб борувчи харажатларга айрим воситалар амортизацияси, транспорт харажатлари, маъмурий бошқарув харажатлари киради.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ва улардаги айрим ишлаб чиқариш бўлинмаларининг мақсадга мувофиқ ҳажмини ҳақиқий эришилган маълумотларга кўра, статистик гурухлаш усули орқали ҳамда илмий асосланган меъёрларга кўра, ҳисоб-аналитик йўл билан белгилаш мумкин.

Статистик усулдан фойдаланишда шунга эътибор бериш керакки, корхона ва унинг бўлинмалари ҳажмига уларнинг табиий шароитлардан ташқари ихтисослашиш ҳамда интенсивлик даражаси таъсир қиладиган бўлгани учун бир хил табиий шароитдаги ҳамда бир хил ихтисослаштириш ва интенсивлаштиришдаги корхоналар бўйича алоҳида ҳажмни аниқлаш талаб қилинган. Корхона ишлаб чиқариш бўлинмаларининг мақсадга мувофиқ ҳажмини аниқлашда энг асосий усул илмий асосланган меъёрларга кўра ҳисоблаш усули ҳисобланади.

Бу усулдан фойдаланишда биринчи навбатда корхонадаги дастлабки ишлаб чиқариш бўлинмаларининг мақсадга мувофиқ ҳажми ва уларни бошқариш даражасига кўра, юқори ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳажми аниқланади.

Хозирги вақтда қишлоқ хўжалик корхоналарида дастлабки ишлаб чиқариш бўлинмалари бригада ва оиласвий пудрат бўлгани учун, аввало, шу бўлинмаларнинг мақсадга мувофиқ ҳажмини аниқлаш талаб қилинади.

Бригадалар ва пудратчи бўлинмаларнинг мақсадга мувофиқ ҳажмини аниқлашда қуидагилар асос қилиб олинади:

- ишлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;
- техника воситаларидан тўла ва самарали фойдаланишни таъминлаш;
- ердан ва ишчи кучларидан тўла фойдаланишни таъминлаш;
- жамоани малакали бошқариш.

Бригада ва пудратчиларда қишлоқ хўжалик ишларини белгиланган агротехника муддатларида сифатли ўтказиш учун техника воситалари ўртасида тўғри нисбатлар бўлиши талаб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир экин тури бўйича энг асосий иш жараёни, уларнинг такрорланиши ва улар ўртасидаги нисбатларга боғлиқ.

Бригадалар ва пудратчи бўлинмаларнинг мақсадга мувофиқ ҳажми аниқлангандан кейин корхонада ишлаб чиқариш даражасига кўра, яъни йўл-транспорт воситалари даражаси, оператив бошқариш, техника воситаларидан фойдаланиш, кадрларнинг малакаси даражасига кўра, мақсадга мувофиқ ҳажмдаги бригадаларнинг мақбул сони аниқланади. Икки босқичли ишлаб чиқариш тузилмаси қўлланиладиган корхоналарда мақсадга мувофиқ ҳажмдаги бригадалар сони 10-12 та. Ҳар бригадада 4-5 пудратчи бўлиши мақсадга мувофиқ.

## Қисқача хulosалар

Ишлаб чиқариш самарадорлиги аҳолини иш билан таъминлашга, корхонанинг рақобатбардошлиги унинг ҳажмига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида корхонанинг табиий шароити иқтисодий вазият, аҳолининг иқтисодий-сиёсий даражасига кўра, кичик ва ўрта ҳажмдаги корхоналар катта қисмни ташкил этиши керак.

Катта ҳажмдаги талабга эга бўлган, юқори даражада механизациялашиш имконини берадиган (пахта, ғалла, сут, қорамолчилик) тармоқларга ихтисослашган корхоналар йирик ҳажмда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Корхонанинг ресурслардан энг юқори ва тўла фойдаланиш имконини берадиган ҳажми мақсадга мувофиқ ҳажм бўлади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ва марказлашуви нимани билдиради?
2. Корхоналар ҳажми қандай кўрсаткичлар билан аниқланади?
3. Корхоналарнинг ҳажмига қандай омиллар таъсир этади?
4. Қишлоқ хўжалигида қандай корхоналарни кичик корхоналар дейилади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида»ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». -Т., 1998
4. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. -Т., 1998.
5. Каримов И.А.«Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил яқунларига бағишланган мажлисида сўзланган нутқ. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 21 февраль.
6. Кэмбелл Р., Макконелл, Стенли Л. Брю. Экономикс. Книга-1, глава-3, стр. 54-60. -М.: Республика, 1992.
7. Америка иқтисоди асослари. Т-2001й. IV қисм. «Кичик ишбилармонликдан корпорация сари».
8. Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов и их отбору для финансирования. -М., 1994.

## V боб

### ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ ЕР ҲУДУДИННИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

#### 5.1. Қишлоқ хўжалигида ер – ишлаб чиқариш воситаси. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар тушунчаси ва уларнинг турланиши

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ер нафақат корхонанинг жойлашиш ҳудуди, шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг энг зарурий воситаларидан бири сифатида қатнашади. Ер аввало табиат маҳсули бўлиб, уни бошқа воситалар билан алмаштириб бўлмайди. Ер инсонлар учун табиат яратган энг буюк неъмат. У инсонларга яшаш учун озиқ-овқат ва бошқа истеъмол воситалари этиштириб берувчи ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади.

Ернинг ишлаб чиқариш воситаси сифатида ўзига хос ҳусусияти қўйидагилардан иборат:

- у табиатдан чекланган, уни инсонлар хоҳлаганича яратса олмайди;
- ундан тўғри фойдаланилганда унумдорлигини ошириб боради.

Ердан бошқа ҳамма воситалар ундан фойдаланиш давомида эскиради ва вақт ўтиши билан ўз унумини йўқотиб, янгиси билан алмаштирилади. Ер эса ундан тўғри ва оқилона фойдаланилганда ўз унумини ошириб боради. Бу тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлиги ошиб боришида намоён бўлади.

Ерга ишлов бериш, мураккаб машиналар, илгор технологияни жорий қилиш орқали кишилар ерга, ундаги экинларга таъсир этиб, уларнинг ҳосилдорлигини оширади. Шундай қилиб, ер қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида фақат меҳнат предмети ёки меҳнат йўналтирилган восита сифатидагина эмас, балки экинларга таъсир этувчи асосий восита сифатида қатнашади.

Шунинг учун ер қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг асосий воситасидир. Ернинг табиатдан чекланганлиги, унумдорлигини ошириб бориш имконияти мавжудлиги шу имкониятни рўёбга чиқариш учун унга табиий унумдорлигини, ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муносабатда бўлишни тақозо этади.

Ернинг табиий ҳусусиятлари қишлоқ хўжалигини ташкил этишда ва ривожлантиришда катта аҳамият қасб этади. Аммо ҳал қилувчи омил – бу, иқтисодий шарт - шароитлар. Иқтисодий тадбирларни тўғри амалга ошириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсив асосда олиб бориш, ернинг ҳар бирлигидан кам меҳнат ва маблағ сарф қилиш орқали энг кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари этиштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»да республика ер фонди ердан фойдаланишнинг асосий мақсадига кўра, қўйидаги тоифаларга бўлинади.

1. Қишлоқ хўжалик ерлари. Бу ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган ерларга бўлинади.

2. Аҳоли пунктлари ерлари – шаҳар, пасёлка ва қишлоқ аҳоли пунктлари чегарасидаги ерлар.

3. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа мақсадларида ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар, юридик шахсларга юкоридаги мақсадлар учун берилган ерлар.

4. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар.

5. Тарихий- маданий мақсадлардан фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар, тарихий - маданий ёдгорликлар эгалаган ерлар.

6. Ўрмон фонди ерлари, ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган, бироқ ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар.

7. Сув фонди ерлари - сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, сув объектлари қирғоқлари бўйлаб зоналар эгаллаган ерлар.

8. Захира ерлар.

Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси маълум ер майдонига эга бўлиб мавжуд талаб ва таклифга кўра, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади. Корхонанинг умумий ер майдони табиий шароитлари ҳамда хўжаликда фойдаланиш хусусиятига кўра бир хил эмас. Бундан ташқари корхонанинг ҳамма еридан ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда фойдаланилмайди. Шунинг учун корхонанинг умумий ер майдонидан қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ажратилган.

Ерларни табиий сифати ҳамда хўжаликда фойдаланилишига қараб табақалаштириш бозор иқтисодининг ҳозирги шароитида жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки бу хусусиятларга кўра, ер солиги, ижара ҳақи, ер баҳоси сингари масалалар кўлами ва даражаси белгиланади. Бусиз ер кадастрини ташкил қилиб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар деганда, бевосита қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлган, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун сурункали фойдаланиладиган ерлар тушунилади.

Қишлоқ хўжалик ерларига экинзорлар, яъни доимо дон ва бошқа далачилик экинлари экиладиган ерлар, боғлар, яъни доимо кўп йиллик мевали дараҳтлар экиладиган ерлар, яйловлар – доимо чорва моллари боқиладиган ерлар, пичанзорлар – доимо пичан ўриб олиш учун фойдаланиладиган ерлар киради.

Хўжаликларнинг ер майдонлари таркиби ва ўзаро нисбати доимо бир хил бўлмайди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, аҳоли эҳтиёжларининг ўсиб бориши билан у ҳам ўзгариб боради.

Ерларнинг бир турдан бошқа турга ўтиб боришига ер трансформацияси деб аталади. Бунда ер трансформациясининг асосий қонуни – ердан унумли фойдаланиш, унинг унумдорлигини муттасил ошириб бориш, кам унумли ерлардан юкори унумли ерларга ўтиб боришdir. Чунки юкорида қайд этилганидек, ер миқдор жиҳатидан (макон жиҳатидан) чекланган, ундан тўғри фойдаланилгандагина унумдорлиги ошиб бориши мумкин.

## **5.2. Корхона ер худудини ташкил этиш тамойиллари**

Корхонанинг ер худудини ташкил этиш деганда, корхона ва унинг бўлинмалари ташқи чегаралари, уларнинг ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар, алмашлаб экиш, аҳоли пунктлари, йўл ва сув шоҳобчаларини ташкил этиш ва корхона ҳудудида жойлаштириш тушунилади.

Корхона ер худудини тўғри ташкил этиш ер майдонларидан тўғри, тўла ва унумли фойдаланишни таъминловчи асосий шартлардан бири бўлгани учун бу ишга катта эътибор берилади. Ердан фойдаланилганлиги учун ягона ер солиги жорий этилганлиги бу масаланинг долзарблигини янада оширади. Ердан фойдаланувчиларга ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарига қонунда белгиланган тартибда ер участкаси ажратиб берилди.

Ер участкаси – ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режими ҳамда давлат ер кадастри ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларига, давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатларида акс эттириладиган бошқа жаҳатларга эга бўлган муайян қисмидир.

Ер участкаларининг чегараси режалар (чизмалар)да қайд этилади ва натура шаклида ажратилади. Ер участкалари бўлинадиган ва бўлинмайдиган бўлиши мумкин. Мўлжалланган фойдаланиш мақсадига кўра, бир неча мустақил ер участкаларига бўлинадиган ва ҳар бири давлат рўйхатидан алоҳида ўтказиладиган ер участкалари бўлинадиган ер участкалари ҳасобланади.

Мўлжалланган фойдаланиш мақсадларига кўра, мустақил ер участкаларига бўлиниши мумкин бўлмаган алоҳида ер участкалари бўлинмайдиган ер участкалари саналади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ер худудларини ташкил этишда қўйидаги тамойилларга амал қилишлари керак:

1. Ер умумхалқ, давлат мулки эканлиги ва ундан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаб бориш, ердан фойдаланиш давлат томонидан назорат қилиб турилишини эсда сақлашлари зарур.

2. Ер худудининг доимийлиги, яъни у ер ердан фойдаланувчиларга «Ер кодекси»га биноан абадий фойдаланиш учун ижарага берилишини назарда тутиш лозим.

Ер фойдаланувчилар учун абадий ёки узоқ муддатга ижарага берилиши уни тубдан яхшилаш, унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган йирик тадбирларни амалга оширишни тақозо этади, уларнинг натижасидан манфаатдор бўлишни таъминлайди. Бу эса тупроқ унумдорлигини узоқ муддат сақлаш, қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириб бориш имконини беради.

Корхона ер худудининг тез-тез ўзгариши нафакат ерга бўлган жавобгарлик ҳиссини пасайтиради, балки ерни тубдан яхшилаш билан боғлиқ инвестициялар қилишга тўсқинлик ҳам қиласи, ўзаро боғланган тадбирларнинг


бир бутунлигини бузади, оқибатда тупроқ унумдорлиги пасайишига сабаб бўлади, ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий тасир этади.

**3. Корхона ер ҳудудининг яхлит бир массив (худуд) бўлиши.** Бунинг моҳияти шундан иборатки, агарда корхонанинг ер майдони бир жойда мужассамлашган бўлса, корхона фаолиятини ташкил этиш, йўл, транспорт, ишлари, улар билан боғлик бўлган харажатлар қисқаради, бошқариш, алоқа осонлашади. Лекин амалда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши хусусиятига кўра, бу соҳага тааллуқли бўлган табиий ресурслардан тўлароқ фойдаланиш мақсадида корхонанинг ер майдони бир неча қисмдан иборат бўлиши мумкин. Масалан, корхонанинг ёзги яйловлари ва ҳ.к.лар.

**4. Корхона ер ҳудудининг геометрик шакли.** Бу талабнинг аҳамияти шундаки, қишлоқ хўжалик корхонаси қанча йирик бўлса, у иқтисодий масалалар билан бирга ижтимоий масалаларни, йўллар, алоқа воситалари, аҳолининг яшаш шароитларини, бошқа аҳоли пунктлари билан алоқасини таъминлаши керак. Бу масалаларни ҳал қилиш жуда катта харажатларни талаб қилади. Қишлоқ турмуш тарзини яхшилаш, унинг жозибалиигини ошириш қишлоқ инфратузилмаси қай даражада ташкил этилишига боғлик.

Шунинг учун корхонани ташкил этиш учун ер майдони ажратишда, унинг ташқи чегараларини белгилашда энг мақсадга мувофиқ геометрик шаклни танлаш керак. Тўғри, бунда шу корхона ташкил этилаётган ҳудуднинг рельефи, табиий ёки сунъий тўсиқлар мавжудлиги эътиборга олинади. Лекин бир хил шароит бўлганда, ижтимоий-иктисодий талабларга кўпроқ жавоб берадиган геометрик шакл танланиши керак. Масалан, доира, ярим доира, учбурчак, квадрат, тўғри тўртбурчак ва ҳ.к. Ҳажми унча катта бўлмаган корхона ер ҳудуди учбурчак, квадрат шаклда ва битта аҳоли пунктидан иборат бўлгани маъқул.

Йирик, бир неча аҳоли пунктидан иборат хўжаликнинг ер ҳудуди тўғри тўртбурчак шаклда бўлгани маъқул.



2-чизма. Корхонани ташкил этишнинг турли қўринишлари.

### 5.3. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни ташкил этиш ва жойлаштириш

Ердан тўла ва самарали фойдаланишни ташкил этиш учун тузиш ишлари ўтказилади. Ер тузиш ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалга оширишга, ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишни ташкил қилишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик мухитни вужудга

келтиришга, ер тузиш ишларининг худудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Ер тузиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимиятлар идоралари қарорига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларига мувофиқ амалга оширилади. Ер тузиш истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаш олдидан, хўжаликларо ҳамда ички хўжалик ер тузиш ишларига бўлинади. Истиқболга мўлжалланган ҳамда лойиҳалаш олдидан амалга ошириладиган ер тузиш ишларига қуидагилар киради:

1. Республика ва унинг минтақалари ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофоза қилиш чизмаларини ишлаб чиқиш.

2. Туманлар ва вилоятларнинг ер тузилиши чизмаларини ишлаб чиқиш.

3. Тупроқ унумдорлигини ошириш билан боғлик бўлган истиқболга оид тахминларни (прогнозларни) ҳамда дастурларни ишлаб чиқиш.

4. Табиатни муҳофаза қилиш, қўриқхоналар ташкил этиш ва уларнинг чегараларини белгилаш.

Хўжаликларо ер тузиш ишларига қуидагилар киради:

1. Жойнинг ўзида овуллар, қишлоқлар, посёлкалар, туманлар, шаҳарлар, вилоятларнинг чегараларини белгилаш, бу субъектлар ўртасида ер муносабатларини ҳал қилиш.

2. Ерларнинг жойлашишидаги нокулайликларни бартараф этиш, мулқдорларни, янги ер эгаларини ва ердан фойдаланувчиларнинг ер участкаларини ташкил этиш ҳамда мавжудларини тартибга солиш лойиҳаларини тузиш.

4. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ер ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш.

5. Бузилган ерларни рекультивация қилиш, тупроқни хар хил турдаги эрозиядан сақлаш, қишлоқ хўжалик ерларини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш бўйича ишчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

6. Ерларни ресурс сифатида баҳолаш ва баҳолаш тадбирларни ўтказиш. Хўжаликларо ер тузиш ишлари туманлар ёки бир-бирлари билан ўзаро боғланган қишлоқ хўжалик корхоналарининг маъмурий чегаралари доирасида қонун ҳужжатларида белгилаган тартибда ўтказилади.

Хўжаликларо ер тузиш ишлари лойиҳанинг маъмурий туманни ривожлантириш бош чизмасида тўла акс этган бўлади. Хўжаликларо ер тузиш лойиҳалари тасдиқлангандан кейин ердан фойдаланувчиларнинг ер участкалари чегаралари белгилаб қўйилади. Хўжаликларо ер тузуш ишлари лойиҳаси вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади.

Хўжалик ичидаги ер тузиш ёки ички хўжалик ер тузиш лойиҳаси қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер ҳудудида илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилиш, барча қишлоқ хўжалик ерларини (экинзорлар, яйловлар, боғлар, токзорлар ва ҳ.к) жойлаштиришни кўзда тутади.

Ички хўжалик ер тузиш ишларини ўтказиш орқали ердан тўла ва самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва доимо ошириб бориш масалалари ҳал қилинади.

Ички хўжалик ер тузиш ишлари икки қисмдан – лойихалаш ва уни амалга ошириш календарь муддатидан иборат бўлади. Ички хўжалик ер тузиш ишлари ер эгаси бўлган давлат ёки ердан фойдаланувчилар томонидан қўйилиши мумкин.

Ички хўжалик ер тузиш ишларининг лойиха қисмида мақсад, ердан фойдаланишининг эришилган даражаси таҳлили, ички хўжалик бўлинмаларининг сони ва ҳажми, алмашлаб экиш тизими, йўл, сув шохобчаларининг ҳажми ва жойлашиши, аҳоли пунктлари, уларнинг сони, ҳажми ва жойлашиши, талаб қилинадиган капитал сарфлар кўрсатилади.

Лойиха қисмидаги энг асосий масала – бу, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркибининг ўзгариши, яъни ерларни бир турдан бошқа турга ўтказиш, ерларга сув чиқариш, суғориладиган ерлар салмоғини ошириш, ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш, қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобланади.

Корхонанинг текис, ҳажми жиҳатидан унумли техникани қўллаш имконини берадиган майдонларига экинзорлар жойлаштирилади ва уларнинг унумдорлигини доимо сақлаб туруш учун корхона йўналишини ҳисобга олган ҳолда алмашлаб экиш тизими ишлаб чиқилади. Корхонанинг шамол қаттиқ эсадиган томонида кўп йиллик дараҳтзорлар, боғлар барпо этилади. Шунингдек, қир-адирлик ерларда ҳам боғлар барпо этиш мақсадга мувофиқдир.

Аҳоли пунктига, қайта ишловчи саноатга яқин ҳамда катта магистрал йўл бўйларидағи ерларда сабзавотчилик, тез бузиладиган, узокқа ташиш қийин бўлган маҳсулотлар этиштириш йўлга қўйилади.

#### **5.4. Аҳоли яшайдиган пунктларни ташкил этиш ва жойлаштириш**

Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, рақобатдош корхонага айлантириш, қишлоқ хаётининг жозибалилигини таъминлаш ва умуман, қишлоқ инфратузилмасининг тўғри шаклланиши аҳоли пунктлари тўғри ташкил этилишига ва корхона худудида жойланишига боғлиқ. Қишлоқда аҳоли пунктлари марказлашган, яъни битта аҳоли пунктидан иборат ёки марказлашмаган – бир нечта аҳоли пунктидан иборат бўлиши мумкин.

Аҳоли пунктининг қайси тартибда ташкил этилиши корхона қўламига, ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражасига боғлиқ.

Аҳоли пунктининг ташкил қилинишига қўйиладиган асосий талаб – аҳолининг яшаши ва ишлаши учун энг кулай шароитларни яратиш, яъни иш жойларига бориб келиш, ўзаро алоқалар, билим олиш, спорт билан шуғулланиш, майший эҳтиёжларни қондириш ҳамда аҳоли пунктини энг кам харажатлар қиласан ҳолда муҳандислик коммуникациялари (сув, йўл, электр, газ, телефон ва ҳ.к.) билан таъминлашdir.

Аҳоли яшайдиган пунктларни ташкил этиш ва жойлаштириш.

Корхона ер худудини ташкил қилиш ҳамда ички хўжалик ер тузиш ишлари лойиҳасининг асосий элементларидан бири – аҳоли пунктларини тўғри ташкил қилиш ва корхона худудида жойлаштиришдир. Аҳоли пунктини ташкил қилиш масаласи ўз ичига аҳоли пункти сони ва ҳажми, унга ер участкасини ажратиш, корхона худудида жойлаштириш, уй-жой, маданий-маиший иншоотлар, муҳандислик коммуникациялари, хизмат соҳалари, қайта ишлаш саноати корхоналари, чорвачилик фермаларини аҳоли пунктида жойлаштириш масалаларини олади.

Аҳоли пункти сони ва ҳажми корхонанинг ривожланиш истиқболига, кўлами ва интенсивлик, саноат-қурилиш индустряси даражасига, бино ва қурилмаларнинг характеристига, қурилиш технологиясига, мавжуд ҳамда истиқболга мўлжалланган ишлаб чиқариш ва қурилиш, санитария- гигиена, ёнфинга қарши талаблар ва меъёrlар, табиий шароитларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Шу билан бирга аҳоли пункти сони ва ҳажмини белгилашда ижтимоий шароитларни яратиш, энг аввало, ёшларнинг илм олиши, бошқа худудлар, аҳоли пунктлари билан доимий алоқа ўрнатиш назарда тутилади.

Аҳоли пунктлари марказлашган ва марказлашмаган ҳолда ташкил этилади. Аҳоли пункти битта марказий аҳоли пунктидан иборат ҳолда ташкил этилса, бу марказлашган аҳоли пункти деб айтилади. Бундай аҳоли пунктлари ҳажми унчалик катта бўлмаган, ўртacha ҳажмдаги корхоналарда, айrim ҳолларда юқори даражада механизациялашган, транспорт ва бошқа алоқа турлари яхши ривожланган йирик бўлимларда, ҳар томонлама жиҳозланган ишлаб чиқариш – хўжалик марказлари бўлган йирик корхоналарда ташкил этилади. Бундай марказий қўргон (аҳоли пункти) ўз хусусиятига кўра, шаҳарларга ўхшаб кетади, шаҳар қўринишдаги посёлка ҳисобланади.

Қишлоқ жойларида аҳоли яшайдиган пунктларни ташкил қилишда аҳолига иш жойларига бориб-келиш ва унумли меҳнат қилиш, ҳар томонлама қулай яшаш шароити яратиш, маданий-маиший, спорт, эстетик ҳамда турли-туман ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун шароит яратиб бериш кўзда тутилади.

Йирик ҳажмга, бир неча ишлаб чиқариш бўлинмаларига, мураккаб ишлаб чиқариш ва тармоқ тузилмасига эга бўлган корхоналарда йўл ва транспорт алоқалари етарли ривожланмаган.

Корхоналарда бир ва ундан ортиқ аҳоли пункти ташкил этилиши мумкин. Аҳоли пунктининг ҳажмига аҳоли ва оиласалар ҳажми, оиласаларнинг таркиби, талаб қилинадиган ходимлар сони, хизмат соҳалари ва қўшимча тармоқларнинг ташкил этилиши, қуриладиган бино ва иншоотларнинг хусусияти, уларнинг қувватлилиги ва ҳ.к.лар киради. Аҳоли пунктининг минимал ҳажми шундай бўлиши керакки, унда битта 9 йиллик ўрта таълим мактабини қуриш имкони бўлсин.

Юқоридаги талабларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктини ташкил қилишда, унга ер майдони ажратишда Ўзбекистон Республикаси «Ер

кодекси»да қишлоқ жойларда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик ташкил этиш учун авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб борадиган ер участкасини 006 гектар ҳажмда ажратиш (бир оиласа) кўзда тутилган. Мисол учун, корхонанинг жами экинзори (шартли экинзорга айлантирилганда) 1500 гектарни ташкил қилса, белгиланган меъёрларга кўра, бир ўртacha йиллик қишлоқ хўжалиги ходимига 3 гектар шартли экинзор тўғри келганда талаб этиладиган ходимлар сони 500 кишини (1500:3) ташкил этади. Агарда ҳар бир оила 5 жондан иборат бўлиб, шундан 2 нафари ижтимоий меҳнатга яроқли ҳисобланиб, бир қисми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қатнашса, бунда 300 оиласа (1500:5) тенг бўлади. Шу 300 оиласининг ҳар бирига 006 гектардан ер участкаси ажратиб берилса, унда 300 оила учун томорқа ер майдони 18 гектарга ( $300 \times 006$ ) тенг бўлади. Аҳоли пунктлари учун ер ажратишда томорқа ер участкаси билан бирга бошқа мақсадлар (йўллар, ариқлар, маданий-маиший, соғлиқни сақлаш, спорт иншоотлари, биргаликда дам олиш жойлари, қўшимча тармоқлар ва х.к.) учун ер ажратиш талаб этилади. Бу масалани ҳал қилиш учун томорқага нисбатан ер ажратиш коэффициенти кўлланилади:

Томорқа ҳажми	Томорқага нисбатан ер ажратиш коэффициенти
004 га	2,5-3,0
006 га	2,4-2,5
008 га	2,2-2,4
010 га	1,8-2,0
013 га	1,5-1,7

Биз келтирган мисолда томорқа ҳажми 006 га бўлганлиги учун 2,5 коэффициент кўлланилиши мумкин. Бунда аҳоли пунктига ажратиб бериладиган жами ернинг ҳажми 45 гектарга (18-2,5) тенг бўлади. Агарда корхонадаги ҳар бир оила аъзоларидан бир, бир ярим нафари мактаб ўқувчиси бўлса, 300 оиласада уларнинг сони 400-450 нафарни ташкил этади. Демак, бунда битта тўлиқ ўрта мактаб ташкил қилиш, ўқувчиларга сифатли ўрта таълим бериш имкони бўлади.

Корхонада бир неча аҳоли пункти ташкил қилинадиган бўлса, у холда улардан бири марказий қўрғон сифатида шакллантирилади.


Марказий қўрғон сифатида энг йирик капитал аҳамиятига эга бўлган бино-иншоотлар ҳамда қурилмалар, қулай муҳандислик коммуникациялари бўлган, бошқа аҳоли пунктлари билан яхши алоқа қилиш имконияти кенг, истиқболли табиати ва рельефи шаҳарсозлик учун маъқул, табиий оғатларнинг олдини олишга имкони кенг аҳоли пункти танлаб олинади.

Умуман, аҳоли пунктлари корхонанинг ер ҳудуди қандай геометрик шаклда ташкил этилишига қараб жойлаштирилгани маъқул. Олдинги мавзуда қайд этганимиздек, корхонанинг ер ҳудуди тўғри тўртбурчак шаклда ташкил этилганда аҳоли пунктлари иложи борича бир йўналишда бўлгани маъқул.

Чунки аҳоли пунктлари бундай тартибда жойлаштирилганда йўл, бошқа алоқа тизимлари, муҳандислик шохобчалари нисбатан кам бўлади, аҳоли пунктлари ўргасидаги алоқаларни ташкил этиш нафақат қулайлашади ҳатто арzonлашади ҳам.

Аҳоли пунктларини режалаштириш ва жойлаштиришда уларни 2 зонадан иборат ҳолда ташкил этиш таъминланади:

- маъмурий уй-жой зонаси;
- ишлаб чиқариш-хўжалик зонаси.



Маъмурий ва уй-жой қисми, ўз навбатида, 2 сектордан ташкил қилинади.

- маъмурий ва маданий-маиший сектор;
- уй-жой сектори.

Аҳоли пунктининг марказида иложи борича маъмурий, маданий-маиший бинолардан иборат маъмурият ва жамоатчилик марказини ташкил қилиш талаб этилади. Бу марказда бош майдон, маъмурий бинолар, маданий-маиший иншоотлар, савдо расталари, меҳмонхона ва бошқа хизмат корхоналари жойлаштирилиши мумкин.

Қишлоқ врачлик амбулаторияси транспорт учун қулай, баҳаво жойда, ҳаммом, кир ювиш, кийимларни кимиёвий тозалаши шохобчалари сув таъминоти яхши бўлган, оқар сувлар аҳоли пунктига заарар етказмайдиган, ифлослантирилмайдиган жойларда жойлаштирилади.

Бу иншоотлар аҳолига қулай, аммо маъмурий, уй- жой ҳамда маданий-маиший бинолардан 100-150 метрдан кам бўлмаган масофада жойлаштирилиши керак.

Уй-жой сектори маъмурий ва жамоатчилик марказидан ташқарида квартал усулида ташкил этилгани маъқул, уй-жой секторида қандай уйларни куриш (1 қаватли, 2 қаватли, кўп қаватли, алоҳида, жуфтлашган ва х.к.) аҳоли урф-одатларига, ишлаб чиқариш ва маданий савиясига, бўш вақтидан фойдаланиш хусусиятларига боғлиқ.

### Қисқача хulosалар

Қишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида қатнашади ва у бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан тубдан фарқ қиласди.

Ер табиий жиҳатдан чекланган, тўғри фойдаланилган тақдирдагина у унумдорлигини тўхтовсиз ошириб бориши мумкин.

Ердан тўғри фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда сиёсий асослари Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил апрелда қабул қилинган «Ер кодекси»да кўрсатиб берилган.

Ҳар бир ердан фойдаланувчига ер участкаси ажратиб берилади ва улар ердан тўла ва самарали фойдаланиш тадбирларини қўллашлари керак. Бунинг учун ҳар бир хўжалик субъекти ички хўжалик ер тузиш ишлари лойиҳасини ишлаб чиқади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ер асосий восита сифатида ўзига хос қандай хусусиятларга эга?
2. Қонунда ерга эгалик қилишнинг қандай шакллари мавжуд?
3. Қандай ерларни қишлоқ хўжалигига яроқли ер дейилади?
4. Корхона ер ҳудудини тузишнинг қандай омиллари мавжуд?
5. Корхона ер фондидан фойдаланишини қандай кўрсаткичлар ифода қиласди?
6. Корхона ер тузиш ишлари лойиҳаси қандай мақсадларда тузилади ва нималарни ўз ичига олади?
7. Корхона аҳоли пунктлари қандай ташкил қилинади?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». -Т., 1998.
2. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Бернли Хилл. Иқтисодга кириш. Қишлоқ хўжалиги ўкув юртлари учун дарслик, 6-БОБ. -Т.: Мехнат, 1998 й.
4. Ҳамдамов Қ. Қишлоқда тадбиркорликни ривожлантиришга янгича ёндашув. «Фарғона ҳаёти» газетаси. 2002 йил. 5, 7, 12, 14 март.
5. /уломов С.С., Ҳамдамов Қ. Қишлоқ хўжалиги хусусияти ва ер солиги. «Иқтисод ва ҳаёт» журнали. 1995 йил, 6-сон.
6. /уломов С.С., Ҳамдамов Қ. Ерни кимга берган маъқул. «Ўзбекистон овози» газетаси. 1992 йил, ноябрь сони.

## VI боб

### ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

#### 6.1. «Ишлаб чиқариш воситалари» тушунчаси ва бундай воситаларнинг таркиби. Ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш кўрсаткичлари

Моддий ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун қуидаги 3 омили бўлиши шарт:

- меҳнатнинг ўзи;
- меҳнат қуроли.
- меҳнат предмети;

**Меҳнат** – кишининг мақсадга мувофиқ фаолияти бўлиб, шу фаолият давомида кишилар меҳнат предметига таъсир қилиб уни ўз эҳтиёжларига керак шаклга киритадилар. Меҳнат ресурслари – бу, меҳнатга қобилиятли инсонлардир.

**Меҳнат предмети** – киши меҳнати йўналтирилган, таъсир этаётган нарсалар, буюмлар, хусусан, асосан хомашёлар, қишлоқ хўжалигига - уруғчилик, ем-хашак, ўғит, ёш ва боқувдаги моллар.

**Меҳнат воситалари ёки меҳнат қуроллари** - меҳнатнинг ўзи билан меҳнат предмети ўртасида воситачилик қилувчи, меҳнат шу воситалар билан қуроллинган ҳолда меҳнат предметига таъсир этувчи, уни ўзгартирувчи буюмлардир. Қишлоқ хўжалигига меҳнат воситаларига тракторлар, турли машиналар, ускуналар, куч берувчи воситалар, бинолар, иншоотлар киради.

Меҳнат предметлари билан меҳнат воситалари (қуроллари) ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этади.

Қийматга эга бўлган ишлаб чиқариш воситалари корхоналарда ишлаб чиқариш фондлари сифатида амал қиласди.

Ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи, яъни ишлаб чиқаришни ҳар уч омили биргаликда ишлаб чиқарувчи кучларни ташкил қиласди. Бу уч омил қанчалик ривожланган, юқори сифатли ва унумли бўлса, ишлаб чиқарувчи кучлар шунчалик ривожланган бўлади.

**Корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари** ишлаб чиқариш жараёнларида қатнашиш, такрор ҳосил қилиниш хусусиятига кўра, **асосий воситаларга ва айланма воситаларга бўлинади**.

**Асосий воситалар** (меҳнат воситалари) деб, узок муддат ишлаб чиқаришда қатнашадиган, яъни ишлаб чиқаришнинг бир неча циклида қатнашадиган, ўз қийматини тайёр бўлган маҳсулотга аста-секин ўтказиб борадиган, фойдаланиб бўлингандан кейин (эскиргандан, унумини тўла ёки қисман йўқотганидан) ўз шаклини ўзгартирмайдиган воситаларга айтилади.

**Айланма воситалар** (мехнат предметлари) деб, ишлаб чиқаришни бир циклида қатнашиб, ўз қийматини тайёр маҳсулотга бирданига, тўла-тўккис ўтказадиган ва ўз шаклини бутунлай ўзгартириб юборадиган воситаларга айтилади.

Асосий воситалар қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий фондлари сифатида номоён бўлади. Улар:

- а) ишлаб чиқаришда қатнашувчи асосий фондларга;
- б) ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган (маданий- майший) фондларга бўлинади.

Ишлаб чиқаришга қатнашадиган асосий фондлар ўз навбатида:

- а) қишлоқ хўжалигига тааллуқли асосий ишлаб чиқариш фондларига;
- б) қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган асосий ишлаб чиқариш фондларига бўлинади.

Ҳозирги даврдаги ҳисоб-китоб ва иқтисодий ишлар талабига кўра, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига тааллуқли асосий фондлар қуидаги гурӯхларга ажратган ҳолда турланади:

- бинолар;
- иншоотлар;
- ўтказувчи воситалар;
- куч берувчи воситалар, шу жумладан, тракторлар;
- иш машиналари ва ускуналари;
- транспорт воситалари;
- ўлчов асбоблари ва лаборатория ускуналари;
- ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар;
- кўп йиллик дараҳтлар;
- хўжалик ва ишлаб чиқариш инвентарлари ва ҳ.к.лар.

Қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган ишлаб чиқариш асосий воситаларига қайта ишлаш саноати, капитал қурилиш, савдо ва таъминот соҳаларининг асосий воситалари киради.

Ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган, яъни маданий- майший, уй-жой соҳаси воситаларига уй-жой фонди, майший ва маданий иншоотлар, коммунал-хўжалик, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, маориф соҳаларининг фондлари киради.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни таҳлил қилишда, улардан самарали фойдаланиш йўлларини белгилашда қуидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Корхона ишлаб чиқариш фондларининг таркиби. Фонdlар айrim турларининг жами фондлар таркибидаги салмоғи,%да.

2. Ишлаб чиқаришнинг фондлар билан таъминланганлиги ( $\Phi_T$ ):

$$\Phi_T = \frac{\mathbf{A}\Phi}{\varepsilon_p}$$

Бу ерда: АФ- қишлоқ хўжалик тааллуқли асосий фондлар.

$\varepsilon_p$  - қишлоқ хўжалигида яроқли ерлар.

3. Фонд билан қуролланганлик ( $\Phi_k$ ):

$$\Phi_k \leftarrow \frac{A\Phi}{M}$$

Бу ерда:  $M$ - меҳнат (ўртача йиллик ходимлар сони).

4. Фонд қайтими, яъни ҳар 100 сўмлик асосий фондга етиштирилган ялпи маҳсулот ( $\Phi_K$ ):

$$\Phi_K = \frac{\mathcal{Y}M}{A\Phi} \times 100;$$

Бу ерда:  $\mathcal{Y}M$  – ялпи маҳсулот.

5. Фонд сифими, яъни ҳар 100 сўмлик ялпи маҳсулотга тўғри келадиган асосий фонdlар қиймати ( $\Phi_C$ ):

$$\Phi_C = \frac{A\Phi}{\mathcal{Y}M} \times 100.$$

6. Фонdlарга нисбатан рентабеллик, яъни фонdlарнинг самарадорлиги ( $P_\Phi$ ):

$$P_\Phi = \frac{C\mathcal{D} \approx \Phi}{A\phi + A\bar{B}};$$

Бу ерда:  $C\mathcal{D}$  – соф даромад;

$\Phi$  – фойда;

$A\bar{B}$  – айланма вақти.

7. Айланма воситаларнинг айланиш коэффициенти ( $A\bar{B}_k$ )

$$A\bar{B}_k = \frac{PT}{A\bar{K}}$$

Бу ерда:  $PT$  – бир йиллик пул тушуми;

$A\bar{K}$  – айланма воситалар йиллик қолдиғи.

8. Айланма воситалар айланиши қуни ( $A\bar{B}_{AK}$ ):

$$A\bar{B}_{AK} = \frac{A\bar{B}_k}{365}$$

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш воситалари, фойдаланиш жараёнида ҳам натура ҳолда, қиймат ўлчовида (пулда) ҳисобга олиб борилади ва режалаштирилади.

## 6. 2. Ишлаб чиқариш воситаларини такрор ҳосил қилиш. Амортизация фонди ва уни ташкил этиш

Ишлаб чиқариш воситалари уларга миқдор ва сифат жиҳатдан баҳо бериш мақсадида натура ҳолда ҳисобга олиб борилади. Ишлаб чиқариш воситаларини такрор ҳосил қилиш, уларни ташкил этиш учун керак бўладиган маблағларни режалаштириш ва сарф қилиш учун улар қиймат (пул) билан ҳисобланади.

Корхонанинг асосий воситалари дастлабки қийматда, қолдиқ қийматда ва тиклаш қийматида баҳоланади.

Дастлабки қиймат асосий воситани шаклантириш, хўжаликнинг келтириши, ишга тушуриши билан боғлиқ бўлган ҳақиқий харажатларни ифода қиласди.

Дастлабки қийматга асосий фондни сотиб олиш, қуриш, хўжаликка келтириш, ўрнатиш ва ишга тушуриш сарф-харажатлари киради.

Қолдиқ қиймат – асосий воситали қийматидан фойдаланиш муддатида унинг эскириш қисмига тўғри келадиган ажратма чегириб ташлангандан кейин қолган қисмидир (дастлабки қиймат минус эскирган учун ажратилган қиймат).

Тикланган қиймат: Асосий воситалардан фойдаланиш давомида маълум йиллар ичida шу асосий воситаларнинг баҳоси ўзгаради. Шунинг учун турли йилларда ташкил этилган асосий воситаларда дастлабки ва қолдиқ қиймати (улар натура жиҳатдан бир хил бўлса ҳам) турлича бўлиб, иқтисодий ишларни, маҳсулот таннархини тўғри ҳисоблаш ва режалаштириш, маҳсулотларга тўғри баҳо белгилаш ишларини қийинлаштиради. Шу сабабли ҳукумат томонидан маълум муддатларда асосий воситалар қайта баҳоланиб, уларни турли йилларда қиймати ҳозирги баҳоларда белгиланиб, тиклаш қийматида акс эттирилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳисоб ишларини яхшилаш, улардан самарали фойдаланиш тадбирларини тўғри белгилаш имконини беради.

Асосий воситаларни такрор ҳосил қилишнинг асосий манбаи уларнинг эскирган қисмига ёзилган ёки ажратилган амортизация ажратмаси ва шу амортизация ажратмаси ҳисобига ҳосил бўладиган амортизация фондидир.

Асосий воситаларни эскириши 2 хил бўлади:

- жисмоний эскириш;
- маънавий эскириш.

**Жисмоний эскириш** ўз навбатида 2 хил: биринчиси – асосий воситанинг бевосита ишга қатнашиш жараёнида ейилиши-эскириши бўлса, иккинчиси – ишга қатнашмасдан об-ҳаво таъсирида эскиришидир.

**Маънавий эскириш** эса ишга яроқли восита қийматининг унга қараганда унумлироқ ёки арzonроқ воситага нисбатан пасайишидан иборат. «Эскириш» техникавий тушунча бўлиб, унинг иқтисодий мазмунини «амортизация» тушунчаси ташкил этади. Шунинг учун асосий воситанинг амортизация ажратмасини ташкил этишда, ҳажмини белгилашда жисмоний ҳамда маънавий эскириш даражаси ҳисобга олинади.

Амортизация ажратмаси асосий воситаларни тиклаш, қайта тиклаш, таъмиглаш ва модериназиялаш учун ишлатилади. Йиллик амортизация ажратмаси белгиланган амортизация меъёрига асосан ҳисобланади. Йиллик амортизация меъёри асосий воситанинг дастлабки қийматига асосан белгиланиши мумкин. Дастлабки даврда амортизация меъёрини белгилаш учун йиллик амортизация суммасини белгилаш талаб этилади. Бу қуйидагича аниқланади:

$$A_{\text{сум}} = \frac{ДК + KP + M + T - TX}{M}$$

Бу ерда:  $A_{\text{сум}}$  - амортизациянинг йиллик суммаси;  
ДК – дастлабки қиймат ;  
Кр – капитал таъмир қиймати;  
М – модренизация суммаси;  
ТД – тугатишдан келган даромад ;  
ТХ – тугатиш харажатлари;  
М – фойдаланиши муддати.

Мисол: тракторнинг дастлабки қиймати 5,0 млн., капитал таъмир харажатлари 3 млн., тугатиш харажатлари 0,2 млн., тугатишдан келган даромад 0,2 млн., фойдаланиш муддати 6 йил. Бу ерда:

$$A_{\text{сум}} = \frac{5,0 + 3\text{млн} + 0,2\text{млн}}{7} = \frac{8\text{млн}}{7\text{й}} = 1,14\text{млн}$$

Бунда йиллик амортизация меъёри ( $A_n$ ):

$$A_n = \frac{A_{\text{сум}} \times 100}{ДК} = \frac{1,14 \times 100}{5} = 22,5\%$$

Автомобилларда тўла тиклаш учун дастлабки қийматидан, капитал таъмир учун эса дастлабки қийматидан ҳар 1000 км. босиб ўтган йўли учун меъёр белгиланади.

### **6.3. Машиналар тизими ва корхонанинг машина ҳамда ускуналарга бўлган талабини аниқлаш**

Асосий ишлаб чиқариш воситалари таркибида механик ишлаб чиқариш воситалари жуда катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, аввало, меҳнат қуроллари такомиллашуви билан боғлиқ. Чунки механик меҳнат қуроллари меҳнат унумдорлиги кескин ошувига, ишлаб чиқариш кўлами кенгайишига, маҳсулот бирлигига харажатлар қисқарувига олиб келади.

Механик ишлаб чиқариш воситалари таркибида тракторлар ва куч берувчи машиналарнинг ўрни бекиёс. Лекин иш машиналари уларнинг хусусияти, таркиби қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш технологиясини таркиб топтиришда асосий омилдир. Чунки иш бажарувчи машиналарнинг хусусияти, самарадорлик кўрсаткичларига кўра, куч берувчи машиналарни яратиш талаб этилади. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва автоматлаштириш турли машиналарни бир тартибда – тизимда қўллашни талаб қиласди. Қишлоқ хўжалигидаги айrim иш жараёнларига механик воситаларнинг якка тартибда қўшилиш жараёнларини механизациялаш, дейилади.

Иш жараёнларнинг қўпчилигига ва айниқса, асосий жараёнларда механик воситаларни қўллаш, ишларни қўл ўрнига машинада бажариш комплекс механизациялаш дейилади.

Маҳсулот ёки унинг айrim асосий қисмини етиштириш билан боғлиқ бўлган ҳамма иш жараёнларининг қўл меҳнати иштирокисиз факат машиналар ёрдамида бажарилиши автоматлаштириш дейилади.

Бирон маҳсулот етиштиришда комплекс механизация ёки автоматлаштиришни амалга ошириш учун машиналар тизими бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалигида машиналар тизими – бу, бирор маҳсулот етиштириш жараёнидаги ўзаъро кетма-кет келадиган иш жараёнларида қўлланиладиган, бир-бирини тўлдирадиган, миқдори ва унуми жиҳатдан бир-бирига мутаносиб турли иш бажарувчи ва куч берувчи машиналарнинг ўзаро бирлиги ёки йиғинидир.

Қишлоқ хўжалигида машиналар тизими турли тармоқларда, экинлар гурухлари бўйича турлича бўлиб, уларда қўлланиладиган технология хусусиятидан келиб чиқади. Технологиянинг тубдан ўзгариши, ўз навбатида, машиналар тизимига ўзгартиришлар киритишни тақозо қиласи.

Қишлоқ хўжалигида машиналар тизимини яратишда унга қўйиладиган талаблар хисобга олиниши керак. Бу талаблар қўйидагилар:

- тизимга киритилган машина ва ускуналарнинг сони, унуми жиҳатдан бир-бiri билан уйғунлашган бўлиши; иш бажарувчи машиналарнинг ўзаро ва иш берувчи машина кувватига мос келиши.

- иш бажарувчи машиналар комбинациялашган бўлиши, яъни бир машинанинг ўзида бир вақтда бир неча жараённи бажариш мумкин бўлишини таъминлаши.

- иш ва куч берувчи машиналарнинг универсаллигини ошириш, яъни машина ускуналаридан турли экинларда, турли иш жараёнларида фойдаланиш. Машиналар универсалигининг ошуви корхонанинг кам сонли машина ва ускуналар билан кўпроқ ишларни бажариш, бунинг натижасида маҳсулот бирлигини етиштириш учун камроқ харажат қилиши учун имкон беради.

Корхона бизнес режаларининг муваффақиятли бажарилиши машина ва ускуналарга бўлган талаб тўғри аниқланишига, талаб эса корхонанинг ихтисослашишига, жойлашишига, интенсивлик даражасига, эришилган ва режалаштирилаётган меҳнат унумдорлиги даражасига ҳамда мавжуд ижтимоий-иктисодий вазиятга, бажарилиши кўзда тутилган ишлар ҳажмига ва уларни бажариш муддатларига боғлиқ. Ўз навбатида, бажариладиган ишларнинг ҳажми ўсимликчилик тармоқларида экинлар таркиби ва ҳосилдорлигига, экин майдонларига, қабул қилинган агротехника усули ва тадбиркорга, чорвачиликда эса чорва моллар бош сони, уларнинг маҳсулдорлиги, зоотехника усулларига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари ишларнинг умумий ҳажми корхонада бошқа соҳаларда бажарилган ишларни ҳам ўз ичига олади.

Корхонанинг машина ва ускуналарга бўлган талаби жорий йилга ва истиқболга бўлган талабдан иборат. Талабни аниқлашда, энг аввало, куч берувчи машинага, яъни тракторга, комбайнга ва ўзиюрар машинага бўлган талаб аниқланади.

Тракторга бўлган талаб жорий йил учун унинг жисмоний ўлчовида, истиқбол учун эса шартли ўлчовда аниқланади. Шартли ўлчов сифатида этalon трактор ҳамда трактор т.-класси қабул қилинган.

Истиқбол технологик карталарини (экин турлари бүйича) ишлаб чиқишида ва бунга асосан турли мөмкінлектердің белгилешілдіктерін түсінгенде т.-класстың тракторлар үлчови көңгірдегі тұрғындардың оның тұрғындарынан жақында орналасқаннан көрінеді.

## Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасига бўлган талаб

Тартиб сони	Бажарилади -ган ишлар номи	Ўлчов бирлиги	Жисмоний иш хажми	Ишларни эталон гектарга айлантириш	Шартли эталон гектар иш хажми	Агротехника муддати	Агрегатнинг иш унуми	Агрегат таркиби	Талаб этилади	
1.	Ерни 30-35 см. чукурликда кузги шудгор қилиш	га	1000	1,7	1700	20/X 20/XI	0	0,8 Соатли иш унуми Смена коэффициенти Агротехник муддатдаги иш унуми	Эталон тракторга айлантириш клавдийишинчи Трактор	Жисмоний тракторлар Кишлоқ хўжалик машинаси Шартли эталон тракторлар

Тракторларга бўлган талаб ҳар бир трактор маркаси бўйича (жорий йилга ёки шартли тракторга (истикболга) тўғри келадиган жисмоний иш ҳажмига асосан ҳисобланади.

Бунда қуидаги формуладан фойдаланилади:

$$T = \frac{UX}{H_k x UK}$$

Бу ерда: Т – тракторларга бўлган талаб;

UX – иш ҳажми;

H<sub>k</sub> – кунлик иш меъёри;

Ик – агротехник муддатдаги иш кунлари.

Бу формуладаги кунлик иш меъёри ўрнига соатлик иш меъёрини қўллаш мумкин. Бунда формула қуидаги шаклда бўлади:

$$T = \frac{UX}{H_c x K_c x U_k}$$

Бу ерда: H<sub>c</sub> - соатлик иш меъёри;


K<sub>c</sub> - смена ёки бир кунда неча соат ишлаши, яъни ишнинг неча сменада ташкил этилиши.

Шуни инобатга олиш керакки, қишлоқ хўжалигига бир иш сменаси 7 соат қилиб қабул этилган.

Бу формуладан комбайнлар ва ўзиорар машиналарга бўлган талабни аниқлашда ҳам фойдаланилади.

Тракторларга осиладиган ва тиркаладиган, яъни иш машиналарига (қишлоқ хўжалик машиналарига) бўлган талаб ташкил этилган агергат хусусиятига, тракторларнинг талаб қилинган сонига кўра аниқланади. Масалан, трактор агрегати ташкил этилганда бир тракторга бир қишлоқ хўжалик машинаси тўғри келган (осилган ёки тиркалган) бўлса, тракторлар талаби қанча бўлса, қишлоқ хўжалик машинасига бўлган талаб ҳам шунча бўлади. Агарда тиркалган машиналар сони 2 та бўлса, талаб 2 марта ортиқ бўлади. Трактор агрегати ғалла экишда 1 тракторга 3 та сеялка уланиб ташкил этилган бўлса, сеялкаларга бўлган талаб трактор талабига нисбатан 3 баробар ортиқ бўлади. Экиш ишини белгиланган муддатда бажариш учун 10 та трактор талаб этилган бўлса, сеялкага бўлган талаб 30 тага (10x3) teng бўлади ва ҳ.к.лар.

Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасида тракторларга ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарига бўлган талабни аниқлаш учун ҳар бир экин тури ва тадбир бўйича технологик карталар ёки ҳисоблаш жадваллари тузилади.



1-жадвалда кўрсатилган иш ҳажмини бажариш учун машина ускуналарга бўлган талаб қўйидагича бўлади:

$$T = \frac{UX}{H_c x K_{cm} x UK} = \frac{1000}{08x2x20} = \frac{1000}{5,6x2x20} = \frac{1000}{224} = 4,46 \approx 4,5 \text{ трактор}$$

Т-4 маркадаги тракторни этalon тракторга айлантириш коэффициенти 1,4 бўлганлиги сабабли этalon тракторларга бўлган талабни топиш учун талаб этилган жисмоний трактор сонини этalon тракторга айлантириш коэффициенти кўпайтирилди ( $4,5 \times 1,4$ ). Бунда талаб этиладиган этalon тракторлар сони 6,2 тани ташкил этади.

Кўриниб турибдики, технологик картада ва ҳисоблаш жадвалларида айrim иш турлари бўйича маълум муддатларга аниқланган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши мавсумий хусусиятга эга бўлганлиги ва шунга кўра, турли муддатларда бажариладиган ишлар ҳажми бир-биридан кескин фарқ қилганлиги, бу жараён доимо ўзгариб турганлиги учун, маълум бир муддатда талаб этилган трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари сонини корхонанинг шу машиналарга бўлган ҳақиқий талаби деб бўлмайди. Шу боис қишлоқ хўжалигига тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарга бўлган йиллик талабни тўғри аниқлаш учун тракторларни ҳар бир маркаси бўйича машина ва ускуналардан фойдаланишининг йиллик графиги тузилади. Графикка етарли ўзgartиришлар ва қўшимчалар киритилиб, энг маъқул даражага келтирилгандан кейин, энг юқори талабни ифода қиласиган даврдаги талаб корхонани шу маркадаги тракторга ва унга мос келадиган қишлоқ хўжалик машиналарига бўлган йиллик талаб сифатида қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида тракторларга ва бошқа машина-ускуналарига бўлган талабни аниқлаш билан бирга, машина-трактор парки (МТП) мавжуд бўлган тақдирда фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш учун улардан қай даражада фойдаланилаётганини ифода этувчи кўрсаткичларни билиш керак. Бу кўрсаткичлар қўйидагилардан иборат:

1. Тракторларнинг ўртача йиллик сони.

Бу кўрсаткич қўйидагида аниқланади:

$$\text{а)} \bar{X} = \frac{\frac{1}{2}x_1 + x_2 + x_3 + \frac{1}{2}xn}{n - 1}$$

Бу ерда:  $\bar{X}$  - ўртача йиллик сон;

$X_1 X_n$  - тракторларни ҳар ой бошига бўлган сони;

$n$  - мавжуд ойлар.

б) Хўжаликда бўлган жами трактор кунлар ёки соатлари бир йилнинг календаръ куни - 365 га ёки бир йиллик соатлар миқдорига бўлинади (8760 соат). Жами машина кунлари ёки машина соатлари ҳар бир тракторнинг хўжаликда бўлган кунлари ёки соатлари йифиндисидан иборат бўлади:

$$\bar{X} = \frac{\text{ШМК} \approx \text{ШМС}}{365 \approx 8760};$$

Бу ерда: ШМК- жами машина куни;

ШМС- жами машина соатлар.

2. Машина-трактор паркининг (МТП) ишга тайёргарлик даражаси, яъни ишга тайёр қилиб қўйилган машиналарнинг жами машиналарга нисбати:

$$K_T = \frac{ИТ}{ЖТ};$$

Бу ерда:  $K_T$  - ишга тайёргарлик коэффициенти;

ИТ- ишга тайёр тракторлар;

ЖТ- жами мавжуд тракторлар.

3. Ишга қатнашиш коэффициенти (даражаси), яъни ишга қатнашган тракторларнинг жами тракторларга нисбати:

$$K_k = \frac{ИК}{ЖТ};$$

Бу ерда:  $K_k$  - ишга қатнашиш коэффициенти;

ИК- ишга қатнашган тракторлар.

4. Машина-трактор паркидан фойдаланиш смена коэффициенти:

$$MTP_{K_c} = \frac{MC}{MK}$$

Бу ерда:  $MTP_{K_c}$ - МТП фойда коэффициенти;

МС- бажарилган машина смена;

МК- бажарилган машина кучлар.

5. Трактор-комбайнлардан фойдаланишнинг йиллик унуми, махсус машиналарнинг мавсумий унуми бир тракторга тўғри келадиган этalon гектар бажарилган машина кунлари ёки машина соатлари.

6. Тракторларнинг потенциал унуми ва ундан фойдаланиш даражаси – коэффициенти:

$$U_K = \frac{ХИ}{БИ};$$

Бу ерда:  $I_k$  - тракторнинг имкониятидан фойда коэффициенти;

ХИ- ҳақиқатда бажарилган иш;

БИ - бир йилда бажарилиши керак бўлган иш этал. гектарда.

Бажарилиши керак бўлган (БИ) иш қуидаги аниқланади: эталон тракторнинг бир йилда ишлиши мумкин бўлган машина соатлари аниқлаб олинади.

1 эталон тракторнинг бир соатда бажарган иши 1 эталон гектарга тенг қилиб олинганлиги учун, эталон тракторнинг бир йилда бажарган матор соатлари ёки машина соатлари бир йиллик бажарган эталон гектарга тенг бўлади. Фараз қилайлик, хўжаликнинг мавжуд шароитларига кўра (тармоқлар тузилмаси, механизация даражаси, эришилган меҳнат унумдорлиги ва ҳ.к.), 1 эталон трактор бир йилда 250 кун ва ҳар куни ўртача -10 соатдан ишлаганда бир йилда 2500 машина соатида ёки 2500 эталон гектарда иш бажарган бўлади. Агарда биз «Т-4» тракторининг бажариши мумкин бўладиган бир йиллик иш ҳажмини аниқламоқчи бўлсақ, у ҳолда бир эталон трактор бажариши мумкин бўлган иш ҳажмини (2500 эт.га) «Т-4» тракторни эталон тракторга айлантириш коэффициентига ( $K_{T-4}$ , -1,4) кўпайтиришимиз керак ( $2500 \times 1,4$ ). Бунда «Т-4» тракторнинг бир йилда бажариши мумкин бўлган, яъни шу корхона учун шу йилда белгиланган потенциал имконияти аниқланади. Агарда «Т-4» тракторининг потенциал имконияти маълум бир йилга 3500 эталон гектар қилиб белгиланган бўлсаю, у ҳақиқатда 2900 эталон гектар иш бажарган бўлса, у ҳолда потенциал имкониятдан фойдаланиш коэффициенти- 083 га тенг бўлади.

$$U_{\frac{K}{T-4}} = \frac{XU}{BI} = \frac{2900}{3500} = 0828 \approx 083.$$

Корхонанинг автотранспорти, электр хўжалигини ташкил этиш ва таҳлил қилиш худди юқорида баён этилгандек амалга оширилади.

#### **6.4. Машиналар таъмири ва техник қаровларини ташкил қилиш. Нефть маҳсулотларига бўлган талабни аниқлаш**

Қишлоқ хўжалик машиналарининг доимо ишга яроқли бўлиши ва унумли ишланиши таъминлаш учун уларнинг таъмири ва техника қаровларини ўтказиб туриш тақозо этилади. Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасида машина ускуналарининг режали олдини олувчи таъмир ва техника қаровлари тизими ишлаб чиқилади. Унинг моҳияти шундан иборатки, машина-ускуналар маълум муддат ишлаган ёки муайян иш ҳажмини бажаргандан кейин у ёки бу турдаги техника қарови ва таъмирини ўтайди. Таъмир ва техника қаровларининг ҳамма бўғинлари машиналар тезда ишдан чиқиш, синиш оқибатида бекор туриб қолишининг олдини олади ва уларнинг йил давомида, умуман, фойдаланиш муддатида самарали ишлаш имконини яратади.

**Техника қаровлари.** Техника қаровлари тизими ўз ичига сменалараро, уч турдаги (ТУ-1, ТУ-2, ТУ-3) даврий, 2 мавсумий техник қаровни олади. Сменалараро техника қарови иш бошланиши олдидан ўтказилиб, у билан боғлик вақт сарфи смена меъёрини аниқлашда хисобга олинади. Даврий техника қаровларини тракторлар маълум иш ҳажмини (машина-соат ёки эталон

гектар, ёқилғи сарфи) бажарғандан кейин ўтказилади. Масалан, ТУ-1 даврий техника қарови ҳар 60 мотор соати, ТУ-2 -240 мотор соати, ТУ-3-960 мотор соати бажарылғандан кейин ўтказилиши керак. Мавсумий техника қаровлари баҳорги- Ѽзги, кузги - қишки мавсумларда, мавсумий ишлар бошланишидан олдин ўтказилади. Техник қаровларни асосан тракторлар, комбайнларни ва ўзиорар машиналарнинг механик-ҳайдовчилари ҳамда машина ва ускуналарда бевосита ишлайдиган ходимлар амалга оширадилар.

**Таъмир.** Қишлоқ хўжалигида тракторлар, комбайнлар ва ўзиорар машиналар учун икки турдаги – капитал ва жорий, автомобиллар учун капитал ўртача ва жорий, бошқа ҳамма турдаги машиналар учун жорий таъмир ўтказиш белгиланган.

**Жорий таъмир** бу борадаги режага қатъий риоя қилинган ҳолда, кўзда тутилган техник стандартларга асосан ўтказилади. Жорий таъмир машиналарни текшириш, қисман бузиш, эскирган майда қисм ва деталларни янгиси билан алмаштиришни ўз ичига олади. Шунинг учун жорий таъмир хўжаликда, мустақил устахоналарда ёки маҳсус ускуналар билан жиҳозланган дала шийпонларида ташкил этилган устахоналарда ўтказилади. Капитал таъмирлар орасида икки маротаба жорий таъмир ўтказилади.

Қилинган жорий таъмирлар тракторлар 1920 мотор-соат иш бажарғандан кейин, капитал таъмири эса -5760 мотор-соат иш бажарғандан кейин ўтказилади.

**Капитал таъмир.** Бу таъмири ўтказиш учун ҳар бир трактор ва комбайн бўйича тўла тартиbdаги нуқсонлар ведомости тузилиб, унда машина ва унинг айрим қисмлари техниковий аҳволи, асосий деталларнинг ейилганлик ва эскирганлик даражаси, қайси қисм ва деталлар таъмир қилиниши ёки янгиси билан алмаштирилиши аниқланади. Капитал таъмир машинани тўла қисмларга ажратиши, тузалиши, ҳамма ишга яроқсиз қисм ва деталлари янгиси билан тўла алмаштирилиши, қайта йиғиш ҳамда обкатка (шинай) қилинишини ўз ичига олади. Капитал таъмир хўжаликнинг яхши жиҳозланган устахоналарида ёки таъмирлаш заводларида ўтказилади.

Таъмирлар тўғри ташкил қилинишининг асосий шарти ҳар бир машина бир йилда ҳамда фойдаланиш муддатида бажарган ишлари хисоб-китобини тўғри олиб боришидир. Бу маълумотларга кўра, корхоналарда таъмир ишлари режалаштирилади ва уни бажариш графиги тузилади. Таъмир ишлари графиги таъмирларни ташкил этишдаги пала-партишликни, эҳтиёт қисмлардан тўғри фойдаланиши, трактор паркининг доимо ишга яроқли ҳолда туришини, таъминлаш, иш бирлигига таъмир харажатларини камайтириш имконини беради.

Таъмир ишларини режалаштиришда таъмирлар сонини тўғри аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун трактор ишлари йиллик ҳажмини ҳар бир трактор маркаси бўйича аниқлаш талаб этилади.

Бунда қишлоқ хўжалиги экин турлари бўйича тузилган технологик карта ва тракторларга бўлган талабни аниқлаш жадвали ҳамда тракторлардан фойдаланиш йиллик графиги маълумотларидан фойдаланилади. Трактор

ишларининг йиллик ҳажми ва таъмирлараро муддатда бажариладиган иш ҳажми меъёрларига асосан жорий ва капитал таъмирлар сони ҳар бир трактор маркаси бўйича аниқланади.

а) капитал таъмир қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$P_m = \frac{ИИХ}{K_p};$$

Бу ерда:  $P_m$  – капитал таъмир сони;

ИИХ – шу маркадаги трактор йиллик иш ҳажми;

$K_p$  – капитал таъмирлар учун таъмирлараро муддатдаги иш ҳажми.

Масалан, хўжаликдаги 10 та ўртача йиллик «Т-4» тракторининг ҳар бири билан 2500 мотор-соат иш бажариш режалаштирилган бўлса, 10 та тракторнинг бир йиллик иш ҳажми 25000 мотор соатига teng бўлади. Бунда:

$$P_m = \frac{ИИХ}{K_p} = \frac{25000 \text{м}\backslash\text{с}}{5760 \text{м}\backslash\text{с}} = 4,3 \text{та}$$

трактор капитал таъмир қилиниши кўзда тутилади.

б) жорий таъмир сони қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_m = \frac{ИИХ}{Ж_p} - P_k;$$

Бу ерда:  $P_m$  - жорий таъмир сони;

$Ж_p$  - жорий а муддатдаги иш ҳажми.

Масалан, юқорида келтирилган мисолдаги трактор маркаси бўйича жорий таъмирлар сони

$$P_m = \frac{ИИХ}{Ж_p} - P_k = \frac{25000 \text{м}\backslash\text{с}}{1920 \text{м}\backslash\text{с}} - 4,3 = 13 - 4,3 = 8,7 \text{та},$$

яъни «Т-4» русумдаги 8,7 та трактор жорий таъмир қилиниши керак. Жорий таъмирлар ҳақиқий сонини аниқлашда, ҳисоб қилинган жорий таъмир сонидан капитал таъмирлар сони айириб ташланишига сабаб капитал таъмир қилинадиган тракторлар яна қайтадан жорий таъмир қилинмайди. Чунки, капитал таъмир таркибиға ҳамма турдаги техника қаровлари ва жорий таъмир хизмати ҳам киради. Қайси тракторнинг қандай тартибда таъмир қилиниши ва қайси тартиbdагi даврий техника қарови ўтказилиши ҳар бир тракторнинг йил бошига ҳақиқатда бажарган иш ҳажмига кўра аниқланади. Қайси русумдаги трактор ва комбайн хўжаликда ёки таъмир заводида капитал таъмир қилиниши, корхона таъмир устахонаси қувватига ҳамда нуқсонлар ведомостига асосан аниқланади. Ҳар бир трактор маркаси бўйича тузилган нуқсонлар ведомости ва аниқланган таъмирлар, техник қаровлар сонига кўра таъмир устахонасининг иш режаси тузилади ҳамда таъмир ишлари ташкил қилинади.

**Нефть маҳсулотларига бўлган талаб.** Корхонанинг нефть маҳсулотларига бўлган йиллик талаби трактор ишлари йиллик ҳажми ҳамда иш бирликлари, уларнинг табақалаштирилган ёқилғи сарфлаш меъёрига асосан аниқланади. Автомобиллар учун ёқилғи талаби юқ ташишнинг йиллик ҳажми, енгил автомобилларнинг йиллик йўл босиши ва ҳар бир автомобиль маркаси

бўйича ҳар 100 км. йўл босиши учун белгиланган ёқилғи сарфи меъёрига асосан аниқланади.

Хўжаликларда йил давомида тракторлар, комбайнлар ва автомобилларнинг салт юришига тўғри келади ҳамда ёқилғи сарфланади. Бунинг учун ҳар бир русумдаги тракторларга табақалаштирилган ёқилғи сарфлаш меъёри белгилаб кўйилади.

Асосий ёқилғи (дизель ёқилғиси, бензин ва ҳ.к) билан бир қаторда машина-ускуналар учун қўшимча ва мойлаш материаллари сарф қилинади.

Мойлаш материаларига бўлган талаб асосий ёқилғига бўлган талабга нисбатан % ҳисобидан берилган меъёрга мувофиқ аниқланади. Масалан, хўжаликнинг бир йиллик режалаштирилган трактор ишлари ҳажми -200000 этalon гектар белгиланган бўлса ва 1 этalon гектарга асосий ёқилғи (дизель ёқилғи) сарфи меъёри 13 литр белгиланган бўлса, шу ёқилғига бўлган бир йиллик талаб

$$T = IIX \cdot H_e = 200000 \times 13 = 2500000 \approx 2600 \text{ т.га тенг бўлади.}$$

Бу ерда: T- йиллик бажарилган иш учун талаб қилинган ёқилғи;  
H<sub>e</sub> - ишни бир бирлиги ёқилғи меъёри.

Таъмирларни ўтказиш ва машиналарни таъмирдан кейин синаб (обкатка) кўриш учун талаб этиладиган ёқилғи сарфи, ҳар бир таъмир сони учун белгиланган ёқилғи сарфи меъёри билан аниқланади. Ёқилғига бўлган талабни аниқлаши учун ёқилғи сарфи меъёрлари амалий машғулотлар ўтказиш учун тузилган қўлланмаларда келтирилган.

### Қисқача хulosалар

Корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари моддий-техника базасини ифода этиб, унинг самарадорлиги шу воситалардан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Корхонада ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш кўрсаткичларини тўғри аниқлаш, уларни такрор ҳосил қилиш учун ўта зарур.

Корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари таркибида механик ишлаб чиқариш воситалари энг фаол қисмни ифода этади.

Қишлоқ хўжалигига машина-ускуналарни ва айниқса, тракторларга бўлган талабни аниқлаш корхона Бизнес-режасининг асосий шартларидан биридир.

Корхона асосий воситалари таъмирининг ёнилғи ва мойлаш материалларига бўлган талабини аниқлаш, воситаларнинг доимо ишга яроқли бўлишини таъминлаш талаб этилади.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Асосий ва айланма воситалар» тушунчаси, уларнинг таркиби ва такрор ҳосил қилиниши.

2. Асосий воситалардан фойдаланиш кўрсаткичлари.
3. Корхонанинг машина-ускуналарга булган талабини аниқлаш.
4. Механизация ишларининг умумий ҳажми трактор маркалари бўйича қандай аниқланади?
5. Корхонанинг ёнилғи-мойлаш материалларига бўлган талаби қандай аниқланади?
6. Таъмир ва техник қаровлар қандай режалаштирилади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалик тараққиёти - фаровонлик манбаи. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I чақириқ IX сессиясида сўзлаган нутқи. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Ҳусанов Р., Ҳамдамов Д. Муқобил машина-трактор парклари (ММТП). - Т., 2001.
4. Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов и их отбору для финансирования. -М., 1994г.

VII бөг

## **ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ИЧКИ ХҮЖАЛИК РЕЖАЛАШТИРИШ**

## **7.1. Ички хўжалик режалаштиришнинг асосий тамойиллари ва вазифалари**

Ўзбекистоннинг ягона хўжалик тизими турли соҳалардаги корхоналарни ўз ичига олиб, бу корхоналар шу тизимнинг бошланғич бўғини хужайрасини ташкил этади. Бу йирик ва мураккаб хўжалик тизим ижтимоий мулкка асосланганлиги, жамиятнинг ҳамма аъзолари манфатларини қондиришга қаратилганлиги учун режали асосда ташкил қилинади ва ривожлантирилиб борилади.

Мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш йўллари ва суръати, тармоқлар ва ҳудудлар, такрор ишлаб чиқаришнинг асосий бўғинлари ўртасида тўғри мутаносибликни (пропорционалликка) ташкил этиш жараёнига **режалаштириши** деб аталади. Режалаштириш – доимо онгли равиша ўрнатиб туриладиган мутаносиблик (пропорционаллик)дир. Мамлакат халқ хўжалигини ташкил қилиш хусусиятига кўра, режалар мамлакатнинг айrim ҳудудларини (республика, вилоят, туман) ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, тармоқларни юксалтириш режаларига ҳамда корхона (ички хўжалик) режаларига бўлинади. Ҳудуд, тармоқ ва ички хўжалик режалари мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш режасининг мантиқий давоми ва аниқ таркибий қисми хисобланади ва ҳаммаси биргаликда ягона режалилик тизимини ташкил қиласди. Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳам ягона халқ хўжалигининг таркибий қисми бўлганлиги учун улар фаолиятини ташкил қилиш ва юритиш ҳам ягона халқ хўжалиги режаси тизимида ташкил қилинади.

Кишлоқ хўжалик корхонаси ва унинг ичидағи ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳамда тармоқлар фаолиятини ифода этувчи режалар ички хўжалик режалари, уларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ички хўжалик режалаштириш, деб аталади. Ҳозирги шароитда режалаштириш объектив характерга эга, у иқтисодиётни режали пропорционал ривожлантириш иқтисодий қонуни талабига кўра олиб борилади. Режалаштиришнинг асосий вазифаси иқтисод ва маданий қурилишнинг ҳамма тармоқларини узлуксиз ва жадал ривожлантириш, улар ўртасида зарур мутаносибликни таъминлаш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнаткашлар турмуш даражасини юксалтиришни таъминлашдан иборат.

Ички хўжалик режалари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режасининг таркибий қисми бўлганлиги учун уни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда режалаштиришнинг умумий тамойилларига, яъни талабларига асоссланилади.

Бу тамойилларга режаларнинг мақсадлилиги, реаллиги, илмий асосланганлиги, бош бўғини, узвийлиги ҳамда демократик централизм тамойиллари киради.

Режанинг мақсадлилик тамойили деганда, шу режада корхона иқтисодий сиёсатининг, бирор гуруҳ ёки корхона ифода қилаётган манфаатнинг акс эттирилиши тушунилади. Корхонанинг олий мақсади фойда олиш бўлганлиги учун режанинг ҳамма даража ва бўғинларида шу талаб акс эттирилади. Корхонанинг ички хўжалик режалари давлат бюртмаси ҳамда талабни ўрганиш асосида тузилган шартномага мувофиқ тузилади. Давлатга сотиладиган маҳсулотлар тури ва ҳажми бўйича бериладиган режа топшириғида давлат буюртмалари, давлатнинг шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи, яъни ижтимоий манфаатлари ифода қилинган ва корхонанинг шу мақсадни амалга оширишдаги хиссаси белгиланган бўлади.

Режаларнинг реаллиги, яъни режалар прогноз эмас, балки ҳамма омиллар ҳисобга олинган ҳужжат, уларни ижро этиш шартлиги режалаштиришнинг муҳим тамойилидир. Бу тамойилга риоя қилмаслик режалаштиришни маъносиз қилиб қўяди, чунки режанинг бирор соҳа ва корхонада бажарилмай қолиши, у билан боғлиқ бўлган соҳа шартномалари бажарилмай қолишига, жарималар тўлашга, ишончни йўқотишгасабаб бўлади. Бу эса катта ҳажмда меҳнат, материал ва молиявий ресурслар ноўрин ва ортиқча сарф бўлишига, ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам режа интизомига тўла риоя қилиш ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш режалаштиришнинг муҳим вазифасидир.

Режалар сўзсиз бажарилиши учун улар илмий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Бунинг маъноси шуки, режани тузишда фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари, иқтисодий ва маҳаллий шарт-шароитлар, илфорлар тажрибалари ҳисобга олинади, мавжуд имкониятларга асосланилади. Халқ хўжалиги каби ҳар бир корхонада бир вақтнинг ўзида жуда кўп, хилма-хил масалаларни ҳал қилишга тўғри келади. Улар орасида бирортаси ҳал қилувчи аҳамиятга, устувор йуналишга эга бўлиб, бошқалари унинг тўғри ҳал қилинишига боғлиқ бўлади. Бу бош масала режанинг асосий бўғини – звеноси ҳисобланиб, режалаштиришда биринчи дикқат-эътибор уни муваффақиятли ҳал этишга қаратилади. Агарда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласини оладиган бўлсак, унинг бош звеноси – дон етиштириш ҳисобланса, чорвачилиқда бу масала озуқа базасини, яъни ем-хашак етиштиришни талаб даражасида ҳал қилишдир. Бу тамойил талабига кўра, режадаги бош бўғин билан бир қаторда унинг тифиз жойлари, бўғинлари ҳам аниқланиши кўзда тутилади. Бу эса, режанинг турли қисмлари ва бўлимлари ўртасида мутаносибликни доимо таъминлаб бориш тадбирларини амалга ошириш имконини беради.

Режалаштиришнинг узвийлик ва ўзаро боғлиқлик тамойили талабига кўра, мамлакатнинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларини ташкил қилиш ва бошқариш ягона

асосда уйғулаштирилади, мутаносиблиги таъминланади. Шунингдек, корхонанинг ички хўжалик режалари ҳам бир-бири билан ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирадиган негизда тузилган бўлиб, корхонага берлган давлат режа топшириқлари орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти режаси билан боғлиқлиги таъминланади ҳамда мамлакатнинг бир бутун ягона режаси таркибий қисмiga айланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида режа ишлари даражасини ошириш куйидаги йўналишларда олиб борилиши лозим:

- фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва тараққиётнинг интенсив омилларини кучайтириш асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалиги ва корхонанинг Бизнес-режа, ўрта ва узоқ йиллик режаларида маҳсулот етиштириш ва тарқатиш ҳажмиларини мавжуд бўлган моддий-техника ҳамда молиявий ресурслар билан, асосий ишлаб чиқариш фонdlари ва капитал маблағларнинг ҳажмлари билан баланслаштиришни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги ва корхона фаолиятини барқарор, мутаносиб ва баланслаштирилган тарзда ривожлантириш учун зарур заҳираларни вужудга келтириш;
- қишлоқ хўжалигига давлат режали раҳбарликни корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини янада ривожлантириш билан қўшиб олиб боришни таъминлаш, хўжаликларнинг майда-чўйда ишларига аралашишга йўл қўймаслик ва уларнинг ташаббусини кучайтириш, раҳбар ва мутахассисларни, дехқон, фермерлар, жамоа хўжаликлари аъзолари, ишчиларнинг маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш учун жавобгарлигини ҳамда меҳнатнинг пировард натижаларидан манфаатдорлигини таъминлаш кераклигига диққат-эътибор қаратиш;
- маркетинг хизматини кенгайтириш, талаб ва таклифни ўрганиш, ишлаб чиқариш таркибини қайта қуриш ишларини амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муқобил йўналишларини ўрганиш, тармоқларни ташкил этиш билан боғлиқ турли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни ташкилий-иқтисодий жиҳатдан асослаш.

## **7.2. Ички хўжалик режалаштириш тизими ва қишлоқ хўжалик корхоналарига бериладиган давлат буюртмалари**

Бир-бири билан боғланган, бир-бирини тўлдирувчи ички хўжалик режалаштириш тизимини ташкил этади.

Бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини ифода этувчи асосий режа – Бизнес-режадир. Режалаштириш (истикбол) стратегик, жорий ва тезкор режаларга бўлинади. Ички хўжалик режалаштириш тизими акс эттирилган чизмадан кўриниб турибдики (3-чизма), ҳозирги пайтда қишлоқ


хўжалик корхоналарида истиқболли режалар, жорий режалар ва тезкор ёки иш режалари тузилади.

Истиқболли режалар корхона олдига қўйилган вазифани бажариш муддатига кўра, узоқ муддатли (10-15 йил), ўрта муддатли (5-10 йил) ва қисқа муддатли (5 йилгача) режаларга бўлинади. Қисқа муддатли (5 йилгача бўлган даврга) тузиладиган режа айrim зарур ҳолларда истиқбол режанинг таркибий қисми сифатида ишлаб чиқилади.

Жорий ёки йилик режаларга корхонанинг йиллик Бизнес-режаси бўлим, ферма ва ишлаб чиқариш участкаларининг йиллик ишлаб чиқариш режалари ҳамда корхонанинг дастлабки ишлаб чиқариш бўлинмалари (бригада, ферма, оила пудрати) йиллик ишлаб чиқариш режа ва топшириқлари киради.

Тезкор ёки иш режалари мавсумий характерга эга бўлган соҳаларда айrim иш даврлари (экиш, ҳосилни йифиб-териб олиш, қўзилатиш, чорва молларини семиртириш ва х.к.) учун тузилган, ишлаб чиқариш бир меъёрда кечадиган соҳаларда эса чорак, ойлар (сут, гўшт етиштириш) бўйича тузилган режалардан ва айrim ишларни бажариш учун берилган муддатли режа нарядлардан иборат бўлади. Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси ички хўжалик режаларини давлат буюртмасини, тузилган шартномаларни ва хўжаликнинг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб ишлаб чиқадилар.

Ички хўжалик режаларининг ҳамма қўрсаткичларини – техника, ишлаб чиқариш, молиявий, ердан фойдаланиш ва экин майдонлари таркиби, экинларга ишлов бериш усуслари ва ҳосилдирилик, чорва моллари тури ва маҳсулдорлиги, уларни асрар ва боқиш усусларини, корхона йўналиши, таркиби, даромаларни тақсимлашни ўзларининг конкрет табиий-иктисодий шароитларини, ишчи ва хизматчилар, раҳбар ва мутахассислар фикр ва истакларини ҳисобга олган ҳолда ўзлари мустақил ҳал қиласидилар. Бизнес-режаларни тузишда, баланс, меъёр, мақсадли дастурлаш, ҳамда иқтисодий-математик усуслардан кенг фойдаланилади. Баланс усули режалаштиришнинг энг асосий усули бўлиб, меҳнат, материал ва молиявий балансларни тузиш орқали режанинг айrim бўлимлари ва қўрсаткичлари ўртасида мувофиқлик ҳамда мутаносиблик таъминланади. Норматив усулага асосан корхона ва унинг ишлаб чиқариш бўлинмалари, тармоқлари тараққиёти даражаси ва суръати белгиланади. Бунинг учун илмий асосланган меҳнат, материал сарфлари ва молиявий норма ва нормативларни ишлаб чиқиш тақозо қилинади. Мақсадли дастурлаш усули орқали режанинг асосий звеносини белгилаш тамойили амалга оширилади. Корхонани ривожлантиришнинг асосий вазифаси, мақсади аниқланиб, уни ҳал қилишнинг восита ва йўллари қўрсатилади.



З-чизма. Қишлоқ хўжалик корхонасида ички хўжалик режалаштириш тизими.

Мақсадли дастурлаш усулидан кенг фойдаланилган ҳолда тузилган дастурларга кадрлар таёrlаш миллий дастури, соғлом авлод дастури, қишлоқ

инфратизимини яратиш дастури киради. Бу усул узоқ муддатли истиқбол режаларни ишлаб чиқиша ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Иқтисодий-математик усулдн режанинг энг мақсадга мувофиқ (оптималь) вариантиларини аниқлашда, иқтисодий, ташкилий ҳамда техник жараёнларни оптималлаштиришда кенг фойдаланилади. Бу усул, масалан, экин майдонлари, машина-трактор парки, пода таркибини ҳамда механизация ишларини трактор маркалари ўртасида тақсимлашнинг оптималь йўлларини аниқлашда жуда қўл келади.

Ички хўжалик режаларини ишлаб чиқиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

**1. Режа олди ишларини ўтказиши.** Бу босқичда маркетинг ахбороти таҳлил қилинади, шартномалар тузиш ишлари олиб борилади. Корхонанинг хўжалик ва молиявий фаолияти чуқур таҳлил қилинади, унинг кучли ва кучсиз томонлари аниқланади, асосий рақиблар, уларнинг таъсири кўрсатилади, шунга кўра, ривожланишнинг асосий тенденциялари белгиланиб, бош йўналишлар бўйича тараққиётнинг прогноз маълумотлари келтирилади, режанинг иш норматив базаси яратилади.

**2. Бевосита режаларни тузиши.** Бу босқичда режанинг асосий кўрсаткичлари турли муқобил вариантиларда ҳисоб қилинади, улар ташкилий, ижтимоий-иктисодий жиҳатдан асосланади, баланслар тизимидан фойдаланилган ҳолда режа бўлимлари ва кўрсаткичлари ўртасида мутаносиблик вужудга келтирилади, ички хўжалик режаларининг узвийлиги таъминланади, улар техника-иктисодий жиҳатдан асосланади.

**3. Тузилган режаларни муҳокама қилиш, экспертизация ўтказиши, тасдиқлаш ва бажарилишини назорат қилиш.** Бизнес-режалар корхонада кенг ходимлар иштирокида акционерлар, ижроилар кенгашларида мустақил экспертлар томонидан муҳокама қилиниб, раҳбар томонидан ширкат ва жамоа хўжаликларида умумий йиғилишда муҳокама қилиниб, тасдиқланади. Режалар муҳокама қилиниб тасдиқлангандан кейин бажарилиши шарт ҳисобланади.

Режаларнинг бажарилиши белгиланган тартибда назорат қилиниб, уларга доимо керакли ҳолларда ўзгартиришлар киритиб борилади, бошқаришнинг турли бўғинларида муҳокама қилинади, ютуқ ва камчиликлар аниқланади, камчиликларни бартараф қилиш учун қўшимча тадбирлар белгиланади.

### **1. Истиқболли режалар (стратегик режалаштириш).**

Бизнес-режалаштириш тизимида перспектив режалар – стратегик режалаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида тузиладиган перспектив (истиқбол) режалар икки турга бўлинади:

- корхонанинг ташкилий-хўжалик ва ижтимоий тараққиёт комплекс режаси;

- корхонанинг мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш 5 йиллик режаси асосида тузилган ижтимоий-иктисодий ривожлантириш 5 йиллик режаси.

Маълумки, ҳозирги ширкат ва фермер хўжаликлари йирик, қўп тармоқли, юқори даражада механизациялашган, мураккаб техника воситаларига эга бўлган қишлоқ хўжалик корхоналаридир. Бундай корхоналарни, юқори унумли, янги техника базасида қайта қуроллантириш, йирик ижтимоий-иктисодий-маданий тадбирларни амалга ошириш, уларни мукаммал ишлаб чиқариш тузилмасини яратиш қисқа муддатда қилинадиган ишлар эмас. Булар бир неча беш йилликлар доирасида амалга ошириладиган ишлардир. Шунинг учун узок муддатга мўлжалланган режаларсиз, хўжаликни қайта вужудга келтириб бўлмайди, деган нақл жуда аҳамиятлидир.

Ташкилий-хўжалик тузилиши ва ижтимоий тараққиёт комплекс режаси (ташкилий хўжалик режаси) – ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқлари ва элементларини (ер, ишчи кучлари, меҳнат предмети ва воситаларини) бир-бири билан илмий асосланган пропорцияларда, кенгайган такрор ишлаб чиқариш ва хўжалик юритишнинг юқори рентабеллигида, аҳолини унумли меҳнат қилиши, яшashi ва ҳар томонлама камол топиши учун энг қулай шароитларни яратиб берадиган корхонани вужудга келтириш лойиҳасидир.

Қисқача қилиб айтганда, ташкилий-хўжалик тузилиш ва ижтимоий тараққиёт комплекс режаси корхонанинг мақсадга мувофиқ юритиш тизимини ифода этади.

Бу режа корхонанинг рационал – мақсадга мувофиқ ташкил қилишга доир ҳамма муҳим масалалар, жумладан, корхона ер ҳудудини ташкил қилиш, ишлаб чиқариш бўлинмаларини аниқлаш, ихтисослаштириш ва тармоқ таркибини белгилаш, тармоқларни бир-бири билан тўғри боғлаб бориш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва ижтимоий маданий тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади.

Ташкилий хўжалик тузилиши ва ижтимоий тараққиёт комплекс режаси икки қисмдан:

- лойиҳа қисми;
- лойиҳа қисмини амалга ошириш календарь муддатидан иборат бўлади.

Лойиҳа қисмida хўжаликни ихтисослаштириш, корхона ер ҳудудини ташкил қилиш, асосий, ёрдамчи, қўшимча ва хизмат кўрсатувчи тармоқларни тузиш ва уларни бир-бири билан боғлаш, машина-ускуналар, транспорт воситаларига бўлган талаб ва улардан самарали фойдаланиш тадбирлари, ишчи кучлари ва меҳнат ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш йўллари, капитал маблағлар, уларнинг йўналиши ва манбалари, режанинг турли бўлим ва қисмлари ўртасида мутаносибликни таъминловчи баланслар ҳамда лойиҳада кўзда тутилган тадбирларнинг самарадорлигини ифода этувчи техника-иктисодий кўрсаткичлари кўрсатилади (4-чизмага қаранг).

Лойиҳада белгиланган тадбирларнинг ҳаммасини бир йилда амалга ошириб бўлмайди. Ҳар бир тадбир ўзининг мураккаблиги, зарурлиги, эришилган даражаси ва етилганлигига кўра, тўла ҳал қилиниши учун турли муддатларни талаб қиласи. Тадбирнинг лойиҳада белгиланган даражасига эришиладиган йил лойиҳани амалга ошириш календарь муддати, деб аталади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари қанчалик мустақиллик ва хўжалик ташабусига эга бўлмасин ўз фаолиятини ижтимоий манфаатлар, бошқа хўжалик ва ташкилотлар, айниқса, шу корхона жойлашган маъмурий райондаги хўжаликлар билан мустаҳкам алоқасиз ривожлантиришини тассавур қилиб бўлмайди. Бу талабни ҳисобга олмаган ҳолда ташкилий-хўжалик ва ижтимоий тараққиёт комплекс режасини тузишга уриниш етарли натижалар бермайди. Ҳар бир маъмурий туман бўйича тараққиётнинг бош режасини (чизмасини) ишлаб чиқиши қишлоқ хўжалик корхоналари бўйича илмий асосланган ташкилий хўжалик режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун реал имконият яратиб берган бўларди.

Туман тараққиётининг бош режасига кўра, ҳар бир корхона учун лойиҳа топшириғи ишлаб чиқилади ва етказиб берилади. Лойиҳа топшириғида корхона ер худудининг ташқи чегаралари ва ўзгариши, етиштириладиган ва давлатга сотиладиган асосий маҳсулотларнинг тури ва ҳажми, хўжаликлараро алоқалар кўрсатилади. Лойиҳа топшириғи орқали корхонанинг келгусидаги мақсад ва вазифалари аниқланади, ихтисослашиш режали тарзда белгиланади.


Ташкилий-хўжалик режасининг корхона ер худудини ташкил қилиш бўлимида ер худудини, ишлаб чиқариш бўлинмаларининг чегаралари, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар, ирригация ва йўл шохобчалари, аҳоли яшайдиган пунктлар ва ишлаб чиқариш марказларини жойлаштириш, ер трансформацияси ва дала карталарининг оптимал ҳажми белгиланади.

Ўсимчилик тармоқларини ташкил қилиш бўлимида, экин майдонлари тузилмаси ва алмашлаб экиш тизими ишлаб чиқилади ва асосланади, қишлоқ хўжалик экинлари, кўп йиллик дараҳтлар ва яйловлар ҳосилдорлигини ошириш тадбирлари, уларнинг ташкилий-иктисодий самарадорлиги, чорвачилик тармоқларини ташкил қилиш бўлимида чорва молларининг бош сони ва унинг озуқа базаси, моллар маҳсулдорлигини ошириш ва наслини яхшилаш, фермалар ҳажми, сони ва уларни корхона худудида жойлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва молларни боқиши ҳамда асрарни такомиллаштириш; ёрдамчи ва қўшимча тармоқлар бўйича - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ҳамда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил қилиш, уларнинг қувватини белгилаш, технологик жараёнларни амалга ошириш тадбирларини белгилаш кўзда тутилади.

Ўсимликилик ва чорвачилик тармоқларини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни аниқлаш ва асослаб бериш ушбу қўлланманинг 11-ва 12-БОБларида батафсил баён қилинган.

Энергетика, траспорт ва электр хўжалигини ташкил қилиш бўлимида, машина, ускуна ва транспорт воситаларига бўлган талаб, ишлаб чиқариш ва майший ишларда электр энергиясидан кенг фойдаланиш, машина-ускуна ва транспорт воситаларидан тўла ва унумли фойдаланишни таъминлаш мақсадида уни таъмир базаси ва сақлаш ишларини яхшилаш тадбирлари белгиланади.

Корхонада ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни ташкил қилиш масалалари ушбу қўлланманинг 6-БОБида тўла ёритилган.



4-чизма. Ташкилий хўжалик режаси лойиҳа қисмининг схематик ифодаси.

Ишчи кучлари ва мешнат ресурсларидан фойдаланишни ташкил қилиш бўлимида корхонадаги мавжуд аҳоли сони, аҳолининг жинси, ёши, касб-кори

бўйича таркиби, уларнинг ўзгариш хусусиятлари, яъни табиий ўсиши, миграцияси (кетиш, келиш), ишчи кучларининг қўнимлилик даражаси, меҳнатга яроқли аҳоли ва унинг кўпайиши, ишчи кучларига бўладиган талаб, малакали ишчиларни ва мутахассисларни тайёрлаш масалалари ҳал қилинади.

Шу билан бирга йирик ижтимоий-маданий тадбирлар; меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат эстетикасини кенг жорий қилиш, маданий-маиший ишларнинг (клублар, маданият саройлари, майший хизмат кўрсатиш муассасалари ва спорт ишоотларини қуриш ва жиҳозлаш) кенг дастури ишлаб чиқилади.

Капитал сарфлар, уларнинг манбалари ва йўналишлари бўлимидаги ишлаб чиқариш ва тураржой, бино ва ишоотларни қуриш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ва реконструкция ишларини маблағлар билан таминлаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштириш, даромад манбаларини ва уларнинг йўналишларини тўғри белгилаш тадбирлари кўриб чиқилади.

Лойиха бўлимлари, айрим қисмлари ва уларнинг кўрсаткичлари, тармоқлар, ишлаб чиқаришнинг асосий элементлари (ер, ишлаб чиқариш фондлари ва ишчи кучлари) ўртасида миқдор ва сифат жиҳатдан тўғри мутаносиблик бўлишини таъминлаш мақсадида меҳнат (меҳнат баланси, малакали ишчилар баланси, механизаторлар баланси), материал (ердан фойдаланиш баланси, уруғлик, ем-хашиб, ёнилғи баланси, ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари баланси ва ҳ.к.), молия (пул даромадлари ва уларни тақсимланиш, капитал сарфлар ва уларнинг манбалари, фойданинг тақсимланиши, маҳсус фондлар ва улардан фойдаланиш ва ҳ.к.) каби баланслар тузилади. Сўнгги бўлимда лойихага ташкилий-иқтисодий жиҳатдан баҳо берилади, яъни ташкилий хўжалик режаси лойиҳаси корхонанинг мавжуд ҳолати, илғор хўжаликлар эришган даражаси ҳамда лойиҳанинг турли вариантлари билан таққосланади.

Бунда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ифода этувчи қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- маҳсулот етишириш ва реализация қилиш бўйича (натура ҳолда) лойиха топширигининг бажарилиш даражаси;
- ер, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучлари (меҳнат ресурслари)дан фойдаланиш даражаси;
- маҳсулотлар етиширишнинг ўсиш суръатлари;
- меҳнат унумдорлиги даражаси ва ўсиш суръати;
- маҳсулотлар таннархи, маҳсулотлар, тармоқлар ва корхона рентабеллиги;
- капитал сарфларнинг мутлақ ва қиёсий (нисбий) самарадорлик даражаси;
- бир ходим ва оиланинг жамоат хўжалигидан оладиган даромади;

- аҳоли жон бошига ҳисоблаганда сарф қилинадиган ижтимоий истеъмол фондлари;
- аҳолининг уй-жой ва бошқа коммунал хизматлар билан таъминланиш даражаси.

Лойиҳада кўзда тутиладиган тадбирлар жуда хилма-хил бўлиб, уларни қўллаш корхона ривожининг эришилган даражаси, тармоқ тузилмаси ва интенсивлигига кўра, лойиҳани амалга ошириш календарь муддати белгиланади. Бу муддат ўсимликчилик тармоқлари бўйича белгиланган ирригация-мелиорация тадбирларини тўла амалга ошириш, кўзда тутилган алмашлаб экиш тизими ва экин майдонлари таркибига, режалаштирилган ҳосилдорликка эришиш ҳамда ўсимликчилик тармоғининг моддий-техника базасини яратиш билан белгиланади.

Чорвачилик тармоғи бўйича – белгиланган чорва таркиби чорванинг бош сони ва зичлиги, моллар маҳсулдорлиги ва насли, озиқа базаси ва чорвачиликнинг моддий-техника базасини яратиш муддати билан таъминланади.

Ташкилий-хўжалик режаси индивидуал режа бўлиб, ҳар бир корхона бўйича алоҳида-алоҳида тузилади. Кўпчилик хўжаликлар учун ташкилий-хўжалик режасини ўзлаштириш муддати 10-15 йил, айримларида ҳатто 20 йил. Корхонада илмий асосланган алмашлаб экишга ўтилмаган бўлса, 9-10 далали алмашлаб экишни ўзлаштиришнинг ўзи 10-12 йилни талаб қиласди. Ерларни ўзлаштириш, йўл ва сув шохобчаларини тартибга солиш, дала карталарини мақсадга мувофиқ (оптимал) ҳажмда ташкил қилиш ва ижтимоий тадбирлар мажмуини ҳам тўла ўтказиш кўзда тутиладиган бўлса, унинг муддати 10-15 йилни ташкил қиласди. Бундай холларда ташкилий хўжалик режаси корхонанинг ижтимоий-иктисодий тараққиёт 5 йиллик режаси билан узвий боғланиб, 5 йиллик истиқболли режалар ташкилий-хўжалик режасининг таркибий қисми, уни амалга оширишда муҳим босқичлар ролини ўтайди.

Ташкилий-хўжалик режасини амалга ошириш муддатининг календарь графигида лойиҳадаги тадбирлар беш йилликлар чегарасида амалга оширилиши кўрсатилиши керак.

Корхонанинг ижтимоий-иктисодий тараққиёт беш йиллик режаси мамлакатнинг шу муддатга тузилган ижтимоий-иктисодий ривожлантириш режаси ва унинг кўрсаткичларига асосан тузилади. Бу режани тузишда шу муддат учун берилган давлат режа-топшириқлари билан бир қаторда, ташкилий хўжалик режасининг шу 5 йилликка мўлжалланган тадбир ва вазифалари асос қилиб олинади. Шу билан бир қаторда, хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграциясини ривожлантириш, унинг афзалликларидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий тадбирларнинг кенг дастурини амалга ошириш кўзда тутилади.

Корхонанинг ижтимоий-иктисодий тараққиёт 5 йиллик режаси ҳам ташкилий хўжалик режасидагига ўхшаш бўлим ва қисмлардан иборат бўлиб,

режали кўрсаткичлар хар бир календарь йил бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобланган бўлади.

### **7.3. Жорий ёки йиллик режалар**

Корхонанинг йиллик режалари унинг аниқ календарь йилдаги тараққиёти дастури бўлиб, шу календарь йил учун берилган давлат режа-топшириғи ва истиқболли режа кўрсаткичларига асосан тузилади. Корхонага етказиб берилган маҳсулотларнинг тури ва ҳажми бўйича давлатга маҳсулот сотиш режа топшириғи ҳам корхонанинг мавжуд имкониятларини тўлиқ ифода қила олмайди. У фақат асосий мақсад ва йўналишни ифода қиласи, холос. Корхонанинг маҳсулот етиштириш ва реализация қилиш имкониятини тўла ҳисобга олиш ва бу имкониятни ягона режада акс эттириш, режанинг ҳамма кўрсаткичлари ўртасида мутаносибликларни таъминлаш мақсадида, хар бир корхона маҳсулот сотиш бўйича давлат режа топшириғини олгандан сўнг ўзининг йиғма режасини тузади. Бу режада ўсимликчилик бўйича экин майдонлари, ҳосилдорлик, ялпи ҳосил, чорва молларининг тури, бош сони ва маҳсулдорлиги кўрсатилган бўлади.

Қишлоқ хўжалиги тараққиёти асосий кўрсаткичлари бўйича йиғма режа юқори ташкилот томонидан маъқулланганидан сўнг, корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш-молия режасини тузишга киришилади. Ишлаб чиқариш-молия режаси билан бир вақтда бўлим, ферма ва участкаларнинг йиллик режалари, бригада ва звеноларнинг йиллик ишлаб чиқариш топшириқлари ҳам ишлаб чиқила бошланади.

Йиллик режаларда истиқболли режанинг шу календарь йилга мўлжалланган кўрсаткичлари аниқлаштирилади, аввал кўзда тутилмаган ва режанинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашга ёрдам берадиган қўшимча тадбирлар белгиланади. Табиий иқлим шароитларига боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун бу хусусият жуда зарурдир.

Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш-молия режаси ёки Бизнес-режа қўйидаги асосий бўлимлардан иборат бўлади:

1. Ер фондидан фойдаланиш, ер трансформация режаси ва ердан унумли фойдаланиш тадбирлари.
2. Ўсимликчилик бўйича ишлаб чиқариш дастури – экин майдонлари, ҳосилдорлик, ялпи ҳосил режаси, ўсимликчилик маҳсулотларининг тақсимланиши.
3. Ўғитлардан фойдаланиш режаси – органик ва минерал ўғитларга бўлган талаб, ўғитларни тайёрлаш, тақсимлаш, уларни саклаш ва фойдаланиш, ўғитлар қийматини аниқлаш, заҳарали кимиёвий моддаларга бўлган талаб ва улардан фойдаланиш.
4. Чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш дастури – пода айланмаси режаси, чорва молларининг тури бўйича бош сони, маҳсулдорлиги, чорвачилик маҳсулотларини тақсимлаш режаси.

5. Чорвачиликнинг ем-хашакка бўлган талаби, календарь йилга ва режалаштирилаётган йил ҳосилидан келаси йил ҳосилига ем-хашак баланси, ем-хашакларнинг ўртacha қиймати ҳамда ем-хашаклардан самарали фойдаланиш тадбирлари.

6. Ёрдамчи, қўшимча ва хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг ишлаб чиқариш дастури – ишлаб чиқариш қувватлари, хомашё ва материалларга бўлган талаб, маҳсулотларни тақсимлаш ва ҳ.к.лар.

7. Механизация ва электрлаштириш режаси – айрим ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва электрлаштириш, машина ва ускуналарга бўлган талаб ва улардан фойдаланиш.

Режанинг бу қисми ажратиб берилган моддий-техника воситалари лимити чегарасида ҳисоб-китоб қилинади.

8. Меҳнат ва иш ҳақи режаси – меҳнат ресурслари ва ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таркиби, механизатор кадрларга бўлган талаб ва ҳ.к.лар.

9. Маҳсулот таннархи режаси ўсимликчилик маҳсулотлари таннархи калькуляцияси режаси, чорвачиликда ўsgan вазн, ёш ва боқувдаги катта ёшли моллар бўйича тирик вазн таннархи калькуляцияси, умушишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларини тақсимлаш режаларини ўз ичига олади.

10. Молия режаси пул киримлари ва уларнинг тақсимланиши, капитал сарфлар, уларнинг манбалари ва йўналишлари, маҳсус фонdlар, уларни ташкил қилиш ва фойдаланиш, фойда ва соф даромаднинг тақсимланиши, айланма маблағларни меъёрлаштириш масалаларини ўз ичига олади. Бригада ва фермерларга бериладиган йиллик топшириқлар ишлаб чиқариш-молия режаси билан бир вақтда тузилиб, унинг кўрсаткичларини аниқлаштиради ва бригада ва ферма фаолиятининг бир йиллик иш дастури ҳисобланади. Масалан, ўсимликчилик бригадаси оила пудратининг йиллик ишлаб чиқариш топшириғида уларнинг таркиби, унга бириктириб қўйилган ер ва ишлаб чиқариш воситалари, экин майдонлари, ҳосилдирлик, ялпи ҳосил етиштириш ҳажми кўрсатилади, моддий харажатлар ва иш ҳақи лимити, қўлда, от-уловда ва механизация воситалари билан бажариладиган ишларнинг тури, ҳажми, уларга қилинадиган меҳнат сарфи ва тариф иш ҳақи фонди ҳисоби, бригаданинг бевосита харажатлари бўйича маҳсулотлар таннархи, топшириғи берилади. Бригадада берилган йиллик ишлаб чиқариш топшириғи ички хўжалик ҳисобини ташкил қилиш ва хўжалик ҳисоби якунiga кўра, моддий рағбатлантиришни амалга ошириш учун асос ҳисобланади (10-БОГа қаранг).

#### 7.4. Тезкор ёки иш режалари

Маълумки, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларида етиштирилади. Ишлаб чиқариш жараённада меҳнат, меҳнат қуроллари ва предметлари ўзаро ҳаракатга келади, меҳнат меҳнат қуролларини қамраб олган ҳолда меҳнат предметига таъсир қилиши натижасида тайёр маҳсулот ҳолига келтирилади. Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил қилиш ва факат

маҳсулот етиштиришни кўпайтириб бориш асоси, шу билан бирга меҳнатнинг ўзидан, меҳнат қуроллари ва предметларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг ҳар бир бирлигига кўпроқ маҳсулот етиштиришни таъминлаш асоси ҳамdir.

Корхонанинг йиллик режаларида ишлаб чиқариш умумий ҳолда, йирик масштабда, асосий кўрсаткичларда акс эттирилади, холос. Корхона фаолиятини тўғри бошқариш, ишлаб чиқариш дастурларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун йиллик режалар билан бир қаторда тезкор ёки иш режалар тузилади. Бу режалар ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилишнинг асосий хужжати ҳисобланади. Ўсимликчилик ва чорвачилик мавсумий соҳаларида иш режалари айrim ишлаб чиқариш даврлари бўйича тузиладиган режалардан иборат бўлади. Масалан, пахтачиликка ихтисослашган хўжаликларда экишгача, экиш даври, ғўзага ишлов бериш даври ва ҳосилни йиғиб-териб олиш даври каби муддатларга иш режаси тузилди. Кўпинча соддалаштириб иш режаларини иш графики деб ҳам айтилади, яъни экиш графики, пахта териш графики ва ҳ.к. Иш режаларида белгиланган муддатда бажариладиган ишларнинг тури ва ҳажми, уларни бажариш учун талаб қилинадиган ишчи кучлари, машина ва ускуналар сони, хомашё ва материаллар миқдори кўрсатилади. Иш режаси экин тури, бригада, бўлим ва корхона бўйича тузилиши мумкин.

Иш режасини бошқаришнинг ҳамма бўғинлари (бригада, бўлим, корхона) бўйича тузилиши ишчи кучлари, техника воситалари ҳамда хомашё материалларини тўғри тақсимлаш, заруратга кўра, керакли жойда уларни мужассамлаштирган ҳолда фойдаланишни кўзда тутиш имконини беради.

Чорвачиликда – молларни ўстириш ва семиртириш режаси; қўйларни кузги қочириш, баҳорги қўзилатиш, жунуни қирқиб олиш даври учун иш режалари тузилади.

Ишлаб чиқариш нисбатан бир меъёрда кечадиган соҳаларда, масалан, сут қорамолчилигига, гўштчилик мажмуаларида, саноат асосидаги паррандачилик фабрикаларида ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил қилиш топшириқларини бажаришни таъминлаш учун ойлар ва чорак (квартал)лар бўйича иш режалари тузилади. Айниқса, гўшт ва репродуктор чўчқачиликка асосланган хўжаликлар ойлик ва чораклик иш режаларисиз ўз фаолиятларини тўғри ва самарали ташкил қилишни тасаввур қилолмайдилар. Чунки чўчқа тез етилади. Шунинг учун, ҳатто ой давомида жуда катта ўзгаришлар содир бўлади. Корхоналардаги энг содда ва қисқа режа – бу, режа-наряд. Унинг хусусияти шундан иборатки, у бир вақтнинг ўзида ҳам топшириқ, ҳам бажарилган ишни ҳисбога олиш хужжати хизматини ўташи мумкин.

Режа-наряд ишнинг хусусиятига кўра, индивидуал ходимга, ишчиларнинг майда гуруҳига, трактор отрядига ёки агрегатига қисқа муддатга (бир, беш кун ва декадага) берилади.

Агарда режа-наряд трактор агрегатига ёки отрядига бериладиган бўлса, у ҳолда уларга режа маршрути ҳам берилади. Унда ишни қайси далада бошлаб, қайси далада тамом қилиш кўрсатилади.

**Режа-нарядда қуйидагилар күрсатилади:**

1. Ишнинг тури, ҳажми ва қаерда бажарилиши.
2. Ишни бажарышнинг сифат кўрсаткичлари.
3. Иш бажариш меъёри ёки бириткириш меъёри иш ҳаки расценкаси.
4. Иш бирлигига ва наряддаги жами иш ҳажмига сарф қилинадиган хомашё ва материаллар (ёнилғи, ўғит, захарли модда, ем-харакат ва х.к.).

Топшириқ бажарилгандан кейин натижа режа-нарядда акс эттирилади. Шунга кўра, режа-наряд ҳисобот ҳужжати ҳам ҳисобланади ва бухгалтерия томонидан ҳисоб-китоб учун қабул қилинади. Бунинг учун у белгиланган тартибда расмийлаштирилиши керак.

## **Қисқача хуросалар**

Ҳар бир корхона бозор иқтисодиёти шароитида ўз мақсад ва вазифаларини аниқламасдан, яъни ўз фаолиятини режалаштирмасдан юқори натижага эриша олмайди. Корхона фаолиятини режалаштиришда маълум тамойилларга риоя этиш керак. Ҳар бир корхона ўз фаолиятини тўғри ташкил этиш учун жорий режалар билан бир қаторда истиқболга мўлжалланган (5,10,15 ийллик) режалар ҳамда у ёки бу масалани ҳал қилиш учун дастурлар ишлаб чиқади.

Корхона ички хўжалик режалаштириш тизимида Бизнес-режаларнинг ўрни жуда катта. Бизнес-режани тузишда корхонанинг ҳамма мутахассислари, инвесторлар ва манфаатдор шахс ва субъектлар қатнашиши керак.

Бизнес-режа маркетинг тадқиқотларига, ишлаб чиқариш имкониятларига, шартномаларга асосан тузилади ва қонунда белгиланган тартибда қабул қилинади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Режалаштириш кандай жараён?
2. Корхонанинг режалаштириш тизими ўз ичига нималарни олади?
3. Бизнес-режа кандай режа ва кандай мақсадни ифода этади?
4. Истиқбол режалар қандай режалар ва қандай мақсадни ифода этади?
5. Оператив иш-режалар кандай мақсадларда тузилади?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонуни. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т., 1998.
4. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – фаровонлик манбаи. - Т., Ўзбекистон, 1997.
5. Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов и их отбору для финансирования утвержденный Госстроем и министерства экономики России от 31 марта, 1994 г. М.:1994 г.
6. Ҳамдамов Қ. Дехқон эркин ва маъсулиятли бўлсин, «Қишлоқ ҳаёти» газетаси, 2001 йил 26 апрель.
7. Уильям Ф. и др. Инвестиции. Гл.21. -М.: Фьючернёе контрактў. 1997.
8. Макаревич Л.М. Бизнес-план для иностранного инвестора. -М.: Финпресс, 1998.
9. Мамутова Х.М. Стратегическое планирование (учеб.пособие). – Фергана: КУНПИП, 2000.

## VIII боб

### ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТҮЛАШ

#### 8.1. Меҳнатга ҳақ түлаш тамойиллари ва вазифалари

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат фаоллиги ва меҳнат интизоми кўп жиҳатдан моддий манфаатдорлик тамойилига амал қилинишига боғлиқ.

Моддий манфаатдорлик тамойили ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш муносабатлари ва манфаатлар масаласига тўхталадиган бўлсак, ҳар бир ижтимоий-иктисодий тузум, энг аввало, маълум манфаатлар сифатида намоён бўлишини тушунишимиз керак.

Моддий манфаатлар ҳар доим мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари базасида вужудга келадиган бўлганлиги учун, улар объектив характерга эга. Моддий манфаатлар кишилар томонидан тўла тушуниб олингандан кейин маълум мақсад ва ҳаракат сифатида намоён бўлганда рағбатлантирувчи кучга, моддий рағбатлантиришга айланади.

Агарда моддий манфаатлар синфлар, ижтимоий гурӯҳлар, айрим жамоаларнинг ўзаро ва жамият билан ҳамда ходимларнинг корхоналар ва жамият билан бўладиган муносабатларини ифодалайдиган бўлса, моддий манфаатдорлик эса охирги муносабатлар гурухи, яъни ходимларнинг корхона жамоа ва жамият билан бўладиган муносабатлари бир қисмини ифода қиласи.

Демак, ишлаб чиқариш ва меҳнат техника билан қанчалик қуролланиб борса, ишлаб чиқаришдаги ходимларнинг роли, шу воситалардан самарали фойдаланишдаги моддий ва маънавий манфаатдорлигини таъминлашнинг аҳамияти шунчалик ортиб боради.

Моддий манфаатлар жуда кўп боғланишда бўлади. Улар тизимини қўйидаги учта гурӯҳга бўлиш мумкин:

- ижтимоий манфаатлар;
- шахсий манфаатлар;
- жамоа манфаатлар.

Бу манфаатлар гурӯҳлари ўзаро диалектик бирлик ва ноантогонистик қарама-қаршиликларда намоён бўлади ва ҳаракат қиласи.

Ижтимоий манфаатлар – бутун жамият манфаати, барча меҳнаткашларнинг манфаатидир.

Жамоа манфаатлари – давлат, жамоа, ишлаб чиқариш жамоаларини манфаатидир.

Шахсий манфаатлар эса, энг аввало, жамиятнинг айрим кишилари манфаатидир. Шахсий манфаат фақатгина меҳнатга ҳақ тўлаш билан чекланмайди. Иқтисодий муносабатлар моддий манфаат доирасида такрор

ишлиб чиқаришнинг ҳамма босқичларида амал қилганлиги учун тақсимот ва айниқса, истеъмол воситалари тақсимотида жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун меҳнатга қараб тақсимот иқтисодий қонуни талабини амалга ошириш, меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри ташкил қилиш орқали шахсий манфаатдорлик таъминланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида шахсий манфаатдорликни таъминлаш воситаларидан бири бўлган меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри ташкил қилиш учун, куйидаги тушунчаларга амал қилиш талаб этилади:

1. Иш ҳақининг ўсиш суръати меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатига тўғри келиши, яъни меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилишда унинг шундай шакл ва тизимини ишлиб чиқиш ва жорий қилиш керакки у меҳнат унунумдорлигини устун даражада ўсишини таъминласин, акс ҳолда ижтиомий жамғаришни амалга ошириб бўлмайди.

2. Иш ҳақи даражаси ходимларнинг ўз малакаси ва мутахассислигини доимо ошириб боришга рағбатлантириш даражасида бўлиши.

3. Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилишда бажариладиган ишларнинг хусусияти, ишларни бажариш, маҳсулот етиштириш шароитлари, ишларнинг оғир ёки енгиллиги, малакали меҳнатни талаб қилиш-қилмаслиги ҳисобга олиниши керак.

4. Ҳақ тўлашнинг шакл ва тизими ҳамда даражаси ишлиб чиқаришнинг микдор кўрсаткичлари билан бир қаторда унинг сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш, ишлиб чиқаришнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда корхона фаолиятини режалаштириш ва юритишни рағбатлантирадиган даражада бўлиши.

5. Меҳнатга ҳақ тўлаш аввало ишлиб чиқаришнинг пировард натижалари билан бевосита боғлиқ бўлиши.

6. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакл ва тизимининг оддий, содда ҳамда барча ходимларга тушунарли даражада бўлиши.

Бу тамойилларга тўла амал қилиш иш ҳақининг рағбатлантирувчи функциясини янада оширади, ходимларнинг меҳнат фаоллигини таъминлайди.

Ўзбекистон давлати, унинг Президенти моддий манфаатдорлик ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг назарий масалаларини янада ривожлантириб, меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш борасида жуда йирик тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Президентимиз Олий Мажлисининг X сессиясидаги «Қишлоқ хўжалик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи» мавзусидаги нутқларида бу масалага катта эътибор бердилар. Чунончи:

1. Меҳнат унумдорлигини ўстиришда фан ва техника тараққиётини жадаллаштиришда, маҳсулот сифатини яхшилашда ҳақ тўлашни рағбатлантиришнинг ролини кучайтиради;

2. Тариф тизимини такомиллаштириш ва унинг ролини ошириш;

3. Камроқ ходимлар билан маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш учун моддий рағбатлантиришнинг прогрессив шаклларини, яъни пудрат ва аккорд ҳақ тўлаш усулларини кенг кўллаш.

4. Мукофотлашнинг барча тизими니 такомиллаштириш, унинг меҳнат натижалари, маҳсулот сифати, техникавий асосланган иш ва маҳсулот етиштириш меъёрлари бажарилиши билан боғлиқлигини таъминлаш.

5. Турли тармоқларда банд бўлган ишчи ва хизматчиларга тўланадиган иш ҳақидаги ўзаро нисбатларни яхшилаш, табиий- иқлим шароитлари оғир бўлган туманларда ишлаётган, меҳнат шароити оғир ва нокулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашдаги имтиёзларни кенгайтириш.

6. Хўжаликларда меҳнат ҳақи миқдорини ишнинг пировард натижаларига тоборо боғлиқ қилиб қўйиш.

7. Мураккаблиги, оғирлиги ва интенсивлиги бир хил бўлган меҳнатга тобора бир хил ҳақ тўлашни таъминлаш.

Меҳнатнинг миқдори ва сифатига кўра ҳақ олиш меҳнаткашларнинг конституцион хукуки бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (асосий қонуни) нинг 40-моддасида шундай ёзилган: «Ўзбекистон фуқаролари меҳнат қилиш хукуқига, яъни меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ ва камида давлат томонидан белгиланган минимум миқдорида ҳақ тўланадиган ва кафолатланган иш ҳақи олиш хукуқига эга».

## **8.2. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизими**

Кишининг меҳнат фаолияти турли-туман бўлганлиги учун, унинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳам турлича шаклларда намоён бўлади.

Иш ҳақининг икки шакли қабул қилинган:

- ишбай ҳақ тўлаш;
- вақтбай ҳақ тўлаш.

Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш ходимларнинг ҳақиқатда бажарган иши ёки етиштирган маҳсулотига тўланадиган иш ҳақидан иборат. Ишбай ҳақ тўлаш бажариладиган ишга ёки маҳсулотга меъёр белгилаш имконияти бўлган ва уни аниқ ҳисобга олиш мумкин бўлганда кенг кўлланилади. Иш ҳақи тўлашнинг бу шакли ходимларни ишни бажаришдаги моддий манфаатдорлигини таъминловчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Вақтбай ҳақ тўлаш ходимларнинг сарфланган иш вақти, яъни соат, смена, кун учун тўланадиган иш ҳақидан иборат. Меҳнатга ҳақ ишлаб чиқаришда қатнашаётган ходимлар сонига ёки бажарилган иш, етиштирилган маҳсулот учун тўланиши мумкин. Ишлаб чиқаришда қатнашаётган ходимлар сонига иш ҳақи якка тартибда ёки майда гурух, гурух тартибида бўлиши мумкин. У ёки бу ҳақ тўлаш тартибини қўллаш, экин турлари, маҳсулот етиштириш технологияси, меҳнат жараёнининг шу жараён пировад натижаси билан

қанчалик боғланганлигига, яъни меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперацияси қанчалик даражага етганлигига боғлиқ.

Бундан ташқари меҳнатга ҳақ тўлаш ўз вазифасига кўра:

- асосий иш ҳақи тўлашга;
- қўшимча ҳақ тўлашга бўлинади.

Асосий иш ҳақи – агротехника, зоотехника ҳамда ташкилий-хўжалик талабларига кўра, белгиланган иш, маҳсулот етиштириш меъёрини бажарганлиги учун олдиндан белгилаб қўйилган ставка ёки расценка, лавозим оклади, тўланадиган иш ҳақидан иборат. Бу кафолатланган иш ҳақини ташкил қилади.

Қўшимча иш ҳақи – қўшимча меҳнат сарф қилиш, иш жараёнларини такомиллаштириш орқали қўшимча етиштирилган маҳсулот ёки юқори сифатли маҳсулот ҳамда шу маҳсулотларни етиштириш учун харажатларни тежаш эвазига тўланадиган иш ҳақидир. Қўшимча иш ҳақи натурал ва пул ҳолида тўланиши мумкин. Қўшимча иш ҳақининг ҳажми жуда катта бўлмаслиги керак. Акс ҳолда у асосий иш ҳақининг аҳамияти ва ролини кескин камайтиради.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳам асосий, ҳам қўшимча турлари жуда кўп кўринишда бўлганлиги сабабли оқилона фойдаланиш учун улар маълум тизимда қўлланилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими – ўзаро боғланган, бир мақсадга қаратилган, бир- бирини тўлдирувчи турли ҳақ тўлаш шаклларининг ўзаро йиғиндисидир.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклларига кўра, ҳақ тўлаш тизимлари икки катта гурухга:

- ишбай ҳақ тўлаш тизимларига;
- вақтбай ҳақ тўлаш тизимларига бўлинади.

Биринчи гурухга қуйидаги ҳақ тўлаш тизимлари киради:

- оддий чегараланмаган ишбай тизими;
- ишбай прогрессив тизим;
- ишбай мукофот тизими;
- аккорд мукофот тизими.

Меҳнатга ҳақ тўлашни оддий чегараланмаган тизимида ходимларга иш ҳақи меҳнат меъёрининг бажарилиши даражасидан қатъи назар ўзгармаган ставка ва расценкаларда тўланиб борилади. Масалан, пахтани қўлда теришни олсак, меъёр 60 кг. Белгиланган, иш тариф жадвалининг IV разряди бўйича таърифлаштирилган бўлса, 1 кг пахта учун 25 сўм тўлаш керак бўлади. Бунда ишчига меъёри бажариш ва бажармаслигидан қатъи назар (яъни қанча пахта теришидан қатъи назар) ҳар бир килограмм терган пахтаси учун 25 сўм ҳақ тўланиб борилаверади.

Ишбай прогрессив тизимда меъёрдан ортиқ бажарилган иш ёки етиштирилган маҳсулот учун прогрессив ортиб борувчи ставка ёки расценка бўйича ҳақ тўланади. Масалан, пахтани қўлда терувчи ходимларга меъёр

чегарасидаги иш учун 1 кг -25 сўм бўлса, 60-80 кг-гача 30 сўм, 80-100 кг 35 сўм ва ҳ.к. тартибда ҳақ тўлаб борилади.

Ёки меъёрдан ортиқ бажарилган иш, етиштирилган маҳсулотнинг ҳар 1%и учун иш ҳақи ставкаси ёки расценкаси маълум фоизга ортиб бориши мумкин.

Прогрессив ишбай тизимини қўллаш учун етарли шароит бўлиши, яъни ходимларнинг онглилик даражаси, аниқ назорат ўрнатилиши керак. Акс ҳолда у иш ҳақи фондининг ортиқ сарфланишига сабаб бўлади.

Ишбай мукофот тизимида ходимларга тўланадиган асосий иш ҳақи икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми бажарган иш, иккинчи қисми етиштирган маҳсулот учун тўланади. Бундан ташқари маҳсулот етиштириш даражасининг орттириб борганлиги, харажатларни тежаганлиги ҳамда ишларни сифатли бажарганлиги учун мукофот берилади.

Аккорд мукофот ҳақ тўлаш тизимида ишчиларга иш ҳақи маълум бригада ёки звено бўйича, чорвачилик тармоқларида бундан ташқари, айrim ишчилар категорияси бўйича ҳақиқатда етиштирган маҳсулотлар бирлигига олдиндан белгилаб қўйилган иш ҳақи ҳажмида (расценкасида) тўланади. Бундан ташқари маҳсулот етиштиришда юқори натижага эришганлиги ва харажатларни тежаганлиги учун мукофотлаш қўлланилади. Бу ҳақ тўлаш тизимининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда ходимларнинг иш ҳақи бевосита маҳсулот етиштириш билан боғлиқ бўлади. Вақтбай ҳақ тўлаш тизими

- оддий вақтбай;
- вақтбай мукофот тизимларидан иборат.

Оддий вақтбай шаклда иш ҳақи ходимларнинг иш бажарган вақтлари (соат, смена, кун, ой ва ҳ.к.) учун тўлаб борилади. Вақтбай мукофот тизимида юқоридаги тартибдан ташқари маълум кўрсаткичлар учун мукофот берилади.

### **8.3. Ўсимчилик ва чорвачилик ишларида меҳнатга ҳақ тўлаш**

Ўзбекистон хўжаликларида 1962 йилга қадар ишчиларга ва колхозчиларга иш ҳақи асосан бажарган ишининг миқдори ва сифатига тўланган. Бу тартибда ҳақ тўлаш ишчиларнинг маҳсулот етиштириши кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш етарли рағбатлантирмас эди. Ишчиларнинг ишлаб чиқариш пировард натижаларини таъминлашдаги манфаатдорлигини қучайтириш мақсадида 1962 йилдан бошлаб етиштирилган маҳсулот ҳажми билан боғлиқ ҳақ тўлаш тартиби жорий қилинди. Бундай ҳақ тўлаш тизими аккорд мукофот (кўтара мукофот) тарзида ҳақ тўлаш тизими, деб атальди.

Хозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш учун аккорд – мукофот, ишбай – мукофот, вақтбай – мукофот тизимидан фойдаланилмоқда.

Аккорд мукофот (кўтара мукофот) ҳақ тўлаш тизимининг моҳияти шундан иборатки, бунда иш ҳақи ҳақиқатда етиштирилган маҳсулотга

олдиндан белгилаб қўйилган расценка бўйича тўланадиган бўлганлиги учун ишчилар маҳсулот етиширишни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилашдан бевосита манфаатдор бўлади.

Корхонада аккорд - мукофот ҳақ тўлаш тизимини самарали жорий қилиш ва фойдаланиш учун жуда катта ташкилий-иктисодий тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади. Чунки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, айниқса, ўсимликчилик ва айрим чорвачилик тармоқларининг даврий характерга эга бўлиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг кенг ва мураккаб меҳнат кооперациясига асосланганлиги бу соҳаларда маҳсулот етишириш ва ишлаб чиқариш натижаларини, кўпчилик ишчиларни меҳнат натижасига боғлиқ қилиб қўяди. Шунинг учун аккорд - мукофот ҳақ тўлашни тўғри ташкил қилишнинг асосий шартларидан бири меҳнат жамоаларини бригада, звено ва оилавий пудратчи каби мақсадга мувофиқ шаклларда ташкил қилишдир.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналарида механизаторларга, ўсимликчилик ва чорвачиликда банд бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этишда қўйидаги тариф жадвалидан фойдаланиш тавсия этилган (2-жадвал).

Аккорд-мукофот ҳақ тўлаш тизимида иш ҳақи шартномада белгиланган маҳсулотнинг натура бирлигига ёки шу маҳсулот қийматининг 100 сўмига тўланиши мумкин. Маҳсулот бирлиги учун кўтара расценка йиллик маҳсулот етишириш шартномавий режасига ва бригада, звено ва оилавий пудратчилар бажарадиган йиллик қишлоқ хўжалик ишлари учун ҳисобланган тариф иш ҳақи фондининг 125%и ҳисобидан аниқланади. Дон учун маккажўхори, шоли ва айрим бошқа экинларда кўтара расценка тариф иш ҳақи фондининг 150%и ҳисобидан белгиланди.

Маҳсулот олгунга қадар ишчилар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар маҳсулот учун белгиланган иш ҳақи юзасидан аванс тариқасида бажарган ишининг миқдори (ҳажми) ва сифатига кўра, белгиланган тариф ставка ва иш меъёrlарига кўра ёки нарядли ҳолда ойлик маоши тариқасида бериб борилади.

Бригада, оилавий пудрат ва звеноларда бундан ташқари маҳсулот олингунга қадар ишчилар билан ҳисоб-китоб вақтбай шаклда, нарядсиз тартибда олиб борилиши мумкин. Бунда механизаторларга механизация ишлари тариф жадвали III-VI разрядлари тариф ставкасидан, қўл ва от-улов ишларида қўл ишлари тариф жадвали III-V разряди тариф ставкасидан фойдаланиш тавсия этилади.

Маҳсулот учун тўланадиган иш ҳақи бригада, звено ва оилавий пудрат аъзоларига йил давомида бажарган ишлари учун (келаси йил ҳосили учун қилинган ишларига тўланган иш ҳақини ҳам қўшиб) тариф ставка ёки вақтбай ставка асосида тўланган жами иш ҳақига мутаносиб ҳолда тақсимланади. Маҳсулот учун қўшимча ҳақ факат корхонанинг доимий ва даврий ишчиларига тақсимланиб, вақтинча ишчиларнинг иш ҳақига тўғри келган қисми корхона ихтиёрида қолади.

Вақтингча ишчиларга ишларни бажаришдан манфаатдорлигини ошириш учун уларга бажарган ишлари учун олган иш ҳақининг 20%гача ҳажмида мукофот берилиши мумкин.

Бригада, оиласвий пудрат ишчилари билан маҳсулот учун тўла ҳисобкитоб қилишдан олдин, агарда ишлаб чиқариш зарурриятига кўра, бригада ва оиласвий пудрат аъзолари фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда корхона маъмуритининг кўрсатмасига кўра, ишлаб чиқариш топшириғига бирор ўзгартириш киритилган бўлса, аккорд-расценкага албатта, ўзгартириш киритилади ва ундан кейин ишчилар билан етиштирган маҳсулоти учун ҳисобкитоб қилинади.

Корхоналар ўз иқтисодий даражаси ва ҳажмига кўра, ишчиларга ҳақ тўлашда аккорд-мукофот тизим ўрнига ишбай-мукофот тизимини қўллаши мумкин. Ишбай-мукофот ҳақ тўлаш ҳам ўсимчиликда, ҳам чорвачиликда икки қисмда ташкил қилинади:

- бажарилган ишлар учун иш ҳақи;
- маҳсулоти учун тўланадиган иш ҳақи.

Иш ҳақининг 1 - қисми йил давомида бажарилган ишнинг ҳажми ва сифатига кўра, тариф ставка ва ишлаган иш вақтига кўра вақтбай ставка асосида тўлаб борилади.

Иш ҳақининг 2 - қисми, яъни маҳсулоти учун тўланадиган қисми, бригада ёки звено бўйича маҳсулот етиштириш режаси ва тариф иш ҳақи фондининг 25%и ҳисобидан аниқланган расценкага асосан тўланади.

Аккорд ҳақ асосини аккорд расценка, яъни маҳсулот бирлиги учун белгиланган расценка ташкил қиласди. Аккорд-мукофот ҳақ тўлаш тизимини ҳозир амалда жорий қилишнинг расценка ёки бир центнер маҳсулотга ёки етиштирилган маҳсулот қийматига, бригада, звено томонидан етиштирилаётган маҳсулот тўла товарлик хусусиятига эга бўлган тақдирда маҳсулот реализация қиймати бирлигига белгиланади. Маҳсулот бирлигига аккорд расценка шартномада режалаштирилган маҳсулот ва иш ҳақи фондига асосан аниқланади. Буни қуидаги формула бўйича аниқлашимиз мумкин:

$$A \text{ расценка} = \frac{\text{Тиф} \times \text{Кми} \times 100}{M};$$

Бу ерда: Тиф – тариф иш ҳақи фонди;

Кми – маҳсулот учун тўланадиган кўшумча ҳақ коэффициенти 1,25;

М - режалаштирилган маҳсулот;

100 сўмлик маҳсулот ҳисобига.

Кўриниб турибдики, аккорд расценка режалаштирилган ёки шартномада белгиланган маҳсулот қийматига ва иш ҳақи фондига боғлиқ. Маҳсулот қийматини режалаштиришда давлатга сотиладиган маҳсулотлар давлат харид баҳоларида, даврий баҳолар белгиланган маҳсулотларни етиштириш молия-режасида белгиланган ўртacha баҳоларда ифодаланади. Умумий тартибда баҳо белгиланмайдиган маҳсулотлар улардаги озиқа бирлигига кўра, сўмга айлантирилиб, сўм баҳосида баҳоланади. Ишчилар билан етиштирилган

маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилишда, шу етиширилган маҳсулот ҳақиқий баҳоларда ифодаланади. Агарда йил давомида маҳсулот учун белгиланган баҳо ўзгарган тақдирда, етиширилган маҳсулот ишлаб чиқариш-молия режасида белгиланган баҳо бўйича аниқланади.

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш учун кунлик тариф ставкалари (1.01.2003 й.)**

(сўм ва тийин)

	Разрядлар					
	I	II	III	IV	V	VI
<b>Тракторчи-машинистлар</b>						
Тариф коэффициенти	1,0	1,10	1,21	1,33	1,46	1,60
<b>Махсулот олиш учун ҳисобланадиган расценкалар</b>						
I гурӯҳ	261,63	287,8	316,6	348,0	382	418,61
II гурӯҳ (Қорақалпоғистон Республикаси)	327,88	360,7	396,7	436,08	478,70	524,61
Махсулот олгунча аванс ҳисобида						
I гурӯҳ	251,40	276,82	318,45	341,34	369,12	409,34
II гурӯҳ (Қорақалпоғистон Республикаси)	312,45	343,69	378,06	315,75	456,17	499,92
<b>Чорвачиликда ҳамда қўл кучи билан бажариладиган ишларда</b>						
Тариф коэффициенти						
Махсулот олиш учун ҳисобланадиган расценкалар	1,0	1,1	1,21	1,33	1,46	1,60
Махсулот олгунча аванс ҳисобида	249,96	274,95	302,45	332,44	364,84	399,93
	241,03	265,13	291,64	320,57	351,90	385,64

**Изоҳ:** чорвачиликда ҳамда қўл кучи билан бажариладиган ишларда маҳсулот олгунча аванс ҳисобланганда кунлик тариф ставкалар ишчилар учун белгиланган разрядлар бўйича ставка миқдорини 25,4 кунга бўлиш йўли билан аниқланди, бошқа турдаги ишларда ишловчи ишчилар иш ҳақларини аниқлашда бу миқдор тармоқ коэффициентларга кўпайтириш йўли билан ҳисобланган.

Иш ҳақи фонди эса ишлаб чиқариш технологиясига кўра бажариладиган ишнинг ҳажми, меъёри ва разряди ставкасига кўра аниқланади. Бу тариф иш ҳақи фондига бригадир (звено бошлиғи)нинг, табелчининг (ҳисобчи) асосий иш ҳақи кўшилади. Жами тариф иш ҳақи фонди маҳсулот бирлигига расценка учун, маҳсулот учун тўланадиган иш ҳақи коэффициентига кўпайтирилади. Шу коэффициентга кўпайтирилган тариф иш ҳақи фонди аккорд иш ҳақи фондини ташкил қиласи. Мисол учун, пахтачилик бригадаси 100 га пахта майдонига эга бўлиб, 10 та оилавий пудрат жамоасидан иборат. Режалаштирилган ҳосилдорлик -30 ц. Жами ялпи пахта – 3000 центнер. 1 центнер пахтанинг ўртача баҳоси 20000 сўм бўлганда ялпи пахта қиймати 60000 минг сўмга teng бўлади. Технологик карта бўйича шунча пахтани етиштириш учун, бош пудратчи ва ёрдамчининг иш ҳақини қўшиб ҳисоблагандага тариф иш ҳақи фонди 1500 минг сўмни ташкил қиласи. Бу маълумотларни юқорида келтирилган формулага қўйганимизда 100 сўмлик маҳсулотга аккорд расценка 31,2 сўмга teng бўлади:

$$A \text{ расценка} = \frac{1500 \text{ минг} \cdot 1,25 \cdot 100}{6000 \text{ минг}} = 31,2 \text{ сўм.}$$

Демак, бригада аъзолари ҳақиқатда етиштирган ҳар 100 сўмлик маҳсулоти сўми учун 31,2 сўмдан иш ҳақи олиши керак.

Бу расценка маҳсулот етиштириш техникаси ва технологиясида катта ўзгариш бўлмаган тақдирда маълум муҳлатга ўзгаририлмай қолдирилиши керак.

Бригада (оилавий пудратчилар жамоаси) ҳисобот йилида 6000 минг сўмлик маҳсулот ўрнига 6500 минг сўмлик маҳсулот етиштиришга эришган бўлса, шартномага кўр, 2028 минг сўмлик иш ҳақи ёзилиб, йил давомида бажарилган ишлар учун 1500 минг сўм аванс тариқасида бериб борилган бўлса, йил охирида маҳсулот учун қўшимча яна 52,8 минг сўм бериш, бу қўшимча иш ҳақи йил давомида олинган иш ҳақининг (аванс) 1 сўмига 35,2 тийинданни (528:1500) ташкил қиласи. Агарда пудратчилар механизтори Аҳмедовнинг бажарган ишлари учун олган иш ҳақи (аванси) 67000 сўмни ташкил қилган бўлса, у қўшимча маҳсулот учун яна 23584 сўм иш ҳақи олиб, жами асосий иш ҳақи 90584 сўмини ташкил қилган бўлади.

Чорвачилиқда ҳам иш ҳақи етиштирилган маҳсулот – соғиб олинган сут, олинган бузоқ, ўстирилган вазн, қирқиб олинган жун ва ҳ.к.лар ҳамда чорва молларига қараганлик учун тўланади. Аккорд расценка шу маҳсулотлар бирлигига ёки уларнинг қийматига белгиланган бўлиши мумкин. Чорвачилиқда ўсимчиликдан фарқли ўлароқ, аккорд расценка ишчиларнинг айрим касблари ҳамда айрим ходимлар бўйича алоҳида белгиланиши мумкин.

Меҳнат натижаларини айрим касб ва ходимлар бўйича алоҳида белгилаш имконияти бўлган тақдирда аккорд расценкани айрим касб ва ходимлар бўйича белгилаш мақсадга мувофиқдир. Маҳсулот бирлигига аккорд расценкани белгилаш учун, чорва молларининг бириктириш меъёрини, улар маҳсулдорлигини, ишчининг қайси разряд бўйича тарифлаштирилганини

билиш керак. Чорвачилик соҳасида асосий маҳсулот билан бир қаторда тенг ёки ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган маҳсулот олинадиган бўлганлиги учун шу маҳсулотларнинг ҳар бир турига аккорд расценка белгилаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, сут қарамолчилигига - сут ва бузоққа, қўйчиликда жун, ўсан вазн, қўзи ва ҳ.к.ларга.

Чорвачиликда маҳсулот бирлигига расценка белгилашни сут қарамолчилиги мисолида кўриб чиқамиз.

Корхонада сигирларни қўлда соғиша бир соғувчига 20 бош сигир бириктириш меъёри белгиланган. Сигирлар маҳсулдорлиги ўртача 3000кг.ни ташкил қиласди. Чорвачиликни ташкил қилиш тартибига кўра, сигирлар туққандан кейин 20 кун туғруқхонада бўлиши қўзда тутилади.

Сут соғувчи соғиб оладиган жами сут миқдорини аниқлаш учун йил давомида туғруқхонада бўладиган ўртача йиллик сигирлар сонини аниқлаш талаб қилинади. Бунинг учун туғруқхонада бўлган сигирлар сонини туғруқхонада бўладиган кунларга кўпайтириб, бир йилнинг календарь кунларига бўлиш керак. Мисолимизда битта ўртача йиллик сигир доимо туғруқхонада бўлиши ( $20 \times 20 : 365$ ) ва бу сигир сутини туғруқхонадаги сут соғувчи соғиб олиши керак. Биз расценка белгилаш қўзда тутган сут соғувчи эса 20 бош сигирга қарагани билан ҳақиқатда йил давомида 19 бош сигирни ( $20-1$ ) соғади ва ҳар биридан 3000 кг сут соғиб олган тақдирда 57000 кг. ёки 570 центнер ( $19 \times 3000$  кг.) сут етиштириши керак. Корхона бўйича ҳар 100 бош сигирдан 90 бошдан бузоқ олиш режалаштирилганда 20 бош сигирдан 18 бош бузоқ олиниши ва уларни сақлаб қолиш керак, яъни сут соғувчига ўзига бириктирилган сигирдан 570 центнер сут ва 18 бош бузоқ олиш топшириғи берилган. Энди сут соғувчининг бир йиллик тариф ва аккорд иш ҳақи фондини аниқлаш керак. Тариф иш ҳақи фондини аниқлаш учун сут соғувчи тарифлаштирилган разряд ставкасини бир йилнинг календарь кунларига кўпайтириш лозим. Тариф малака қўлланмасига кўра, сут соғувчилар кўлда, от-уловда ва чорвачиликда бажариладиган ишлар тариф жадвалининг V разряди бўйича тарифлаштирилади. Бу разряд ставкаси 364 сўмга тенг. Бунда сут соғувчининг йиллик тариф иш ҳақи фонди 132680 сўмга тенг бўлади. Сут соғувчиларга иш ҳақи соғиб олган сути, олган ва сақлаб қолган бузоғи хамда сигирларга қарагани ва сақлаб қолгани учун тўланиши мумкин.

Лекин сут соғувчиларга иш ҳақи маҳсулоти сут ва бузоқ учун тўлангани маъқул.

Агарда иш ҳақи фақат маҳсулот учун тўланадиган бўлса, аккорд мукофот ҳақ тўлаш тизими шартига кўра, тариф иш ҳақи фонди 25% орттириб олинади, яъни аккорд расценка тариф иш ҳақи фондининг 125%и ҳисобидан белгиланади. Мисолимизда етиштириладиган маҳсулот учун аккорд иш ҳақи фонди 166075 сўмни ( $132680 \times 125 : 100$ ) ташкил қиласди. Аккорд иш ҳақи фондининг 85-90%ини соғиб олинган сутга, 10-15%ини бузоққа тўлаш мумкин. Ёки бўлмаса бир йилда сигирга қарав учун тўғри келадиган тариф иш ҳақи фондини 10 ойга тўғри келадиганини сутга ва 2 ойга тўғри келадиган қисмини

бузоқ учун тўлаш мумкин. Чунки бир йилда сигирлардан 10 ой сут олиш режалаштирилган.

Мисолимизда 20 бош сигир 12 ойда 240 сигир ойига ( $20 \times 12$ ) тенг бўлиб, бир сигирга бир ойда қараш учун ўртача 692 сўм (166075:240) иш ҳақи тўлаш керак. 2 ойлик иш ҳақи бузоқ учун тўғри келадиган бўлса, у ҳолда сут соғувчига бир бош бузоқ олгани ва сақлаб қолгани учун 1384 сўм иш ҳақи тўланади. Яъни, бир бош бузоқ олгани учун иш ҳақи расценкаси 1384 сўмга тенг бўлади. Аккорд иш ҳақи фондидан жами олинадиган бузоқ учун тўланадиган иш ҳақининг чегириб ташлангандан қолган қисми сут учун тўланадиган иш ҳақи фондини ташкил қиласди. Агарда сут соғувчи йил давомида ўзига бириктирилган сигирлардан 18 бош бузоқ олиши керак бўлса ва унга ҳар бир бош олинган бузоқ учун 1384 сўмдан иш ҳақи тўланадиган бўлса, жами олинган бузоқлар учун 24912 сўм иш ҳақи сарф қилинади.

Бу иш ҳақи фондини жами аккорд иш ҳақи фонди – 98550 сўмдан чегириб ташланганда етиштириладиган (570 центнер) сут учун 141163 сўм (166075-24912 сўм) иш ҳақи қолади.

Бунда 1 центнер соғиб олинган сут учун аккорд расценка 247,6 сўмга (141162:570) тенг. Сут соғувчи ҳар бир центнер соғиб олган сути учун 147 сўмдан, олинган ва сақлаб қолинган ҳар бир бузоқ учун 820 сўмдан иш ҳақи олади. Чорвачиликда чорва молларининг биологик хусусиятига қўра, уларга ҳар куни қарашга тўғри келади. Шунинг учун асосий ишчилар билан бир қаторда уларни дам олиш, байрам ҳамда меҳнат таътили кунларида алмаштириб турувчи ишчилар мавжуд. Сут соғувчи ва асосий она чўчқаларга қаровчи чўчқабоқарларни алмаштирувчи ишчиларга иш ҳақи асосий ишчилар иш ҳақининг 110%и ҳисобидан тўланади.

Чорвачиликнинг маҳсулот бир меъёрда етиштириладиган соҳаларида иш ҳақи белгиланган аккорд расценка бўйича ойлик натижаларга қараб тўлаб борилиши, даврий характеристига эга бўлган соҳаларда йил охирида тўланиши мақсадга мувофиқdir.

Масалан, сут соғувчи март ойида 26 кун ишлаб, ихтиёридаги ҳар бир сигирдан кунига 10 кг. дан, жами сигирлардан -52 центнер сут ва бир бош бузоқ олди. 1 центнер сутнинг расценкаси 247 сўм бўлганда соғиб олган сути учун 1284 сўм, бир бош бузоғи учун 1384 сўм, жами 14228 сўм иш ҳақи олади. Алмаштирувчи соғувчи 5 кун ишлаб, 10 центнер сут соға бошлашлиги учун 2717 сўм ( $10 \times 246 \times 1,1$ ) иш ҳақи олади. Бу белгиланган расценкалар чорвачиликда технология, ташкилий - хўжалик тадбирлари ишчига боғлик бўлмаган ҳолда ўзгармаса, 3-5 йил давомида ўзгартирилмаслиги керак.

Чорвачиликдаги бошқа ходимлар (молбоқар, бузоқбоқар ва х.к.) маҳсулотларига ҳам аккорд расценка худди шу усулда белгиланади.

#### 8.4. Тракторчи-машинистларга ҳақ тўлаш хусусиятлари

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қатнашадиган тракторчиларга (тракторчи, комбайнчи, машинист ва бошқа) ягона тракторчи-машинист касби берилиб, уларга иш стажи, тажрибаси ва ишлаб чиқариш малакасига кўра, I,II,III класс тракторчи-машинист малака унвони берилади.

Тракторчи-машинистларга агарда улар оила пудрати, бригада, звено таркибида бўлса, уларга иш ҳақи ҳақиқатда етиштирган маҳсулоти учун тўланиши мумкин. Йил давомида тракторчи- машинистларга иш ҳақи бажарган ишининг миқдори ва сифатига кўра, тракторчи-машинистларга ҳақ тўлаш учун белгиланган тариф жадвали ставкалари бўйича тўлаб борилади.

Тракторчи-машинистларнинг малакаларини доимо ошириб боришга рағбатлантириш учун 1-класс унвонига эга бўлганларга 20%, 2-класс унвонига эга бўлганларга 10% қўшимча ҳақ берилади. Класси учун қўшимча ҳақ факат бевосита трактор ишларида ёки трактор, трактор- далачилик, комплекс бригадаларга бошчилик қилган тақдирдагина тўланади.

Тракторчи-машинистлар қўлда, от-уловда бажариладиган ишларда банд бўлганда уларга иш ҳақи бу ишларнинг тариф ставкаси бўйича, шу ишлар ставкаси тракторчи-машинистлар учун белгиланган тариф жадвали 2 разряди ставкасидан кам бўлган тақдирда шу 2 разряд ставкаси бўйича тўланади.

Аёл механизаторларга иш меъёри корхонада қўлланиладиган иш меъёридан 10% кам белгиланади. Бу уларни механизаторлик касбини эгаллашга рағбатлантиради.

Тракторчи-машинистларнинг етиштирилган ҳосилни ўз вақтида, тез ва нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишдан манфаатдорлигини ошириш учун бу ишнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ҳосилни ёппасига йиғиб олишнинг дастлабки қунларида, лекин 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда, тракторчи-машинистлар смена меъёрларини бажарган тақдирда донли ва дуккакли экинлар, маккажўхори дони ва шоли, қунгабоқар, картошка, уруғлик учун етиштириладиган ўтлар ҳосилини йиғиб олишда банд бўлган тракторчи-машинистларга 60%гача, бошқа экинлар ҳосилини йиғиб олишда 30%гача оширилган расценкалар бўйича ҳам тўлаш тавсия этилади.

Ҳосилни йиғиб олишнинг қолган қунларида (белгиланган 10 кунга қўшимча), лекин маълум чекланган муддатда юқорида келтирилган экинларда биринчи 10 кун учун белгиланган расценкаларни ошириш ҳажмининг ярми миқдорида белгиланиши мумкин.

Пахта ҳосилини йиғиб олиш ва топшириш билан банд бўлган тракторчи-машинистларга 30 кун мобайнида белгиланган смена меъёрини бажариб борган тақдирдагина иш ҳақини 30% оширилган тариф ставка бўйича тўлаш тавсия этилган.

Бундан ташқари пахта ҳосилини йиғиб олишда унинг ерга тўқилишини камайтириш мақсадида ва бундан механизаторларни манфаатдор қилиш учун ҳосилнинг ерга тўқилган қисми - 10%дан ошмаган тақдирда бажарган иши учун олган иш ҳақининг 15%и, 15%дан ошмаган тақдирда - 10%и ҳажмда қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилиши мумкин. Бу иш ҳақи тўқилган пахтани қўлда териш

учун режалаштирилган иш ҳақининг тежаб қолинган қисми ҳисобидан тўланади. Ҳозирги вақтда тракторчи-машинистларга уларнинг иш стажи учун қуийдаги ҳажмда қўшимча ҳақ берилади: 2 йилдан 5 йилгача 8%, 5 йилдан 10 йилгача 10%, 10 йилдан 15 йилгача 13%, 15 йилдан ортиқقا 15%.

Иш стажи учун қўшимча ҳақ йиллик иш ҳақига нисбатан 1 йилда бир маротаба берилади.

Тракторчи-машинистларга ўзига бириктирилган механизация воситаларидан самарали фойдаланганлиги, ёқилғи, мойлаш материалларини, эксплуатация ва сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни тежаганлиги учун мукофот берилиши мумкин.

1. Ёқилғи ва мойлаш материалларини тежаб қолганлиги учун тежалган материаллар қийматининг- 35%и миқдорида мукофот берилиб, сифатсиз бажарилган ишларга ва ортиқча сарфланган ёқилғи қийматининг 50%и миқдоридаги маблағ улар ҳисобидан ушлаб қолинади.

2. Техникани сақлаш, таъмирлаш билан боғлиқ харажатлардан тежаб қолинган маблағ қийматининг 1 йиллик трактор иши меъёри бажарилганда 40%и тракторчи-машинистга, бригадирга; 10%и унинг ёрдамчисига ва механикка мукофот тариқасида берилади. Янги тракторни эксплуатация қилган тақдирда биринчи 2 йил давомида белгиланган мукофотнинг ярми, 80%и амортизация қилинган тракторларда эса 1,5 баробарида тўланади.

Механизатор М.Аҳмедова 1-класс тракторчи машинист унвонига эга, у хўжаликда узлуксиз 12 йилдан бўён ишлайди, 28 сентябрь куни ХТ-1,8 русумдаги пахта териш машинаси билан 3 т. пахта терди. Шу маркадаги пахта териш машинаси учун смена меъёри 2 т. белгиланган.

Пахтани машинада териш тракторчи-машинистлар тариф сеткасининг VI разряди бўйича тарифлаштирилган. Бу разряднинг тариф ставкаси 280 сўмга тенг.

Кооператив (ширкат хўжалиги) бошқаруви ширкат аъзолари билан келишган ҳолда 10 сентябрдан 10 октябргача бўлган (30 кун) муддатни пахтани териб олиш муддати қилиб белгилаган. Шу муддатда тариф ставка 30% оширилиши керак.

Тракторчи Аҳмевовага қуийдаги ҳажмда ҳақ тўланади: аёл киши бўлганлиги учун меъёр 2 т. эмас, балки 1,8 т., яъни меъёр 10% кам белгиланади. VI разряди тариф ставкасини 30% оширсак, 5442 сўм (418x130:100)ни ташкил қилиб, меъердаги 1 т. пахтага 202,2 сўм, ҳақиқатда 2 т. пахта учун 604,6 сўм (544,2x2:1,8) иш ҳақи тўланади. Механизатор 1-класс унвонига эга бўлганлиги учун 20%, яъни 120,9 сўм (604,6x20:100) устама иш ҳақи ҳисобланади. Шундай қилиб, унга бажарган иши ва малакаси учун жами 725,5 сўм (604,6+120,9) ҳақ берилади.

Аҳмевованинг узлуксиз иш стажи 12 йил бўлганлиги учун унга йил охирида йил давомида олган иш ҳақининг 13%и ҳисобида қўшимча ҳақ берилади.

Агарда Ахмедова бажарган ишлари учун (устама ҳақларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) йил давомида олган иш ҳақи 96000 сўмни ташкил қилган бўлса, иш стажи учун 12480 сўм иш ҳақи олади.

## **8.5. Раҳбар ва мутахассисларга иш ҳақи тўлаш**

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, айниқса, ширкат хўжалиги раҳбар ва мутахассисларига иш ҳақи вақтбай мукофот тизимида ташкил қилиниб, уларга ойлик мансаб маошлари Ўзбекистон Республикасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф жадвалига асосан белгиланади (3-жадвал).

3-жадвал

### **Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф жадвали**

(1 январь 2003 ҳолатига)

Меҳнатга ҳақ	Тариф	1 июлдан
0	1	4535
1	1,880	8525
2	2,068	9378
3	2,276	10321
4	2,502	11346
5	2,741	12430
6	2,991	13564
7	3,252	14657
8	3,521	15968
9	3,793	17201
10	4,070	18457
11	4,352	19736
12	4,641	21047
13	4,935	22380
14	5,232	23727
15	5,536	25088
16	5,842	26500
17	6,153	27904
18	6,468	29332
19	6,788	30784
20	7,112	32253
21	7,441	33745
22	7,773	35250

Раҳбар ва мутахассисларни маҳсулот етиштириш ва сотиш, корхона молиявий аҳволини мустаҳкамлашдан манфаатдорлигини ошириш учун ҳақиқатда етиштирилган (сотилган) маҳсулот бирлигига аккорд расценкага асосан ҳақ тўлаш мумкин.

Шунинг учун раҳбар ходимлар ва мутахассисларга сотилган (ишлаб чиқарилган) қишлоқ хўжалик маҳсулоти қийматига нисбатан белгиланган меъёр (норматив) асосида ҳақ тўлаш тавсия этилади. Меъёр барча раҳбар

ходимлар ва мутахассисларга режалаштирилган ёки олдинги 3 йилда хўжалик томонидан сотилган (ишлаб чиқарилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўртача қийматига нисбатан белгиланади ва 1000 сўмлик маҳсулот учун ҳақ тўлаш меъёри ишлаб чиқилади. Шунга кўра, йил якуни бўйича маҳсулот учун шу меъёр асосида ҳисоб-китоб қилиниб, қўшимча ҳақ тўланади.

Агар раҳбар ходимлар ва мутахассисларга ҳақ тўлаш учун маҳсулот бирлигига аккорд расценка (1000 сўмлик маҳсулотга) режалаштирилган маҳсулот қийматига белгиланадиган бўлса, сотиладиган (ишлаб чиқариладиган) маҳсулот қиймати Бизнес-режадан олинади. Худди шунингдек, Бизнес-режадан раҳбар ходимлар ва мутахассисларни режалаштирилган иш ҳақи фонди олинниб, маҳсулот қийматининг 1000 сўмига иш ҳақи меъёри белгиланади.

Ўртача 3 йиллик натижа учун меъёр белгилашда олдинги 3 йилги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдори натура ҳолда олинниб, охирги йилда йиллик ҳисобот бўйича аниқланган сотиш баҳосига (сотилмаган маҳсулотлар таннархи бўйича) кўпайтирилиб, ўртача бир йиллик сотиш (ишлаб чиқариш) қиймати аниқланади ва жорий йил Бизнес-режа бўйича ҳисобланган (ойлик лавозим маоши бўйича) иш ҳақи фондига кўра, 1000 сўмлик маҳсулот учун меъёр ишлаб чиқилади.

Мисол учун, кооператив (ширкат хўжалиги)да олдинги 3 йилдаги ўртача йиллик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ҳажми жорий йилдаги ҳақиқий баҳо билан ҳисобланганда 450 млн. сўмни ташкил қилди. Режалаштириладиган или Бизнес-режада 25 та раҳбар ходим ва мутахассисларнинг белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш (ягона тариф жадвалига асосан тузилган) гурӯҳи бўйича лавозим маошидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган йиллик иш ҳақи фонди 7650 минг сўмни ташкил этди. Бунда раҳбар ходимлар ва мутахассисларга сотилган (ишлаб чиқарилган) маҳсулот учун аккорд-расценка 1000 сўмлик маҳсулот учун 16,86 сўмни ташкил этади. Агарда йил давомида маҳсулот сотиш баҳоларида (давлат харид баҳоси, шартномавий баҳо) ҳамда ягона тариф жадвалида белгиланган минимал иш ҳақи даражаси ўзгарганда, маҳсулот бирлигига (1000 сўмлик) белгиланган расценка-меъёр қайта ҳисоблаб чиқилади.

Йил якунига қадар, яъни маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилгунгача раҳбар ходимлар ва мутахассисларга ягона тариф жадвалидаги разрядлар бўйича белгиланган ойлик лавозим маошининг 80%ини тўлаб бориш тавсия этилади.

Йил якуни бўйича маҳсулот учун қўшимча ҳақ меъёр (норматив) асосида ҳақ тўлаш рўйхатига киритилган раҳбар ва мутахассисларга тўланади.

Йил якуни бўйича маҳсулот учун аниқланган иш ҳақи фонди шу йили маҳсулот миқдори кам олинганлиги сабабли лавозим маоши фондидан камайиб кетса, лавозим маоши даражасида иш ҳақи берилади.

Масалан, йил якунига кўра ширкат хўжалиги 500 млн. сўмлик маҳсулот реализация қилди. Олиндан белгиланган меъёрга кўра, раҳбар ва мутахассисларнинг ҳақиқатда реализация қилинган маҳсулот учун ҳисобланган иш ҳақи 8500 минг сўмни ташкил қилади. Йил давомида аванс тарикасида 6120

минг сўм иш ҳақи берилган бўлса, йил якунига кўра 2380 минг сўм (8500-6120) кўшимча ҳақ тўланади.

Рахбар ходимлар ва мутахассислар корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқариш харажатларини иқтисод қилиш, таннархни камайтириш, энг фойдали бозорларни қидириб топиш, маркетинг хизматини тўғри ташкил этишдаги даражаси кўрсаткичи учун мукофотлаш тавсия этилади.

Хўжаликнинг жорий йил Бизнес-режасида рентабеллик даражаси кейинги 3 йилдаги ўртача рентабеллик кўрсаткичидан кам бўлмаса ва бажарилиши таъминланса, раҳбар ва мутахассисларга мукофот ҳажми йиллик иш ҳақи фондидан рентабеллик 20%гача бўлса – 15%, 20-25% бўлса – 20%, 25,1-30% бўлса – 25%, 30%дан юқори бўлган ҳолда 20% ҳамда режадаги даражадан ошган ҳар бир% учун йиллик иш ҳақи миқдорини 10%и ҳисобидан аниқланади.

Масалан, раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг лавозим маоши фонди 7650 минг сўм қилиб белгиланган. Махсулот сотиш қиймати 450 млн. сўм. Шу ҳажмдаги маҳсулотни етиштириш ва сотиш билан боғлиқ жами харажатлар 365 млн.сўм ни ташкил этади. Бу ҳолда режалаштирилган рентабеллик 23,3%га тенг:

$$\frac{450 - 365}{365} \times 100$$

Корхона ҳисобот йилида 500 млн. сўмлик маҳсулот реализация қилган. Сотилган маҳсулотларнинг таннархи, яъни жами харажатлар 395 млн. сўмни ташкил қилган. Йил якунига кўра, ҳақиқий рентабеллик 26,6%га тенг:

$$\frac{500 - 395}{395} \times 100$$

Бу эришилган кўрсаткичлар учун:

а) ҳақиқий рентабеллик 20%дан 25%гача бўлганлиги учун лавозим маоши фондининг 20%и – 1530 минг сўм;

б) режадаги даражадан ортиқ ҳар бир фоизи учун лавозим маоши фондини 10%и ҳисобидан бўлганда ҳақиқий рентабеллик режага нисбатан 3,38%га ортиқ бўлганлиги учун – 2585 минг сўм мукофот ҳисобланади;

в) ҳар иккала кўрсаткич учун раҳбар ходимлар ва мутахассисларга 4115 минг сўмлик мукофот берилади.

Буни янада аниқроқ бўлиши учун ширкат хўжалиги бош иқтисодчиси мисолида кўрсатамиз.

Бош иқтисодчи ягона тариф жадвалининг 10 разряди бўйича тарифлаштирилган. 10 разряднинг ойлик маоши 18457 сўм қилиб белгиланган. Бош иқтисодчининг ойлик лавозим маоши 18457 сўм бўлганда унинг йиллик иш ҳақи фонди лавозим маоши бўйича 221484 сўм (18457x12). Корхонанинг рентабеллик даражаси 23,3% бўлгани учун йиллик иш ҳақи фондининг – 20%и ҳажмида – 3691,4 сўм, режадан ортиқ рентабеллик учун 6238,4 сўм, жами 9929,8 сўм мукофот олади. Ойлик лавозим маошининг ҳар бир сўмига 0,54 сўмдан мукофот тўғри келади.

Умумий йиғилиш ва корхона маъмуриятига айрим ходимларни мукофотдан тўла ва қисман маҳрум қилиш ҳуқуқи берилади. Ходимлар мукофотдан қуйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман маҳрум қилиниши мумкин:

1. Ишлаб чиқаришда хато ва камчиликларга йўл қўйганда. Бундай камчиликлар, яъни ўз вазифасига совуқёнлик билан қараш оқибатида содир бўладиган камчиликлар учун мукофотдан маҳрум қилиш маъмурият ишчилар кўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

2. Маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилганда ёки безорилик қилгани учун жамоатчилик (ўртоқлик суди ва ҳ.к.) таъсири ўтказилади.

3. Маълум муддатларда ишга сабабсиз қатнашмаганди. Корхонада ишни сабабсиз мутлақо ташлаб кетган ходимлар қўшимча ҳақ ва мукофотдан тўла маҳрум қилинади.

Мукофотдан тўла ёки қисман маҳрум қилиш буйрук билан расмийлаштирилиб, буйрукда бунинг сабаблари тўла кўрсатиб ўтилади.

Ойлик мансаб маошни белгилашда жами реализация қилинган маҳсулотлар қийматига, умумий овқатланишга берилганини ҳам қўшиб, давлат харид баҳоларида, давлат харид баҳолари бўлмаган маҳсулотлар шартномада белгиланган баҳоларда аниқланади.

Йиллик хўжалик фаолиятининг якуний натижалари ҳақиқий сотиш баҳоларида ифодаланади. Шуни назарда тутиш керакки, қўшимча ҳақ ва мукофот тўлашда режадан ёки олдин эришилган даражадан ортиқ сотилган маҳсулотлар учун белгиланган устама баҳолар ҳисобга олинмайди. Ҳосилга кирмаган кўп йиллик дарахтлар, резавор мевазорлар ташкил қилиш учун капитал сарфлар ва уларга қараш учун харажатлар режалаштирилган ва ҳақиқий реализация суммасига киритилади. Боғларни ташкил қилиш ва уларга қараш билан боғлиқ ҳақиқий ишлар ҳажми ҳақиқатда яратилган боғларнинг меъёр қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Узоқ яйловлардаги чорва молларига қараш билан шуғулланувчи раҳбар ва мутахассисларнинг ойлик мансаб маоши яйловда бўлган даврда 40% оширилади.

## Қисқача хulosалар

Меҳнатга ҳақ тўлаш ходимларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг фаолиятини моделлаштириш, ўз қобилияtlарини намоён қилиш имконини бериш.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини жорий қилиш орқали шахсий манфаатдорлик, ҳақ тўлаш тизими юқори натижага бериши учун унинг мақбул шаклларини яратиш керак.

Меҳнат ҳақи, меҳнат миқдори ва айниқса сифатини ифода қиласиган кўрсаткичларни аниқлаш, бу кўрсаткичлар оралиқ натижаларни эмас, балки меҳнатнинг пировард натижасини ифода қилиши керак.

Меҳнатни ташкил қилишнинг деҳкон, фермер, оила пудрати шароитида ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси, яъни маҳсулот, ялпи даромад ва фойда учун ҳақ тўлашни жорий қилиш мумкин.

Пайчилик асосидаги ширкат хўжаликлари аккорд мукофот ҳақ тўлашни кўллаш оилавий пудратчиларни пировард натижага рағбатлантиради.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг моҳияти ва тамойиллари?
2. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизими.
3. Меҳнатнинг оралиқ ва оқибат натижаларини қандай кўрсаткичлар ифода қиласди?
4. Аккорд мукофот иш ҳақинининг моҳияти.
5. Ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларида аккорд расценкалар қандай белгиланади?
6. Корхонанинг раҳбар ва мутахассисларига қандай тартибда ҳақ тўланади?

### **Асосий адабиётлар**

1. «Ўзбекистон Республикасининг корхоналар тўғрисида»ги қонуни. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – фаровонлик манбаи. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. -Т., 1998.
5. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш фаровонлик пойдевори. Сайланма асаллар, 9-том, 26-бет, 2001.
6. Справочник по оплату труда в республике Узбекистан. -Т.: Адолат, 1993.
7. Хусанов Р. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оила (жамоа) пудрати. -Т., 1999.
8. Кэмпбели Р, Макконнелл, Стэнли А, Брю Экономикс. Книга –2 гл – 30, стр 156-175. –М.: Республика, 1992.
9. Ҳамдамов Қ., Махмадиев У., Абдуллаев Р. Ўсимликчиликда оила пудрати, чорвачиликда ижара муносабатлари ва ялпи даромаддан ҳақ тўлаш. -Т., 1991.
10. «Справочник по оплаты труда в республике Узбекистан». -Т.: Адолат, 1993.

## **IX боб**

### **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ (ИШЛАР, ХИЗМАТ)ЛАР ТАННАРХИ**

#### **9.1. «Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулоти таннархи» тушунчаси**

Ҳеч бир тадбиркорлик фаолияти сарф-харажатсиз бўлмайди. Бозор иқтисоди шароитида ҳар бир корхона, фирма, қолаверса, ҳар бир шахс ўз фаолиятида юқори фойда олишга интилади. Бунга қандай қилиб эришилади? Бунга эришиш учун корхона, фирма, ўз фойдаси миқдорини кўпайтиришни мақсад қилиб қўйған ҳар бир шахс ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жараёнини шундай ташкил этиши керакки, бунда бир хил ҳажмда ишлаб чиқариладиган маҳсулотга имкони борича кам ишлаб чиқариш омиллари жалб этилиши ёки ишлаб чиқаришга кам харажат сарф қилиниши керак. Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнида жонли ва буюмлашган меҳнат сарф қилинади. Жонли ва буюмлашган кўринишдаги барча меҳнат сарфлари ишлаб чиқаришнинг ижтимоий харажатларини ташкил этади. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий харажатлари товар қийматини ифода қилиб, иш вақти билан ўлчанади.

Бозор талабига кўра, ишлаб чиқарилган ҳар қандай товар қиймати қўйидаги формула билан ифоланади:

$$W = C + V + M ;$$

Бу ерда:  $W$  - товар қиймати;

$C$  – сарф қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати;

$V$  – зарурый меҳнат натижасида яратилган зарурый маҳсулот қиймати;

$M$  – қўшимча меҳнат сарфи натижасида яратилган қўшимча маҳсулот қиймати.

Қўшимча маҳсулот қиймати товарларни ишлаб чиқариш жараёнидан то истеъмолигача бўлган босқичларда қатнашган жами тадбиркорлар фойдасининг манбаидир.

Бу ишлаб чиқариш ва савдо капитали билан қатнашган тадбиркорлар фойдаси, банк капитали кредити, ер эгаси рентаси, турли тоифадаги ижарачиларнинг ижара ҳақлари кўринишида намоён бўлади.

Агарда товар қийматидан қўшимча қиймат ( $m$ ) чегириб ташланса, товарда капиталлашган қийматни қоплайдиган эквивалент, яъни товар ишлаб чиқаришга сарфланган элементлар  $C + V$  қолади. Бу  $C + V$  товар ишлаб чиқарувчилар учун ишлаб чиқариш харажатларини ( $TC$ ) ташкил этади.

Ишлаб чиқариш харажатлари рубрикаси фақат товар ишлаб чиқариш учунгина тааллуқли бўлмай, ҳар қандай ишлаб чиқариш учун зарур. Чунки ишлаб чиқаришнинг доимо такрорланиб туриши унинг элементлари ҳам доимо такрорланиши ва ўзгариб туришини тақозо этади.

Пул-товар муносабатларига асосланган бозор иқтисоди шароитида ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархи шароитида намоён бўлади. Таннарх ёки ўртача умумий харажат (ATC) бир бирлик маҳсулот етишириш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг пулдаги ифодасидир. У қуидагича аниқланади:

$$ATC = \frac{TC}{Q}.$$

Назарий жиҳатдан ишлаб чиқариш харажатлари иқтисодчи ва бухгалтер нуқтаи назаридан ўрганилиши ва тушунилиши керак. Бухгалтер нуқтаи назаридан ҳақиқатда корхона томонидан қилинган ҳамма сарф-харажатлар ҳисобга олиниши талаб этилади ва ҳақиқий харажат сифатида ҳужжатларда акс эттирилади. Иқтисодчи нуқтаи назардан «иқтисодий харажатлар» тушунчаси мавжуд бўлиб, у ресурслар тақчиллиги ва улардан фойдаланишнинг муқобил йўллари ҳам борлигидан келиб чиқади. Шунинг учун бир ресурснинг бирор товар ишлаб чиқариш учун танлаб олиниши шу ресурс билан муқобил товарни ишлаб чиқариш имконияти бой берилганини кўрсатади. Иқтисодий харажат ҳар қандай ресурсдан фойдаланиш вариантлари ичидан энг самаралиси ишлаб чиқарилган товар қийматини ифода қиласи.

Иқтисодий баҳолашда харажатлар ташқи харажатларга ва ички харажатларга бўлинади. Ташқи харажатлар деб, фирма ресурслар етказиб берадиган ҳамкорларга қиласида ҳаражатлар тушунилади. Масалан, ташқаридан жалб қилинган меҳнат учун тўланган иш ҳаки, хомашёлар учун пул тўлови ва ҳ.к. Маҳсулот етишириш, иш, хизматларни бажариш учун пул тўланмайдиган, яъни ўз меҳнати ва ресурсларини сарфлаш ички харажатлар ҳисобланади.

Корхона ёки фирма нуқтаи назаридан ички харажатлар улардан фойдаланиш мумкин бўлган вариантларнинг энг самаралисидаги харажатнинг пулдаги ифодасига teng. Масалан, бир ходимнинг ўз мулки бўлса, у шу мулкни ўз хоҳишига кўра турли усулда тасарруф этиши – тадбиркорлик билан шуғулланиши ва мулкни бошқаришга ёки ижарага бериши, ўзи бўлса бирор фирмага ишга ёлланиб, иш ҳаки олиши мумкин. Шу вариантлардан қайси бири кўпроқ самара келтирса, шу вариантдаги харажатлар ички харажатни ифода қиласи. Ишлаб чиқариш харажатлари етишириладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмига боғлиқлигига кўра, доимий харажатларга ва ўзгарувчи харажатларга бўлинади. Умуман олганда, доимий харажат бўлмайди. Ҳамма нарса ўзгаради. Лекин вақт нуқтаи назаридан, яъни ишлаб чиқаришни қисқа вақтдаги фаолияти (5-10 йил) нуқтаи назардан бундай шартли тушунчаларни доимий харажатлар (TFC) ҳамда ўзгарувчи харажатларга (TVC) бўлиш мумкин. Доимий харажатлар деб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган, яъни ишлаб чиқариш ҳажми ўсганда ёки камайганда ҳам ўзгармай, доимий ҳолда қоладиган харажатларга айтилади.

Доимий харажатларга (TFC) бино-иншоотлар, ўрнатилган ускуналар, тўланиши керак бўлган турли- туман мажбуриятлар, рента тўловлари, сугурта

бадаллари, юқори мансабдор раҳбарлар маоши ва шу кабилар киради. Доимий харажатлар ишлаб чиқаришнинг ҳамма даражаларида, ҳатто «0» даражада ҳам мавжуд бўлади.

Ўзгарувчи харажатлар (TVC) деб, ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлган, у ўзгариши билан миқдори ўзгариб турадиган харажатларга айтилади. Ўзгарувчи харажатларга хомашёга, ёқилғилар, турли-туман энергия, транспорт хизмати, иш ҳақининг кўпчилик қисми ва шу кабиларга қилинган харажатлар киради.

Корхонанинг умумий харажатлари (TC) уларни қоплаш тартибига кўра, ишлаб чиқариш харажатлари (ишлаб чиқариш таннархига) ва давр харажатларига бўлинади.

Ишлаб чиқариш харажатларида (ишлаб чиқариш таннархига) корхонада, фирмада маҳсулот етиштириш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилса, давр харажатларида ишлаб чиқаришни бошқариш ҳамда маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар акс эттирилади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳақиқий таннарх ҳамда меъёр таннарх аниқланади.

Бухгалтерия ҳисоб-китобларида ҳақиқатда акс эттирилган маълумотларга асосан ҳисобланган таннарх ҳақиқий таннарх, деб аталади.

Корхонанинг Бизнес-режасида қабул қилинган меъёр ва меъёрларга ва режалаштирилган кўрсаткичларга асосан ишлаб чиқилган таннархга меъёр таннарх, деб аталади. Ҳақиқий таннарх бўйича корхонанинг хўжалик-молиявий фаолиятига баҳо берилади. Норматив таннархга кўра, корхонанинг келажаги, уни бошқариш, турли ишлаб чиқариш, технологик ҳамда молиявий тадбирларга баҳо берилади, корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари аниқланади ва асосланади.

## 9.2. Харажатлар таркиби ва гурухлари

Ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархи корхоналар фаолиятининг энг муҳим иқтисодий кўрсаткичи бўлиб, уларни тўғри аниқлаш корхона молия-хўжалик фаолиятини тўғри ташкил қилиш, мулкдорлар учун корхона тўғрисида аниқ ахборотларни бериш, бошқарувчилар учун самарали ечим ва қарорлар қабул қилиш, солиқ хизмати билан манфаатли алоқалар ўрнатиш имконини беради. Шунинг учун харажатларни тўғри ҳисобга олиш, ўз жойида акс эттириш ва шунга кўра таннархнинг тўғри ҳисоби корхона ҳисобчи ходимлари ва иқтисодчиларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Корхоналар фаолиятининг бозор қонунлари асосида ташкил этилиши ҳисоб-китоб ишларини халқаро андозалар бўйича ташкил этишни тақозо қиласи. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йилда «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилди. Шу қарорга кўра «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқланиб, 1995

йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистондаги барча корхона (фирма) ларда хисоб-китоб ишлари ва молиявий кўрсаткичларнинг халқаро стандартларга тўғри келадиган тартиби жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан ушбу низомнинг ўзгартирилган ва тўлдирилган янги варианти жорий этилди.

Хисоб-китоб ишларини олиб борища, корхона молиявий фаолиятини шакллантиришда янгича талаблар қуидаги ҳоллардан келиб чиқади:

1. Корхоналарнинг турли-туман мулк негизида шаклланиши ва шунга кўра, хўжалик ва молиявий фаолиятини юритишда кенг эркинлик берилиши.

2. Корхонанинг хўжалик, иқтисодий алоқалари ва айниқса ташқи иқтисодий алоқаларининг кенгайиши.

3. Мулкдорлар ва акционерлар учун корхона фаолиятини тўлиқ акс эттирувчи аниқ ахборотларнинг зарурлиги.

4. Корхона фаолиятининг кенгайиши ва мураккаблашуви, корхонанинг ишлаб чиқариш билан бир қаторда, товар хомашё, меҳнат ва молия бозорларида қатнашуви ва шу жараёнда харажатлар ва даромадлар содир бўлиши.

5. Солик тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши, бевосита соликлар аҳамиятининг ошиши – буларнинг ҳаммаси ҳисоб-китоб ишларини янгича ташкил этишни тақозо этди.

Маълумки, маҳсулот етиштириш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш учун турли-туман харажатлар қилишга тўғри келади. Уларнинг айрим турлари у ёки бу турдаги маҳсулотга тўппа-тўғри тааллукли бўлса, бошқа турлари, бевосита тааллукли бўлмай, билвосита таъсир этади.

Масалан, уруғлик, ўғит, пахтага бевосита ишлов берган ходимларнинг иш ҳақи пахта етиштириш жадвалидаги бевосита харажатлар ҳисобланса, транспорт хизмати, умумахамиятга эга бўлган тракторларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари, фақат ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлиб қолмай, бошқа соҳа ва хизматларга тааллукли бўлиши мумкин, маҳсулотни сақлаш ва сотиш харажатлари мутлақо ишлаб чиқаришга тааллукли эмас.

Мазкур низомга мувофиқ, барча харажатлар қуидагиларга гурухланади:

- маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган;
- ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- фавқулодда заарлар.

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси талабидан келиб чиқадиган харажатлар бўлиб, улар ўз навбатида қуидаги гурухларга бўлинади.

- а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар;

Шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

2. Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойда билан қилинадиган ва давр харажатларига киритиладиган харажатлар.

- а) сотиш харажатлари;
- б) бошқариш (маъмурий) харажатлари;
- в) бошқа операцион харажатлар ва заарлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки заарни ҳисоблаб чиқища ҳисобга олинган харажатлар:

- а) фоизлар бўйича харажатлар;
- б) хорижий валюта билан операциялар бўйича курс тафовути;
- в) қимматли қофозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

4. Фавқулодда заарлар – хўжалик юритувчи субъектларни одатдаги фаолиятидан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлар моддалариdir.

У ёки бу модданинг фавқулодда заарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у қуидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- корхонанинг одатдаги хўжалик фаолиятига хос эмаслиги;
- бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги;
- бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмаслиги.

Махсулот (ишлар, хизматлар) нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра, қуидаги элементлар бўйича гурухланади:

- ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳак тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий сугурта ажратмалари;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган моддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Корхона (фирма)ларда маҳсулотлар таннархини тўғри аниқлаш учун харажатлар уларнинг айрим элементлари билан бир қаторда айрим моддалар бўйича ҳам гурухларга бўлинади.

Моддалар бир ва кўп элементли (комплекс) моддалардан ташкил топган бўлиши мумкин. Масалан, уруғлик, ем-хашак, ўғитлар – булар бир элементли харажат моддаси бўлса, транспорт хизмати, маъмурий бошқарув харажатлари кўп элементли (комплекс) модда ҳисобланади.



### **9.3. Маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш, калькуляция қилиш**

Қишлоқ хўжалик корхоналарида айрим турдаги маҳсулотлар, ўсимчиликда дон, пахта, шоли ва ҳ.к.лар, чорвачиликда сут, ўстирилган вазн, жун, тухум ҳамда тирик вазн таннархи аниқланади.

Шунинг учун қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш, калькуляция қилиш учун харажатлар қабул қилинган элементлар ва моддаларга мувофиқ экинлар тури ёки гуруҳи, чорвачиликда эса чорва моллари тури ва гурухлари бўйича ҳисоблаб борилади.

Маҳсулот таннархини аниқлаш учун харажатларнинг айрим гурухлар ва турлар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб борилишига танархни калькуляциялаш, дейилади.

Харажатлар ҳисобга олинадиган объектлар калькуляция обьекти, деб айтилади. Ўсимликиликда калькуляция обьекти сифатида айрим экин турлари, масалан, пахта, кузги ёки баҳорги буғдой, шоли ва ҳ.к., чорвачиликда сут қорамол подаси, ўстириладиган пода, чўчқалар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Айрим маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ҳажми унчалик катта бўлмаса, калькуляция обьекти сифатида экинлар гуруҳи, масалан, бошоқли дон экинлари, сабзавотлар, полиз ва шу каби ишлаб чиқариш технологияси, маҳсулотдан фойдаланиш хусусияти билан бир-бирига яқин экинларнинг бир гуруҳи калькуляция обьекти сифатида қабул қилинади ва улар бўйича харажатлар режалаштирилади ҳамда ҳисобланади. Маҳсулотлар таннархини калькуляция қилинда жами харажатлар тўғри – бевосита харажатларга ва эгри – билвосита харажатларга бўлинади. Бундан ташқари, харажатлар маҳсулотни яратишдаги ўрнига кўра, асосий харажатларга ва устама харажатларга бўлинади. Маҳсулотни етиштириш технологияси билан бевосита – тўғри боғлиқ бўлган ва маҳсулот таннархига тўппа-тўғри олиб бориладиган харажатлар асосий – тўғри харажат, деб аталади. Бунга уруғлик, ем-хашак бевосита ходимларнинг меҳнат ҳақи киради. Маҳсулот етиштириш технологияси билан бевосита боғланган, лекин бир неча экин турига ёки гурухига тааллукли бўлган харажатлар асосий комплекс харажат ҳисобланиб, калькуляция обьектларига маълум кўрсаткичларга асосан тақсимланади.

Масалан, суғориш билан боғлиқ бўлган умумий харажатлар экин турларига ёки экинлар гурухига, уларда бажарилган суғориш ишлари гектарларга, тракторларнинг умумий харажатлари бажарилган трактор ишлари (жисмоний гектар, этalon гектар, машина соатлари) га мутаносиб тақсимланади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган билвосита – эгри харажатлар, маҳсулот таннархига, яъни экинлар, чорва моллари тури ва гурухларига, шу харажатлар хусусиятини ифода этадиган бирор кўрсаткичга мутаносиб тақсимланади.

Маҳсулотларни сотиш, корхонани бошқариш ва бошқа операцион харажатларни ўзида мужассамлаштирган давр харажатлари маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда ҳисобидан қопланади.

Лекин бирор маҳсулот етиширишни ва уни сотиш билан боғлиқ натижаларни аниқлаш, унга иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш учун шу эки маҳсулотнинг фойдалилигини аниқлаш зарур бўлган, давр харажатларининг у ёки маҳсулотдаги салмоғини аниқлашга тўғри келганда бу салмоқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатларидаги салмоққа асосан тақсимланади.

Масалан, корхонанинг жами ишлаб чиқариш харажатлари 20 млн. сўмни, давр харажатлари 20 млн. сўмни ташкил этса, ишлаб чиқариш харажатлари таркибида давр харажатлари 10%ни ташкил этган бўлади. Агар корхонада пахта хомашёсини етишириш билан боғлиқ ишлаб чиқариш харажатлари 100 млн. сўмга teng бўлса, унда давр харажатларининг пахта хомашёсига тўғри келадиган қисми 10 млн. ( $100 \times 10 : 100$ ) сўмга teng бўлади. Унда пахта хомашёсини етишириш ва сотиш билан боғлиқ жами харажат 110 млн. сўмга teng.

Қишлоқ хўжалигининг ўсимчилик ва чорвачилик тармоқларида алоҳида калькуляция обьекти ҳисобланган экин турлари ва чорва гурӯхларидан биологик хусусиятларига кўра, бир эмас, бир неча маҳсулот олиниши мумкин. Уларни ишлаб чиқариш мақсади ва хўжаликда тутган ўрни ва аҳамиятига кўра:

- асосий маҳсулотларга;
- ёндош маҳсулотларга;
- қўшимча маҳсулот ёки чиқиндиларга бўлиш мумкин.

Асосий маҳсулот – ишлаб чиқариш мақсадини ифода қиласиган маҳсулот ва айнан шу маҳсулотни етишириш учун ишлаб чиқариш, ҳатто, корхона ташкил этилган бўлади.

Ёндош маҳсулот – асосий маҳсулотдан кейинги ўринда турадиган маълум товарлик аҳамиятга ёки корхонада бирор мақсадда фойдаланиш имконига эга бўлган маҳсулот.

Қўшимча маҳсулот ёки чиқиндилар – асосий ва ёндош маҳсулотлар билан бирга шаклланадиган, корхона учун унчалик аҳамиятга эга бўлмаган, аммо бирор мақсадда фойдаланилдиган, шунга кўра қийматга эга бўлган маҳсулотлардир.

Масалан, катта ҳажмда бошоқли экинларни парвариш этувчи корхонада шу бошоқли экинлардан пировардида – дон, дон чиқиндилари, сомон ёки похол етиширилди. Бунда дон (тўла саралаб, талаб даражасига келтирилиши) – асосий маҳсулот, дон чиқиндилари ёндош маҳсулот, сомон ёки похол қўшимча маҳсулот ёки чиқинди ҳисобланади.

Шу каби сут қорамолчилигига сигирлардан сут, бузоқ ҳамда гўнг олинади. Бунда сут асосий маҳсулот, бузоқ ёндош маҳсулот, гўнг эса чиқинди ҳисобланади.

Экин турлари ва чорва молларидан олинган ёндош ва қўшимча маҳсулотлардан корхонада бирор мақсадда фойдаланилган тақдирда

калькуляция обьектида жамланган харажатларнинг бир қисми шу маҳсулотларга тааллуқли бўлиши керак.

Экин турини ва чорва гурухини ифода этувчи калькуляция обьектида жамланган ҳамма харажатларни асосий, ёндош ва чиқиндилар ўртасида тақсимлаш ҳамда шу маҳсулотлар таннархини аниқлашда қуидаги усуллардан фойдаланилади:

1. *Харажатларни маълум техник-иктисодий жиҳатдан асосланган коэффициентларга биноан тақсимлаши.* Бунда маҳсулотлардан бирининг бирлиги бир-бирига, қолганларининг бирлиги шу бирликка нисбатан коэффициентда ифоланади. Масалан, бошоқли экинлар донининг бир бирлигини 1,0 коэффициентга, дон чиқиндиларини улардан тўла аҳамиятли донлар миқдори 30% бўлганда – 0,3, сомон ёки похолни 0,08 коэффициентга тенг деб олсак, дон чиқиндилари – сомон ёки похолни шу коэффициентларга кўра, тўла аҳамиятли шартли дон миқдорига айлантириш мумкин.

2. *Харажатларни асосий, ёндош ва қўшимча маҳсулотларнинг бозор баҳоларида аниқланган қийматларига мутаносиб тақсимлаши орқали.* Бозор баҳоси бўлмаган маҳсулотлар қийматини аниқлашда, шу маҳсулотларни озиқа бирлиги миқдори аниқланиб, бир озиқа бирлиги сифатида бир килограмм сули миқдорида қабул қилингани учун шу сули баҳосида баҳоланган озиқа бирлиги қийматидан фойдаланиш мумкин.

3. *Харажатларнинг у ёки бу турдаги маҳсулотга сарф бўлишини эксперт йўли билан баҳолаши* ва шунга кўра, харажатларнинг айрим маҳсулотдаги салмоғини белгилаш.

Масалан, сут қорамолчилигига қўшимча ёки чиқинди ҳисобланган гўнг дехқончиликда қимматли маҳаллий ўғит ролини ўтганлиги учун уни чорва биноларида тайёрлаш ва доимий сақлайдиган жойига келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар сут қорамолчилигининг умумий харажатларидан чегириб ташланади. Бундан кейинги қолган харажатлар сут ва бузоқ учун тақсим қилинади. Эксперт баҳоларига кўра, харажатларнинг 90%и сутга ва 10%и бузоқка тўғри келиши аниқланган бўлиб, сут ва бузоқ таннархини калькуляция қилишда шу нисбатлардан фойдаланиш тавсия этилган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўсимликчилик тармоқларида таннархни аниқлаш обьекти экин турлари ёки гурухларидан олинадиган маҳсулотлар ҳисобланади – асосий, ёндош ва қўшимча ёки чиқинди маҳсулотлари.

Масалан, кузги буғдой калькуляция обьекти 1 гектар майдонга қилинган жами харажатлар - 120 минг сўмни ташкил қиласди. 1 гектардан олинган ҳосил: дон – 40 центнер, дон чиқиндиси - 20 центнер ҳамда сомон – 50 центнер. Экспертлар ҳисобига кўра, 1 кг. дон чиқиндисида 0,3 кг. тўла аҳамиятли дон мавжуд. Сомонни даладан йиғишириш, пресслаш ва доимий сақлаш жойига келтириш харажатлари 1 т. ҳисобига 2000 сўмни ташкил этади. Бунда 50 центнер сомонга қилинган харажатлар 10 минг (5tx2000) сўмни ташкил этади. Ва бу харажат 1 гектарда кузги буғдойни етиштириш учун қилинган жами

харажатдан чегириб ташланганда асосий ва ёндош маҳсулот учун 110 минг (120-10) қолади. Бозор баҳосида кузги буғдойнинг 1 центнери 3500 сўм, дончиқиндиси 1200 сўм бўлганда доннинг қиймати 140 минг (40x3500) сўмни, дончиқиндисининг қиймати 24 минг (20x1200) сўмни, жами асосий ва ёндош маҳсулот қиймати 164 минг (140x24) сўмни ташкил қилиб, асосий маҳсулот қиймати жами маҳсулот қийматида 85% ташкил этади. Шунга кўра, 1 гектар кузги буғдойга қилинган жами харажатларнинг 110 минги, яъни 85%и донга тааллуқли бўлиб, у 935 минг (110x085) сўмни ташкил қилганда 1 центнер доннинг таннархи 2337 сўмни (935:40), 1 центнер дончиқиндисининг таннархи 725 сўмни (16,5:20) ташкил қиласди. Шундай қилиб, хўжаликда етиштирилган кузги буғдой донининг 1 центнери таннархи 2337 сўмни, дончиқиндисининг таннархи 825 сўмни ва 1 центнер сомоннинг таннархи 200 сўмни ташкил қиласди.

Чорвачиликда ҳам калькуляция обьекти ҳисобланган чорва моллари тури ва гурухларидан бир неча турдаги маҳсулот олинганлиги учун шу маҳсулот турлари таннархини аниқлашда харажатлар асосий, ёндош ва қўшимча маҳсулотлар ўртасида юқорида келтирилган усуллардан бирини қўллаш орқали тақсимланади.

Масалан, 1 бош сигирни асраш ва боқиши учун бир йилда 85000 сўм ишлаб чиқариш харажати қилиниб, 35 центнер сут, 1 бош бузоқ ва 10 т. гўнг олинган бўлсин. Чорвачилик фермасида ҳисоб-китобларга кўра, гўнгни тайёрлаш ва сақлайдиган жойга элтиб қўйиш билан боғлиқ харажатлар 1 т. гўнг ҳисобига 550 сўмни ташкил этганда бир сигирдан олинган 10 т. гўнгта қилинган харажат 5500 сўмни ташкил этади. Гўнг сут қорамолчилигига чиқинди ҳисобланганлиги учун унга тўғри келган 5500 сўмлик харажат, жами сигираларни сақлаш харажатларидан чегириб ташланади ва қолган қисми асосий ва ёндош маҳсулотлар ўртасида тақсимланади. Қабул қилинган тартибга кўра, асосий ва ёндош маҳсулотларга тўғри келадиган харажатларнинг 90%и сутга ва 10%и бузоқка тааллуқли бўлади. Бунда сутнинг таннархи – 20,5 сўмга тўғри келади:

$$(T_{\text{сүт}} - \frac{(X_{1,2,3} - X_3 / 09)}{M}) = \frac{(85000 - 5500) \cdot 09}{35}$$

$$1 \text{ бош бузоқ таннархи} - 7950 \text{ съмга} \quad T_{\text{бузоқ}} - \frac{(X_{1,2,3} - X_3) \cdot 01}{M} = \frac{(85000 - 5500) \cdot 01}{1}$$

Ўзбекистон Республикасида қўйчиликнинг қоракўл йўналиши кенг ривожланган. Қоракўл қўйларидан қоракўл териси, жун, қўзи ва ўстирилган вазн олинади. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси амалда фойдаланганлиги учун улардан ҳар бирининг таннархи аниқланади. Қоракўлчиликда асосий, ёндош ва қўшимча маҳсулотлар таннархи жами харажатни маҳсулотлар харид баҳоларида ҳисобланган қиймати салмоғига мутаносиб тақсимлаш орқали аниқланади. Бунда қўзилар туғулган вақтдаги вазнига кўра ўстирилган вазнга айлантирилиб, ўстирилган вазн қиймати гўштнинг харид баҳосида аниқланади.

Масалан, 100 бош қоракўл қўйнинг ишлаб чиқариш харажатлари бир йиллик суммаси 412000 сўмни ташкил этганда.

4-жадвал

### **Қоракўлчиликдан олинган маҳсулотлар таннархи**

Маҳсулот турлари	Миқдор и	Сотиш баҳоси	Қиймат сўм	Салмоғ и%	Харажат	Таннархи, сўм
1. Қоракўл тери	40 дона	800	32000	58	23896	597
2. Жун	2 цент.	7000	14000	2,5	10300	5150
3. Ўстирилган вазн	20 цент.	22000	440000	79,7	33304	16918
4. Олинган қўзи	100 бош 3 цент.	22000	66000	12,0	49440	4944
Жами	X	X	552000	100	412000	X

\*Ҳар бош қўзининг туғилган вақтдаги вазни 3 кг.

Юқорида қайд этганимиздек, чорвачиликда етиштирилган сут, ўстирилган вазн, қирқиб олинган жун ва ҳ.к. билан бирга тирик вазн таннархи аниқланади. Чорвачиликнинг ҳамма соҳаларида ўстирилган вазн таннархидан тирик вазн таннархини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига иқтисодий баҳо бериш, ишлаб чиқариш даражаси, унинг йўналиши, самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаш учун фойдаланилади. Шунингдек, корхонанинг хўжалик-молиявий фаолияти фойда-зиённи аниқлаш, хўжалик ҳисобини ташкил қилиш учун ҳам тирик вазн таннархидан фойдаланилади.

Чорва молларининг маълум турлари бўйича тирик вазн таннархи ўстирилган вазн, олинган бузоқ қиймати, шу гуруҳдаги молларнинг йил бошига бўлган баланс қиймати, йил давомида ўстириш ва семиртириш учун кирим қилинган моллар қиймати йифиндисини шу гуруҳдаги моллар вазни йифиндисига бўлиш орқали аниқланади.

$$T_{T.B} = \frac{ИБ \cdot К + УВК + ОБК + К \cdot К}{ИБ \cdot В + УВ + ОБВ + КВ - Н \cdot В};$$

Бу ерда: Т<sub>T.B</sub> – тирик вазн таннархи;

ИБ.К – йил бошига бўлган шу гуруҳдаги моллар қиймати;

ИБ.В – шу моллар вазни;

УВК – ўстирилган вазн қиймати;

УВ – ўстирилган вазн миқдори;

ОБК – олинган бузоқ қиймати;

ОБВ – олинган бузоқ вазни;

К.К – кирим қилинган моллар қиймати;

КВ – кирим қилинган моллар вазни;

Н.В – нобуд бўлган моллар вазни.

1 центнер тирик вазн таннархига кўра, сотилаётган мол ва паррандалар таннархи ҳамда асосий подага ўтказиладиган ва йил охирига қоладиган моллар таннархлари ёки харажатлари белгиланади.

Корхонада ишлаб чиқариш самарали бўлишига эришиш, бошқаришни соддалаштириш мақсадида хизмат кўрсатиш соҳалари ёки тармоқлари ташкил этилиб, улар ишлаб чиқариш бўлинмалари мақомида бўлиб, алоҳида калькуляция объекти ҳисобланади. Улар фаолияти билан боғлиқ умумий харажатлар алоҳида комплекс модда сифатида ҳисоблаб борилади ва йил охирида хизмат кўрсатилган соҳаларда бажарган ишларга мутаносиб ҳолда тақсим қилинади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида қуидаги хизмат кўрсатиш бўлинмалари ташкил этилиши мумкин:

- машина-трактор парки;
- таъмир устахонаси;
- юқ автомобиль парки;
- жонли тортув кучи;
- электр хўжалиги;
- машина-мелиоратив отряд ва х.к.

Машина-трактор паркларининг бажарган ишлари асосан эталон-гектарларда, автотранспорт ишлари машина-соатларда ёки т.-километрда, жонли тортув кучи билан бажарилган ишлар от кунларида, электр хўжалиги эса киловат-соатларида ўлчанади.

Бу соҳалар ишлари таннархи умумий қоидаларга асосан харажатларни элементлар ва моддалар бўйича ҳисоблаш орқали аниқланади. Хизмат кўрсатувчи соҳалар харажатлари тўла- тўқис ўзлари хизмат кўрсатган тармоқларда бажарилган ишларга тақсим қилинади ва йил охирида қолдиқ қолмайди.

Масалан, корхонанинг трактор парки ҳамма соҳаларда 100 минг эталон гектар иш бажариб, трактор паркининг бир йиллик жами харажати 4500 минг сўмни ташкил этган бўлса, унда 1 эталон-гектар бажарилган иш таннархи 45 сўмни ( $4500:100$ ) ташкил этади. Агарда бир йилда 100 минг эталон-гектарни бажарилган ишнинг 60 минги пахтачиликда амалга оширилган бўлса, трактор парки харажатларининг 2700 минг ( $60000 \times 45$ ) сўми пахта таннархига бориб тушади. Харажатлар бошқа иш бажарилган соҳаларга худди шу тартибда ҳам бориб тушади.

Шунинг учун хизмат кўрсатувчи тармоқлар ишини тўғри ташкил қилиш бу соҳадаги харажатларни камайтириш, бажарилган ишлар таннархини арzonлаштириш, пировард натижада маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш, улар самарадорлигини ошириш, рақобатбардошлигини таъминлаш йўлларидан биридир.

#### 9.4. Фойда ва рентабеллик

Фойда ва фойдалилик барча корхоналар каби қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг энг асосий ва якуний кўрсаткичидир.

Фойда миқдори ва фойдалилик даражаси корхонанинг қанчалик самарали ташкил этилганини, унинг ривожланиш даражасини, рақобатбардошлигини, иқтисодий барқарорлигини кўрсатади.

Ҳозир амалда қўлланилаётган низомга кўра, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижаларини шакллантиришда фойданинг қуидаги кўрсаткичларидан фойдаланилади:

**1. Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда.** Бу маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

### **ЯФкССТ-ИТ**

Бу ерда: ЯФ - ялпи фойда; ССТ- сотишдан олинган соф тушум; ИТ- сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

**2. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда.** Бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа заарлар сифатида аниқланади:

### **АФФқ Яф-ДХҚБД-БЗ.**

Бу ерда: АФФ- асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ- давр харажатлари;

БД- асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ- асосий фаолиятдан кўрилган бошқа заарлар.

**3. Хўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарар.** Бу асосий фаолиятидан олинган фойда суммаси, плюс молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва минус кўрилган заарлар сифатида аниқланади.

### **УФқ АФФҚМД-МХ**

Бу ерда: УФ- умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

МД- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МЗ- молиявий фаолиятдан кўрилган заралар.

**4. Солиқ тўлангунгача олинган фойда.** Бу умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус заарлар сифатида аниқланади.

$$СТФ = УФ + ФФ - ФЗ$$

Бу ерда: СТФ- солиқ тўлангунгача бўлган фойда;

ФФ - фавқулотда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ- фавқулотда вазиятлардан кўрилган зарар.

**5. Йилнинг соф фойдаси** – солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида, яъни корхона (фирма) ихтиёрида қоладиган ҳамда хўжалик субъекти мустақил тасарруф этадиган фойдадир. Уни солиқлар тўлангунга қадар бўлган фойдадан, даромаддан (фойдадан) солиқни ҳамда қонун

хужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда аниқланади:

$$СΦ = СТΦ - DC - BC$$

Бу ерда: СФ- соф фойда;

ДС- даромад (фойда) дан тўланадиган солиқлар;

БС- бошқа солиқлар ва тўловлар.

Хўжалик юритувчи субъектлар, яъни корхона (фирма)лар томонидан уларнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш натижасида олинадиган даромадларнинг манбалари қўйидагилар:

а) сотишдан олинган соф тушум;

б) асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (оперция даромадлари);

в) молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

г) фавқулодда даромадлар.

Корхона даромадининг асосий манбаи маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан келиб тушадиган пул тушумидир.

**Соф пул тушуми.** Бу умумий пул тушумидан қўшилган қиймат, аксиз солиги ва экспорт божи олиб ташлангандан кейин қолгани.

Асосий ишлаб чиқиши фаолиятидан олинадиган бошқа даромадларга ундирилган ёки эътироф этилган қарзлар, хисоб йилида олинган ўтган йилги фойда, ошхоналар ва ёрдамчи хизмат даромадлари, асосий воситаларни тугатишдан келган даромадлар, давлат субсидиялари, холисона моддий ёрдам ва бошқа даромадлар киради.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларга олинган кредитлар ва сармоя трансферти, қимматбаҳо қоғозлар бўйича даромадлар; мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш), валюта ижобий курси тафовутлари, қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган ва бошқа даромадлар киради.

Фавқулодда фойда – кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган, ҳодиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидаги, четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олиниши кутилмаган фойдалар.

Корхона молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда фойданинг умумий суммасини билиш билан бирга улар қандай харажатлар эвазига олинаётганлиги, ишлаб чиқаришнинг фойдалилилик даражасини, маблағлар (пул ва моддий) қандай даражада айланаётганлигини билиш ҳам мулқдорлар, ҳам ҳамкорлар ҳамда тадбиркорлар учун ўта аҳамиятли хисобланади. Шунинг учун корхонанинг молиявий хисботида фойдалилик даражаси ва маблағлар айланишини ифода этувчи қўйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

1. Корхонани ҳамма фаоллари рентабеллиги (РАК):

$$PAK = \frac{C\Phi}{AK};$$

Бу ерда: АК- корхонанинг ҳамма фаоллари суммаси.

Корхонанинг ҳамма фаоллари рентабелиги барча мулқдор ва кредиторлар томонидан корхона фаолларига қўйилган маблағларнинг бир сўмига тўғри келадиган соф фойда, корхонанинг фаолларидан қанчалик даражада фойдаланилганлигини ифода қиласи.

2. Ўз капиталнинг рентабелиги (РЎК):

$$РУК = \frac{СФ}{УК};$$

Бу ерда: ЎК- ўз капиталининг ўртача йиллик қиймати (Устав капитали плюс қўшимча капитал плюс заҳира капитал).

Ўз капиталининг рентабелиги – мулқдорлар, мулк эгаллари томонидан корхонанинг сарфланган ўз маблағларини, қўшимча олинган соф фойдани ифода қиласи ва ўз маблағларидан фойдаланиши фойдалилик даражасини ифода этади.

3. Сотилган маҳсулот рентабеллиги (PCM) ёки ялпи фойда бўйича рентабеллик (РЯФ):

$$PCM = \frac{ЯФ}{CCT};$$

Бу ерда: PCM- сотилган маҳсулот рентабеллиги.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги сотилган маҳсулотнинг ҳар бир сўми қанча ялпи фойда келтирганини кўрсатади.

4. Соф фойда бўйича рентабеллик (PCФ):

$$PCФ = \frac{СФ}{CCT};$$

Бу ерда: PCФ- соф фойда бўйича рентабеллик.

Соф фойда бўйича рентабеллик ҳар бир сўм сотилган маҳсулот корхона учун қанча соф фойда келтиришини ёки сотилган маҳсулот таркибида қанча соф фойда борлигини ифода қиласи.

5. Бир акция рентабеллиги:

$$\Phi \setminus A = \frac{СФ}{AC};$$

Бу ерда: ФА - битта акцияга тўғри келган фойда;

АС- муомалага чиқарилган акциялар сони.

Бир акция рентабеллиги муомалага чиқарилган бир акцияга қанча соф фойда тўғри келишини кўрсатиб, бу бир акция қиймати бирлигига ёки бир акциянинг ўзига дивидент белгилашда кўлланилади.

6. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (РИХ) айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларнинг бир сўмига олинган ялпи фойдани ифода қиласи. Бу кўрсаткич маҳсулотлар ва экинларнинг солиштирма самарадорлигини аниqlашда кенг фойдаланилади.

$$РИХ = \frac{ЯФ}{ИХ - ДХ};$$

Бу ерда: РИХ- маҳсулотларни ишлаб чиқариш рентабеллиги.

Маблағлар жараёнларининг айланиш кўрсаткичлари.

1. Корхона ҳамма фаолларининг айланиши.

Активларнинг айланиши – корхона фаолига қўйилган маблағларнинг бир сўми қанча сўмли сотилган маҳсулот қийматини келтирганини кўрсатади.

$$AKA = \frac{CCT}{AK};$$

Бу ерда: АКА- корхона фаолларининг айланиши;

АК- ўртacha йиллик фаоллар қиймати.

2. Айланма маблағларнинг айланиш сони:

$$AC = \frac{CCT}{AYK};$$

Бу ерда: АС- айланма маблағларни айланиш сони.

АҮК- айланма воситаларни ўртacha йиллик қолдиғи.

3. Дебитор қарзларнинг айланиши (АД):

$$AD = 365 \cdot \frac{CCT}{DK};$$

Бу ерда: ДК- дебитор қарзи.

Дебитор қарзларнинг айланиши харидор қарзини неча кунда узиши мумкинлигини кўрсатади.

4. Кредитор қарзларнинг айланиши (АК):

$$AK = 365 \cdot \frac{CMT}{KK};$$

Бу ерда: СМТ- сотилган маҳсулот таннархи;

КК- кредитор қарзи.

Кредитор қарзларнинг айланиши (кунда) маълум корхонага ўз қарзини узиш учун неча кун кераклигини кўрсатади.

5. Моддий ишлаб чиқариш заҳиралари айланиши (АЗ):

$$AZ = \frac{CMT}{MIZ};$$

Бу ерда: АЗ-моддий ишлаб чиқариш заҳиралари айланиши.

Моддий ишлаб чиқариш заҳиралари.

Юқорида келтирилган молиявий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари корхона фаолиятини таҳлил қилиш, тадбиркорликнинг мақбул ва самарали йўлларини белгилаш, инвестицияларни жалб қилиш имконини беради.

## Қисқача хulosалар

Ҳар бир тадбиркорлик фаолияти сарф-харажатлар бўлишини тақозо этади. Тадбиркорлик фаолияти жараёнида сарф этилган барча меҳнат харажатлари ижтимоий харажатларни ташкил этади ва у товар қийматини ифода қиласди:  $W = C + V + M$

Товар ишлаб чиқарувчи томонидан товар ишлаб чиқариш учун сарф қилинган харажатлар ( $C-V$ ) ишлаб чиқариш харажатларини ташкил этади.

Маҳсулот таннархи – маҳсулот бирлигини етиштириш учун сарф қилинган ишлаб чиқариш харажатидир. Маҳсулот таннархи ўртача умумий харажатдан иборат:

$$ATC = TC/Q.$$

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилдаги 54-сонли қарорига асосан харажатлар таркиби молиявий натижаларни белгилаш ҳақидаги низомига кўра, ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ва таннархни аниқлаш тартибини белгилаб беради.

Янги низом корхоналар молиявий, бошқарув фаолиятини тартибга солиш имконини беради.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ижтимоий харажатлар ва таннархнинг моҳияти нималардан иборат?
2. Амалдаги низомга кўра тадбиркорлик харажатлари таркиби қандай?
3. Ишлаб чиқариш ва давр харажатлари ва уларнинг таркиби нималардан ташкил топган?
4. Харажатларнинг турланиши?
5. «Маҳсулот таннархи» тушунчаси ва турлари?
6. Ўсимлиқчилик маҳсулотлари таннархини калкуляция қилиш.
7. Чорвачилик маҳсулотлари таннархини калкуляция қилиш.
8. Хизмат соҳалари иши маҳсулотлари таннархини калкуляция қилиш?

## **Асосий адабиётлар**

1. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори.
2. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалик тараққиёти – фаровонлик манбаи. -Т.: Ўзбекистон 1994.
3. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалик тараққиёти – тўқис ҳаёт манбаи. -Т., 1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т., 1999.
5. Роберт Н. Антони. Основў бухгалтерского учета. -М., 1993.
6. Кэмпбелли Р., Маккониелл, Стэнли Л., Брю Экономикс. Гл – 24, стр 45-64. -М.: Республика, 1992.

## X боб

### ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ХҮЖАЛИК ҲИСОБИ

#### 10.1. «Хўжалик ҳисоби» тушунчаси, моҳияти ва тамойиллари

Мустақиллик шароитида ишлаб чиқариш ҳар бир бўғинининг фаолияти бутун халқ хўжалигини ривожлантириш манфаатларига бўйсундирилган. Ҳар бир корхона, шу жумладан, қишлоқ хўжалик корхонаси талаб ва таклиф асосида ривожланаётган ва мустақил ҳамда бошқариладиган корхона бўлиб, халқ хўжалигининг таркибий қисмидир. Корхоналар хўжалик ва иқтисодий мустақилликка эга. Бу мустақиллик уларнинг ўзаро ва ташкилотлар ҳамда жамият билан бўладиган алоқаларида ифодаланади.

Корхоналарнинг алоҳида ҳолдаги мустақиллиги доимий характерда бўлиб, фақат турли-туман мулк доирасидагина содир бўлади.

Бозор иқтисоди шароитида қишлоқ хўжалик корхоналари олдида турган вазифалар ижросининг муваффакиятини хўжалик ҳисобисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Хўжалик ҳисоби – хўжаликни ташкил қилиш ва юритишнинг шундай бир режали усулини, бу усул корхоналарда иқтисодий қонунлар талабини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни бир меъёрда олиб бориш ва энг юқори иқтисодий натижага эришишга қаратилган.

Кўриниб турибдики, хўжалик ҳисобининг асосини корхона фаолиятини шу корхонага юқлатилган вазифа доирасида юритиш билан боғлиқ харажатларни корхона фаолияти натижасида олинган даромадлар билан қоплаш ҳамда корхонани бир меъёрда ривожлантириш учун етарли маблағга эга бўлиш ташкил этади.

Хўжалик ҳисобининг мустақил корхоналарни режали юритиш усули сифатидаги ўзига хос хусусияти яна шундан иборатки, унда сарф-харажат ва даромадлар пул ифодасида ҳисобга олинади. Бозор иқтисоди шароитида корхоналарга маблағлар ва воситаларни эркин тасарруф этиш ҳуқуқини бериш, уларни бошқариш, алоҳида ажратиб қўйиш ва мустақиллик бериш, эркин ҳаракат қилишини таъминлаш, фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида ташкил қилиш орқали корхона жамоасининг ўз фаолияти натижаларидан моддий манфатдорлиги ва жавобгарлиги таъминланади. Хўжалик ҳисоби ташкилий-техникавий тадбир эмас, балки иқтисодий қонунларнинг бутун тизими талабларини амалга оширишга қаратилган воситалардир.

Хўжалик ҳисоби қишлоқ хўжалик корхоналарининг истеъмолчилар давлат билан, корхоналарнинг ўзаро бир-бири билан ҳамда бошқа ташкилот ва идоралар билан, корхона ичида бўладиган (корхона ишлаб чиқариш бўлинмалари билан) иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради. Бозор иқтисодига ўтишнинг ҳозирги даврида хўжалик ҳисобидаги иқтисодий

муносабатлар тизимида қишлоқ хўжалик корхоналари билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалик корхоналари билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар давлат томонидан корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятига режали таъсир қилиш орқали белгиланади. Бу таъсир қўйидагиларда ифодаланади:

- қишлоқ хўжалигидаги ҳар бир корхонага қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш ҳажми ва тури бўйича давлат бюртмаси етказилади;
- давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бюртма асосида сотиб оладиган қисми учун харид ва устама баҳоларни белгилайди;
- қишлоқ хўжалик корхоналарига ер майдони ажратади, фойдаланилмайдиган ер бирлиги учун ягона ер солиги меъёрини белгилаб беради, тартибга солади;
- давлат моддий-техника воситаларини ва капитал қўйилмаларнинг айрим қисмларини корхоналар ўртасида тақсимлайди ва улардан фойдаланилиши назорат қиласи;
- давлат корхоналари билан бўладиган молия ва кредит муносабатларини белгилайди.

Ўз навбатида қишлоқ хўжалик корхоналари давлатга маҳсулот етказиб бериш топширикларини сўзсиз бажаришлари, ўз даромадлари ҳисобига маҳсулот етиштириш билан боғлиқ харажатларни қоплашлари, ишлаб чиқаришни бир меъёрда кенгайтириш учун ўз маблағларига эга бўлишлари, марказлашган фонdlарга белгиланган улушларини қўшишлари, белгиланган муддатларда ягона ер солигини тўлашлари, олган кредитларни қайтаришлари керак. Қишлоқ хўжалик корхоналари етиштирилган маҳсулот бўйича давлат бюртмаларини бажаргандан кейин қолган маҳсулотни ўз аъзолари хоҳишига кўра тақсимлайдилар ёки сотишни уюштирадилар, ўз маблағлари ҳисобига маҳсулот етиштириш билан боғлиқ ҳамма харажатларни қоплайдилар, истеъмол ва жамғарма фонdlарини тузадилар. Ширкат хўжаликлари умумий йиғилиши қарорларига кўра, даромадлари ва маҳсулотларини тақсимлаш ҳамда меҳнатга ҳақ тулаш тартиби ва даражалари, шунингдек, хўжаликка хос бошқа тадбирлар белгиланади. Шуни таъкидлаш керакки, ширкат ва фермер хўжаликлари ўзига хос тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун-қоидалари доирасида белгилайдилар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига машиналашган технологиянинг тобора қўпроқ кириб келиши, қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида меҳнат тақсимотининг жорий қилиниши, корхоналарнинг муайян маҳсулот турига, унинг бирон қисми ёки босқичига ихтисослашиши ва юқори пировард натижага эришиши шу жараёнда қатнашётган турли мустакил корхоналар ўртасида иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштиришни тақозо қиласи.

Корхона билан корхона ўртасидаги иқтисодий муносабатлар асосан улар ўртасида тузиладиган шартномалар, ўзаро келишилган ҳолда ишлаб чиқилган

ва тасдиқланган баҳолар ва хизмат қўрсатиши тарифлари, биргалиқда эришилган натижани (фойдани) тақсимлаш тартибини белгилаш ва шунга ўхшаш шаклларда олиб борилади.

Корхона ичидаги иқтисодий муносабатлар, яъни корхона маъмурияти, айрим ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасидаги муносабатлар бозор иқтисоди қонунлари талабига риоя қилинган ҳолда қанчалик тўғри ташкил қилинса, корхонанинг хўжалик ҳисоби фаолияти шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун мустақил Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омили бўлган хўжалик ҳисобини янада такомиллаштиришга катта эътибор бермоқда. Республика Президенти И.А.Каримов «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – фаровонлик манбаи» ҳамда «Қишлоқ хўжалик тараққиёти – тўқин ҳаёт манбаи» мавзуидаги маърузаларида боқимандалик кайфиятидан чиқиш, ўз-ўзини қоплаш асосида ишлаш, тежамкорликни кўпайтириш ва хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтганлар.

Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида ташкил қилиш унинг меҳнатидан келиб чиқадиган талаблар ва тамоилларга тўғри амал қилишни тақозо этади. Бу талаблар ва тамоилларга қўйидагилар киради:

- корхонанинг хўжалик-оператив мустақиллиги;
- давлат манфатларининг корхона мустақиллиги билан бирга қўшиб олиб борилиши;
- ўз-ўзини қоплаш ҳамда ўз фаолиятини бир меъёрда ривожлантириш учун етарли маблағга эга бўлиш: моддий манфатдорлик;
- ишлаб чиқариш натижаси учун моддий жавобгарлик;
- ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятни пул билан назорат қилиш.

**Корхоналарнинг хўжалик-тезкор мустақиллиги.** Корхоналар ишлаб чиқариш фаолияти шу корхоналар хўжалик ташабbusи ва мустақиллигини доим ўстириб боришни тақозо этувчи демократик тамоил асосида олиб борилади. Ҳар бир корхона ўз фаолиятини бозор талабига асосан ташкил этади ва шу талабни шартномага асосан ўзи ишлаб чиқишни ташкил қиласи, энг самарали ишлаб чиқариш таркибини белгилайди, дехқончилик ва чорвачилик тармоқларини юритиш тадбирларини ишлаб чиқади, моддий ва пул ресурсларидан самарали фойдаланиш ва меҳнатни ташкил этишнинг янги усулларини жорий қиласи. Корхоналарга доимий фойдаланиш учун давлат тамонидан ер ажратиб берилади, асосий ва айланма фондлари мустақил шакиллантирилайди, улар мустақил балансга ва банк счёtlарига эга бўлади, юридик шахс хуқуқларидан фойдаланади, бошқа корхоналар, ташкилотлар ва идоралар билан алоқа олиб бориш хуқуқига эга бўлади, шартномалар тузади, молиявий жараёнларни амалга оширади.

**Хўжалик ҳисобининг ўз-ўзини қоплаш тамоили** корхонада маҳсулот этиштириш билан боғлиқ ҳамма харажатларни шу маҳсулотлар реализациясидан тушган даромадлар билан тула қоплаш ҳамда ишлаб

чиқаришни бир меъёрда кенгайтирилган ҳолда ривожлантиришни таъминлайдиган ўз маблағларига эга бўлишни тақозо этади. Бу, ўз навбатида, моддий пул воситаларидан тежаб-тергаб фойдаланишни, тежамкорликка қатъий риоя қилишни, ички заҳира ва имкониятларни қидириб топишни, ишлаб чиқаришнинг ҳамма бўғинларида иш сифатини яхшилашни, меҳнат ва иш жараёнларини ташкил этишнинг илғор усувларини жорий этишни талаб қиласди.

**Ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларидан моддий манфаатдорлик тамойили** ҳар бир ходимнинг ўз меҳнат ва корхона фаолияти натижаларидан биргаликда ёхуд шахсан (алоҳида) моддий манфаатдорлигида ифодаланади. Хўжалик ҳисобининг моддий манфаатдорлик тамойили ишчи ва хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлаш ва бошқа турдаги моддий рағбатлантириш тизими орқали амалга оширилади. Хўжалик фаолияти якунига кўра, қишлоқ хўжалик корхоналарида олинган фойда ҳисобидан турли иқтисодий рағбатлантириш фондлари ташкил қилиниб, улар ходимларнинг жамоа ва шахсий истеъмолларини қондиришга қўшимча тариқасида сраф қилинади.

Ишлаб чиқариш даражаси қанча юқори бўлса, қанча кўп соф даромад ва фойда олинса, иқтисодий рағбатлантириш фондларига шунча кўп маблағ ажратилади ва корхона ходимларининг жамоавий ва шахсий эҳтиёжлари шунча юқори даражада қондирилади.

**Иш фаолияти якунлари учун корхонанинг моддий жавобгарлиги** шундан иборатки, улар маҳсулот етиштириш, давлат буюртмасини бажариш, бошқа корхоналарга маҳсулот етказиб бериш, шартномаларни, тўлов мажбуриятларини бажариш бўйича масъулиятга эга бўладилар.

**Корхона ва унинг ишлаб чиқариш бўлинмалари хўжалик-молиявий фаолиятини пул билан назорат қилиш.** Корхонага раҳбарлик юқори ташкилотлар, давлат банки, молия ҳамда маъмурий идоралар томонидан олиб борилади.

Юқори бошқариш идоралари давлат буюртмаларини, хўжалик шартномаларининг бажарилишини, маблағ ва воситалардан, молия идоралари алоҳида мақсадлар учун берган маблағлардан фойдаланишни, давлат олдидағи молиявий бурчларнинг бажарилишини, банк эса берилган узоқ ва қисқа муддатли кредитлардан белгиланган мақсадларда фойдаланишни, пул муомаласи шароитларини назорат қиласди. Пул билан назорат қилиш корхона фаолиятига эмас, балки корхонанинг ички бўлинмаларига тааллуклидир.

Кўриниб турибдики, хўжалик ҳисобининг юқорида кўрсатилган тамойилларига тўла риоя қилиш қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, уларда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самадорлигини янада ошириш имконини беради.

Хўжалик ҳисобининг обьекти – корхоналар, бирлашмалар ва уларнинг бўлинмаларидир.

Кўлланиладиган объектлар хусусиятига қўра, хўжалик ҳисоби умумтрест (умумбирлашма) хўжалик ҳисоби, умумхўжалик (корхона бўйича) хўжалик ҳисоби ва ички хўжалик ҳисоби шаклларида мавжуд бўлади.

## **10.2. Умумхўжалик ҳисоби**

Умумхўжалик ҳисоби хўжалик ҳисоби тамойилларининг бутун корхона фаолиятида амал қилинишидир. У ишлаб чиқариш билан бирга муомола, таъминот ва реализация жараёнларини, маданий-маиший, уй-жой қурилиши ва ободонлаштириш ишларини ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун умумхўжалик ҳисоби маҳсулот бирлигига кам меҳнат ва кам маблағ сарф қилган ҳолда кўп ва сифатли маҳсулот етиштириш, корхонанинг юқори рентабеллигини таъминлайдиган ташкилий иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишни тақозо этади. Шунга қўра, корхона хўжалик ҳисоби фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири – рентабелликдир. Тўғри, корхонанинг рентабеллик даражаси корхонанинг ўзигагина эмас, балки кўпроқ унинг давлат билан иқтисодий муносабатлари даражасига ҳамда ўзига хос табиий иқтисодий шароитларига ҳам боғлиқ. Бундан ташқари, юқори рентабилликни таъминлаш корхоналар хўжалик ҳисобида нормал иш олиб боришининг бир томони, холос.

Такрор ишлаб чиқариш жараёни унинг молиявий ва моддий буюм томонлари бирлигидан иборат. Корхона етарли даромадга ва юқори рентабиллика эга бўлса-ю, лекин бу молиявий маблағлар етарли моддий воситалар – техника, қурилиш материаллари, ем-хашак, уруғлик, кўчат ва бошқа моддий-техник воситалар билан етарли таъминланмаган бўлса, хўжалик ҳисобининг таъсирчанлиги ва роли кескин камайиб кетади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти қишлоқ хўжалигида хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга қаратилган иқтисодий рағбатлантиришнинг кенг тизимини жорий қилиш билан бирга, уларнинг моддий-техника базасини кўп даражада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида ташкил қилишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинниши керак. Аввало, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши турли табиий зоналарда, хилма-хил иқлим, тупроқ, сув таъминоти шароитларида олиб бориладики, корхоналарда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни хўжалик ҳисобида амалга ошириш шу шароитларда жойлашган корхоналарда бир хил иқтисодий шароитларни яратишни тақозо этади. Бундан ташқари, бир хил табиий-иқлим зоналарида жойлашган корхоналарда ҳам об-ҳаво шароитлари турли йилларда бир хил бўлмаслиги натижасида олинадиган даромадларда катта фарқлар содир бўлади ва ишлаб чиқаришни бир меъёрда кенгайтирилган ҳолда олиб боришни таъминлаш учун эҳтиёт ва захира фонdlар ташкил қилиш заруратини туғдиради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида узоқ вақт давомида объектив ва субъектив сабабларга қўра, хўжалик ҳисоби тамойилларига етарли эътибор берилмади. Илгари амал қилган тайёрлаш тизими ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид баҳолари қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида олиб боришни таъминламади. Совхозлар асосан

давлат томонидан қайтиб олмаслик шарти билан бериладиган маблағ, колхозлар эса иш ҳақи ҳисобидан жамғариш йўли билан ривожлантирилди.

Режалаштириш ва давлат раҳбарлиги ҳаддан ташқари марказлаштирилган бўлиб, совхоз ва колхозларнинг ишлаб чиқаришни бошқариш ва юритиш бўйича хуқуқ ва ташаббуси жуда чекланган эди.

Қишлоқ хўжалигига бозор иқтисоди муносабатларининг жорий қилиниши, кенг иқтисодий эркинлик берилиши қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини том маънодаги хўжалик ҳисоби асосида ташкил қилиш имконини вужудга келтирди.

### **10.3. Ички хўжалик ҳисоби**

Ички хўжалик ҳисоби умумхўжалик ҳисобининг мантиқий давоми бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари (бригада, оиласи, пурнат, участка, ферма, звено, таъмир устахонаси, трактор ва автомобиль парки, ёрдамчи ва қайта ишлаш корхоналари) фаолиятини хўжалик ҳисоби тамойиллари асосида ташкил қилишdir. Бу тамойиллар ички хўжалик ҳисобида оддий ва содда, мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқади.

Ишлаб чиқариш бўлинмаларининг асосий вазифаси – маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, маҳсулот етиштириш билан боғлиқ харажатларни камайтиришни таъминлашdir. Ички хўжалик ҳисоби турли табиий ва иқтисодий шароитларда жойлашган ишлаб чиқариш бўлинмалари ходимларининг улар олдига қўйилган вазифаларни муваффқиятли бажаришдан моддий манфаатдорлиги ва жавобгарлигини таъминлашга қаратилади.

Хўжалик ҳисоби корхона фаолияти билан бирга ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолиятини ҳам қамраб олса, ички хўжалик ҳисобини жорий қилиш билан бирга мантиқий якунланса, энг юқори иқтисодий натижани таъминлаши мумкин.

Қишлоқ хўжалигига ички хўжалик ҳисобини жорий қилиш бошқа соҳалардагина нисбатан муҳимроқ. Маълумки, сарф қилинган меҳнат етиштирилган маҳсулот миқдори, сифати ва унинг таннархида тўла ифодаланади.

Қишлоқ хўжалигига маҳсулот вақт-вақти билан ёки фақат йил охирида олинади. Бундан ташқари, меҳнат жараёнлари кўпчилик тармоқларда ва айниқса, далачиликда йил давомида кўпчилик ходимлар томонидан бажарилади. Бундай ҳолда улар айрим олинган ходим меҳнатининг сифати тарзида намоён бўлади. Қишлоқ хўжалигига ҳар бир алоҳида олинган ходим меҳнати натижасини ҳар бир меҳнат жараёни якунига қарабгина эмас, ҳатто ишлаб чиқаришнинг йил охиридаги оқибатига қараб ҳам тўла аниқлаш имконияти етарли бўлмаганлиги учун меҳнатга жамоавий ҳақ тўлаш, жамоавий рағбатлантиришни кенг жорий қилиш объектив зарурият ҳисобланади. Бундай

тадбирни фақат ички хўжалик ҳисобини жорий қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

Ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолиятини ички хўжалик ҳисобида ташкил қилиш иқтисодий аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, балки жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга ҳам молиқдир.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ички хўжалик ҳисобини ташкил қилиш жуда мураккаб жараён бўлиб, бир қанча тадбирларни амалга оширишни талаб қиласди. Аввало, корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий фаолияти чукур таҳлил қилинади, унинг ер ресурслари, ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучлари билан таъминланиши даражаси, ички хўжалик ва тармоқ ичидан ихтисослаштирилиши аниқланади. Зарурат бўлганда ишлаб чиқаришнинг ташкилий тузилмасига ва иш ҳақи тўлаш тизимиға маълум ўзгартиришлар киритилади. Шундан сўнг ички хўжалик ҳисоби тўғрисидаги низом ишлаб чиқилади.

Ички хўжалик ҳисоби тўғрисидаги низом ҳар бир корхона тамонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун-қоидалари ва хўжаликнинг конкрет шароитлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилиб, корхоналарнинг умумий йиғилишида муҳокама қилинади, юқори ташкилот томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради. Низом қўйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

- хўжалик ҳисобидаги бўлинмаларнинг таркиби;
- хўжалик ҳисобидаги бўлинмаларнинг корхона маъмурияти ва бир-бири билан алоқалари;
- хўжалик ҳисобидаги бўлинмалар фаолиятини баҳолашда қўлланиладиган меъёрлар, баҳолар, расценкалар ва бошқа ўлчовлар;
- маҳсулот етиштириш ҳамда харажатлар лимити бўйича режа топшириқлари;
- бўлинмалар хўжалик ҳисоби фаолиятини ҳисоб-китоб ва назорат қилиш;
- хўжалик ҳисоби бўлинмаларининг фаолиятига иқтисодий баҳо беришда фойдаланиладиган кўрсаткичлар;
- бўлинма ходимларининг хўжалик ҳисоби фаолияти натижаларига кўра, моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими.

Бундан ташқари, бригада, оилавий пудрат ишчиларига маҳсулот етиштириш режасини ортириб бажарганлиги ва бевосита харажатларни тежаб қолганлиги учун режадан ортиқ етиштирилган маҳсулот ҳисобга олинган даромад ҳамда тежаб қолинган маблағнинг маълум миқдори қўшимча иш ҳақи ёки мукофот тариқасида берилади.

Биз мисол келтирган бригадада бригада ишчиларига ҳақиқатда етиштирилган маҳсулот учун йил охирида йил давомида олинган иш ҳақига устама тарзида яна 12670 сўм иш ҳақи ёзилади (5-жадвал).

Хўжалик ҳисоби шартномасига кўра, режадан ортиқ етиштирилган маҳсулот учун шу маҳсулотнинг 20%и ҳажмида 2600 сўм ( $13000 \times 20$ ):100, тежаб

қолинган харажатларнинг 25%и ҳажмида 273 сўм ( $1092 \times 25 : 100$ ), жами 2873 сўм иш ҳақи ҳисобланади.

5-жадвал

**Оилавий пудрат асосида хўжалик ҳисоби фаолиятининг яқуни  
(Пахтачилик соҳаси бўйича)**

	Кўрсаткичлар	Пудратчи	
		режа	ҳақиқатда
1	Экин майдони, га	100	100
2	Ҳосилдорлик, 1 га ц.	40	42
3	Етиштирилган ялпи ҳосил, ц.	4000	4200
4	Ялпи ҳосил хизмати, сўм	260000	273000
5	Режалаштирилган маҳсулот учун тариф иш ҳақи фонди, сўм	60000	-
6	Режалаштирилган маҳсулот учун улгуржи иш ҳақи фонди, сўм	75000	-
7	100 сўмлик маҳсулотга иш ҳақи расценкаси	29,00	-
8	Маҳсулотнинг 100 сўмлигига бевосита харажат меъёри, сўм	65	61
9	Режадан ортиқча етиштирилган маҳсулот суммаси	-	13000
10	Тежалган бевосита харажатлар, сўм	-	1092
11	Ҳақиқатда етиштирилган маҳсулот учун тўланадиган иш ҳақи, сўм	-	
12	Йил давомида бажарилган иш ёки сарф қилинган вақт учун нарядли ёки нарядсиз иш ҳақи, сўм	-	66500
13	Етиштирилган маҳсулот учун тўланадиган устама иш ҳақи, сўм	-	12670
14	Режадан ортиқча етиштирилган маҳсулот учун қўшимча иш ҳақи, сўм	-	2600
15	Тежаб қолинган бевосита харажатларнинг 25%и	-	273
	Жами қўшимча иш ҳақи, сўм	-	2873
	Жами иш ҳақи, сўм	-	82080

**Қисқача хуносалар**

Хўжалик ҳисоби хўжаликни ташкил этиш ва юритишнинг шундай бир усилики, унда иқтисодий конунлар талаби ҳисобига катта имкониятлар яратилади. Хўжалик ҳисобидаги корхона ўз фаолияти билан боғлик

харажатларни шу фалият натижасида олинган даромад билан қоплаб, ривожланиш учун етарли маблағга эга бўлиши керак.

Хўжалик ҳисоби умумхўжалик ҳисоби ва ички хўжалик ҳисоби асосида ташкил этилади. Корхона фаолияти умумхўжалик ишлаб чиқариши ва хизмат бўлимлари ички хўжалик ҳисоби асосида юритилади.

Корхонани ва ишлаб чиқариш бўлинмалари хўжалик ҳисоби фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги ҳамда ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонунларига асосан олиб борилади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

Хўжалик ҳисобининг моҳияти ва тамойиллари нималардан иборат?  
Умумхўжалик ҳисоби нима ва у қандай ташкил этилади?  
Ички хўжалик ҳисоби нима ва у қандай ташкил этилади?  
Умумхўжалик ҳисобининг асосий кўрсаткичлари нималардан иборат?  
Ички хўжалик ҳисобининг асосий кўрсаткичлари-чи?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни».
2. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». -Т., 1998.
4. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – фаровонлик манбаи. -Т., 1994.
5. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. -Т., 1998.
6. Оила (жамоа) пудратчиларига ер майдонларини узоқ муддатга бириктириб бериш ва улардан самарали фойдаланиш механизмлари ҳақида. Тавсия. –Т., 2000.
7. Ширкат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхонларида оила (жамоа) ва бошқа ички хўжалик бўлинмалари билан ҳисоб-китоб қилиш, чек дафтарчаларидан фойдаланиш тартиби. Тавсиялар. –Т., 1999.
8. Ҳусанов Р. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оила (жамоа) пудрати. – Т., 1999.

## XI боб

# ДЕХҚОНЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун агросаноат мажмуи тармоқларини яхлит режалаштириш, мутаносиблигини таъминлаш, айниқса, унинг асосий негизи бўлган қишлоқ хўжалигини муттасил ривожлантириш, самарадорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини доимо яхшилаб бориш керак.

Бу вазифалар агросаноат мажмуига ва унинг йирик тармоғи – қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилиш, хўжалик юритишининг илмий асосланган тизимини жорий этиш масалаларига атрофлича ёндашишни тақозо этади.

Хўжалик юритиши тизими дейилганда, корхона фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил қилиш, энг юқори ишлаб чиқариш натижаларига эришиш учун амалга ошириладиган ташкилий-иқтисодий, техникавий ва ижтимоий тадбирлар йиғиндиси тушунилади. Бу тизим ҳар бир зона, туман ва корхонанинг табиий шароитларига мос келадиган ихтисослаштириш ва тармоқларни уйғунлаштириш тадбирларини, ихтисослаш ва айрим тармоқлар – дехқончилик ва чорвачилик тармоқларини юритиши тизимларини ўз ичига олади.

### 11.1. Дехқончилик тизими

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири дехқончилиқdir. Дехқончилик тармоғини тўғри ташкил қилиш ва мақсадга мувофиқ юритиши дехқончилик тизимига асосланади.

**Дехқончилик тизими** дейилганда кўплаб арzon дехқончилик маҳсулотлари этиштириш учун ердан тўла фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган ташкилий-агротехник тадбирлар йиғиндиси тушунилади.

Дехқончилик тизими асосини дехқончилик технологияси, яъни агротехника ташкил қиласи. Бу тизим тупроқ унумдорлигини саклаш ва яхшилаш соҳасидаги агротехника тадбирлари мажмуидан иборат бўлиб, парвариш қилинаётган экинлар хусусиятига мувофиқ келиши, уларнинг ўсиши ва ривожланишига қўмаклашиши ва пировард натижада юқори ҳосил этиштиришни таъминлаши керак. Ҳар хил табиий-иқтисодий ва хўжалик шароитларига мувофиқ келадиган дехқончилик тизимлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига, яъни техник, кимёвий воситалар, экинларга ишлов бериш технологияси ва ишлаб чиқаришни ташкил этишининг такомиллашувига қараб доим ўзгариб, такомиллашиб келди ва шундай тараққий этиб бораверади.

Дехқончилик тизими тұғрисидаги таълимот 200 йилдан ортиқ тарихга эга бўлиб, унинг тарихий алмашиниб туриши қуидаги тартибда амалга оширилган: ўрмон ва чакалакзорларни күйдириб, қирқиб, тозалаб, дехқончилик қилиш; ерларни узок муддатта ташлаб қўйиб (қўриқ ва партов тизими) дехқончилик қилиш; шудгор қилиб қолдириб, дехқончилик қилиш; ўт далали алмашлаб экиб, дехқончилик қилиш; қатор ораларига ишлов берив, дехқончилик қилиш, хусусан, сугориладиган зоналардаги дехқончилик тизими.

**Ўрмон ва чакалакзорларни күйдириб, қирқиб, тозалаб, дехқончилик қилиш.** Бу усул дехқончилик юзага кела бошлаган дастлабки даврларга тұғри келади. Хусусий мулкчилик пайдо бўлмасдан аввал ва қулдорлик тузумининг дастлабки пайтларида экин экиладиган ерларни танлашда ҳеч қандай чегарага амал қилинмаган. Кишилар ўрмон ва чакалакзорларни қирқиб ташлаш ёки күйдириш йўли билан ер очиб, дехқончилик қилганлар. Ер унуми пасайгандан кейин худди шундай усул билан бошқа жойларда маҳсулот етиштирғанлар. Бу тизимда тупроқ унумдорлиги кишиларнинг фаол иштирокисиз, фақат табиий омиллар ҳисобига тикланган.

**Кейинчалик ерларни узок муддат ташлаб қўйиб, дехқончилик қилиш ёки партов-қўриқ тизимиға ўтилган.** Партов деб, илгари экин экилиб, кейинчалик ташлаб қўйилган, бегона ўтлар босиб кетган ва ундан яйлов ва пичанзор сифатида фойдаланиладиган ерларга айтилади. Партов ва қўриқ ерларни очиб, дон экинлари экилганда ундан 7-10 йил ҳосил олинган. Шундан кейин бу ерлар тупроқ унумдорлигини тиклаш учун узок муддатга, тахминан 20-30 йилга ташлаб қўйилган. Аҳоли сонининг ўсиши ва айниқса, қишлоқ хўжалигидан бошқа саҳалардаги аҳоли сонининг тез ўсиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабнинг ортиши, ерга хусусий мулкчиликнинг вужудга келиши натижасида ердан бирмунча унумли фойдаланиш зарурати туғилди. **Шундан кейин ташлаб қўйилган ерлардан қисман фойдаланиш тизимиға ўтилди.** Бу тартибда ташлаб қўйилган ер бир неча қисмга бўлиниб, унинг муайян қисмиға экилган, қолган қисми эса 10-15 йилга ташлаб қўйилган.

Ердан бундай фойдаланиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни қондира олмагандан кейин узок муддат ерга дам бериш ўрнига **шудгор қилиб қўйиш орқали ер унумдорлигини тиклаш тизими** жорий қилинди.

Шудгорлаб қўйиш тизимининг моҳияти шундаки, сурункасига бир неча йил донли экинлар экилавериб кучсизланиб қолган ва бегона ўтлар босиб кетган ерлар кузда ёки баҳорда хайдалади. Кейин ерлар бегона ўтларга қарши шудгорланади ёки ёғингарчилик туфайли ҳосил бўлган қатқалоқ кузда шудгорланиб, қайта ишланган майдонларга кузги дон экинлари экилади. Шудгор қилинганда далалардаги бегона ўтлар йўқолади, ерда нам туради, тупроқда кислород ва озиқ моддалар сақланади. Экин экиб, банд қилинмаган шудгорга тоза ёки қора шудгор дейилади. Шудгорлашнинг бу тизимидан собиқ иттифоқининг қурғоқ ғаллакор туманларида фойдаланилади. Ўз-ўзидан равшанки, сугориладиган майдонлардан бу усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.


Капитализмнинг ривожланиши ва шаҳар аҳолисининг тез суръатлар билан кўпайиши туфайли аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, айниқса, чорвачилик маҳсулотларига, саноатнинг эса қишлоқ хўжалик хомашёсига талаби анча ошди. Бу даврга келиб фан ривожланди. «Биология» фани ўсимликларнинг озиқланиш хусусиятларини кашф этди. Француз табиатшунос олими Либих ҳамма экинларни озиқланиш хусусиятига кўра, икки гурухга бўлиб, бир гуруҳдаги экинлар тупроқдан озиқ олишини, иккинчи гурухи эса ҳаводан озиқ олиб, моддаларни илдизда тўплашини қўрсатди ва рационал дехқончилик шу экинларни ўзаро алмаштириб экишга асосланиш кераклигини исботлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб ортиб бориши ва фан тараққиёти натижасида шудгорлаб экиш тизими дехқончиликдаги анча прогрессив тизим бўлган алмашлаб экиш тизими билан алмаштирилди. Алмашлаб экиш тизимида донли экинлар нафакат бир-икки йилдан ортиқ экиласди, балки чопикталаб ёки ем-хашак экинлари, маккажўхори, картошка, йўнгичка, беда ва бошқалар билан алмаштирилди. Дехқончиликнинг бу тизимида шудгор қилиб қўйиш ўрнига ернинг бир қисмига йўнгичка ёки беда, қолган қисмига хашаки экинлар экиласди.

**Ўт-далали алмашлаб экиш тизимининг** туб маъноси, серунум тупроқнинг асосий қўрсаткичи унинг таркибиdir, тузилма эса кўп йиллик дуккакли ва ғалласимон ўт аралашмаси экиш билан ҳосил қилинади. Ўт-далали алмашлаб экиш тизими ҳақида таълимот академик В.Р.Вильямс томнидан ишлаб чиқилган. Ўт-далали алмашлаб экиш дехқончилик юритиш тизимининг бир тури бўлиб, маълум конкрет шароитда тўла ижобий аҳамият кассб этади. Бу тизим талабларига мос келган районларда у дехқончиликни ривожлантиришга ижобий таъсир этди. Лекин тизим тарафдорлари ўт-далали алмашлаб экиш тизимини ҳамма зоналар учун ягона ва маъқул тизим деб хатога йўл қўйдилар. Намгарчилик етарли бўлган ва айниқса, сугорилиб дехқончилик қилинадиган зона ва районлар учун ўт-далали алмашлаб экиш тизими ўта экстенсив тизимdir.

Жамиятда қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларнинг ҳам гуркираб ривожланиши натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳайдаладиган ерларнинг камайиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб тез суръатлар билан ўсиши, минерал ўғит ва кимёвий воситаларнинг кўплаб саноат асосида ишлаб чиқарилиши алмашлаб экиш тизимидан **чопик қилинадиган экинларни экиб, дехқончилик қилиш тизимига** ўтишни тақозо қилди. Чопик қилинадиган экинларни экиб, дехқончилик қилиш дехқончиликнинг интенсив тизими бўлиб, маълум ер бирлигидан қўпроқ маҳсулот олишни таъминлайди. Бу тизим минерал ва маҳаллий-органик ўғитлар ва кимёвий воситалардан ҳамда техника воситаларидан фойдаланиш ва ерларни мелиорациялашга асосланади. Академик Д.Н. Прянишников ва унинг издошлари ерга минерал ва органик ўғит солиш тупроқ унумдорлигини оширишини, шудгор ва ўт майдонининг бир қисмига чопик қилинадиган серҳосил экинлар экиш ҳар гектар ҳайдаладиган ердан кўплаб дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари олиш

имконини беришини, натижада меҳнат унуми ошиши ва маҳсулот таннархи камайишини асослаб берган эдилар. Шундай қилиб, интенсив деҳқончилик қишлоқ хўжалик тараққиётининг бош йўналиши ва объектив зарурати бўлиб қолди.

Деҳқончилик тизими бир-бирини тўлдирадиган ўзаро боғлиқ, ташкилий, иқтисодий, технологик (агротехник) ва техник тадбирлар тизимидан иборат. Деҳқончилик тизимига кирган тадбирлар бу тизимнинг элементлари деб ҳам юритилади. Деҳқончилик тизимини қўйидаги чизмада тасвирлаш мумкин (5-чизма).



5-чизма. Дехқончилик тизимининг асосий тадбирлари (элементлари)

## 11.2. Ўёе́и یаéäñéàдè тузилиши âà àëìàøëàá ýêèø

Ўёе́и یаéäñéàдè тузилиши ёаéеёäàíäà, јеàиè үёе́н یаéäñéäà àéдèи òóðäàäè үёе́иèад іаéäñéеéä òóðäàäí ńàëñíфè òóðóíèëàäè. Экин майдонлари тузилиши фақат агротехник тадбир бўлиб қолмай, балки йирик ташкилий-иқтисодий тадбир ҳамдир. Экин майдонлари тузилиши тупроқ унумдорлигини ошириш талаби билан бирга маҳсулот турлари бўйича давлат режа-топширикларини сўзсиз бажариш, тармоқларни ўзаро мақсадга мувофиқ уйғунлаштириш талабларидан ҳам келиб чиқади. Шунинг учун экин майдонлари рационал тузилиши асосий вазифаси экинзорларнинг юқори унумдорлигига эришиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича режа топширикларини бажариш, хўжалик ички эҳтиёжларини қондириш учун зарур миқдорда маҳсулот етиштириш ва унинг юксак рентабеллигини таъминлашдан иборат. Қишлоқ хўжалик корхоналарида экин майдонлари талабига кўра, алмашлаб экиш тизими белгиланади.

Алмашлаб экиш дейилганда экинларнинг йиллар давомида маълум далаларда режали тартибда навбати билан алмашиб турилиши тушунилади. Бу таъриф алмашлаб экишнинг тор маънодаги тушунчаси бўлиб, унда агротехниканинг моҳияти аниқ ифода этилган. Лекин алмашлаб экиш кенг маънога эга бўлиб, дехқончилик тизими ёки бошқача қилиб айтганда, дехқончилик маданиятининг асосини ташкил қиласи. У ҳам агротехник, ҳам ташкилий-иқтисодий тадбирларни ўз ичига олади. Ташкилий-иқтисодий жиҳатдан алмашлаб экиш ердан, ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишинг энг асосий шарти, корхона фаолияти рентабел бўлишининг негизидир.

Агрономик нуқтаи назардан экинларни режали тартибда навбат билан алмаштириб туришнинг зарурлиги қўйидаги сабаблардан келиб чиқади. Турли хил ўсимликларда илдиз тизими турлича чукурликда таралади, шунинг учун илдизларнинг тупроқ ҳар хил горизонтидаги озиқ моддалардан фойдаланиши ҳам турлича бўлади. Ҳамма экинлар тупроқдаги моддаларга таъсири жиҳатдан 2 грухга бўлинади. Бир грух экинлар тупроқдан моддаларни ҳосил билан олиб чиқиб кетади. Бошқа грух экинлар ҳаводан моддаларни олиб, уни илдизида, тупроқда тўплайди. Шунинг учун бу икки грухга тааллуқли экинларни ўзаро алмаштириб туриш тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш имконини беради. Маълум ер майдонига бир неча йил бир хил экин экилаверса, ер кучсизланиб қолади, далани бегона ўт босади, ҳар хил касаллик ва заараркундалар қўпаяди, ниҳоят, тупроқда микробиологик жараён ёмонлашади. Турли хил ўсимликлар тупроқ унумдорлигининг ошишига

турлича таъсир кўрсатади. Чунки ҳосил йиғишириб олингандан сўнг тупроқда турли миқдорда илдиз массаси қолади. Булар тупроқда озиқ моддалари тўплаб, чиригандан сўнг қимматли органик ўғитга айланади. Демак, улар тупроқни озиқ моддалар билан бойитишдан ташқари унинг механик ва физик хоссасини ҳам яхшилади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида алмашлаб экиш маълум тизимда лойиҳалаштирилади ва қўлланилади.

Алмашлаб экиш асосан далачилик, ем- хашак (ферма олди) ва маҳсус алмашлаб экишдан иборат учта турга бўлинади.

Далачилик алмашлаб экиши алмашлаб экишнинг энг қўп тарқалган тури бўлиб, дон экиnlари, картошка, лавлаги, техник ва бошқа дала экиnlари етиширишда қўлланилади. Бу турдан мамлакатимиз экинзорларининг ярмидан кўпроғида фойдаланилади.

Асосий экинга қараб дала алмашлаб экиш дон, лавлаги, пахта-беда ва ҳоказо алмашлаб экиш турларига бўлинади.

Ем-хашак чорвачиликнинг зарур озиқка талабини қондиришга йўналтирилган бўлиб, ҳар хил озиқ экиnlарини етишириш учун мўлжалланади. Ем-хашак алмашлаб экишда озиқбоп экиnlар жами экинзорнинг ярмидан кўпроғини ташкил қиласи. Ферма олди ем-хашак алмашлаб экишида кўк ўтлар, ширави озиқлар асосий ўринни эгаллайди ва чорвачиликда йил давомида «яшил конвейер»ни ташкил қилишнинг асоси ҳисобланади.

Маҳсус алмашлаб экиш маҳсус шароит ва агротехникани талаб қиласидан экиnlарда қўлланилади. Масалан, шўрланган ерларни мелиорациялашда қўлланиладиган алмашлаб экиш, шоличилик алмашлаб экиши ва ҳоказо.

Ўрта Осиёнинг суғориладиган ерларида ғўза асосий экин ҳисобланади. Шунинг учун суғориладиган умумий майдоннинг камида 50-60%ини ғўза, қолган 40-50%ини ғалла, ем-хашак, озиқ-овқат экиnlари ташкил этиши керак. Ем- хашак экиnlари орасида беда етакчи ўринни эгаллайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишириш турли зоналарда ва ҳатто бир корхонада турли тупроқ шароитларида олиб борилганлиги туфайли сурункасига мўл ва арzon маҳсулот етиширишни таъминлаш учун ҳатто бир корхонада алмашлаб экишнинг турли чизмалари қўлланилиши мумкин. Пахтакор хўжаликлар учун 10 далали (3:6:1) ва 12 далали (3:6:3) алмашлаб экиш чизмалари тавсия этилиши мумкин. Бунда бўлув нисбати билан берилган рақамлар экиnlар турини, экилиш навбатини ва неча далани эгаллашни билдиради (3:6). Чизмадаги биринчи рақам бедани, иккинчи рақам ғўзани (пахтани), учинчи рақм ғаллани билдиради, яъни бу чизма бўйича пахта-беда-ғалла алмашлаб экилади. Бу алмашлаб экиш чизмасида уч далани беда, олти далани пахта ва уч далани ғалла эгаллайди. Бир далага 3 йил давомида беда экилгандан кейин унда 6 йил пахта ва уч йил ғалла етиширилади. Беда биринчи йили маккажўхори, оқ жўхори, райграс ёки судан ўтига, кўк озиқ ёки дон учун эса арпага қўшиб экилиши мумкин.

Ердан янада самаралироқ фойдаланиш учун беда сепиладиган биринчи далага дон учун кузги бошоқли экин, унинг ўрнига силос учун маккажүхори экиш, ҳосилни йиғишириб олиш биланоқ сентябрь-октябрь ойларида учинчи асосий экин сифатида беда сепиш ҳам мумкин.

Алмашлаб экишнинг 2:5:3 ва 2:6:4 чизмаларида фақат беданинг ўзи, кўк озиқ учун маккажүхори, оқжўхори, райграс ёки судан ўт билан алмаштириб экилади, икки йилдан кейин сурункасига 5 йил пахта экилади. Шундан кейин далага баҳорги бошоқли дон, сўнгра маккажўхори силос ёки кўк озиқ олиш учун экилиб, ҳосил йиғишириб олинганидан кейин оралиқ сифатида кўк озиқ учун жавдар ёки рапс экилиши мумкин, кейин 3-4 йил яна пахта етиштирилади. Конкрет шароитларни ҳисобга олган ҳолда алмашлаб экишнинг 1:3:5, 1:3:6 чизмалари қўлланилиши мумкин. Кейинги 2 чизма кучли шўрланган ерлар учун мўлжалланган бўлиб, бунда 1 дала мелиоратив дала ҳисобланади. Бу далада ерни текислаш, шўрини ювиш ишлари олиб борилиб, сўнгра асосий экинлар белгиланган тартибда экилади. Бир корхонада бир алмашлаб экиш тури ёки хили қўлланиб қолмай, балки тупроқ хусусиятларига кўра, бир неча тури ёки хили ўзаро комбинациялашган ҳолда жорий қилинади. Алмашлаб экишда далаларни тўғри ажратишига, уларнинг ҳажми техникадан ва иш кучларидан унумли фойдаланишни таъминлайдиган бўлишига эътибор берилади. Чунки майда далаларда мураккаб ва юқори унумли машиналардан фойдаланиш қийин бўлади.

Далаларнинг ташқи чегаралари иложи борича табиий зовурлар, сув шохобчалари йўллар, ихота дараҳтзорлари билан ажралиб тургани маъқул. Далалар ўртасида трактор агрегатлари ишини қийинлаштирувчи бундай тўсиқлар бўлмаслиги керак. Даланинг энг кичик ҳажми трактор агрегатининг бир қунда бажарадиган иши ҳажмида, томонлари 1:3, 1:5 нисбатда, экинга ишлов бериш йўналиши экин қатор ораларига энг кўп қуёш нури тушадиган йўналишда белгиланади. Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасида алмашлаб экиш маълум тизимида қўлланилади. Экинлар далаларда чизмада белгиланган тартибда тўла жойлашиб бўлгандагина алмашлаб экиш ўзлаштирилган ҳисобланади. Экинларнинг алмашлаб экиш далаларида белгиланган тартибда бир марта алмашиб чиқиш даври ротация даври дейилади. 10, 12 далали алмашлаб экиш чизмасида бир ротация даври 10-12 йилга teng бўлади.

Кўриниб турибдики, экин майдонлари тузилиши ва алмашлаб экиш нисбатан узок муддатга мўлжалланади. Шунинг учун бу йирик тадбирга ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш талаб қилинади. Ташкилий жиҳатдан экин майдонлари тузилиши ва алмашлаб экиш давлатга маҳсулот сотиш буюртмалари ва тузилган шартномалар бажарилишини сўзсиз таъминлашга, мақсадга мувофиқ ихтисослашув ва тармоқлар уйғунлашувига тўғри келиши, техника воситалари ва иш кучларини иш жойларига олиб бориш ва келтиришига, ишлаб чиқариш учун зарур моддий ресурсларни ва тайёр маҳсулотларни транспортда ташишига қулайлик туғдириши керак. Иқтисодий жиҳатдан баҳо беришда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- алмашлаб экиш жорий этилган майдоннинг ҳар бир гектаридан олинган маҳсулот миқдори (натурада ва пулда);
- меҳнат унумдорлиги даражаси;
- маҳсулот таннархи ва рентабеллик;
- ишлаб чиқаришнинг даврийлик даражаси ва даврлар бўйича меҳнат харажатларининг тақсимланиши;
- алмашлаб экишнинг у ёки бу тизимини ўзлаштириш ва қўллаш билан боғлиқ капитал сарфлар ва уларни қоплаш муддатлари.

### **11.3. Қишлоқ хұжалик әқинлари ҳосилдорлигини режалаштириш**

Деңгөнчилик тармоқларини ташкил қилиш, корхонанинг истиқболли ва йиллик режаларини ҳамда ишлаб чиқариш бўлими ва звеноларининг хўжалик ҳисоби топшириқларини ишлаб чиқишида ҳал қилувчи омил – қишлоқ хўжалик әқинлари ҳосилдорлигини режалаштиришdir. Эқинлар ҳосилдорлигини режалаштириш энг мураккаб ва шу билан бирга энг асосий кўрсаткич ҳисобланади. Чунки ҳосилдорлик ишлаб чиқаришнинг ҳамма хусусиятларини, уларнинг экинга таъсирини ўзида мужассамлаштиради. Ишлаб чиқаришнинг айрим омиллари эқинлар ҳосилдорлигига бевосита таъсир этса ва бу таъсирини маълум даражада миқдор жиҳатдан ҳисоблаш имкони бўлсада (масалан, менерал ва органик ўғитлар, сув таъминоти, ернинг захини қочириш, янги нав уруғлик, чукур шудгор қилиш ва ҳоказолар), лекин бошқалари эқинлар ҳосилдорлигига билвосита таъсир этганлиги учун уларнинг таъсирини бевосита миқдор жиҳатидан ҳисобга олиш анча қийин(мехнатни ташкил қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишларни ўз вақтида ўтказиш ва ҳоказо).

Бундан ташқари, ҳосилдорликка таъсир этувчи омилларнинг хар бири алоҳида таъсир этмасдан, балки ўзаро боғлиқ ва бир-бiriни тўлдирган ҳолда таъсир этгандагина юқори натижа беради, бунда ҳал қилувчи омил меҳнатdir. Бошқа ҳамма омиллар меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Шуни назарда тутиш керакки, экин ери учун қилинган меҳнат унумдорлигига, яъни экиннинг ҳосилдорлик даражасига табиий шароитлар, табиий омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади, қулай об-ҳаво шароитидагига қараганда унумдорликка ёки ҳосилдорликка эришиш имконини беради. Натижада об-ҳаво қулай келган йилларда ноқулай келган йиллардаги сингари бир хил ҳажмда меҳнат сарф қилинсада, лекин ҳосилдорлик юқори бўлади.

Бу ҳол эқинлар ҳосилдорлигини режалаштиришда бир йиллик натижа билан чекланиб қолмай, балки камида 5-6 йиллик ўртача даражага асосланишини талаб қилади. Режалаштириладиган ҳосилдорлик қанча узок муддатга ҳисобланадиган бўлса, эришилган ўртача ҳосилдорлик даражасини шунча узок муддатга асос қилиб олиш мақсадга мувофиқdir. Ҳосилдорликнинг эришилган даражасини ўрганиш ва таҳлил қилишда корхона жойлашган зонадаги давлат уруғ синаш участкалари, тажриба станциялари ва илғор хўжаликлар ҳамда бригадаларнинг ҳосилдорликни ошириш тажрибалари умумлаштирилиши керак. Таҳлил қилиш орқали ўртача ҳосилдорлик ҳамда ўртача йиллик ўсиш суръатлари аниқланади. Қабул қилинган ёки эришилган ўртача йиллик ўсиш суръатига кўра, маълум истиқболли йилга ҳосилдорлик даражаси режалаштирилади. Ўртача ҳосилдорлик даражаси қуйидаги формулага биноан аниқланиши мумкин:

$$X = \frac{\sum\limits_{i=1}^n XM}{\sum\limits_{i=1}^n M};$$

Бу ерда: X- экин ҳосилдорлиги;  
 М- экин майдони;  
 n- йиллар сони;  
 i - экин тури.

Анча узоқ (беш, ўн ва ҳоказо йиллар) даврдаги ривожланишнинг ўртача йиллик ўсиш суръатини аниқлашда қўйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:  
 Йиллик ўсиш суръатларининг хоссаси сифатида, яъни:

$$\bar{X}_c = \sqrt[n]{x_1 x_2 x_3 \dots x_n}.$$

Охирги даврдаги мутлақ микдорнинг дастлабки (базис) даврдаги мутлақ микдорга бўлган нисбати ҳосиласи сифатида, яъни:

$$\bar{X}_c = \sqrt{\frac{mh}{m_1}};$$

Бу формулада:  $\bar{X}_c$  - ўртача ўсиш суръати;

m - ҳар йилги мутлақ микдор;

h - йиллар сони.

Алмаштириладиган ўртача ҳосилдорлик даражаси эришилган ўртача (беш йиллик) ҳосилдорликнинг ўртача ўсиш суръатига кўпайтириш орқали аниқланиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳосилдорликни прогнозлашда қўйидаги тўғри тенглама формуласидан фойдаланиш мумкин:

$$Y_x = a + BA;$$

Бу ерда: Y-прогнозлашган ҳосилдорлик;

a- базис қилиб олинган бундан олдинги ҳосилдорлик даражаси, ц;

B- ўртача қўйилган ҳосилдорлик, ц;

n - йиллар сони.

«A» - функциянинг тўғри параметри қўйидагича аниқланади:

$$A = \frac{\sum x \sum y - \sum xy \sum x}{n \sum x^2 - (\sum x)^2}$$

«B» - функциянинг параметри қўйидагича аниқланади:

$$B = \frac{\sum xy - \sum x \sum y}{n \sum x^2 - (\sum x)^2}$$

6-жадвал маълумотларига кўра, тенглама параметлари қўйидагича бўлади:

$$A = \frac{91x188,6 - 668,7x21}{6x91 - (21)^2} = \frac{17162,6 - 14042,7}{546 - 441} = \frac{3119,9}{115} = 29,7 \text{ ц/га}$$

$$B = \frac{668,7 - 21x188,6}{6x91 - (21)^2} = \frac{4012,2 - 3960,6}{546 - 441} = \frac{51,6}{105} = 0,49 \text{ ц/га}$$

$$Y_6 = 30,0 + 0,49x6 = 30,0 + 2,94 = 32,94 \text{ ц/га}$$

2001 йилда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 32.94 ц.ни ташкил қилиши керак эди. Лекин шу йили об-ҳавонинг нокулай келиши натижасида пахта ҳосилдорлиги бир оз кам бўлган. Умуман, бу усул ҳосилдорликнинг ўртача йиллик ўсишини тўғри кўрсатиб беради. Тўғри чизиқли тенгламадан фойдаланган ҳолда кейинги йилларга пахта ҳосилдорлигини прогнозлаш мумкин:

$$Y_x = 32.2 + 049x4 = 32.2 + 1.96 = 34.16 \approx 34.2 \text{ т/га}$$

6-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси пахтачилиги мисолида «А» ва «В» функциялари параметрини ҳисоблаш

Йиллар	Йилларнинг тартиб рақами X	Ҳақиқий ҳосилдорлик даражаси, ц-га Y	Тартиб сонини ҳосилдорлик ка кўпайтириш XY	Тартиб сонининг квадрати $x^2$
1993	1	30.0	30.0	1
1994	2	31.6	63.2	4
1995	3	30.2	90.6	9
1996	4	31.3	125.2	16
1997	5	33.3	166.5	25
1998	6	33.2	163.2	36
	$\sum x = 21$	$\sum y = 1886$	$\sum xy = 668.7$	$\sum x^2 = 91$

Ҳосилдорликни унга таъсир этувчи энг асосий омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқиш орқали режалаштириш мумкин. Бунда таъсири аниқланадиган омилдан бошқалари бир хил – ўзгармаган бўлиши керак. Таъсири ҳисобланадиган шундай омилларга минерал ва органик ўғитларнинг кўлланиши, янги уруғлик навлари, сув таъминоти ва ҳоказолар киради. Илмий-тадқиқот институтлари маълумотларига кўра, қўшилган ҳосилнинг ярми минерал ўғитлар ҳиссасига тўғри келади. Пахтачиликда ернинг табиий унумдорлиги гектар бошига ўртача 12-14 ц ҳосил олишни таъминлайди. Қолган ҳосил, яъни қўшимча ҳосил ерга қўшимча меҳнат ва маблағ сарфлаш натижасида, меҳнат унумдорлиги ошиши ҳисобига етиштирилган. Ҳақиқатда сарф қилинган соғ микдордаги ўғитнинг бир бирлигига етиштирилган ҳосил олингандан кейин уни режалаштирилган қўшимча ўғит сарфига кўпайтириш орқали қўшимча олинадиган ҳосил микдори аниқланади:

$$Y_{n1} = X + Y_n x K_x = 30.0 + 02x18 = 30.0 + 1.6 = 31.6 \text{ т/га}$$

У<sub>пл</sub>- режалаштирилган ҳосилдорлик, ц-га;  
Х- эришилган ўртача ҳосилдорлик, ц-га;  
У<sub>н</sub> - кўшимча ўғит сарфлаш меъёри, ц;  
К<sub>х</sub> - ўғит сарфлаш натижасида меҳнат унумдорлиги ошуви ҳисобига олинадиган ҳосил коэффициенти.

#### 11.4. Дехқончиликда иш жараёнларини ташкил қилиш

Қишлоқ хўжалигига маҳсулот етиштириш меҳнат ва табиий жараёнлар йиғиндисидан, табиий шароит ва экиннинг биологик хусусиятига кўра, маҳсулот етиштириш учун керак бўладиган бутун бир давр турли меҳнат (иш) жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлади. Агар қишлоқ хўжалигидан бошқа биологик жараёнга асосланмаган ҳамма соҳаларда ҳар бир меҳнат жараёни нисбатан мувофиқликка, алоҳида ажralиш хусусиятига эга бўлса ва ўзидан кейинги меҳнат шароитида қайси муддатда қатнашишидан қатъиназар, олдинги жараёнда ҳосил қилинган натижани сақлаб қолса, қишлоқ хўжалигига бундай эмас.

Дехқончиликда маҳсулот етиштириш учун экиннинг биологик хусусиятига мос келадиган шароитлар табиатдан олинади, бўлмаганлари сунъий йўл билан меҳнат сарф қилиш туфайли содир бўлганлиги учун меҳнат жараёни натижаси фақат шу жараён учун аҳамиятли бўлиб, бу натижа сақлаб қолиниши ва давом эттирилиши учун ўзидан кейинги жараёнларни қатъий муддатларда ўтказиши тақозо қиласи. Акс ҳолда меҳнат жараёнининг натижаси тўла йўқقا чиқиши мумкин. Масалан, саноатда темирдан бирон деталь ишлаб чиқариш керак бўлса, аввал у қуюв цехида қуйилиб, маълум керакли шаклга келтирилади, сўнгра меҳнат (иш) жараёнида унга ишлов берилади (текисланади, йўналади ва ҳоказо). Қуйилган деталга яна ишлов берилишининг қайси муддатда ўтказилиши пировард натижада у қандай сифатдаги маҳсулот бўлишига унчалик катта таъсир қilmайди. Қишлоқ хўжалигига аксинча, масалан, экишга тайёрлаб қўйилган тупроққа белгилангандан олдин ёки кейин уруғ сепиладиган бўлса, унинг униб чиқиши тубдан ўзгариши мумкин, сўнгра ўсиб чиқсан экин (ғўза) вақтида ягана қилинмаса, унинг ўсишига салбий таъсир етади, яъни ҳосил кам бўлиши ёки мутлақо олинмаслиги мумкин. Меҳнат жараёнида киши фаолияти меҳнат воситалари ёрдамида меҳнат предметини ўзгартириб, уни олдиндан назарда тутилган шаклга солади. Жараён маҳсулотда сўнади. Меҳнат (иш) жараёнлари кам меҳнат ва маблағ сарф қилган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши ва юқори ҳосил бериши учун энг қулай биологик шароитлар яратишга қаратилади.

Ишлаб чиқариши ташкил қилишнинг тамойиллари ишлаб чиқарувчи кучлар жуда тараққий этган ҳозирги даврда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнини ташкил қилишнинг мутаносиблиги

корхона, бўлим, бригада ва иш жойида маълум вақт бирлигига маҳсулот етишириш ёки иш бажариш имкониятининг олдиндан белгиланган режа топшириғига тўғри келишини тақозо этади. Мутаносиблик иш жараёнини ташкил этиш нуқтаи назаридан олиб қарабанда, у бир хил техник чизикдаги ҳар хил меҳнат операцияларида банд бўлган турли гуруҳдаги ходимлар, машиналар ва механизациялар ўртасида тўғри миқдорий муносабатларнинг ўрнатилишини ифода қиласи.

Ишлаб чиқаришнинг мутаносиблик даражаси ҳар бир географик (корхона, бўлим, бригада, иш жараёни, иш оперцияси, қобилият, иш бажариш, маҳсулот етишириш ва ҳоказо) чегара учун режалаштириб қўйилган кўрсаткичга нисбатан бўладиган фарқ билан белгиланади:

$$G = \sqrt{\frac{\sum_{h=1}^m (h - \bar{h})^2}{m}};$$

Бу ерда: G- мутаносиблик даражаси;

$h$  - айрим чегаранинг қуввати (имконияти);

$\bar{h}$  - режалаштирилган маром (даража);

$m$  - чегара (га) сони.

Ишлаб чиқаришнинг мутаносиблиги айрим чегара ёки иш жараёни зўрайиб кетиши, яъни «танг жойлар» бўлиб келишининг олдини олади. У корхона фаолияти ишлаб чиқариши жараёнларининг бир текисда бориши учун имконият яратади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг мутаносиблигини таъминловчи асосий усуллардан бири тезкор режалаштиришdir. Бундай режалаштириш орқали корхонада ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучлари, ишлаб чиқариш воситаларининг айрим турлари ўртасида мутаносиблик таъминланади.

Меҳнат жараёнини бир меъёрда ёки бир текисда олиб бориш дейилганда ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзаро боғлиқ ва бир- бирини тўлдирадиган турли операцияларни белгиланган муддатларда бир хил суръатларда олиб бориш тушунилади.

Масалан, бир кунда терилган пахтани шу куннинг ўзида қуритиш, ортиш, ташиб давлатга топшириш пахтани териб давлатга топширишнинг бир меъёрда боришини ифода қиласи.

Меҳнат жараёнларининг узлуксизлиги дейилганда, меҳнат жараёни ҳамда меҳнат воситалари ва иш кучларидан фойдаланишда тўхтовсиз, ҳеч бир танаффусиз иш юритиш тушунилади. Ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксизлигини таъминлаш уни интенсивлаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнининг ҳамма бўғинларида, хусусан, корхона миқёсида ҳам қўллаб-қувватланиши керак. Дехқончилик тармоқларида узлуксизлик, айниқса, экинларни экиш, ҳосилни ўриб- йифиб олиш ва топшириш жараёнларини бажаришда жуда катта аҳамиятга эга.

Иш жойида ёки меҳнат қилиш зонасида узлуксизликни таъминлашнинг асосий шаклларидан бири параллелликдир. Бунда иш жараёнининг айрим қисмлари ёки операциялари бир вақтнинг ўзида бажарилади.

Масалан, экиш жараёни экиш, уруғ келтириш, уни яшикларга солиш операцияларидан иборат бўлса, улар олдинма- кейин бажарилиши билан бирга бир вақтнинг ўзида ҳам бажарилиши мумкин. Бунда параллеллик содир бўлади, экиш агрегатини уруғ билан тўлдириш, уруғни олиб келиш ва яшикка солиш учун кетадиган вақт тежалади, натижада экиш агрегатининг иш унуми анча ошади, экиш жараёни интенсивлашади.

Ишлаб чиқариш (иш) жараёнининг параллеллик даражаси  $K_p$  ишлаб чиқариш (иш жараёнидаги операциялар) параллел ҳолда кечган муддатнинг ҳақиқий муддатга нисбати билан аниқланади:

$$K_p = \frac{\sum_i^h T_{u,n}}{\sum_i^h T_u};$$

Бу ерда:  $T_{u,p}$  - операциялар параллел усулда кечган цикл миқдори;

$T_u$  - ишлаб чиқариш ёки операциянинг ҳақиқий муддати.

Операциялар ва жараёнлараро танаффусларни қисқартириш орқали узлуксизликни таъминлашнинг асосий йўли – уларнинг бажарилишини вақт бирлиги ичидаги келишиб олишдир.

Ишлаб чиқариш ёки иш жараёнидаги узлуксизликни ташкил қилишнинг энг юқори кўриниши поток усулидир. Ишлаб чиқариш ва иш жараёнларининг узлуксизлик даражаси узлуксизлик коэффициенти  $K_y$  билан ифодаланиб, у ишлаб чиқариш ёки иш жараёнидаги технологик қисм давом этиши муддатининг тўла иш жараёни цикли муддатига нисбати билан ифодаланади:

$$K_y = \frac{ET_{u,met}}{T_u};$$

Бу ерда:  $p$ - қисмлар ёки чегаралар сони.

Масалан, пахта терими даврида хомашёни йиғиб-териб, давлатга топширишни узлуксиз поток усулида ташкил қилиш мумкин. Бу усул териш ва ташиш, ортиш - тушуриш жараёнлари тўла механизациялашган ва бу даврдаги жараёнларни бажаришда қатнашаётган техника ва иш қучларидан фойдаланиш гурух усулида ташкил қилинган, улар ўртасида мутаносиблик таъминланган, ҳар бир жараён - операцияни бажаришнинг қатъий муддатлари келишиб олинган тақдирда тўла мазмун касб этади ва энг юқори натижада беради.

Қишлоқ хўжалигида экинларга ишлов бериш ва маҳсулот етиштириш билан боғлиқ ҳамма ишлар баҳорги далачилик, яъни экишга тайёргарлик ва экиш; экинларга ишлов бериш; хосилни йиғиб-териб олиш ишлари давридан иборат учта гурухга бўлинади. Ишлар механизация воситалари билан, от-увовда ва қўлда бажарилиши мумкин.

Далачилик ишлари юқорида кўрсатилган даврларда самарали ўтказилиши учун ҳар бир даврга тезкор иш режалари тузилади. Ишлар қуидаги тартибда тузилади: механизация-трактор ишлари загон, фигурали (айланма) ва моки усулида бажарилиши мумкин. Конкрет иш турининг қайси усулда бажарилиши ишнинг хусусиятига, яъни бажарилишига қўйиладиган технологик талабга, даланинг рельефи ва катта-кичиклигига, агротехник қамраб олиш кенлигига боғлик. Трактор ишларини бажаришнинг загон усулидан, яъни далани бир неча бўлакларга (тахталарга) бўлиб, иш бажариш усулидан ер ҳайдашда, фигурали (айланма) усулидан бороналаш ва малалаш, ҳосилни ўриб - йифиб олиш (ёппасига ўриб - йифиладиган экинлар)да, моки усулидан қатор ораларига ишлов бериладиган экинларда кенг фойдаланилади.

Загон усулида агрегат даланинг узун томони бўйлаб ҳаракат қиласи. Далада ҳосил бўладиган марза ва ариқчаларни камайтириш учун загон (дала тахталари) катта қилиб олинса, агрегатнинг бурилиш масофаси узайиб кетади, асосий иш вақти қисқаради ва аксинча, загонлар кичик-кичик олинса, марза ва ариклар кўпайиб, уларни текислаш учун харажатлар ортиб кетади. Бу камчиликларни бартараф қилишнинг энг мақсадга мувофиқ йўли шудгорлаш ва ҳайдашни загон усулида бажаришdir.

Ер загонларга бўлинниб, сиртмоқ шаклда ҳайдалганда ичкарига ағдариб ҳайдалган загонлар билан ташқарига ағдариб ҳайдалган загонлар навбатлашади, натижада загонларнинг четлари билан ўрталаридағи чуқур эгатлар ва пушталар сони камайиб, ер анча текис ҳайдалади.

Ерга ишлов берувчи машиналарнинг такомиллашуви билан ер ҳайдаш ишлари ҳам такомиллашиб боради. Ҳозирги вақтда ўз ўқи атрофида айланувчи плуглар ишлаб чиқарилиши муносабати билан ерни текис ҳайдаш усули кўлланилмоқда. Бу усулда ер бир чеккадан бошлаб мокисимон шаклда ҳайдалади, пушта ва эгатлар ҳосил бўлмайди. Уларни текислашга ҳожат қолмайди, меҳнат ва маблағ тежалади, тупроқнинг хоссаси сақланади. Бу усул айниқса, тоғ ва адир ёнбағирларидағи ерларни ҳайдашда жуда кўл келади.

Ерни шудгорлашда икки ярусли плуглардан фойдаланиш катта самара беради. Ер бу усулда ҳайдалганда юзидағи экин қолдиқлари, органик ўғитлар, экин анғизлари тупроқнинг пастки қатламига тушиб, чириндига айланади, экин илдизлари учун озиқ манбай бўлади. Ерни шудгорлаш самарадорлигига ҳайдаш ишларигина эмас, балки ернинг тузилиши, шакли ва ҳажми ҳам таъсир қиласи. Шунинг учун ерни конфигурацияси ва ҳажмига кўра ҳайдаш усуллари танлаб олинади.

Ер текислаш, бороналаш ва молалаш ишлари экишни сифатли ўтказишнинг асосий омиллариdir.

Бороналаш орқали ер текисланиб, экиш агрегатига ҳалақит берадиган кесаклар майдланади, тупроқдаги нам сақланади. Мола босиш ёрдамида тупроқ юзаси текисланиб, шиббаланиши натижасида нам ўтказувчи найчалар (капилярдир) тикланади ва уруғ жойлашадиган тупроқ қатламига нам тўпланади. Бу агротехник жараёнлар моки ёки загон усулларида бажарилади.

Экинларни экиш деҳқончилиқда энг маъсулиятли иш жараёни ҳисобланади. Уруғ яхши тайёрланган ерларга, белгиланган агротехник муддатларда талаб қилинган чуқурликка юқори сифатли қилиб экилса, мўл ҳосил олиш учун замин яратилади. Тупроқнинг хусусияти, корхонанинг иш кучлари билан таъминланганлиги ва мавжуд машиналар тизимиға кўра, экиш усули, уруғни жойлаштириш чизмалари белгиланади. Асосий эътибор экиш агрегатининг иш унумини оширишга қаратилади. Бунинг учун сеялкага вақтида уруғ солиб туриш, тракторни ёқилғи ва сув билан узлуксиз таъминлаш, унинг бекор туриб қолишига йўл қўйилмаслик керак.

Экишда энг кўп тарқалган иш сеялкага уруғ солишdir. Сеялкага уруғ солинадиган жой белгиланиб, бу ерга уруғлик олдиндан келтириб қўйилиши керак. Уруғ солинадиган нуқталар орасидаги масофа сеялкадаги уруғни экилгунга қадар босиб ўтиладиган масофанинг узунлиги билан белгиланади.

Сеялкани уруғликка бир марта тўлдириш билан босиб ўтиладиган масофа қўйидагича аниқланади:

$$M = \frac{10^4 K_{cc} C_c}{\mathcal{E}_n B_k};$$

Бу ерда:  $M$ - сеялкани уруғликка тўлдириш нуқталари орасидаги масофа.  $10^4$  -1 га ер ҳажми,  $10000 \text{ m}^2$ ;

$K_{cc}$  - сеялка сифимидан фойдаланиш коэффициенти. У 0,9 га тенг бўлади;

$\mathcal{E}_n$  - экиш меъёри, 1га-кг;

$B_k$  - сеялканинг қамраб олиш кенглигига, м;

$C_c$  - сеялканинг сифими, кг.

Масалан, чигитни 90 см чизмада 40 кг. сифимга эга бўлган 4 қаторли сеялка билан қатор оралаб гектарига 60 кг. экилганда экиш масофаси

$$M = \frac{10000 \times 0.9 \times 40}{60 \times 3.6} = 1666.6 \text{ метрга тенг бўлади.}$$

Дала узунаси 500 метрга тенг бўлганда дала эни (кўндаланги) нинг ҳар 12 метрига

$$H_y = \frac{MB}{D_y} = \frac{166.6 \times 3.6}{500 \text{ м}} = 11.99$$

сеялка яшиги сифимининг 90%ига тенг ҳажмдаги уруғ келтириб қўйиш талаб қилинади. Экиш шу тарзда ташкил қилинганда агрегатининг унумли ишлаши таъминланади, ёрдамчи ишчига эҳтиёж камаяди.

Пахта пленка остига экилганда экишни ташкил қилиш юқорида айтилган тартибда олиб борилиб, пленкага бўлган талаб ва экиш агрегатининг унумида фарқ қилиши мумкин.

Пахтачиликда қатор ораларига ишлов бериш давридаги ишларга ягана ва культивация, ўғитлаш билан бирга суғориш учун эгат олиш, суғориш ва чеканка қилиш ишлари киради. Ягана муҳим агротехник тадбир бўлиб, экинлар униб чиқишининг дастлабки даврида уларга энг яхши шароит яратишга қаратилган жуда сермеҳнат иш ҳисобланади.

Сув таъминотини яхшилаш ва суғоришни тўғри ташкил қилиш – мўл ҳосил гаровидир. Бунда суғориш меъёрларини тўғри белгилашга эътибор бериш керак. Вегетация даврида бир га ердаги экинга талаб қилинадиган сув экин ҳосилдорлигига ва бир ц. ҳосилни етишириш учун кетадиган сув сарфи меъёрига боғлиқ бўлади, яъни:

$$C_{n_2} - X_u = C_{n_1};$$

Бу ерда:  $C_{n_1}$ - 1 га ердаги экининг вегетация давридаги сувга талаби, м;

$X_u$  - экиннинг ҳосилдорлиги, га-ц;

$C_{n_2}$  - бир ц. ҳосилга сув сарфи меъёри, м<sup>3</sup>.

Бир ц. ҳосил етишириш учун талаб қилинадиган сув сарфи меъёрини илмий-тадқиқот институтлари суғоришнинг турли усулларига кўра ишлаб чиқадилар.

Суғориш оқизиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш, илдиз остидан суғориш турларига бўлинади. Оқизиб суғориш ўз навбатида ёппалатиб суғориш ва эгат оралатиб суғоришга бўлинади. Суғориша у ёки бу усулни қўлланиш тупроқ хоссасига, ер рельфига, экинлар хусусиятига, суғориш меъёрига ва сув билан таъминланиш даражасига боғлиқ. Шоли, кўп йиллик ўтлар асосан ёппалатиб суғорилади. Қатор ораларига ишлов бериладиган экинлар эгатлаб суғорилади. Бўш, юмшоқ ва сувни тез ўтказадиган тупроқ экинзорларни меъёрида суғориш ва тупроқни захлатиб юбормаслик учун эгатларни қисқа, сувни ёмон ва секин ўтказадиган тупроқларда узун олиш тавсия қилинади. Эгат боши сув оқими ювиб кетмаслиги учун ўғитдан бўшаган қофоз қоплардан, сифон-найчалардан ва бошқа қаттиқроқ нарсалардан фойдаланиб, мустаҳкамланади. Масалан, сув ғўзани ёмғирлатиб суғориша 2-2, 5 марта, илдиз остидан суғориша эса жуда кам сарф қилинади, унинг фойдали иш коэффициенти ортади. /ўза эгатлаб суғорилганда фойдалииши коэффициенти 30-35% бўлса, ёмғирлатиб суғорилганда бу кўрсаткич 65-80% даражада бўлади. Илдиз остидан суғорилганда эса сув исрофгарчилигига барҳам берилади.

Ҳосилни ўриб-йиғиб олиш даври энг асосий давр ҳисобланади. Донли экинлар вақтида ўриб-йиғиб олинмаса, пишиб, ўтиб кетса, тўкилиб, ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади. Шунинг учун бошоқли дон экинлари бўлиб-бўлиб ҳамда бир йўла ўриб-йиғиб олинади. Бошоқли дон экинлари аввал тўла пишиб етилгунга қадар (думбул бўлиб қотган пайтда) ўриб қўйилади, ўриб қўйилган ҳосил тўла пишгандан сўнг комбайн билан янчиб йиғиб олинади. Шундай қилинганда 20-25% ҳосил нобуд бўлишдан сақлаб қолинади.

Бошқа экинлар каби пахта ҳосилини ҳам нобуд қилмай, ўз вақтида йиғиб-териб олиш жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Бунда пахтанинг юқори сифатлилиги таъминланади, кам меҳнат ва маблағ сарфланади, келаси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрланади. Пахта ҳам қўлда, ҳам машинада терилади. Ҳосил машинада териладиган майдонлар эрта баҳордан ажратилиб, экинлар машинабоп қилиб ўстирилади, дала ёввойи ўтлардан тозаланади ва терим агрегатларининг унумли ишлаши учун ғўза дефонантлар билан

дориланади, барглари тўқтирилади, дала чеккаларида терим машиналари учун бурилиш жойлари тайёрланади.

Пахтани машина билан терганда ҳар бир машина ёки икки- уч машина учун алоҳида загонлар (тахталар) ажратиб берилади. Бункер тўлгандан кейин уни тўкиш учун кетадиган вақтни иложи борича қисқартириш ва машина унумдорлигини ошириш мақсадида тўкиш жойларини аниқлаш ва у ерларга пахта ташувчи оғдирма «2 ПТС-4» тележкаларни вақтида келтириб қўйиш талаб қилинади. Бунинг учун машина бункеридан тўкиш масофаси ва вақтни аниқлаш керак бўлади.

Бу қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$M_m = \frac{B_c \cdot 10^4}{X_u \cdot x \cdot B_a};$$

Бу ерда:  $M_T$  - бункернинг тўлиш масофаси, м

$B_c$ - бункернинг сифими;

$X_m$  - 1га ердан териб олинадиган ҳосил, ц;

$B_a$  - агрегатнинг қамраб олиш кенглиги.

Масалан, пахта ҳосилдорлиги 35 ц. бўлиб, ҳосилнинг 65%и очилиб, икки қаторли машина билан шу ҳосилнинг 85%и бункерга бевосита териб олинганда бункернинг тўлиш масофаси 2000 м.га тенг бўлади:

$$M_T = \frac{7 \cdot 10000}{19.4 \cdot 1.8} = 2000 \text{м.}$$

Терим агрегатининг бурилишларини ҳам ҳисобга олган ҳолда тезлиги соатига ўртача 4 км.ни ташкил қилганда бункер 30 дақиқада тўлади. Терилган пахтани ташиш учун талаб қилинадиган транспорт тележкалари қуйидагича аниқланади:

$$T_n = \frac{X_n W_{coat} T_p}{\Gamma_n};$$

Бу ерда:  $T_p$  - талаб қилинадиган тамойиллар сони;

$X_n$  - 1 га ердан териб олинадиган ҳосил, ц;

$W_{coat}$  -агрегатнинг бир соатлик иш унуми, га/соат;

$T_p$  - бир қатнов(рейс)га кетган вақт, соат;

$\Gamma_n$  - тамойилнинг юк кўтариш қобилияти, ц.

Пахта қоп-қанорсиз, тележкаларда ташилганда йўл ҳаракати қоидалариға кўра, тракторга икки прицеп тележка тиркалаб, ташиш агрегати ташкил қилинади. Ҳар бир тележка транспорт агрегатининг юк кўтариши 2,8 т.га ( $0.7 \times 2 \times 2$ ) тенг бўлади. Бир транспорт учун тўртта терим агрегати биргаликда ишлишини ташкил қилиш керак. Бунда терим агрегатлари учун талаб қилинадиган прицеплар сони қуйидагича бўлади:

$$T_n = \frac{19.4 \cdot 0.7 \cdot 1.0}{1.4} = 1.053 \text{ тележка.}$$

Транспорт агрегатининг бир рейс (пахтани пунктга элтиб, топшириб, қайтиб келиш вақти) бир соатга тенг бўлганда, бир терим агрегати битта тележка, тўртта терим агрегатига ҳисобланганда тўртта тележка бўлиб, икки прицеп-тележка тиркалган транспорт агрегат бўлади. Смена вақтидан самарали фойдаланиш учун терим агрегатига дала белгиланганда унинг далада бориб-келиш сони жуфт бўлишига эътибор бериш керак. Чунки бу ҳолда терим машинасига хизмат кўрсатувчи терим аппарати шпинделларини тозалаш, техника хизмати кўрсатиш, пахтани прицепларга тўкиш воситаларини даланинг доимо бир томонида тўплаш мумкин бўлади.

## **Қисқача хуросалар**

Дехқончилик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири. Дехқончилик тизими – тупроқ унумдорлигини оширишга, қишлоқ хўжалигини самарали соҳага айлантиришга қаратилган ташкилий-агротехник тадбирлар йиғиндисидир.

Дехқончилик тизимининг асоси экинларга ишлов бериш технологияси ва у алмашлаб экишда ифодаланади.

Алмашлаб экиш турлари ва чизмалари тупроқ шароитларидан, экинлар хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ташкил этилади.

Экинлар ҳосилдорлигини режалаштириш Бизнес-режанинг асосий кўрсаткичларидан бўлиб, уни тўғри асослаб бериш дехқончилик тизими талабларидан келиб чиқади.

Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва сурункали ошириб бориш иш жараёнларини тўғри ташкил этишга боғлиқлиги учун ушбу бобда бу масалаларга катта эътибор берилган.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Дехқончилик тизими ва унинг асосий қисмлари нималардан иборат?
2. Қандай дехқончилик тизимларини биласиз?
3. Алмашлаб экиш нима ва унинг қандай чизмалари, турларини биласиз?
4. Экин майдонларини режалаштиришнинг қандай усулларини биласиз?
5. Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик қандай режалаштирилади?
6. Чигит экишда селкани чигит билан тўлдириш нуқтаси қандай аниқланади?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”. -Т., 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги қонуни. -Т., 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонуни. -Т., 1998.
4. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи -Т., 1998.
5. Ҳамдамов Қ. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш (амалий машғулотлар учун). –Т.: ТДИУ, 2003.

## XII боб

# ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

## 12.1. Чорвачилик тизими

Чорвачилик тизими дейилганды, чорва моллари сонини ўстириш ва сифатини яхшилаш, маҳсулдорлигини муңтазам ошириб бориш ҳамда маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатларни камайтириш, умуман, чорва моллари ва чорвачилик воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш орқали уни энг самарали тармоқقا айлантиришни таъминлайдиган ташкилий-иктисодий, технологик ва техникавий тадбирлар йиғиндиси тушунилади.

Чорвачиликнинг у ёки бу тармоғини мамлакатнинг айрим туманларида ва зоналарида жойлаштириш тасодифий бўлмай, балки маҳаллий шарт-шароитлар, аҳоли эҳтиёжлари ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги билан белгиланади. Мамлакатнинг турли туманлари зоналаридаги табиий-иктисодий хусусиятлар, ем-хашак етиштириш ва ундан фойдаланиш шароитлари ҳисобга олинган ҳолда чорвачиликни юритишнинг турли зонал ва маҳаллий тизимлари мавжуд бўлади.

Чорвачиликни юритиш тизимлари подани такрор ишлаб чиқариш, чорва молларини қишиш ва ёз пайтларида асрарш ва боқиши усуллари, ем-хашак етиштириш манбалари, тармоқнинг интенсивлиги, бир бош чорва моли ва 1 гектар ем-хашак майдонига қилинадиган меҳнат ва маблағ харажатлари даражаси ҳамда 1 гектар ер майдони ҳисобига етиштирилган маҳсулот миқдори билан фарқланади.

Чорва молларини асрарш ва боқиши, ем-хашак етиштириш ва ундан фойдаланиш хусусиятларига кўра, чорвачиликни юритиш тизими яйлов, яйлов-ўтлоқ, яйлов-оғилхона ва оғилхона-лагерь турларига бўлинади. Соғ асрарш хусусиятига кўра, чорвачиликни юритиш тизими боғлаб боқиши ва боғламай боқиши тизимларига, қилинадиган сарфлар ва улардан олинадиган маҳсулот миқдори даражасига кўра, экстенсив ва интенсив тизимларга бўлинади. Бинобарин, обеъктив жиҳатдан турли табиий-иктисодий шароитда бўлган хўжаликлар, шунингдек, айрим чорвачилик тармоқлари учун ягона тизим бўлишии мумкин эмас. Яйлов тизими энг қадимий чорвачилик тизимидир. Бу тизим асосини табиий яйловлар ташкил қилиб, улардан йилнинг турли фаслларида фойдаланилади. Инсон чорвачиликдаги ишлаб чиқариш жараёнларига кам аралашади.



6-чизма. Чорвачилик тизимининг асосий тадбирлари (элементлари).

Яйлов-ўтлоқ тизимида чорва моллари йилнинг муайян фаслларида сақланади. Ноқулай об-ҳаво ва бошқа табиий шорaintлар ҳисобга олинниб, кишилар учун уй-жой бинолари, чорва моллари учун эҳтиёт озиқ заҳираси, усти ёпиқ қўтонлар тайёрлаб қўйилади, яйловларга сув чиқарилади, кудуклар қазилиб, улардан сув чиқариш механизациялаштирилади, ветеринария назорати йўлга қўйилади, чўпонлар, бригадирлар учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Бу тизимнинг анча такомиллашган шакли маданий яйлов тизими бўлиб, у ишлаб чиқариш жараёнига одамнинг фаол аралашувини тақозо этади. Чорва моллари қўшимча озиқлантирилиб, уларнинг яхши ўсиши ва ривожланиши

таъминланади. Мамлакатимизда яйлов-ўтлоқ тизими қора-қўлчилиқда, гўшт ва дағал жунли қўйчилиқда, йилқичилиқда ва қисман гўшт қорамолчилигига кенг қўлланилади. Оғилхона-яйлов ёки яйлов-оғилхона тизими яйлов-ўтлоқ тизимининг анча такомиллаштирилган, интенсивланган кўринишидир. Оғилхона тизимида чорва молларини яйловда ўтлатиш даври яйловларда ўтлар ўсиб-униши муддати билан белгиланади. Бу тизим яйлов майдони унчалик катта бўлмай, далачиликдан ем-ҳашак олиш имкони бўлган туманларда кенг қўлланилади. Чорва моллари яйловларда ўтлар ўсиб чиқишидан қузгача боқиласди, қишида уларни асраш ишчилар зиммасига тушади. Чорва моллари қишида яхши жиҳозланган оғилхоналарда парвариш қилинади, ем-ҳашак тайёрлаш, оғилхоналарга элтиш, тарқатиш, сугориш, оғилхоналарни тозалаш ишлари механизациялаштирилади, капитал характердаги озиқ омборлари, ишлаб чиқариш иншоотлари бунёд қилинади.

Кўп хўжаликларда яйлов ва ўтлоқлар ҳосилдорлигини ошириш билан боғлик тадбирлар амалга оширилиб, маданий ўтлоқлар вужудга келтириляптики, бу нарса ер бирлигига тўғри келадиган чорва моллари бош сонининг анча юқори бўлишини таъминламоқда. Бунда ем-ҳашак майдони, чорва мол боши бирлигига меҳнат ва маблағ сарфлари кўп бўлсада, лекин харажатлар молларнинг анча юқори маҳсулдорлигини таъминламоқда. Бунда ем-ҳашак майдони, чорва мол боши бирлигига меҳнат ва маблағ сарфлари кўп бўлсада, лекин харажатлар молларнинг анча юқори маҳсулдорлиги билан қопланиб кетади, маҳсулот йил давомида бир меъёрда етиштириш таъминланади. Оғилхона-яйлов тизими ҳозирги даврда мамлакатимизнинг турли зоналарида ва туманларида, қорамолчиликнинг гўшт-сут ва сут йўналишида, майнин жунли ва ярим майнин жунли қўйчилиқда, гўшт-мой қўйчилигига кенг қўлланилмоқда. Оғилхонада боқиш тизими чорвачиликнинг энг интенсив тизими бўлиб, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг жуда юқори даражада ҳайдалишига эришилган туманларда кенг қўлланилади, ем-ҳашак асосан далачиликдан олинади.

Агар яйлов, оғилхона-яйлов тизимларида озиқ топиб ейиш тўла ёки қисман моллар зиммасига тушса, оғилхона тизимида озиқ етиштириш ва уни чорва молларига бериш бутунлай кишилар зиммасига тушади. Шунга кўра, моллар қатъий меъёр асосида боқиласди, урчишиш ва болалаш муддатлари тартибга солинади, йил давомида бир меъёрда ва юқори даражада маҳсулот етиштириш таъминланади.

Бу тизимда моллар йил давомида бино ичида бўлади, сайдир учунгина ташқарига чиқарилади.

Кўп хўжаликларда оғилхона-лагерь тизими ҳам қўлланилади.

Бу тизимда қишида моллар оғилхонада боқилиб, ёз ойларида лагерларга олиб чиқилади. Одатда, лагерлар фермадан узоқ бўлмаган маданий ўтлоқларда ташкил қилинади.

Чорвачиликни бу тарзда ташкил қилиш чорва молларининг соғлиғини сақлаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, маҳсулот бирлигига

сарфланадиган харажатларни қисқартириш имкониятини беради. Маданий яйловлар бўлмаган хўжаликларда ферма олдида сайд майдонлари ташкил қилинади ҳамда моллар ҳосили ўриб-йифиб олинган майдонларда ўтлатилади, сайд қилдирилади.

Йил бўйи оғилхонада боқиш тизими асосан молларни семиртиришда, репродуктор чўчқачилигига, оғилхона-лагерь тизими эса интенсив сут қорамолчилигига кенг қўлланилади. Чорвачиликнинг у ёки бу тизимига иқтисодий баҳо беришда қўйидаги қўпсаткичлардан фойдаланилади:

- давлат томонидан чорвачилик маҳсулотлари ва уларнинг турлари бўйича сотиб олиш буортмалари бажарилиши таъминланиши;
- ҳар 100 га ем-хашак майдонига чорва моллари сони ва маҳсулдорлиги тўғри келиши;
- чорва молларининг маҳсулдорлиги, бир бош молга тўғри келадиган харажатлар;
- ем-хашак бирлигига етиштирилган маҳсулотлар миқдори;
- меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот таннахи;
- капитал сарфлар самарадорлиги.

## 12.2. Подани такрор ишлаб чиқариш

Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш чорва молларининг биологик хусусиятларига асослангани учун улардан фойдаланиш жониворларнинг табиий яшаш даври билан белгиланади. Шунинг учун чорвачилик тармоғининг самарадорлиги подани такрор тўлдириб туришга кўп жиҳатдан боғлик бўлади.

Подани оддий такрор ишлаб чиқариш чорва моллари сони ўзгармай қолган ҳолда янгиланади, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда эса пода факат янгиланиб қолмай, балки чорва молларининг сони ҳам доимо қўпайиб боради, моллар сифати яхшиланади, зотсиз ва паст классдаги моллар ўрнига зотли, юқори классдаги маҳсулдор моллар келтирилади. Подани кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш чорва моллари сонини қўпайтириш ва улар маҳсулдорлигининг ўсиши билан қўшиб олиб борилиши керак. Моллар зоти ва наслдорлиги сифатини яхшилаш, маҳсулдорлиги ва тез етилишини ошириш подани такрор ишлаб чиқаришнинг интенсив йўли хисобланади. Бу чорвачиликни ривожлантиришнинг бош йўлидир.

Подани такрор ишлаб чиқариш қўйидаги талабларга риоя қилишни тақозо этади:

- подани тўлдириш учун қолдирилган ёш молларни ўз вақтида урчиши;
- подадан она моллар сифатида фойдаланиш муддатларини белгилаш, қисир қолдирмаслик, серпуштларини қўпайтириб бориш;
- ёш молларни нобуд қилмасдан тўла сақлаб қолиш, уларни парвариш қилишни яхшилаш, 18-24 ойликка етганда сотиш учун ҳар бирининг вазнини 400-500 кг.га етказиш;
- интенсив ўстириш ва семиртиришни ташкил қилиш;

- молларни урчишиш ва уларнинг болалаш календарь муддатларини тўғри белгилаш, чорва моллари зотини бутун чоралар билан яхшилаш.

Жамоат чорвачилигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида олиб бориш молларни урчишиш ва бузоқ олиш, подани янгилаш, ёш молларни қандай вазнда ва ёшда гўштга топшириш режаларини уларнинг биологик хусусиятларига кўра тузишни тақозо этади. Чорва моллари улардан унумли фойдаланилгандан кейин ёки қариганлиги, зотининг пастлиги ва бошқа сабабларга кўра маҳсулдорлигини пасайтирганлиги ёхуд пастлиги учун подадан чиқарилади, брак қилинади. Пода нормал ҳолда ташкил қилинганда сигирлар ҳар йили ўртача 10-12% миқдорида брак қилиниши керак. Подани тўлдириш дейилгандан, брак қилинган моллар ўрнини тўлдириш учун молларни асосий подага ўтказиш тадбирлари тушунилади.

7-жадвал

### **Чорва турларининг биологик хусусиятлари**

	Қорамол	Чўчқа	Қўй	От	Куён
Бўғозлик даври, кун	240-320	110-130	242-156	310-410	28-35
Биринчи урчишиш ёши, ой	18-20	8-10	12-18	36-48	4-6
Куйикиш муддати, кун	21-28	28-21	13-20	16-27	-
Моллардан самарали фойдаланиш муддати, ой	8-12	4-5	5-6	12-15	3-5
Серпуштлиги, бош сони	1	6-16	1-3-5	1	6-9
Бир ёшли мол ва унинг туғилган вақтидаги вазни нисбати	1:8,5	1:130	1:18	1:7,5	-

Бунинг учун ёш моллар орасидан энг яхшилари танлаб олинади ва алоҳида парвариш қилинади. Улар мақсадга мувофиқ ёшга ва оғирликка етганда асосий подага ўтказилади. Чорва моллари шундай ишлаб чиқариш воситаларига кирадики, уларни, одатда, табиатан бир жойнинг ўзида кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Лекин бу хусусият бир табиий жойда жойлашган хўжаликларда чорвачиликни ихтисослаштиришни, меҳнат тақсимотини инкор қилмаган ҳолда ихтисослаштириш афзалликларидан подани такрор ишлаб чиқаришни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ фойдаланишни тақозо этади. Йирик сутчилик мажмуалари ва ихтисослашган сутчилик хўжаликлари тармоқни юқори классдаги сермаҳсул зотли сигирлар билан таъминлаш учун ҳисса қўшади. Подани такрор ишлаб чиқариш пода

тузилмасига ҳам бевосита боғлиқдир. Пода тузилмаси деганда, айрим жинс ва ёшдаги моллар гурухларининг маълум муддатларда умумий подадаги салмоғи тушунилади. Поданинг айрим ёш гурухлари маҳсулот етиштиришда турлича ўрин тутади, ем-хашак ва ишлаб чиқариш воситаларига турлича муносабатда бўлади. Пода тузилмаси шунга кўра олинадиган маҳсулот тури, таркиби ва сифатини, чорвачиликни ташкил қилиш харажатларини, унинг йўналишини белгилаб беради.

Маҳсулот етиштиришда она моллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлиги учун пода тузилмаси шу моллар салмоғига кўра белгиланади.

Масалан, йирик шаҳарлар ва саноат марказлари яқинида жойлашган сутчилик хўжаликларида подада сигирларнинг салмоғи 60-70%ни, сутгўшчилик хўжаликларида 45-50%ни, гўшчилик хўжаликларида 30-35%ни ташкил қиласиди.

Кўйчиликнинг гўшт жун йўналишида она қўйлар 55-60%ни ташкил қиласиди. Поданинг ҳақиқий ва мақсадга мувофиқ фоизи унинг рационал тузилишидир.

Пода тузилмасининг у ёки бу вариантга иқтисодий жиҳатдан баҳо беришда подадаги ҳар 100 бош мол ҳисобига маҳсулот етиштириш, маҳсулот бирлигига сарф қилинган ем-хашак, ем-хашак бирлиги қийматига етиштирилган маҳсулот, капитал сарфларнинг нисбий кўрсаткичларидан фойдаланилади. Чорвачилик фермаларида подани тақрор ишлаб чиқариш пода айланмаси сифатида режалаштирилади.

### **12.3. Пода айланмаси**

Пода айланмаси – молларни ишлаб чиқариш ва хўжалик ихтисосига кўра улар бош сонининг ёш ва жинс гурухлари бўйича маълум муддат давомида ўзгариб туришидир. (8-жадвал).

Пода айланмаси режаси турли тармоқларининг хусусиятига кўра турли хўжалик муддатларига – калнедарь йилига, яйлов ва оғилхона даврига, чорак (квартал) ва ойга тузилиши мумкин. Масалан, қорамолчиликда чорва молларининг ёши ва жинси бўйича ҳаракатини тўла ҳисобга олиш ва акс эттириш учун пода айланмасини йиллик ва чораклар бўйича тузиш кифоя.

Чўчқачилик нисбатан тез самара берувчи тармоқ, чучқалар эса сергўшт ҳайвон бўлгани учун бу тармоқдаги тез содир бўладиган ўзгаришларни акс эттириш учун пода айланмаси ойларга бўлинган ҳолда тузилади.

Пода айланмаси режасига муайян хўжаликларнинг ҳар хил табиий ва ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлари таъсир кўрсатади. Подадаги моллар сонининг йил давомидаги ўзгаришларини тўғри акс эттириш учун моллар жинси ва ёшига кўра гурухларга бўлинади.

Пода айланмасини тузишда ҳар бир чорвачилик тармоғи олдидағи мақсад ва вазифага кўра, энг самарали пода тузилиши белгиланади, чорва моллари маҳсулдорлиги режалаштирилади, асосий подани яхшилаш, молларни қочириш

ва бола олиш режасига кўра, ҳар 100 бош она мол ҳисобига олинадиган бузоқлар сони ҳисоблаб чиқилади. Поданинг ҳар бир ёш ва жинс гурухи бўйича таъмирдан ортиқ моллар миқдори аниқланади.

Семизлик даражаси етарли бўлса, тўппа-тўғри гўштга сотилиши ёки сўйилиши мумкин. Сигирлар гуруҳига ўтган ғунажинлар ўрни бир ёшдан катта бўлган бузоқлар ҳисобига тўлдирилади. Талаб қилинадиган ғунажинлар сони сигирларни бракка чиқариш салмоғига ва улар бош сонини ўстириш суръатига қараб пода тузилиши белгиланади. Масалан, сигирларни брак қилиш меъёри 12%, ўстириш суръати 3% белгиланган бўлса, сигирлар сонига нисбатан йил охирига чорва моллари сонини кўпайтириш ёки ўзгартирмай сақлаб қолиш чорва молларининг маҳсулдорлик даражасига боғлиқ. Чорва моллари маҳсулдорлиги юқори даражага етмаган бўлса, чорвачилик маҳсулотларини моллар сонини ўстириш ҳисобига кўпайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Бундай ҳолда чорва молларини кўпайтиришнинг асосий йули чорва молларини сермаҳсул моллар билан алмаштириш, молларни боқиш ва асрashни яхшилашдир. Маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг бу усулида чорва бинолари ва машина-ускуналарга, ем-хашак ва иш кучларига бўлган талаб қисқаради. Чорвачиликни ривожлантиришнинг бу хусусиятлари ҳар бир корхонада пода айланмаси режасини тузишда эътиборга олиниши шарт. Подада айланмаси кирим қисмининг «бузоқ олиш» қаторида молларни қочириш ва бузоқ олиш режасига кўра, режалаштириладиган йилда сигирлар, ғунажинлар ва бузоқлардан олинадиган бузоқлар кўрсатилади. Бир ёшдан катта новвослар ҳисобидан урчишишга қўйиладиган бузоқларнинг бракка чиқариладиганлари ўрни тўлдиради. Чорва молларининг бошқа гуруҳларида подани янгилаш учун қолдириладиган моллардан ташқари моллар подадан чиқарилади. Чорвачиликнинг ҳар бир тури бўйича тузиладиган пода айланмаси мазкур чорвачилик тармоғининг ишлаб чиқариш дастурини ташкил қилиб, подада айланмаси режасига мувофиқ машина ускуналари талаб этилади ва режалаштирилади.

#### **12.4. Ем-хашак режаси ва ем-хашак баланси**

Турли чорва молларини боқиш тартиби мамлакатимизнинг у ёки бу зонасидаги мавжуд ем-хашак турларига, уларни етиштириш усулларига, чорва молларини асрash ҳамда тармоқнинг интенсивлик даражасига кўра белгиланади. Чорвачиликда фойдаланиладиган ем-хашаклар турли хилларга бўлинади. Ем-хашаклар асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ёки уни қайта ишлашдан ҳосил қилинади. Ҳайвон маҳсулотларидан тайёрланадиган озиққа сут ва унинг чиқиндилари – гўшт, балиқ, суяк унлари ва бошқа чорвачилик чиқиндиларидан тайёрланган озиқларга суяк уни, фосфор, ҳар хил тузлар ва таркибида турли микро элементлар бўлган емлар киради.

Ҳар бир қишлоқ хўжалик зонаси ва корхонасида ем-хашак етиштиришни тўғри ташкил қилиш ва чорванинг озиқ базасини мустаҳкамлаш, чорва

молларини озиқлантиришни мақсадга мувофиқ ташкил қилишнинг асосий шарти чорва рационида моллар ўзлаштириши учун зарур ҳамма моддалар мавжуд бўлган ем-хашаклар оптимал тартибини танлаб олиш ва маҳсулот бирлигига энг кам озиқ бирлиги сарфлашдир. Озиқ рациони чорва молларига бериладиган ем-хашак турларини ва уларнинг озиқ меъёридаги салмоғини ифода қиласи. Озиқ рациони ҳар бир чорва тури бўйича ҳар қайси корхонанинг ўзига хос хусусиятларини, яъни ем-хашак турлари, уларни етиштириш усуслари ва йўллари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Озиқ рациони чорва молларининг биологик эҳтиёжларини тўла қондириш ва ем- хашак сарфига чорва молларини асраш усуслари ва моллар маҳсулдорлиги катта таъсир қиласи. Маҳсулдорлик қанчалик катта бўлса, маҳсулот бирлигига шунчалик кам ем-хашак сарфланади.

Чунки чорва молларининг ҳаётини сақлаб туриш учун талаб қилинадиган ем бўлса, у шунча кўп маҳсулот ўсишига тақсим қилинади. Масалан, сигирлардан 2000 кг. сут олинганда 1 кг. Сут етиштириш учун 1,4

## Қорамолчилик бўйича пода айланмаси

Чорва молларин инг сони, ёши ва жинси бўйича	Йил бошига				Кирим				Чиқим								Йил охирига		Ўртача ўйллик сони тутхаллик ўсип	Ўстирилган вазн тутхаллик тузилиши						
	Бош сони пода	Тузилиши	1 бошнинг ўртача оғирлиги		Жами оғирлик, ц	Бузоқ олиш		Сотиб олиш		бошқа гурӯхла рга ўтказиш	гўштга сотиш	бошқа турдаг и сотиш	захира табиий йўқоти ш	Бош сони оғирлиги	Оғирлиги											
			кич гр.	насли		Фойда - ланув чи	Бош сони	Оғирлиги	Бош сони	Оғирлиги	Бош сони	Оғирлиги	Бош сони	Оғирлиги	Бош сони оғирлиги	Оғирлиги										
2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	
Буқалар	1	0,12	750	30	3	18	2	15					1	75 0	7,5						8	60	6	-	-	0,2
Сигирлар	122 0	368	460	5612	235 Қ10	785			6	27, 6	73	248	23	46 0	33 6					132 5	6095	273	-	-	40	
/унажинла р	235	7,09	330	775, 5	165	504					235	910	5							166	548	202	500	271	5	
1981 йил туғилган бузоқлар	81	2433 0	267								166 Қ10	534	19 7	38 0	74 9				2	6	-	-	8	500	33	-
19982 йил туғилган бузоқлар	375	11,3	300	1125									24 9	20 0	49 8				3	6	-	-	54	550	258	-

	1983 йил туғилған бузоқлар	517	15,6	110	569											11 2	10 0		12	10	265	530	393	450	459	8
	1984 йил туғилған бузоқлар	-	-	30		766	230				3	18	25 6	47 0	12 03			3	9	642	713	704	430	583	19, 4	
	1985 йил туғилған новвослар	259	7,8	360	933								25 8	34 4	90 1	15 8	15 0	13	12 4	-	-	22	600	288	-	
	1983 йил туғилған новвослар	526	15,9	120	631													261	897	396	600	116 7	116 8			
0	1984 йил туғилған новвослар	-	-	30	-	780	234											609	700	634	430	616	184			
1	Бокувдаги кatta моллар	95	2,9	340	23	3	48						35	75	06				3	15	4	00	0			
2	Иш хайвонлар и																									
3	Подадаги жами қорамолла р сони	331 2	100	x	1026 5	2035	201 9	2	15	6	27 6	489 0	171 49	12 x	45 01	27 0	25 0	35 35	50 50	331 2	9660 2	373 x	362 5	100		

кг. озиқ бирлиги, 125 гр. оқсил модда, 3000 кг. сут олинганда 1,14 кг. озиқ бирлиги сарфланади. Айрим турдаги ем-хашакка, ширави озиқ, сувли, дағал ва күк озиққага бўлган талаб шу турдаги чорва моли учун қабул қилинган рациондаги унинг салмоғига кўпайтирилади. Юқоридаги мисолда сигирлар учун қабул қилинган рациондаги ширави озиқлар 22%ни ташкил қилиши керак бўлганда режалаштирилган маҳсулот учун талаб қилинадиган ширави озиқларнинг умумий ҳажми 9029 ц.ни (41041x22:100) ташкил қиласди.

Зарур ем-хашак талабининг умумий миқдори аниқлангач, ем-хашак баланси тузилади. Балансда ем-хашакнинг ҳамма турлари кўрсатилади. Балансда ем-хашаклар жисмоний ҳолидагина эмас, балки озиқ турлаларида ва ўзлаштириладиган оқсил моддалари тарзида ҳам ҳисобга олинади.

### **Қисқача хulosалар**

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қарийб ярмини беради.

Республикада чорвачиликни ривожлантириш даражаси етарли эмас, самарадорлиги паст, аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаби ҳали етарли қондирилаётгани йўқ.

Чорвачиликни турлича юритиш тизими мавжуд бўлиб, у ёки бу тизимни қўллаш корхонанинг иқтисодий мавқеига, чорвачиликнинг хусусиятига боғлиқ. Чорвачиликни юритиш тизимининг асосини унинг озуқа базаси, ем-хашак этиштириш ташкил этади.

Пода тузилиши, пода айланмаси, ем-хашак талаби чорвачиликни ташкил қилишнинг асосий элементидир.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Чорвачиликни юритиш тизими ва унинг элементлари нималардан иборат?
2. Чорвачилик тизимининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
3. Чорвачилик тизимиға қандай кўрсаткичлар билан баҳо берилади?
4. Чорвачиликда қандай пода айланмаси тузилади?
5. Чорва молларининг маҳсулдорлиги қандай режалаштирилади?
6. Чорванинг ем-хашакка булган талаби ва ем-хашак баланси қандай тузилади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». -Т., 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги коперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни. -Т., 1998.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. - Т., 1998.
4. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи -Т., 1998.
5. Ҳамдамов Қ. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш (1-қисм. Амалий машғулотлар учун) –Т.: ТДИУ, 2003.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонуни. -Т., 1991.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида»ги қонуни. -Т., 1991.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. -Т.: Иқтисод ва хуқуқ, 1999.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. -Т., 1998.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни - Т., 1998.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси». -Т., 1999.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». -Т., 1998.
8. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – фаровонлик манбаи -Т.: Ўзбекистон 1994.
9. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўқис ҳаёт манбаи. -Т., 1998.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т., 1999.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
12. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш–фаровонлик манбаи. Сайланма асарлар, I том. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
13. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 30 август.
14. Каримов И.А. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги тадбирлари. Сайланма асарлар, 9-том. -Т., 2001.
15. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. Сайланма асарлар. 9-том. -Т., 2001.
16. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқи. 2002 йил. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 21 февраль.
17. Кэмбелл Р., Макконелл, Стенли Л. Брю. Экономикс. Гл. 3. стр. 54-60. -М.: Республика, 1992.
18. Америка иқтисоди асослари. -Т., 2001.
19. Бернли Хилл. Иқтисодга кириш. Қишлоқ хўжалиги ўқув юртлари учун дарслик, 6-боб. -Т.: Мехнат, 1998.
20. Жалилов Х., Ҳамдамов Қ., Закиров О. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва планлаштириш. -Т.: Мехнат, 1986.
21. Ҳамдамов Қ.С. Қишлоқ хўжалиги хусусиятлари, иқтисодни эркинлаштириш ва бозор муносабатлари. Ўзбекистонда деҳқон ва фермер

хўжаликларининг мева-сабзавотларини экспорт қилиш: эришилган натижалар ва ривожланиш истиқболлари. Илмий мақолалар тўплами. -Т., 2002.

22. Ҳамдамов Қ., Маҳмудов Э. Янгича йўллар: муваффакиятлар ва муаммолар. -Т.: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2001, 6-сон.
23. Ҳамдамов Қ. Қишлоқ хўжалигини эркинлаштириш ва ривожлантиришнинг янгича (инновацион) йўли: ютуқ ва муаммолар. -Т.: ТДИУ, илмий тўплам, 2002.
24. Ҳамдамов Қ. Қишлоқда тадбиркорликни ривожлантиришга янгича ёндашув. «Фарғона ҳаёти» газетаси. 2002, 5, 7, 12, 14 март сонлари.
25. Ҳусанов Р., Ҳамдамов Д. Муқобил машина-трактор парклари (ММТП). -Т., 2001.
26. Ҳамдамов Қ. и др. Курсом реформ. (материалъ научной конференции) газета Деловой партнер Узбекистана, 15 март 2001.
27. Ҳамдамов Қ. Дехқон эркин ва маъсулиятли бўлсин. «Қишлоқ ҳаёти» газетаси, 2001 йил 26 апрель.
28. Ҳусанов Р. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оила (жамоа) пудрати. -Т., 1999.
29. Ҳамдамов Қ., Маҳмадиев У., Абдуллаев Р. Ўсимликчиликда оила пудрати, чорвачиликда ижара муносабатлари ва ялпи даромаддан ҳақ тўлаш. -Т.: 1991.
30. Ҳамдамов Қ. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш (амалий машғулотлар учун). -Т.: ТДИУ, 2003.
31. Уильям Ф. и др. Инвестиции. гл.21. -М., 1997.
32. Макаревич Л.М. Бизнес-план для иностранного инвестора. -М.: Финпресс, 1998.
33. Мамутова Х.М. Стратегическое планирование (учеб.пособие). Фергана, КУНПИП, 2000.
34. Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов и их отбору для финансирования. -М., 1994.
35. Справочник по оплате труда в Республике Узбекистан, -Т.: Адолат, 1993.
36. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасини 1999 йил 5 февралдаги қабул қилган 54-сонли қарори.
37. Оила (жамоа) пудратчиларига ер майдонларини узоқ муддатга бириктириб бериш ва улардан самарали фойдаланиш механизmlари ҳақида. Тавсия. -Т., 2000.
38. Ширкат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхонларида оила (жамоа) ва бошқа ички хўжалик бўлинмалари билан ҳисоб-китоб қилиш, чек дафтарчаларидан фойдаланиш тартиби. Тавсиялар. -Т., 1999.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	
І БОБ. «ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ» ФАНИНИГ МАЗМУНИ ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ....	
1.1. Қишлоқ хўжалигининг жамиятда тутган ўрни ва вазифалари.....	
1.2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари.....	
1.3. «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш» фанининг мазмуни ва бошқа фанлар ўртасида тутган ўрни....	
1.4. «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш» фанининг услубияти ва ўрганиш усуллари.....	
Қисқача	
хуносалар.....	
Назорат ва муҳокама учун	
саволлар.....	
Адабиётлар	
рўйхати.....	
II БОБ. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ- ИҚТИСОДИЙ	
АСОСЛАРИ.....	
2.1. Корхоналар, уларнинг умумийлиги ва ўзига хос хусусиятлари.....	
2.2. Мулк муносабатлари ва корхоналарнинг турли-туманлиги ҳамда ташкилий-иқтисодий	
асослари.....	
а) Кооператив (ширкат) хўжалиги.....	
б) Фермер	
хўжалиги.....	
в) Деҳқон	
хўжалиги.....	
Қисқача	
хуносалар.....	
Назорат ва муҳокама учун	
саволлар.....	
Адабиётлар	
рўйхати.....	
III БОБ. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА ТАРМОҚЛАРНИ ЎЗАРО БО/ЛАБ БОРИШ.....	
3.1. "Тармоқлар" ва "ихтисослаштириш" тушунчалари. Ихтисослаштириш кўрсаткичлари.....	
3.2. Ихтисослаштиришга таъсир этувчи омиллар ва ихтисослаштириш	

шакллари .....	.....
3.3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида тармоқ таркиби ва тармоқларни боғлаб бориш	
талаблари.....	
3.4. Корхонанинг мақсадга мувофиқ тармоқ таркибини шакллантириш....	
Қисқача	
хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун	
саволлар.....	
Адабиётлар	
рўйхати.....	
<b>IV БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЛИНМАЛАРИ ҲАЖМИ.....</b>	
4.1. "Ишлаб чиқариш концентрацияси" ва "корхоналар ҳажми"	
тушунчаси.....	
4.2. Корхоналарнинг ҳажми кўрсаткичлари. Корхона, унинг ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар.....	
4.3. "Корхоналарнинг мақсадга мувофиқ ҳажми" тушунчаси. Уларнинг мақсадга мувофиқ ҳажмини аниқлаш	
усуллари.....	
Қисқача	
хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун	
саволлар.....	
Адабиётлар	
рўйхати.....	
<b>V БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ ЕР ҲУДУДИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.....</b>	
5.1. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар – ишлаб чиқариш воситаси. "Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар" тушунчаси ва бундай ерларнинг турланиши.....	
5.2. Корхона ер ҳудудини ташкил этиш тамойиллари .....	
5.3. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни ташкил этиш ва жойлаштириш.	
5.4. Аҳоли яшайдиган пунктларни ташкил этиш ва жойлаштириш.....	
Қисқача	
хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун	
саволлар.....	
Адабиётлар	
рўйхати.....	
<b>VI БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ</b>	

ВОСИТАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	.....
6.1. "Ишлаб чиқариш воситалари" тушунчаси ва бундай воситаларнинг таркиби. Ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш кўрсаткичлари.....	
6.2. Ишлаб чиқариш воситаларини такрор ҳосил қилиш.....	
Амортизация фонди ва уни ташкил этиш.....	
6.3. Машиналар тизими ва корхонанинг машина ҳамда ускуналарга бўлган талабини аниқлаш.....	
6.4. Машиналар таъмири ва техник қаровларини ташкил қилиш. Нефть маҳсулотларига бўлган талабни аниқлаш.....	
Қисқача хуносалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Адабиётлар рўйхати.....	
<b>VII БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ИЧКИ ХЎЖАЛИК РЕЖАЛАШТИРИШ.....</b>	
7.1. Ички хўжалик режалаштиришнинг асосий тамойиллари ва вазифалари.....	
7.2. Ички хўжалик режалаштириш тизими ва қишлоқ хўжалик корхоналарига бериладиган давлат буюртмалари.....	
7.3. Жорий ёки йиллик режалар.....	
7.4. Тезкор ёки иш режалари.....	
Қисқача хуносалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Адабиётлар рўйхати.....	
<b>VIII БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ.....</b>	
8.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш тамойиллари ва вазифалари.....	
8.2. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизими.....	

8.3. Ўсимчилик ва чорвачилик ишларида меҳнатга ҳақ тўлаш.....	
8.4. Тракторчи-машинистларга ҳақ тўлаш	
хусусиятлари.....	
8.5. Раҳбар ва мутахассисларга иш ҳақи	
тўлаш.....	
Қисқача	
хуносалар.....	
Назорат ва муҳокама учун	
саволлар.....	
Адабиётлар	
рўйхати.....	
<b>IX БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ</b>	
<b>(ИШЛАР, ХИЗМАТ)ЛАР</b>	
<b>ТАННАРХИ.....</b>	
9.1. "Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулоти таннархи" тушунчаси....	
9.2. Харажатлар таркиби ва	
гурухлари.....	
9.3. Маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш, калькуляция қилиш.....	
9.4. Фойда ва	
рентабеллик.....	
Қисқача	
хуносалар.....	
Назорат ва муҳокама учун	
саволлар.....	
Адабиётлар	
рўйхати.....	
<b>X БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ХЎЖАЛИК</b>	
<b>ҲИСОБИ.....</b>	
.....	
10.1. "Хўжалик ҳисоби" тушунчаси, моҳияти ва тамойиллари.....	
10.2. Умумхўжалик	
ҳисоби.....	
10.3. Ички хўжалик	
ҳисоби.....	
Қисқача	
хуносалар.....	
Назорат ва муҳокама учун	
саволлар.....	
Адабиётлар	
рўйхати.....	
<b>XI БОБ. ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ</b>	
<b>ТАШКИЛ</b>	
<b>ЭТИШ.....</b>	

11.1. Дәхқончилик	
ТИЗИМИ.....	
11.2. Ығеі ғаेәйеаде тузилиши ға ғәіләөеа үғеө.....	
11.3. Қишлоқ хұжалик әқинлари ҳосилдорлигини режалаштириш.....	
11.4. Дәхқончиликда иш жараёнларини ташкил қилиш.....	
Қисқача	
хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Адабиётлар рўйхати.....	
<b>ХІ БОБ. ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.....</b>	
12.1. Чорвачилик	
ТИЗИМИ.....	
12.2. Подани такрор ишлаб чиқариш.....	
12.3. Пода айланмаси.....	
12.4. Ем-хашак режаси ва ем-хашак баланси.....	
Қисқача	
хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Адабиётлар рўйхати.....	
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	

## CONTENTS

Introduction.....	3
<b>PART-I. MEANING AND METHODS OF STUDYING OF MANAGEMENT OF THE ACTIVITY OF AGRICULTURAL ORGANIZATIONS" COURSE.....</b>	<b>5</b>
1.1.Role and tasks of agriculture in the society.....	5
1.2. Characteristics of production in agriculture.....	6
1.3. Meaning of the course of "Management of the activity of agricultural organizations" and its place among other courses.....	9
1.4.Methodology and methods of studying of " Management of the activity of agricultural organizations" course.....	11
Brief conclusions.....	13
Questions for discussion and control.....	13
Main literature.....	14
<b>Part-II. ORGANIZATIONAL-ECONOMICAL BASIS OF AGRICULTURAL ORGANIZATIONS.....</b>	<b>15</b>
2.1. Organizations, their generalization and characteristics.....	15
2.2. Property types.....	15
a) Cooperative household.....	16
b) Farmer household.....	17
c)Peasant household.....	19
Brief conclusions.....	21
Questions for discussion and control.....	21
Main literature.....	22
<b>Part-III. MAJORING AGRICULTURAL ORGANIZATIONS AND CONNECTING THE BRANCHES.....</b>	<b>23</b>
3.1. Meaning of branches and majoring.....	23
3.2. Factors effecting majoring and ways of majoring.....	25
3.3. Structure of agricultural organizations and the demand of connecting branches.....	29
3.4.The development of organization's branches.....	33
Brief conclusions.....	35
Questions for discussion and control.....	35
Main literature.....	35
<b>Part-IV. AGRICULTURAL ORGANIZATIONS AND THEIR PRODUCTION VOLUME.....</b>	<b>36</b>
4.1. Production concentration and the essence of volume of a firm.....	36
4.2.Indicators of organizations volume. Organization, factors effecting its production volume.....	37
4.3. Required size of organizations. Estimation of their required volume.....	40

Brief conclusions.....	42
Questions for discussion and control.....	43
Main literature.....	43
Part-V. Organizing location place of agricultural organizations.....	44
5.1. Land- production resource in agriculture. Fertile lands of agriculture and their divisions.....	44
5.2. Principles of organizing location of an organization.....	46
5.3.Organisation of fertile lands for agriculture and their placement ....	47
5.4. Organizing living places for people and their placement.....	49
Brief conclusions.....	52
Questions for discussion and control.....	53
Main literature.....	53
Part-VI. ORGANIZING PRODUCTION TOOLS IN AGRICULTURAL ORGANIZATIONS AND THEIR USAGE.....	54
6.1.The meaning of production tools and their structure. Indicators of production tools usage.....	54
6.2. Recreation of production tools. Amortization fund and organizing it.	56
6.3. Machinery system and determination of demand of a company for machinery and tools.....	58
6.4.Organization of machinery fixing and technical inspection	
Determination of demand for oil products.....	64
Brief conclusions.....	67
Questions for discussion and control.....	67
Main literature.....	68
Part-VII. INTERNAL PLANNING OF AGRICULTURAL PRODUCTS.	69
7.1. Main trends and tasks of internal household planning.....	69
7.2. System of internal household planning and governmental orders for agricultural organizations.....	71
7.3. Annual planning.....	80
7.4. Operative or work planning.....	81
Brief conclusions.....	83
Questions for discussion and control.....	83
Main literature.....	83
Part-VIII. PAYMENT FOR LABOR IN AGRICULTURAL ORGANIZATIONS.....	85
8.1.Principles and tasks of payments .....	85
8.2. Structure and systems of payments.....	87
8.3. Payments in growing crops and herd breeding .....	89
8.4. Payments for tractor and machinery users.....	97
8.5. Payments for managers and specialists.....	99
Brief conclusions.....	103
Questions for discussion and control.....	103
Main literature.....	103

<b>Part-IX. PRODUCTION EXPENDITURES AND PRODUCTION COST.....</b>	<b>105</b>
9.1.Production expenditures and meaning of production cost.....	105
9.2. Structure and groups of expenditure.....	107
9.3.Calculation of production cost.....	110
9.4.Profit and profitability.....	116
Brief conclusions.....	119
Questions for discussion and control.....	120
Main literature.....	120
<b>Part-X. HOUSEHOLD ACCOUNTING IN AGRICULTURAL ORGANIZATIONS.....</b>	<b>121</b>
10.1. Principles, essence and meaning of household account.....	121
10.2. General household account.....	125
10.3.Internal household account.....	126
Brief conclusions.....	128
Questions for discussion and control.....	129
Main literature.....	129
<b>Part-XI. ORGANIZATION OF PRODUCTION IN PEASANTRY.....</b>	<b>130</b>
11.1.Systems of peasantry.....	130
11.2.Structure of planting lands and annual planting of different crops year.....	134
11.3.Planning of the efficiency of agricultural lands .....	137
11.4.Organization of working process in peasantry.....	139
Brief conclusions.....	147
Questions for discussion and control.....	147
Main literature.....	147
<b>Part-XII. ORGANIZATION OF PRODUCTION IN CATTLE-BREEDING FARMS.....</b>	<b>148</b>
12.1.Cattle-breeding system.....	148
12.2.Reproduction of the herd.....	151
12.3.Turnover of the herd.....	153
12.4.Plan of hay for animals and the balance of yaw.....	154
Brief conclusions.....	155
Questions for discussion and control.....	155
Main literature.....	156
<b>LIST OF BIBLIOGRAPHY.....</b>	<b>159</b>

**ҚОСИМЖОН ҲАМДАМОВ СОЛИЕВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ**

(Үқув қўлланма)

Мухаррир – Д.Икромова;  
Техник мухаррир – Ш.Тожиев;  
Мусахҳих – Ж.Йўлдошев;  
Компьютерда саҳифаловчи – Д.Иномов.